

**ГУЛЯМОВ САИДАҲРОР САИДАҲМЕДОВИЧ**

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА  
БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**С.С. ГУЛЯМОВ, Р.Х. АЮПОВ, О.М. АБДУЛЛАЕВ,  
Г.Р. БАЛТАБАЕВА**

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА БЛОКЧЕЙН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
Ўқув қўлланма**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2018 йил 07 декабрдаги 1000-сонли буйргуга асосан нашрга тавсия  
этилган*

*Гувоҳноманинг руйҳатга олинган рақами 1000-146*

**Тошкент - 2019**

**С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева.** Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашириёти, 2019, 447 бет.

**Ўқув қўлланма Давлат Статистика Кўмитаси Малака ошириши ва статистик изланишлар маркази “АҚТ ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг академиги, иқтисод фанлари доктори, профессор С. С. Гулямов таҳрири остида ёзилган.**

Дикқатингизга ҳавола этилаётган ўқув қўлланма ҳозирги пайтда тезкорлик билан ривожланаётган ва бир қанча шов-шувларга сабаб бўлаётган рақамли иқтисодиёт соҳасига ва унинг инфратузилмасини тавсифлашга бағищланган. Унда рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлган муаммолар билан боғлиқ масалалар, рақамли иқтисодиётта ўтиш механизми, криптографиянинг муҳим элементи бўлган хешлаштириш функциялари ҳақида бир қанча маълумотлар берилган. Ундан сўнг, криптографиядан рақамли валюталарга ўтиш мантиқи, криптовалюталарнинг асосий турлари ва уларнинг хоссалари баён этилган. Турли ҳилдаги лойиҳаларга инвеститсиялар жалб қилиш учун ишлатиладиган ИСО ҳақида тушунча ва унинг моҳияти кўрсатилган. Ўқув қўлланма охирида криптовалюталар бўйича бир қанча саволларга жавоблар ва глоссарий берилганки, улар ёрдамида бу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш мумкин бўлади. Қўлланма олий таълимнинг бакалавр ва магистр мутахассисликларида таълим олаётган талабаларга тавсия этилиб, шу йўналишда тадқиқот ишлари олиб бораётган банк-молия ва илмий ходимларга ҳамда криптовалюта соҳасидаги инноватсиялар билан қизиқкан барча тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши учун мўлжалланган.

### **Тақризчилар:**

Шермуҳамедов А.Т. –ф-м.ф.д., Плеханов номидаги Москва давлат университети профессори,

Кенжабоев А.Т. - и.ф.д., ТМИ “Эконометрика ва рақамли иқтисодиёт” кафедраси профессори

Кўчқоров Т.С. – и.ф.д., Ал-Ҳоразмий номидаги ТАТУ дотсенти

Жуковская И.Е. – и.ф.н., ТДИУ “Ахборот тизимлари ва технологиялари” кафедраси доценти

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>6</b>
И-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА .....	18
<b>1.1. Рақамли иқтисодиёт тушунчаси, мақсади ва вазифалари</b>	<b>18</b>
<b>1.2. Рақамли иқтисодиётнинг таърифи ва тавсифи.....</b>	<b>32</b>
<b>1.3. Рақамли иқтисодиётнинг ижобий ва салбий томонлари</b>	<b>39</b>
<b>1.4. Рақамли иқтисодиётнинг асосий қўрсатгичлари .....</b>	<b>47</b>
2-БОБ. ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР САЛОҲИЁТИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИННИГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА.....	70
<b>2.1. Кадрлар салоҳияти - рақамли иқтисодиётнинг асосий омили.....</b>	<b>71</b>
<b>2.2. Рақамли иқтисодиёт кадрларини нималарга ўқитши керак</b>	<b>79</b>
<b>2.3. Рақамли иқтисодиётнинг таълим мухитини шакллантириши .....</b>	<b>88</b>
<b>2.4. Рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси.....</b>	<b>100</b>
3-БОБ. БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ.....	120
<b>3.1. Блокчейн қандай яратилади.....</b>	<b>120</b>
<b>3.2. Блокчайнда тармоқ ҳавфсизлиги масалалари .....</b>	<b>129</b>
<b>3.3. Блокчайнда молиявий ҳизматлар сектори қандай ўзгаради</b>	<b>135</b>
<b>3.4. Очиқ тармоқ корхоналарининг бизнес-моделлари.....</b>	<b>146</b>
4-БОБ. ЯНГИ РАҚАМЛИ ДУНЁНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАВСИФИ .....	164
<b>4.1. Биткоин блокчейни ҳақида тушунча.....</b>	<b>164</b>
<b>4.2. Майнерларнинг рақамли иқтисодётдаги аҳамияти .....</b>	<b>178</b>

<b>4.3. Криптовалюталар – янги рақамли иқтисодиёт активи сифатида.....</b>	<b>184</b>
<b>4.4. Ўзбекистон рақамли иқтисодиётида банкларнинг роли 198</b>	
<b>5-БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ .205</b>	
<b>5.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликдаги рақамли инновациялар .....</b>	<b>205</b>
<b>5.2. Билимларга асосланган рақамли иқтисодиёт .....</b>	<b>211</b>
<b>5.3. Кичик бизнес ва тадбиркорликда рақамли иқтисодиёт .219</b>	
<b>5.4. Таълим бизнесида рақамли инновацион технологиялар230</b>	
<b>5.5. Кичик бизнесда инновацион 3Д-принтерларнинг қўлланилиши.....</b>	<b>251</b>
<b>6-БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА МА"ЛУМОТЛАР ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....</b>	<b>256</b>
<b>6.1. Криптография ва криptoанализ.....</b>	<b>256</b>
<b>6.2. Маълумотларнинг элестрон ҳимояси.....</b>	<b>268</b>
<b>6.3. Електрон имзо ҳақида тушунча.....</b>	<b>274</b>
<b>7-БОБ. КРИПТОВАЛЮТАЛАР ВА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНТСИЯЛАРИ .....</b>	<b>284</b>
<b>7.1.Криптовалюталарнинг ривожланиши жаражони.....</b>	<b>284</b>
<b>7.2. Криптовалюталар ва тўлов тизимлари.....</b>	<b>290</b>
<b>7.3. Блокчейн технологиялари ва смарт контрактлар .....</b>	<b>295</b>
<b>7.4. Турли кўринишдаги криптовалюталарнинг тавсифи 309</b>	
<b>8-БОБ. КРИПТОВАЛЮТАЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШI .....</b>	<b>318</b>
<b>8.1. Криптовалюталардан фойдаланиш муаммолари.....</b>	<b>318</b>
<b>8.2. Реал иқтисодиётда ИСО ларнинг ишлатилиши.....</b>	<b>327</b>
<b>8.3. Инвеститсиялар ва криптовалюталар.....</b>	<b>335</b>
<b>8.4. Криптовалюта алмашинув пунктлари ва биржалари ...</b>	<b>341</b>
<b>8.5. Криптовалюталар бозорининг келаҗак истиқболлари..</b>	<b>352</b>
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>365</b>
<b>Рақамли иқтисодиёт бўйича савол ва жавоблар.....</b>	<b>373</b>

<i>Атамалар ва уларнинг маъноси .....</i>	<b>412</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>438</b>
<i>Фойдаланилган адабиётлар руйҳати .....</i>	<b>443</b>

## КИРИШ

Хозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисоднинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди: “*Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида Янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий контсептситаси”ни ишилаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириши, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда.* Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиши бўйича “йўл ҳаритаси”ни ишилаб чиқиши топширилади. Бу борада ахборот ҳавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур”. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “*Aхборот технологиялари ва kommunikatsiyalari соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги Фармонини ижро этиш борасида<sup>1</sup>, шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот

---

<sup>1</sup>O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldaggi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantrish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Farmoni

ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиши ва янада ривожлантириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди, ҳамда ЎзР Президентининг ПҚ-3832 03.07.2018 даги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин. Ушбу қарор бўйича қўйидагилар рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар деб кўрсатилган:

- Инвеститсия ва тадбиркорликни диверсификатсия қилиш учун криptoактивлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан, майнинг, смарт контракт, консалтинг, эмиссия, айрибошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фундинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, блокчейн технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш.
- Блокчейн технологияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалий иш кўникмаларига эга бўлган малакали кадркарни тайёрлаш.
- Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инноватсион ғоялар, технологииялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.
- Криptoактивлар бўйича фаолият ва блокчейн технологиялари соҳасида ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали ҳорижлик мутаҳассисларни жалб қилиш.
- Ҳориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда блокчетн технологиияларини жорий этиш учун ҳуқуқий база яратиш<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> O’zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3832 03.07.2018dagi “O’zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodni rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi qarori

Юқоридаги фармон ва қарорларнинг муваффақиятли бажарилиши учун рақамли иқтисодиётнинг моҳияти нима ва унинг асосий тишуңчали нималардан иборатлиги пишиқ-пуҳта билиб олиш талаб қилинади. Ушбу қизиқарли ва жозибали рақамли иқтисодиёт соҳасига саёҳатимизни бошлишдан аввал ахборотлашган жамият ва у билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча асосий тушунчалар билан яқиндан танишиб чиқишга ҳаракат қиласиз. Чунки шундагина ушбу рисолада акс эттирилган масала, муаммо ва контсептсияларни тўғри тушуниш мумкин бўлади. Қисқа ва лўнда қилиб айтганда, *рақамли иқтисодиёт* – бу жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникатсион технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир. Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш обьекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки тсивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йилаввалгина бошланган. “*Рақамли иқтисодиёт*” атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик сотсиолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг “*Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият*” номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “*Янги рақамли иқтисодиёти*” турли хилатамалар билан номланади. Масалан, “*постиндустриал иқтисодиёт*” (Д.Белл), “*ахборотлашган иқтисодиёт*” (О.Тоффлер), “*мегаиқтисодиёт*” (В.Кувалдин), “*ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт*” (И.Ниинилуто), “*техноиқтисодиёт ёки рақамли*

*иқтисодиёт*” (Б.Гейтс), “*билимларга асосланган иқтисодиёт*” (Д.Тапскотт).

Ушбу тушунчаларни боғлаб турадиган омил – бу иқтисодий жараёнларнинг глобаллашув жараёнида ахборот технологияларининг бирламчи ўринни эгаллаши бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт ҳақида сўз борар экан, ахборотлашган жамиятга таъриф бериб ўтиш ўринлидир. Ахборотлашган жамият деб, унда фаолият юритаётган кишиларнинг кўп қисми ахборотни, айникса, унинг энг олий шакли бўлган билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўлган жамиятга айтилади. Жамият ва иқтисодиёт ривожланишининг бу босқичига жамият ҳаётида ахборот, билим ва ахборот технологиялари аҳамиятининг янада ошиши хосдир. Рақамли иқтисодиёт устивор бўлган ахборотлашган жамиятга таъриф беришда иқтисодчилар турли технологик, иқтисодий, меҳнат, фазовий, истеъмол ва креатив мезонлардан фойдаланадилар. Қуйида уларни ҳар бирини батафсилроқ равишда кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

1. *Технологик мезон.* Янги технологиялар ахборотлашган жамиятнинг туғилиш белгиси деб қабул қилинади. Бунда кабелли ва йўлдош орқали телевидение, компьютер тармоқлари, шахсий компьютерлар, янги офис технологиялари ва бошқалар назарда тутилади. Технологик янгиликларнинг бундай ҳажми ижтимоий қайта қуришга олиб келади деб тасавур қилинади, чунки уларнинг жамиятга таъсири жуда ҳам сезиларли даражада бўлади. Японияда алоқа ва телекоммуникатсия вазирлиги 1975-йилдан бошлаб, телефон орқали сўзлашувлар, ахборотни етказиб бериш воситалари ҳажмини ўлчаш, ҳисобга олиш учун мураккаб техникадан фойдаланади.

Технологик мезонга қарши қуидаги эътиrozлар олға сурилади:

- жамиятда ахборот-коммуникатсия технологиялари ҳажмини ўлчашнинг оқилона бирлиги мавжуд эмаслиги;
- технологик даража кўрсаткичидаги жамиятни ахборотлашган деб аташ мумкин бўлган нуқтани аниқлашнинг қийматли ечими топилмаганлиги муаммоси;
- технологиялар ижтимоий соҳадан ажралмасдир, улар ижтимоийликнинг

таркибий қисми ҳисобланади.

Мисол учун, у ёки бу тадқиқотлар ва илмий ишланмалар масаласида қабул қилинадиган қарорлар ижтимоий устуворликларни ифодалайди ва бу баҳоловчимулоҳазалар асосида турли технологиялар ривожланади. Технологик детерминизм технологияга асоссиз муҳим ўрин ажратиб беради, лекин технология ноижтимоий ҳодиса сифатида жамият ривожланишининг асосий, ижтимоий омили бўлиб ҳизмат қила олмайди.

2. *Иқтисодий мезон* эса ахборотнинг иқтисодий қадр-қиммати ўсишини ҳисобга олишни назарда тутади. Ялпи ишлаб чиқаришнинг ички маҳсулотида ахборот бизнеси улушининг қўпайиши жамият ривожланишининг ахборотлашган жамият томон ҳаракатланишини билдиради. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун олимлар томонидан “Ялпи рақамли маҳсулот” кўрсаткичини киритиш таклиф қилинмоқда. У ахборот технологиялари ёки ахборот ва интеллектуал таркибий қисм ёрдамида иқтисодий секторларда яратилган истеъмолчи учун фойдали бўлган ахборот, товар ва ҳизматларининг бозор қийматини акс эттиради. Иқтисодий мезонни энг биринчилардан бўлиб, американлик олим Фрис Махлуп таклиф этган, у ахборот соҳаларига таълим, ҳуқук, ноширлик иши, оммавий ахборот воситалари ва компьютерларни ишлаб чиқаришни киритди. Марк Порат эса бирламчи ва иккиламчи иқтисодиёт секторлари орасига фарқ киритган американлик олимлардан бири ҳисобланади. Бирламчи сектор аниқ иқтисодий баҳоланиши мумкин, чунки у бевосита бозор қийматини яратади. Иккиламчи сектор иқтисодиёт учун муҳим ҳисоблансада, аммо унииқтисодий баҳоланишни амалга ошириш анча мушкул амал ҳисобланади, чунки у компаниялар ва давлат корхоналари ичидаги ахборот фаолиятини ўз ичига олади. Ахборот жамиятини аниқлашнинг иқтисодий мезони американлик олим, профессор Герберт Шиллер ишларида ҳам ўзининг назарий асосини топган. У “ахборот ва коммуникатсия билан боғлиқ бўлган ҳар қандай инноватсияларга нисбатан бозорнинг ўрни ҳал қилувчи бўлиб қолади: ахборотлар товар бўлиб қолиши

керак, яни уларга кириш йўли фақат тижорат асосида бўлади”- деган ҳуносага келади. Бундай ҳолатда ахборот кўпроқ ҳар қандай бошқа товарларга ўхшаб қолади. Шиллернинг таъкидлашича, бозор тамойиллари ахборот соҳасида ҳам худди капиталистик жамиятдагидек тўлалигича ишлайди. Шу мезонга мос ҳолда, ишлаб чиқарилган ахборотларнинг микдори ва сифати тўғридан-тўғри уларни фойда олиш имконияти мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бунда бозор тамойилларига асосан, қандай кўринишдаги ахборотни ишлаб чиқариш керақ, ким учун ва қандай шартшароитларда, деган саволларга дуч келиниши табиий ҳол ҳисобланади. Ушбу иқтисодий мезонга қарши қўйидаги эътиrozлар илгари сурилмоқда:

- ахборот секторига нимани киритмоқ кераклиги ҳақидаги масалани ҳал этишда, яширин шарҳ ва баҳоли мулоҳазани четлаб ўтиш мумкин бўлмай қолади. Натижада ахборот секторининг иқтисодий аҳамияти бўрттириб кўрсатилиши мумкин. Мисол учун, Ф. Махлуп ўзининг «билимлар соҳаси»га “ахборот бинолари”ни қуришни киритади, бу эса шунга ўхшаш бинолар, масалан, университетлар ва кутубхоналар қурилиши озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган омборхона иншоотлари қурилишидан кескин фарқ қилишини назарда тутади. М. Порат ўзининг “иккиламчи ахборот сектори”ни тадқиқ этганда, у ҳар қандай соҳани ахборот ва ноахборот қисмларга бўлиб олади. Аммо бундай “ўйлаш” ва “бажариш” каби бўлиннишда масалан, турли вазифаларни ўз ичига оладиган назорат компьютер тизимлари операторининг ишини қайси бўлимга қўшиш кераклигини аниқлаш қийин бўлиб қолади;
- ахборот ҳажмларини ўлчашга қийматли ёндашув ижтимоий аҳамиятга эга иқтисодий фаолиятнинг ҳар хил турларини тенглаштириб қўяди. Бундай ёндашувда масалан, рекламага сарфланган \$1 илмий журнални нашр қилиш учун сарфланган \$1га тенглаштирилади.

3. *Меҳнат мезони.* Бу ерда аҳоли бандлик тузилмаси ва бу тузилманинг ўзгариш тенденсияси кўриб чиқилади. Фаолият юритувчи

жамият аъзоларининг кўпчилиги ахборот соҳасида ишлаганда, жамият ўз ривожланишининг рақамли ахборотлашган босқичига кириб боради деб тушунилади. Бундай ёндашувда ахборот жисмоний бўлмаган меҳнат учун хомашёвазифасини бажаради. Замонавий рақамли иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи қучи инсонлар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ахборот яратиш ва ундан фойдаланишдан иборат бўлади. Меҳнат мезони америкалик сотсиолог Дениел Белл асарларида ўз назарий асосига эга бўлди. У ҳар қандай босқичда бутунлай ва яхлит ҳолда меҳнатнинг устувор йўналиши билан белгиланадиган ижтимоий тузилиш туркумларини таклиф қилди. Унинг фикрича, индустрисал ривожланиш давригача бўлган жамиятларда қишлоқ хўжалик меҳнати асосий фаолият тури бўлган, индустрисал жамиятларда энг кўп тарқалган меҳнат мануфактуралардаги меҳнат бўлса, постиндустрисал жамиятда бандликнинг асосий тури ҳизмат кўрсатиш соҳаси устуворлигига намоён бўлади. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабабини Белл ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши туфайли деб тушунтиради. Ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсиши сабабли, жамиятда ўқитувчилар, шифокор ҳамда шифохоналар ва шу кабилар сонининг ошиши имконияти пайдо бўлади. Индустрисал жамият қанчалик кўп неъматлар яратса, ҳизмат кўрсатиш турлари шунчалик кўпаядиди, индустрисал соҳа ишчилари ҳизмат кўрсатиш соҳасига ўтади. Ҳизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни автоматлаштириш қийин бўлгани сабабли, ушбу соҳада ишлайдиган ишчилар сони индустрисал ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсган сайин ошиб бораверади. Шунинг учун иш билан бандлик кескин пасайиб кетишига мутлақо ўрин қолмайди, деб хисоблайди Д.Белл. Юқоридаги меҳнат мезонига қарши қўйидаги эътиrozлар билдирилган:

- меҳнатни ахборот ва ноахборот турларга ажратишнинг объектив усули мавжуд бўлмайди. Масалан, темир йўлдаги йўналтирувчилар йўллар, поездларнинг ҳаракатланиш жадвали, маршрутлар хақида катта ҳажмдаги маълумотига эга бўлишлари керак. Шунга қарамай, улар индустрисал аср ходимларига киритилади;

- Рақамли ахборот жамиятида интеллектуал ва техник зиёлилардан ташкил топган янги синф жамиятнинг ривожланиш омили бўлиб ҳизмат қилади. Ушбу синф аъзоларининг сони қанчалик ўсиб бормасин, уларнинг сони аҳолининг банд қисмидан жуда кам бўлиб қолаверади.

Юқоридаги ахборотлаҳсган жамият билан боғлик бўлган масалаларни ойдинлаштиргандан сўнг, криптовалюталар оламига саёҳатимизни бошлаймиз. Ҳозирги даврда барча ривожланган мамлакатларда тезкор суръатлар билан ривожланаётган рақамли иқтисодиётнинг асосий турларидан бири – блокчейн ва криптовалюталар билан амалга ошириладиган турли хилдаги молиявий оператсиялар бўлиб, уларда фаол ва ишнинг кўзини билган холда иштирок этиш учун уларнинг маъно-моҳиятини билиш жуда муҳимдир. Шуни алоҳида та`кидлаш керакки, блокчейн ва криптовалюталар билан ишлашнинг бошқаларидан асосий фарқи – уларнинг тузилмаси тарқоқ (*марказлашмаган*) холдалигидир. Блокчейн ва криптовалюталар тизимида бирор бир ягона марказ ёки банк мавжуд эмас ва барча тармоқ **П2П (пеер-то-пеер)** кўринишидигаги пирлинг архитектураси асосида ишлайди. Я`ни, бундай тармоқ бир ҳуқуқقا эга бўлган мижоз дастурларидан иборатdir. Блокчейн ва криптовалютанинг ҳар бир мижоз дастури, ўз навбатида, ўз-ўзини та`минловчи тузилмадан иборат бўлиб, улар глобал қриптовалюта тармоғига уланадилар ва суткасига 24 соат мобайнида батамом автоматик равишда ишлайдилар. Криптовалюталарнинг эмиссияси эса майнинг (*маъданқидириб топши*) тамоили асосида амалга оширилади. «*Майнинг*» – бу компьютер тизимларининг ҳисоблаш қувватларини криптовалютанинг транзактсиялари занжирини хосил қилиш учун ишлатилиш жараёнидир. Бунда ҳар бир блок қандайдир тўғрилик критерияларига ҳамда мураккаблик даражасига эга бўлиши лозим. Бунинг учун хешлаштириш алгоритмларидан фойдаланилади. Шундай қилиб, майнерлар бир вақтнинг ўзида янгикритпопулларни топадилар ва криптовалютанинг барча мумкин бўлган турлардаги транзактсияларини амалга оширадилар. Агарда майнерлар ўз ишларини тўхтатсалар,

криптовалюта ҳам юқолиб кетади. Энг катта миқдорда айланадиган криптовалюталарнинг (*Битсоин, Литесоин*) майнинги учун хозирги даврдаги оддий шахсий компьютерларнинг ресурслари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам майнерлар ёки «фермалар» деб аталувчи жуда катта ҳисоблаш қувватига эга бўлган тезкор ва қувватли компьютер стантсияларидан фойдаланадилар. Криптовалюталар уларни қалбакилаштиришдан хешлаштириш алгоритмлари асосида ҳимояланганлар ва уларни расшифровка қилиш (*ҳимоясини бузиш*) хозирги кунда амалий жиҳатдан мумкин эмас. Рақамли пуллар - криptoактивлар масалага бироз ойдинлик киритиш учун орқагақайтамиз ва бунинг учун аввало пул ўзи нима – деган саволга жавоб берамиз: *Пул – бирор бир мамлакатнинг ёки келишиув асосида бир нечта давлатларнинг товар ва ҳизматлар олди-соттиси учун умумий эквивалент сифатида қабул қилинадиган валуитаси бўлиб, у қозоз, металл ёки элестрон кўринишида бугунги кун иқтисодиётида амал қиласи.* *Валютанинг энг муҳим жиҳатларидан бири – унда эмиссия қилувчи* (пул чиқарувчи) *бирор бир муассаса* (*Ўзбекистонда Марказий баҳк*) *белгиланади ва тегишли қонунларга мувофиқ тўловларда белгилangan ҳудудларда ўз қийматида қабул қилиниши* қатъий белгиланади. Бугунги кундаги пуллар фиат пуллар (номинал қиймати реал қийматидан катта фарқ қиласидан пуллар) ҳисобланиб, уларни муомалага чиқариш учун сарфланадиган ҳаражатлар одатда пул устида кўрсатилган қийматдан анча арzon бўлади. Масалан, АҚШ да 100 долларлик битта купюрани чиқариш учун атиги 14 тсентлик ҳаражат кетади. Агар ярим аср олдин пулларнинг қиймати олтин эквиваленти билан таъминланган бўлса, хозирги кунга келиб, улар мамлакатда яратилган маҳсулот ва ҳизматлар умумий йиғиндиси билан таъминланиши белгиланган. Бироқ, нақдсиз пуллар билан амалга ошириладиган ҳар бир транзактсия (*пул ўтказишлар амалиёти*) бевосита бирор бир молия муассасаси орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган. Бунда ўзига ҳос назорат йўлга қўйилган

бўлиб, ҳавфсизлик ва кўрсатилган ҳизматлар учун молиявий воситачилар (*банклар, биржалар ва бошқалар*) комиссион ҳақ олиши белгиланган. Тўғри, нақд пул билан ҳеч қандай ҳақ тўламасдан ҳам тўғридан-тўғри тўловларни амалга ошириш мумкин, аммо бу амал йирик битимларда ва узокдаги хамкорлар билан амалга ошириладиган тўловлар учун жуда ноқулай ҳисобланади. Бунинг устига, нақд пулларнинг қалбаки бўлиб чиқиши эҳтимоли ҳам бор албатта. Умумжаҳон тенденсиялари ва ташқи сиёsatда рўй бераётган ҳодисалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон олдида глобал рақобатбардошлиқ ва миллий ҳавфсизлик масаласи турибди ва ушбу масалани ҳал қилишда мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг айrim элементлари аллақачон муваффақият билан ишламоқда. Ҳозирги кунда, ҳужжатлар ва коммуникатсияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда. Мазкур ўқув кўлланма муваллифлари рақамлаштириш сабабларини таҳлил қиласидилар, рақамли иқтисодиёт пайдо бўлишининг сабаблари ва мақсадларини кўриб чиқадилар ҳамда рақамли иқтисодиёт фаолиятини кўллаб-қувватлашга ҳизмат қиласидиган усуслар ва технологияларни таҳлил қиласидилар. Иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш нафақат бевосита ахборот-коммуникатсия тармоғини, балки мамлакат хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини ҳам қамраб оладиган кенг қамровли тенденсияга айланиб бормоқда. Интернет-савдо, рақамли қишлоқ хўжалиги, «ақлли» электр-тармоқ тизимлари, ҳайдовчисиз транспорт, шахсийлаштирилган соғлиқни сақлаш тизимиғаҳам рақамли иқтисодиёт инқилоби кучли таъсир қилмоқда. Ноғисиламбирини айтганда, рақамли иқтисодиёт - бу инноватсион ғоя ва бу фикр Жаҳон банки томонидан 2016 йил «*Жаҳон тараққиёти ҳақида маъруза – 2016: рақамли дивиденdlар*» маърузасида маълум қилинган. Бундай шароитларда алоҳида компаниялар, минтақалар, мамлакатлар ва уларнинг бирлашмалари

технологиялар, товарлар ва ҳизматларнинг янги турлари бозорларида янги шаклланадиган узок муддатли рақобатли устунликларни таъминлашга интилиб, рақамли иқтисодиёт соҳасида стратегик қарорлар шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига фаол кириша бошлайдилар. Рақамли иқтисодиёт бу – реал воқелликни тўлдириб турадиган виртуал муҳитдир. Ғарб мамлакатлари эксперtlари рақамли технологиилар иқтисодиёт субъектлари ва бошқарув ўртасидаги муносабатлар созланмаган бўлса, иш бермаслиги борасида яқдил фикр билдирадилар. Фаол ахборотлаштириш жараёни истеъмолчиларнинг хулқ-авторини ўзгаририб юборади. Маркетинг ҳам астасекинлик билан тўхтовсиз равишда иқтисодий ўзаро алоқаларнинг моҳиятига, ҳар бир кишини иқтисодий ўзаро алоқаларга киришишга мажбур қиласидиган асосий ҳаракатлантирувчи куч – эҳтиёжларга яқинлашмоқда. Рақамли иқтисодиётда бошқарув жараёни (профессионал кадрлар орқали) – ўзаро алоқаларни бошқаришнинг компьютерли тизими бўлиб, инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш борасида электрон маълумотлардан фаол фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб боради. Масалан, унда тизим фаолиятини башорат қилиш, режалаштириш, ташкил қилиш, ижро этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш кўзда тутилган. Яъни, мамлакатни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш учун маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида халқ хўжалиги мажмуини бошқаришнинг умумий интеграллашган тизими бўлиши лозим.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, рақамлаштириш жараёни мамлакат иқтисодиётида борган сари кучайиб боради ва трансмиллий корпоратсияларнинг мамлакат минтақавий ва миллий иқтисодиётларидаги роли ортиб боради. Иқтисодиётнинг рақамли сегменти мамлакат иқтисодиёти ва жамиятда рўй берган сифат ўзгаришлари туфайли долзарб аҳамиятга эга бўлади. Янгирақамли технологиилар ва платформалар жисмоний шахслар ва корхоналар менежментига тобора катта кўламда ўзаро алоқаларда трансаксия ҳаражатларини қисқартириш ҳамда давлат узилмалари ва хўжалик юритувчи объектлар билан яқин алоқаларни амалга

оширишга имкон беради. Буларнинг натижасида тармоқ сервисларига асосланган рақамли ёки электрон иқтисодиёт шаклланади. Рақамлаштириш тушунчасининг ўзи буюмлар интернетидан тортиб электрон ҳукumat технологияларигача бўлган замонавий ахборот технологияларини «ёппасига» қўллаш асосида товарлар ва ҳизматлар ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг ўзини такомиллаштиришнинг янги босқичидан далолат беради. Иқтисодиётнинг рақамли сегментини кенгайтиришнинг асосий сабаби, трансаксия секторининг ўсиши ҳисобланади, у ривожланган мамлакатларда миллий ЙИМнинг 70%дан ортигини ташкил қиласди. Бу сектор таркибиغا қуйидагилар киради: давлат бошқаруви, консалтинг ва ахборот ҳизматлари кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, турли коммунал, персонал ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш. Иқтисодиётда динамика ва диверсификатсия даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида шунчалик катта ҳажмдаги ноёб маълумотлар айланади, мос равища, миллий иқтисодиёт доирасида ҳам каттароқ ахборот трафиги вужудга келади. Шу сабабли, рақамли иқтисодиёт информацион технологияҳизматларининг кириб бориш даражаси юқори ва қатнашчилар сони кўп бўлган бозорларда энг самарали фаолият кўрсатади. Биринчи навбатда, бу э-сегментнинг улуши ЙИМ 10%ини ташкил қиласиган, бандлик 4%дан юқори бўлган ва бу кўрсаткичлар яққол ўсиш тенденсиясига эга бўлган интернетга қарам тармоқлар (транспорт, савдо, логистика ва х.к.) билан боғлиқ. Технологик жиҳатдан рақамли иқтисодиётни тўртта тренд белгилаб беради: мобил технологиялар, бизнес-модел, булатли технология ва ижтимоий медиа воситалари. Бу эса шуни англатадики, миллий сегментни шакллантиришда уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир вақтда миллий рақамли иқтисодиётга инвеститсиялар самарали жалб этиш ва ундан дивиденdlар олиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, салмоқли инсон капиталини тайёрлаш, бошқарув жараёнини ҳам ривожлантириш зарур. Буларнинг барчаси иқтисодий ўсишнинг пойдевори ҳисобланади ва шу сабабли, уларни

ривожлантириш чора-тадбирлари мажмuinи аниқлаш лозим.

Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланмаюқорида қисқача равишда тавсиф этилган худди шу ва шунга ўхшаш масала ва муаммолари оммабоп равишда тақдим этишга ва имконият даражасида ўрганишга бағишлиланган.

# И-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

## Хозирги кунда ҳизмат

күрсатишибизнесидабарқарорликкаеришишилгариғидан

күрамислик ўрилмаган даражада жудақи инбўлиб кетган.

Мустаҳкамрақобатлиустунликкаеришиш, энгюкори чүкүгачи қашамда бу

мақомни сақлабқолишиңосониши әмас. Хусусан,

америкастистикамълумотларигакўра, 2000 йил **Фортуне**

**500**данўринолганкомпанияларнинг 52%дан

күйроғынан көрсөткіштің мәндерін анықтауда. Янабирмұхимкүрсаткич: **Стандарт**

& Пооръс 500 гакирадиган компанияларнинг ўртача умрузунлиги 1960 йилда

60 йилниташкилқилганбўлса, 2020 йилгакелиб 12 йилгақисқарган.

Етакчиликмуддатинингбундайбешкаррақисқаришинингсабаби –

бутун бизнеснинг, жумладан,

сервис бизнесининг рақамли асосларга ўтиши саналиб,

биз хозирги кунда буходи санинг гувоҳи вақатнаш чисибўлиб турибиз.

тахлилчиларорасидаҳам,  
компаниялардиректорларкенгашиларидаҳамдолзарбмавзулардан бири  
ҳисобланади.

Сервисбизнесиқайси бир маънода «дефаулт»  
рақамлибизнесигаайланмокда. Биртомондан, ҳечбир компанияҳам  
фотобизнесдабирпайтларplenкадан «рақам»гасакрабўтишвақтинисизиб-  
сезмай ўтказибюборган**Кодак**қисматинитакрорлашниистамайди.  
Бошқатомондан, *Амазон*, *Убер*,  
*Аирбнб*вабошқаларрақамлиинқилобданқандайқилибфойдаланиш  
ҳамдабизнесюритишингтамомилаянгичасхемалариўйлабтопишваамалгаоши  
ришмумкинлигиникўрсатадилар. Интернетдастлабонлайн-витринакаби,  
кейинроқесаонлайн-магазинролидаофлайн-  
бизнесгакўшимчасифатидакўрибициқилганвақтларўтибкетди.

Ҳаётсаҳнасигаянгиавлодлар – интернеттармоғида «яшайдиган»  
ёшларкиқибкелишибизнеснионлайн («рақами») бўлишга олиб келди.  
Инсоният глобал ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Яқин вақтлардаинсон  
ҳаёт фаолиятининг асосий соҳалари – иқтисодиёт ва бошқарув, фан ва  
ҳавфсизлик бўлган бўлса, энди янгича шакл ва мазмунга эга бўла бошлади.  
Инсоният ўзгача бўлиб қолди, бу эса ижтимоий муносабатларнинг  
ўзгаришига олиб келаяпти. Рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб  
бориши давом эттириши – келажак дунёсига хос бўлган хусусиятлардан  
биридир. Бу микроэлектроника, ахборот технологиялари ва  
телекоммуникатсиялар соҳаларидағи тараққиёт билан изоҳланади. Шундай  
қилиб, рақамлаштириш– объектив, муқаррар жараён бўлиб, уни  
тўхтатишинг иложи йўқдир. Рақамлаштиришга йўлдош бўладиган энг  
жиддий ҳавф-хатарлардан бири, ўрта ва паст малакали ихтисосликлар  
орасида оммавий ишсизлик юзага келиши ҳисобланади. Ўрта синф вакиллари  
кескин камайиб кетиши мумкин, чунки биринчи навбатда айнан шу иш  
ўринлари автоматлаштирилади ва улар интеллестуал роботлар билан  
алмаштирилади. Фаол, маълумотли, меҳнатга лаёқатли аҳолининг етарли

даражада юқори турмуш тарзига ўрганиб қолган сезиларли қисми ғарб турмуш тарси туфайли йўл четига чиқиб қолади. Бироқ рақамли дунё шу қадар тезкорлик билан шаклланадики, юқори малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини тезлаштириш улар тақчиллигининг олдини олиши мумкин бўлади. Шу сабаблиҳозирча ким ўзгаришларга тайёр бўлса, бунинг учун унда ҳали етарлича вақт бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 3 июлида «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириши бўйича чора-тадбирлар тўгрисида»<sup>3</sup>ги ПҚ-3832 сон қарорни имзолади .

3

Қарорда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича енгмуҳим вазифалар бел гилабберилган.

У хоқистиқ болда «рақамли» (електрон) иқтисодиётни ривожлантиришга қўйиб берилади. Сервис ҳизматлари, медиа ва қўнилочарликлар биринчи бўлиб, улардан кейин эса телекоммуникатсия компаниялари ва банклар рақамлаштиришга мубтало бўлади. Лекин таҳлилчиларнинг умумий фикрлари ва компаниялар менежерлари орасида ўтказилган сўров натижаларига асосан, рақамлаштириш у ёки бу даражада ҳаммамизга ҳамдахл қиласи. Бугунги кунда бизҳар бир моҳиятниу у ёки бу оламга мансуб санаган ҳолда идентификатсия қилишимиз мумкин, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг, қўпчилик обьектлар учун бундай тақсимлашни амалга ошира олмаймиз. Бундай мисоллар бугуннинг ўзидаёқ мавжуд: ИП-камера ёки тармоққа уланган бошқа ҳар қандай узатгич – у қайси оламнинг бир қисми

---

<sup>3</sup>Постановление ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» от 3 июля 2018 года

хисобланади? Шубҳасизки, улар иккала олам ҳодисалирининг моҳияти саналади. Мобил телефон бугунги кунда кўплаб маълумотларни: телефон рақамларини, туғилган кун ҳақидаги маълумотларни, фотосуратларни, паролларни ва бошқа маълумотларни сақлайди. Биз ҳатто телефон билан жисмонан боғланмаган бўлсақда, функционал жиҳатдан ўзимизни у биланбир бутун деб ҳис қиласиз. Реалва виртуал дунёларнинг бирлашиб кетиш жараёни бошлан ва уни тўхтатишнинг имкони йўқ деб айтиш учун алоҳида бир жасурлик шарт эмас.

Реалва виртуал дунёларнинг бирлашуви натижасидаянги гибрид дунё ҳосил қилиниб, ундабиз учун ҳозирги кунда одатий бўлган қонунва қоидалардан фарқ қиласиган бошқача қонун-қоидалар амал қиласи. Шу нуқтаи-назардан айтиш жоизки, қолган иқтисодиётдан алоҳида равища бўладиган «рақамли» иқтисодиёт мавжуд эмас: «Рақамли» (електрон) иқтисодиёт бу – гибрид дунё шароитларида мавжуд бўлган иқтисодиётдир. Гибрид дунё бу – реал дунёда виртуал дунё орқали барча «ҳаётий аҳамиятга эга» ҳаракатларни амалга ошириш имконияти билан ажralиб турадиган реал ва виртуал дунёлар бирлашуви натижасидир. Бу жараён учун ахборот-коммуникатсия технологиялари (АКТ) қийматининг пастлиги, юқори самарадорлиги ва рақамли инфратузилма очиқлиги зарур шартлар ҳисобланади.

Рақамли бизнес бу – жисмоний ва рақамли дунёларни бирлаштирадиган янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир. Счоолоф Манагемент эса рақамли ўзгаришни «корхоналар қиймати ва унумдорлигини тубдан ошириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш» сифатида таърифлайди. Ижтимоий тармоқлар, смартфонлар бозори, интернетга кенг полосали уланиш, машинали ўқитиш технологиялари васунъий интеллектнинг «портлаб» ўсиши компаниялар фаолият юритаётган дунёни ўзгартириб юборади. Улар ёки янги бозордаги бўш жойларни эгаллашлари ёки мавжуд бўш ўринларни ўзгартирган ҳолда ўзларини ўзгаришларга мослаб олиши лозим бўлади. Шундай бўлиб чиқадики, ташкилотларнинг

рақамли ўзгартириш бу – янги ахборот технологияларининг ривожланиши ва бутун дунё бўйлаб фаол тарқалишига жавоб ҳисобланади. Рақамли ўзгартурли даражаларга эришиб, улар ўртасидаги фарқ иккита атама - «рақамли кўринишга келтириш» ва «рақамлаштириш» ўртасидаги фарқ билан бир хил маънога эга бўлади. Рақамли кўринишга келтириш бу – ахборотни жисмоний воситалардан рақамли воситаларга ўтказишидир. Рақамли кўринишга келтиришга мисоллар – электрон китоблар, видеокурслар, суратнинг рақамли нусхасини яратиш ва бошқалар. Бундаахборот структурасининг ўзгариши рўй бермайди: у фақат электрон шаклга эга бўлади, холос. Рақамли кўринишга келтиришкўпинча мавжуд бизнес-моделни такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларни оптималлаштириш учун фойдаланилади. Рақамлаштириш эса – рақамли шаклда бўлган бутунлай янги маҳсулотлар яратишидир. Масалан, мултипликатсиали динамик ўкув курси ёкихужжатни шарҳлашнинг интерактив тизими – бу рақамлаштиришдир. Рақамлаштириш асосида яратилган маҳсулотни унинг сифатини жиддий йўқотмасдан туриб, техник воситаларга ўтказишининг имкони йўқ, шу сабабли рақамлаштириш, рақамли кўринишга келтиришдан фарқли равишда, бизнесга сезиради даражада кескин ривожланиш ва янги рақобатли устунликлар қўлга киритишга имкон беради.

Амалда рақамли ўзгартирининг иккита йўналиши мавжуд. Биринчи йўналиш бу – мавжуд бизнес-жараёнларда одамлар иштирокини минималлаштириш учун уларни автоматлаштириш ва роботлаштиришдир. Иккинчи йўналиш – экспоненциал ташкилот яратиш мақсадида олинган бошқарув тизимини масштаблаштиришдир. Экспоненциал ташкилот деганда, биз уларни масштаблаштириш туфайли улар худди шу соҳада ишлайдиган бошқа ташкилотлар билан таққослаганда камида ўн баравар юқори унумдорликка эга бўлишини тушунамиз. Сир эмаски, компанияларнинг минтақавий ва халқаро экспансиясикўпинча бошқарув тизимини жаҳон даражасида нусхалаштириш қийинлиги билан тўхтатиб турилади. Тез

ўсишнинг чегараланиши муаммолари кўпинча нусха кўпайтиришдаги қийинчиликлар туфайли юзага келади. Бунга мисол қилиб, минтаقا кўлами, аудиториялар ҳажми ва ўқитувчилар сони билан чегараланган бизнес-мактабдан миллий ёки халқаро миқёсдаги бизнес яратишга имкон берадиган таълим жараёнини ўзгартириш жараёнини келтириб ўтиш мумкин. Таълим жараёнини рақамли кўринишга келтириш, ҳаражатларни минималлаштириш, ўқув курсларини эса ўқитувчи гапирадиган тилни тушунадиган чекланмаган аудитория учун очиқ қилишга имкон беради (МООС).

Експоненциал ташкилот яратишнинг асосий шартларидан бири, ҳизматларни бир хиллаштириш имконияти ҳисобланади, агар ҳизмат бир хиллаштирилган бўлса, ушбу ҳизматларни тақдим этишни бошқариш тизими ҳам бир хиллаштирилиши ва келгусида тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин. Компанияни мақсадли бозорда вирусли маркетинг ва «сарафан» радиоси усуллари орқали илгари суриш мумкин бўлиб, бу нарх бўйича демпингва ҳизматлар буюртма қилиш учун рақамли интерфейс ҳисобига минимал ҳаражатлар блан бизнеснинг «портлаб» ўсишини таъминлайди.

Бизнес-жараённи рақамли ўзгартиришни **БПМС** (Бусинесс Пресесс Манагемент Суите) синфидағи тизимлар ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлган. Рақамли ўзгартиришнинг иккинчи босқичи алоҳида оператсияларни бажаришни автоматлаштириш ҳисобланади. Масалан, мижознинг ишончлилигини баҳолаш, худди ўқув курси тингловчилари орасида тест синови ўтказиш каби, автоматик равища амалга оширилади. Оператсияларни автоматлаштириш учун кўпинча математик алгоритмлар ёки ҳатто сунъий интеллект асосида мустақил равища қарор қабул қиласидаган «рақамли роботлар» фойдаланилади.

Айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиётнинг ривожламиши учта асосий сегментда кўриб чиқилади:

- реал товарлар ва ҳизматлар таъминотчилари ва харидорлари сектори;
- дастурий таъминот ва технологиялар ишлаб чиқувчилар сектори;

- қонунчилик базаси, кадрлар тайёрлаш тизими, барча турдаги маълумотлар узатиш ва сақлаш каналлари кўринишидаги инфратузилма.

Ва у қуидаги йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

- Бигдата;
- сунъий интеллект;
- блокчейн;
- квант технологиялари;
- ишлаб чиқариш технологиялари;
- саноат интернети;
- робототехника;
- симсиз алоқа;
- виртуал реаллик.

Виртуал дунё билан ўзаро алоқалар сифатида рақамли иқтисодиётдан рақамли моделлаштириш ўтиш ва буюмлар интернетини тушунишимиз мумкин. Албатта, миллий иқтисодиётдаги молиявий муносабатларни миллий криптовалюта кўринишидаги рақамли валютасиз амалга ошириб бўлмайди.

Кўплаб ахборот тизимлари оператсияларни инсондан кўра яхшироқ, тезроқ ва арzonроқ бажаради, бу эса хатолар сонини минималлаштириши туфайло мисли кўрилмаган даражада тезкор ҳаракат қилишга эришиш имконини беради. Ҳозирги пайтда талабаларга ёрдам бериш учун робот-ёрдамчилар, робот-журналистлар ва ҳатто вазифаларни одамлардан кўра самаралироқ тақсимлайдиган робот-раҳбарларга мисоллар мавжуд. У ёки бу жараён давомида бир-бири билан ўзаро алоқа қиласидиган ахборот сервислари тўплами сервис бизнес-жараёнларини рақамли ўзгартиришнинг натижаси ҳисобланади. Кўплаб банклар ҳозирда қарз олувчини баҳолаш жараёнларини инсон иштироисиз амалга оширимоқда. Янги шаклаги компанияларда такси чақиришдамижоз ва ҳайдовчи ўртасидаги барча ўзаро алоқаларахборот тизими ёрдамида амалга оширилиб, одам иштироқи ҳатто кўзда ҳам

тутилмаяпты. Лекин бизнес-жараёнлардан одамлар иштирокини доим ҳам түлиқ истисно қилиш мүмкін эмас. Бунда рақамли ўзгартириш тезкор режимда маълумотлар түплашга имкон беради ва робототехника технологиялари ёрдамида рақамли алоқа каналлари бўйича масофадан туриб бошқаришни таъминлайди. Бундай ўзгаришларга мисолларни ҳизматлар соҳасида, нефт қазиб чиқариш, электренергетикаси ва ишлаб чиқаришда кузатишимиш мүмкін. Шак-шубҳасизки, замонавий бизнесда «рақамли ўзгартириш» сўз бирикмаси тобора кўпроқ ёдга олина бошлади. Афтидан, жаҳон миқёсида фаол ривожланаётган янги технологиялар тез орада бизнинг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ҳақидаги тасаввурларимизини тубдан ўзгартириб юборади.

Рақамли иқтисодиёттаянадиган асосий технологиялардан яна бири – буюмлар интернетидир. Яъни, кўплаб майший ускуналар электр тармоғига уланганлиги одатий, лекин булар иккинчи даражали ҳисобланади. Моддий дунёning тобора кўплаб обьектлари интернетга уланмоқда, бу эсаахборот тўплаш ва ҳатто бу обьектларни масофадан туриб бошқаришни ҳам таъминламоқда. Амалда интернетда ташқи дунё ва обьектнинг турли кўрсаткичларидан иборат бўлган моддий обьектнинг виртуал нусхаси пайдо бўлиб, ушбу обьектни интернет орқали бошқаришга микон бермоқда. Буюмлар интернетига мисол қилиб, масалан, техник ёрдам ҳизматида аниқланган бузилишлар ва режадан ташқари таъмирлаш доирасида алмаштириш лозим бўлган эҳтиёт қисмлар рўйхатини юборадиган витуал маълумотлар узатиш тизимини келтириб ўтиш мүмкин. Буюмлар интернети соҳаси ривожланишининг кейинги босқичида буюмларнинг нафақат одам билан, балки ўзаро алоқа қилиши мумкинлиги ҳам ҳисобланади, бу конвеерли линияларда, техник таъмирлаш тизимларида, логистика ва бошқа кўплаб бизнес соҳаларида автоматлаштирилган ўзаро алоқаларга эришиш имконини беради. Лекин ҳали ечимини кутиб турган масалалар ҳам бор, чунончи: электр энергиясини минимал тарзда истеъмол қиласидиган электроника, шунингдек, буюмларнинг ўзаро алоқа қилиши учун янги алоқа

стандартларини яратиш.

Рақамлаштириш билан боғлиқ яна бир инноватсион йўналиш бу – тўлдирилган реалликдир (*АугментедРеалитий, AR*). Реал дунёга виртуал дунё объектларини қўшишга имкон берадиган тўлдирилган реаллик технологияси энг истиқболли технологиялардан бири ҳисобланади. Тасаввур қилинг, кўчада кетаётиб, ёнингизда бўлган одамлар ва объектлар ҳақида қўшимча ахборот кўрасиз. Тўлдирилган реалликка мисоллар мавжуд бўлиб, улар ҳаётда фаол қўлланмоқда. Масалан, Москвадаги айрим паркларда моддий дунё объектининг виртуал дунё обьектига боғланганини кўрсатадиган белгиларни учратиш мумкин. Тўлдирилган реаллик элементлари бўлган ўйинлар фаол тарқалмоқда, магазинларда виртуал кўзгулар ва кийимлар кийиб кўриш хоналари мавжуд, тўлдирилган реаллик автомобилларда ҳам синаб кўрилмоқда.

Бизнесда виртуал реаллик технологиялари у қадар фаол қўлланмайди, у ерда ҳозир 3Д-моделлаштириш технологияларига талаб кучлироқдир. Реал дунёнинг рақамли 3Д-моделларини тузишга мисоллар сервис соҳаси корхоналари, қурилиш компаниялари, мураккаб технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, нефт қазиб чиқариш ва бошқа тармоқлар ҳисобланади. 3Д-моделлаштириш доирасиданафақат обьектлар моделларини тузиш ҳақида, балки уларни маълумотлар билан тўлдириш ҳақида ҳам гапириш мумкин бўлиб, бу ўз навбатида, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнини оптималлаштиришга ва оқибатда маҳсулотларни лойиҳалаштириш воситаларини уларни ишлаб чиқариш воситалари билан боғлашга имкон беради. Шу билан бир пайтда виртуал реаллик технологияларини оммавий жорий қилиш йўлида инсоннинг виртуал реалликдаги янада ҳаққонийроқ иштирокини таъминлайдиган ускуналарнингянги авлодларида виртуал дунёни акс эттиришнинг реаллигини янада оширишни таъминлаш керак бўлади.

Шубҳасизки, рақамли иқтисодиёт робототехника билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Роботларнинг инсонлар ҳаётидаги иштироки фантастлар томонидан

кўп марта мухокама қилинган, лекин ҳозирда роботлар бизнинг реал ҳаётимизга ҳам тезкорлик билан ва бевосита кириб келмоқда. Одамлар ишлаб чиқаришда бажарадиган оддий функцияларни роботлар бажариши хатолар сонини анча камайтириш ҳамда ишларнинг бажариш тезлигини оширишга имкон беради. Сир эмаски, кўплаб саноат компаниялари йиғув линиялари ва логистикада робототехникани фаол қўллайди, бу инсон омилиниң аҳамиятини пасайтириш ва минимал сондаги одамларни жалб қилишга имкон беради. Саноат роботлари қийматини (баҳосини) пасайтириш уларни қўллашдан иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади ва одамларга амалда қандай қилиб механизмлар автоматик режимда инсон иштирокисиз маҳсулот ишлаб чиқаришини кузатиб туришига тўғри келади, холос. Германияда ҳаттоки 4.0. Индустря атамаси ҳам пайдо бўлган бўлиб, уавтоматлар ишлаб чиқариш жараёни доирасида ўзаро алоқа қиладиган тўлиқ автоматлаштирилган ишлаб чиқариш ва логистика тармоқлари тузишни кўзда тутади. Робототехника, буюмлар Интернети, сунъий интеллект ва ЗД-босманинг уйғунлашувиҳозирги пайтда кроссовкадан тортиб автомобилларгача бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тўлиқ механизатсиялашган фабрикалар қуришга имкон бермоқда. ЗД-босма қурилишсибази бир тармоқларни ва машинасозликни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин бўлган технологиядир. Полимерлар, бетон, металл ва ҳатто олтиндан ҳам маҳсулот босиб чиқариши мумкин бўлган ЗД-принтерларнинг жуда кўп миқдорда яратилиши ишлаб чиқариш тсикли тушунишнинг ўзини ҳам ўзгартиради, чункикўплаб маҳсулот турларини уйдан чиқмасдан, факат уч ўлчамли модел ва ЗД-принтерга эга бўлган ҳолда олиш мумкин бўлади. ЗД-босмани ўзлаштиришгамашинасозлик ҳам фаол қўшилган бўлиб, бу ерда деталларни «классик» усулда олишдан кўра, босиб чиқариш арзонга тушади. Кийим-кечак ва оёқ кийими дизайнерлари ҳам ўзларининг янги маҳсулотларини босиб чиқармоқдалар. Қурувчилар, заргарлар, тиббиёт ходимлари ҳам ўз бизнес жараёнларида ЗД-босмадан фаол фойдаланмоқдалар. Ўзини-ўзи босиб чиқариши мумкин бўлган принтер ҳам

яратилган. Хитой компаниялари эса исталган шахс уй шароитларида ўзи учун 3Д-принтер йиғиб олиши мумкин бўлган конструкторлар ишлаб чиқара бошлаган. Гарчи технология йўлида ҳали мураккаб маҳсулотлар босиб чиқариш билан боғлиқ саволлар турган бўлсада, оёқ кафти хусусиятларини ҳисобга оладган ҳолда янги крессовка босиб чиқариш мумкин бўладиган мураккаб таркибий қисмли маҳсулотлар босиб чиқариш имконияти пайдо бўлишининг эҳтимоли жуда юқори. Асосийси, бу ишни уйдан чиқмасдан ҳам бажарса бўлади.

Енди технологиялар синергияси ҳақида гапириб ўтамиз. Инноватсион рақамли технологияларни бошқа воситалар билан биргаликда қўллашнафақат у ёки бу бизнес-жараённи ўзгартиришга, балки бунгача ҳали мавжуд бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда тармоқни тўлик қайта ташкил қилишга ҳам имкон беради. Рақамли ўзгартиришда энг қизиқарлиси рўй берадиган ўзгаришлар ва ушбу барча технологияларни биргаликда қўллаш мумкинлигидадир. Синергетика назарияси атамаларида айтиш мумкинки, ижтимоий тизимдоимий ўзгаришда бўлади, институтсионал шакллар тасодифий ўзгаришлари (флуктуатсия) – тизим микродарражасида тартибсизлик кўрсаткичи ва ҳамда унинг ривожланиш имкониятидир. Айрим флуктуатсиялар шу қадар кучли бўлиб чиқадики, келгуси ривожланиш траекториясини белгилаб бериб, сифат ўзгаришларини юзага келтиради.

Буюмлар интернети виртуал дунёни реал дунё билан бирлаштиришга имкон беради, сунъий интеллект эса буюмлар интернетидан олинган жуда катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламлари асосида хulosалар ва қарорлар шакллантириши мумкин. Тўлдирилган ва виртуал реаллик янги дунёни инсон кўзигакўринадиган қилиб қўяди. Робототехника ва 3Д-босма эса кўплабмунтазам бажариладиган оператсияларни тўлиқ автоматлаштиришга имкон беради. Айтиш мумкинки, кўплаб илгор технологиялар пайдо бўлиши одамлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади, бир қанча эски касбларни йўқотади ва янги касблар юзага келтиради ва шак-шубҳасиз, дунёни рақамли дунёга айлантиради. Дунёни бундай рақамлаштиришбарча тармоқларда катта

ўзгаришларга олиб келади ва, асосийси, кўплаб янги компаниялар пайдо бўлади, бундарақамли ўзгартериш тўлқинида ўзига ўрин топибгина қолмасдан, уни бошқарадиган компаниялар етакчига айланади.

Агар ҳамма муаммоларни ҳал қилишнинг уддасидан чиқилса ва рақамли ўзгартериш бўйича ваколатлар маркази яратиласн бўлса, тармоқда янги технологиялар уларни қондиришга имкон берадиган имкониятлар ва мижозларнинг эҳтиёжларини таҳлил қилишни бошлаш зарур. Сўнгра ички бизнес-жараёнлар ва ҳизматларни стандартлаштириш истиқболларини аниқлаш ва уларни рақамли шаклга ўтказиш режасини шакллантириш лозим. Рақамли ўзгартериш ташабbusлари қўпинча аксиядорлари компания бизнесини янги даражага олиб чиқиш ва янги бозорларни ўзлаштириш истагида бўлган ўрта ҳажмдаги компаниялар томонидан билдирилади. Рақамли ўзгартериш йўлидан бораётган ўзбек компанияларига мисолларни банк сектори, телекоммуникатсиялар, таълим, ҳизматлар соҳаси ва ахборот технологиялари соҳасидан келтириш мумкин. Кўплаб хорижий мамлакатларда стартаплар экотизими мавжуд бўлиб, уларнинг доирасидаянги ғоялар пайдо бўлмоқда ва улар синовдан ўтганидан сўнг, муваффақиятли тижорат ечимларига айланмоқда. Келгусида бу технологиялар ёки йирик ҳалқаро компаниялар томонидан дунё миқёсида нусха кўпайтириш учун харид қилинади, ёки жаҳон даражасидаги янги инноватсион ИТ-компаниялар ташкил қилиш учун асос бўлиб ҳизмат қилади. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, ҳулоса тарзида қуйидаги фикрларни билдиришни истар эдик. Биринчидан, рақамлаштириш бу – ҳамма жойда кузатилаётган реал воқеликдир. Янги рақамли экотизимлар яратиш орқали «ҳамманинг иқтисодиёти» вужудга келишига мисоллар ҳозирги кунда саноатнинг турли тармоқларида вужудга келмоқда. Медиа, чакана савдо ва банк соҳасидаги компаниялар энг ривожланган компаниялар ҳисобланади. Масалан, чакана савдо магазинлари ижтимоий тармоқларда иштирок этишимизни таҳлил қилиш ёрдамида бизнинг дидимизга мос келадиган янги товарлар тўпламларини яратади. Банк ҳисобрақамлари

эгалариоператсияларни етакчи интернет-компаниялар билан биргаликда банклар томонидан яратилган ечимлар орқали амалга ошироқдалар. Рақамлаштириш жараёни нефт ва газ қазиб чиқариш каби анъанавий тармоқларга ҳам кириб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида ресурслар соҳаси компанияларижиддий вазиятларни башорат қилиш учун «булутдаги» катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва янги воситаларидан фойдаланиб, нефт майдонларини назорат қиласиган учувчисиз учадиган қурилмалар ёрдамида рақамли ахборотларни таҳлил қилмоқда. Кўплаб йирик халқаро нефт-газ компаниялари ўз имкониятларини аллақачон маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирибгина қолмай, у ёки бу ишлаб чиқариш участкаларида муайян натижаларга қаратилган «Интеллектуал конлар» дастурини амалга оширишни бошлаган.

Иккинчидан, ҳозирнинг ўзида рақамлаштириш глобал миқёсга эга – «рақамли экотизимлар»га мисоллар турли тармоқлар ва компанияларда мавжуд. Биз йилдан-йилга шунга яқинлашиб борамизки, бизнинг ҳаётимиз ва фаолиятимиз ушбу тизимлар доирасида амалга оширилади. имкон берадиган технологиялар ҳақида бош қотириши лозим.

Учинчидан, бугунги кундаиктисодиётда компаниялар ўртасида бозордаги муносабатларни сезиларли даражада ўзгартириб юборадиган катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Бостириб келаётган буюмлар интернет бозорнинг барча қатнашчиларини – компаниялардан тортиб истеъмолчилар, маҳсулотлар, сервис ва бошқа жараёнларгача – умумий бирдунёга кўчириб ўтказишни амалга оширишмоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчиларни, платформалар ва иловаларни, қурилмалар ишлаб чиқарувчилар ва ҳизмат кўрсатувчиларни бирлашитрадиган янги «рақамли экотизимлар» пайдо бўлиши туфайли рўй бермоқда. Ўзгараётган дунёда ўзини топиш ва янги ҳамкорлар билан «дўстлашиш» зарур. Компаниялар экотизимнинг алмаштириб бўлмайдиган қисмига айланиши ёки уни ўзлари яратиши лозим. Бу ерда гап молия ва ваколатларда ҳам эмас, балки ҳамкорлар ўртасидаги ишончда, саъй-харакатларни бирлаштиришда, тақдим этилаётган ҳизматалар

ёки товарга янгича қарашда ҳисобланади.

Бир қатор давлатлар (Швейсария, Англия, Истроил ва бошқалар) мос келувчи Марказий банклар томонидан эмиссия қилинадиган ва назорат қилинадиган блокчейн технологиясини қўллаган ҳолда ўзларининг виртуал валюталаринии яратиш истагини маълум қилганлар. Бир томондан, блокчейн ва бошқа рақамли технологиялар жорий қилиниши, албатта, давлат виртуал валюталарининг ишончлилигини оширади, бошқа томондан эса, бундай ёндашув криптовалюталар ғоясига зид келади ва уларга тўлиқ маънода қаршилик кўрсата олмайди. Нима бўлганда ҳам барча давлатлар ўзининг молия тизими ва иқтисодий тизимини уларнинг бир қисми тартибга солинмайдиган бир нечта валютанинг параллел равишида муомалада бўлишига тайёрлаши лозим.

## **1.2.Рақамли иқтисодиётнинг таърифи ва тавсифи**

Хозирги кунда дунёда рақамли иқтисодиёт ҳодисасини умумий бир тушуниш мавжуд эмас, шундай бўлсада, унинг қўплаб таърифлари мавжуд. Рақамли иқтисодиёт – жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва ҳизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равиша оширишга имкон берадиган ва рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб саналган хўжалик фаолиятидир. Бизнингфикримизча, ушбу таърифжудатўғри, лекин фойдаланишучун бирозноқулай. Биртомондан, рақамли иқтисодиётга узил-

kesiltaъrifningyўқлигикўплабхусусийваторихтисослиsavollarnimuxokama  
қилишучунтўсиқҳисобланмайди. Лекин, бошқатомондан,  
ушбу kitobdanmaқсад

рақамлииқтисодиётфеномениниинтегралкўришнишакллантиришканлигисаб  
аблибизўзтаърифларимизнитаклифқилишгажазметдик. Юқорида  
айтганимиздек, рақамлииқтисодиётбу

гиридунёшароитларида мавжуд бўладиганиқтисодиётдир. Ушбу таъриф ҳам тўғри бўлиб, моҳиятни акс эттиради, лекин кутилаётган ўзгаришларни тушунтирмайди ва мос равиша, амалиётда ундан фойдаланиш бирмунча мураккабдир. Айнан шу сабабли биз қуйидаги функционал таърифни ифодаладик: Рақамли (електрон) иқтисодиётбу – ахборот, жумладан, шахсиях боротдан фойдаланишҳисобигабарчақатнашчиларнингхеҳтиёжларини максималдаражада қондиришунингўзигахосхусиятибўлганиқтисодиётдир. Б уаҳборот-коммуникатсиявамолия технологияларининг ривожланганлиги, шунингдек, биргаликдаги бирдунёдабарча иқтисодий фаолият субъектлари – товарлар ва ҳизматларяратиш, тақсимлаш,

айирбошлашваистеъмолқилиш жараёни объектларивасубъектларининг тўлақон лиўзароалоқақилиш имкониятини таъминлайдиганинфратузилмаочиқлигитуф

айлимавжудбўлишимумкин.

Тўлақонлиўзароалоқақилишучунбарчаиқтисодиётобъектларивасубъектл арисезиларлирақамлитаркибийқисмларгаегабўлишилозим. Масалан, ҳозирги пайтда автомобилнинг истеъмол хусусиятлари ва ҳавфсизлик қўрсаткичлари унинг ҳисобига сезиларли даражада яхшиланадиган рақамлитаркибий қисмлари (дастурий таъминот ва датчиклар) автомобил қийматининг ярмидан кўпини ташкил қиласди. Вакт ўтиши билан кўплаб товарлар ва ҳизматлар қийматининг сезилари қисми унинг рақамли таркибий қисми билан белгиланади. Бундай товарлар “аклли” буюмлар деб аталади. Рақамлаштиришда ёки уларнинг асосий хусусиятлари жиддий яхшиланиши (масалан, автомобил ҳавфсизлиги ўсади ва унинг эксплуатация қиймати пасаяди), ёкиянги хусусиятлар (овоз билан бошқариш, интернет ёки мобил телефонлан туриб масофадан бошқариш ва бошқалар) пайдо бўлишилозим.

Когнитив технологиялари ёрдамида интеллектуаллаштирилган интернетда ахборот излаб топиш машиналари бир сўровга жавоб тариқасида минглаб жавоблар беради. Бу маълумотлар инсон идрок қилиши учун очик, ишончли ва тўлиқ бўлисга мусобақалашиб, тўпланган маълумотларни ўзлари қайта ишлай бошлайди ва натижада бу дунёни биз учун “шаффофф” қиласди. Бундай дунёда алдаб бўлмайди, чунки ёлғон дарҳол фош бўлади, обру́єтибор эса энг муҳим капитал ҳисобланади. Истеъмолчи ишлаб чиқарувчини мустақил равишда топади, автоматик хужжатайланмани ҳисобга олган ҳолда эса у тўғридан-тўғри барча контрагентлари билан ўзаро алоқа қилиши мумкин бўлади. Шу тариқа *M2C (мануфастурер то сустомер, ишилаб чиқарувчи – истеъмолчига)* бизнес модели ва бунда ушбу истеъмолчи учун зарур (ёки қўнгилдаги) оригинал хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқариш кўзда тутиладиган шахсийлаштирилган ишлаб чиқариш мумкин бўлган *C2M (сустомер то мануфастурер)* модели пайдо бўлади.

Булутли ҳисоблашплатформалари (*Слоуд Сомпютинг*) – янги ахборот

технология консепсияси бўлиб, у энг кам эсплататсионҳаражатлар талаб қилади ёки у орқали провайдерга мурожаатлар тезкор тақдим этилади ва керак бўлган ҳисоблаш ресурслари талабларга биноан ҳамма жойда ва қулай тармоқ уланиши билан таъминланишни кўзда тутади. Маълумот узатиш тармоқлари, серверлар, маълумот сақлаш қурилмалари, сервис дастурлари – биргаликда ҳам, алоҳида ҳам булатли технологияларнинг тармоқ ресурслари га мисол бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, булатли технологиялар – бу компьютер ресурсларини Интернетдан фойдаланувчи гасўров бўйича (*он деманд*) онлайн-сервис сифатида тақдим эта оладиган маълумотларни қайта ишлаш технологиялари дидир. Шуни ҳам айтиш зарурки, булатли технологиялар вужудга келаётган рақамли иқтисодиёт пойдеворига улкан ҳисса қўшган ва қўшаяпти. Бу ҳисса фақатгина технологик таркибий қисмлар билан чегараланмайди, балки иқтисодий ва ғоявий таркибий қисмларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Булатли технологиялар ривожланиши, масалан, талаб бўйича ишлаб чиқариш (*продустион он-деманд*), ҳизмат сифатидаги дастурий таъминот (*софтваре ас а сервисе*) каби келажак бизнес-моделларининг аксарияти учун асосий ғояга ва кўплаб иқтисодий ўзаро алоқалар учун тамойилга айланадиган тушунчалар пайдо бўлишига олиб келди.

Буюмлар Интернети эса – кўплаб технологияларни бирлаштирадиган, датчиклар билан жиҳозланганлик ва интернетга барча ускуналарнинг уланишини кўзда тутадиган контсептсия бўлиб, масофадан туриб реал вақт режимида (жумладан, автоматик режимда) жараёнларни мониториг ва назорт қилиш ва бунинг асосида уларни бошқаришга имкон беради. Бугунги кунда иккита йирик йўналиш шаклланган: буюмлар Интернети (*ИоТ - Интернет оғТхингс*) ва буюмлар саноат Интернети (*ИИоТ - Индустрисал Интернет оғ Тхингс*). Инструментал жиҳатдан ушбу технологиялар бир-бирига жуда ўхшашиб кетади, асосий фарқ эса бажарилиши лозим бўлган вазифада: агар буюмлар интернетининг асосий вазифаси бу - хилма-хил (моделлар ва башоратлар тузишда устувор фойдаланилдиган) маълумотлар тўплаш бўлса,

буомлар

саноатИнтернетинингбажаришилозимбўлганвазифасиишлабчиқаришниавтоматлаштиришдан иборат (*датчиклар кўрсаткичлари бўйича ресурслар ва қувватларни масофадан туриб бошқариши*).**ОВУМ, Машине Ресеарч** ва **Нокиакомпаниялари** таҳлилчиларининг башоратларига кўра, 2020 йилга келиб,тармоққа уланган саноат қурилмаларининг сони 530 млн. бирликдан ортади, 2025 йилга келиб эса уларнинг сони 20 дан 200 млрд. бирликкача бўлиши қутилмоқда.

Кўплаб мамлакатлардаишлабчиқаришресурларинибошқариш технологияларини ривожлантириш, жумладан, улардан виртуал фойдаланиш манфаатларида, рақамли иқтисодиёт инфратузилмаларини яратиш ва ўзгартириш давлат датурларига биноан бажарилади: Германияда **Индустриe4.0**, АҚШда **Адвансед Мануфастуринг Технологӣ**, Хитойда эса асосий эътибор илғор технологиялар жорий қилиш, сифат ва инноватсияларга қаратиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик концепсияси, Буюк Британияда **Инновате УК**, Австралияда**Национал Дигитал эсономӣ**. **ИoT**-платформалар яратиш ва жорий қилиш бўйича лойиҳалар, амалий дастур сервислари ишлаб чиқиш Россияда ҳам амалги оширилмоқда.

Интернетташибусларни ривожлантириш жамғармасиинтернетни ривожлантириш йўл харитасини ишлаб чиқди ҳамда буюмлар интернетиАссотсиатсиясини таъсис этди. Росстандарт доирасида фаолият кўрсатадиган «Киберфизическиесистемы» стандартлаштириш бўйича янги техник қўмита фаолияти доирасида буюмлар интернети соҳаида стандартлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш режалаштирилган.

Катта маълумотлар (**Биг Дата**) – инсон идрок қиласидиган натижалар олиш мақсадидаструктураланган ва структураланмаган (жумладан, мустақил манбалардан олинган) маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган усуллар, воситалар ва ёндашувлар йигиндисидир. Катта маълумотларкатта ҳажм билан, хизма-хиллик ва янгиланиш тезлиги билан тарифланади, бу эса ахборот билан ишлаш стандарт усуллари ва воситаларини етарли даражада

самарасиз қилиб қўяди. Шундай қилиб, катта маълумотлар технологияси бу – катта ҳажмдаги ахборот асосида қарор қабул қилиш воситасидир. Катта маълумотлар бошланғич маълумотлар катта танламаси мавжуд бўлган жойларда пайдо бўлади. Уларнинг асосида макродарражадаги ҳодисаларни таҳлил ва башорат қилиш, ижтимоий хулқ-атвор моделларини ўрганиш, шунингдек, илмий тажрибалар статистика маълумоталри асосида трендларни аниқлаш мумкин. Тижорат лойиҳалари учун ҳам, давлат лойиҳалари учун ҳам катта маълумотлар соҳасидагимуаммо - маълумотларни якуний қўллаш бўйича вазифаларни бошланғич маълумотлар асосида амалга ошириш ҳисобланади. Таҳлил алгоритмидаги энг сўнгги замонавий трендларни биладиган ва келгуси ҳисоб-китоблар тезлигини баҳолай оладиганлар эмас, балки ушбу технологияларни қўллаш асосида узоқ муддатли ва асосланган молиявий моделлар яратса оладиганлар бугунги кунда катта маълумотлар соҳасида эксперталар ҳисобланади.

Хозирги кунга келиб, катта маълумотларни қайта ишлашга имкон берадиган кўп сонли усуллар ва комплекс датурий маҳсулотлар мавжуд, масалан, ИБМ, Орасле, Мисрософт, Хेलлетт-Паскард, эМС, Апаче Софтвере Фоундатион (ҲАДООП) ва бошқалар. Катта маълумотлар билан ишлаш учун зарур бўлган ахборот манбалари бўлиб қўйидагилар ҳизмат қилиши мумкин:

- Интернетда фодйланувчилар хулқ-атвори логлари;
- автомобиллардан транспорт компанияига ГПС-сигналлар;
- банкнинг барча мижозларитранзаксиялари ҳақида ахборотлар;
- йирик чакана тармоқдаги барча харидлар ҳақида ахборотлар;
- кўп сонли шаҳар ИП-видеокамераларидан олинган ахборотлар;
- саноат интернети технологиялари билан жиҳозланган катта ишлаб чиқаришдатчикларидан келган ахборотлар ва бошқалар.

Енди хозирги замонда борган сари оммабоп бўлиб бораётган виртуал валюталар ҳақида мулоҳаза қилиб кўрамиз.

**Виртуал (рақамли/електрон) валюта** – моддий тимсолда мужассам топмаган, тўлақонли пул белгиси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган пул

маблағларидир.

**Криптовалюта** –криптографик алгоритмларни махсус күринишларда қўллашга асосланган эмиссион валюта тури.

**Транзаксиялар блоклари занжири (Блоск Чайн / Блокчейн)** – тақсимланган маълумотлар тўпламларини тузиш методологияси бўлиб, бундаҳар бир маълумотни қайд қилиш унга эгалик қилиш тарихи ҳақидаги ахборотдан иборат бўлади, бу эса уни қалбакилаштириш имкониятини қаттиқ чегаралаб қўяди. Блокчейнвиртуалвалюта тизимларида оператсияларни бажариш ва уларнинг тарихини сақлаш учун қўлланади.

**Биткоин** –мавжуд виртуалвалюталар ичида биринчи ва энг кенг тарқалган криптовалюта ҳисобланади вау биткоин блокчейни технологиясидан фойдаланади.

Виртуалвалюталар криптовалюталарга мансуб бўлмаслиги в Блокчейн технологиясидан фойдаланмаслиги ҳам мумкин. Бундай виртуал валюталарга мисол қилиб Яндекс-пул, Веб-мани (WebMoney) ва Киви-ҳамённи (Qiwi) мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Кўпчилик виртуалвалюталар, криптовалюталар ваблокчейнатамаларини адаштириб юборадива уларни ноним сифатида қўллади, лекин бу фақат биринчи виртуалвалюта – биткоин учун тўғридир. Гап шундаки, блокчейн технологияси махсус Биткоин учун ишлаб чиқилганва маълум вақт давомида бошқа ҳеч қаерда қўлланилмаган, ҳозир эса ҳолар бундай эмас. Блокчейн технологияси асосида биткоин криптовалютаси ихтиро қилинган ва уни эмиссия қилиш бошланган. Блокчейндан пул номинали нуқтаи-назаридан эмас, балки давлат реестрлари юритиши соҳасида фойдаланиш умуман бошқа гап. Давлат секторида блокли занжирлар билан амалга оширилган тажрибалар бутун дунё бўйлаб тезлашиб бормоқда. АҚШда соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа бир қатор тармоқларда, Швейцарияда мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишида, Буюк Британияда пенсия таъминоти соҳасида ҳам айнан шу йўлни, яъни блокчейндан фойдаланишини танлаган. Бундай лойиҳаларда давлатнинг рисклари криптовалюталар яратиш билан таққослаганда, анча пастроқ даражада бўлади. Шу билан бирга,

улардан олинадиган ижтимоий самара, рақамли ва оддий иқтисодиётган кўшиладиган ҳисса юқори бўлади. Масалан, ҳисоб-китобларга кўра, фақат АҚШнинг ўзида мулк ҳуқиқини рўйхатдан ўтказиш соҳасида блокчейн жорий қилиш йилига 2-4 млрд доллар тежашга имкон берган бўларди. Бунда тежамкорлик оператсиялар тезлашуви билан, демак, тижорат секторинниг ривожланиши билан бирга кузатилади.Блокчейн технологияситобора қўпроқ қўйидаги соҳаларда қўлланилмокда: муаллифлик ҳукуқи, сайловчилар овозини ҳисоблаш, ташаббус краудфандинги, ижтимоий обрў-еътибор, сұғурта, реклама, ставкалар ва бошқа бир қанча соҳалар.

Технологиялар ва алгоритмлар моҳиятига киришиб ўтирасдан, қўйида блокчейн технологиясининг бошқаларидан ажратиб турадиган асосий хусусятларини санаб ўтамиш:

- маълумотлар кўп марта такрорланган бўлиб, барча қатнашчилар томонидан яратилган ва қўллаб-куватланадиган тақсимланган тармоқда сақланади, бу эса уни бузини ёки ўзгартиришни амалга оширишни имкониз қилиб қўяди;
- ҳар бир қайд қилинган ахборот ўз тарихига эга бўлиб, бу ахборотнинг келиб чиқиши ва унинг ҳақиқийлигини текширишга имкон беради;
- маълумотлар тўпламини тузиш хусусиятлари уни хакерлар хужумларига ёки файриқонуний ҳаракатларга нисбатан чидамли қилиб қўяди.

Блокчейн технологиясининг санаб ўтилган хусусиятлари криптовалюталарнинг асосий хусусияти-ишончлиликни таъминлаб беради, яъни:

1. қалбакилаштириш имконизлиги;
2. ўғирлаш имконизлиги.
3. умумий эмиссия маркази йўқлиги;
4. очик дастурий код мавжудлиги;
5. ташқи тартибга солиш йўқлиги (дастурий кодга киритилганидан ташқари);
6. трансчегаравийлик мавжудлиги.

Ишончлиликдан ташқари, криптовалюталар фойдаланувчиларни фойдаланиш қулайлиги ва транзаксия ҳаражатлари минималлиги билан ҳам ўзига жалб қиласи. Биткоин (*ёки бошқа ҳар қандай криптовалюта*) қиймати махсус биржаларда (*криптобиржасёки виртуал валюталар биржасида*) бозор талаб ва таклифи асосида белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, қўплаб виртуал валюталар моддий таъминотга эга эмас, балки ижтимоий шартнома шакли ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, валюталар, облигациялар, аксиялар, векселлар ва бошқа шу кабимолиявий воситаларнинг мутлақ қўпчилиги ҳам ижтимоий шартнома шакли ҳисобланади ва тўлиқ моддий таъминотга эга бўлмайди. Бироқ агар классик валюта қиймати асосан уни эмиссия қиласидан мамлакатнинг молиявий-иқтисодий ва сиёсий таркибий қисмларига боғлиқ бўлса, криптовалюталар қиймати фақат фойдаланувчилар кутадган натижалар билан белгиланади.

### **1.3. Рақамли иқтисодиётнинг ижобий ва салбий томонлари**

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. «Рақамли технологиялар» томон бурилишга бутунжаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди. Оқибатда катта ҳажмдаи маълумотлар алмашиниш ва уларни тўплаш имкони пайдо бўлди, бу эса, ўз навбатида, тўпланган ахборотни қайта ишлашга, башорат қилишга, асосланган қарорлар қабул қилишга ва хилма-хил усусларда фойда олишга имкон беради. Буларнинг барчаси учун эса мос келувчи инфратузилма, бошқача қилиб айтганда, глобал ахборот платформалари экотизимини яратиш зарур бўлади. Бироқ бунда маълумотларни йўқотиш, бизнесни йўқотиш, иш ўринларининг қисқъариши, ҳавфсизликка путур етиши риски ва модернизатсия қилиш зарурати вужудга келади. Бу масалаларни тезда хал қилиш зарур, чунки бу борада кечиқиши жиддий рискларга олиб келади. Рўй берадиган ўзгаришларда рақамли иқтисодиётнинг афсона ёки ҳақиқат

эканлиги эмас, балки бу ўзгаришларнинг жамиятга қандай ҳизмат қилиши муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги даврда биз технологиялар қандай қилиб оммавий ҳизмат кўрсатиш соҳасини тубдан ўзгартираётганини кўряпмиз. Воситачиларни олиб ташлайдиган, мижоз ва таъминотчи ўртасидаги алоқаларнинг тўғридан-тўғри амалга оширилишига олиб келадиган **Убер** каби янги бизнес-моделлар пайдо бўлмоқда. Аввалроқ худди шунга ўхшаш ўзгаришлар молия сектори ва телекоммуникатсияларда ҳам рўй берган эди.

Саноатда ҳам бир қанча принтсинал ўзгаришлар кузатилмоқда, чунки рақамли корхона ва инсоннинг рақамли қиёфадоши – роботлар пайдо бўлиши бутун инсоният функцисионал моделини жиддий равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса шуни кўрсатадики, ахборот технологиялари аста-секинлик билан одамларнинг ўрнини эгаллаб боради. Ҳудди мана шу ҳолат рақамли иқтисодиёт ҳисобланади. Тўғри, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт туфайли қандай кескин ўзгаришлар рўй бериши ҳозирча ҳеч кимга маълум эмас. Ҳозирги техник қолоқлик шароитларида саноатнинг рақамли ўзгариши тез рўй беришига бир қанча шубҳа-гумонлаер уйғотади.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида *Алибаба*елестрон савдо тизимиға эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёни иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратади. Алибаба бу –оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимиdir. Тушунарлики, бундай экотизим қудрати алоҳида платформалар кучидан катта бўлади. Хатто АҚШ ҳам ҳозирги кунда бу пойгада ютқазмоқда, чунки у ерда турли платформаларни интегратсия қилишга тўғри келади, Хитойда эса бу соҳада ривожланиш самарадорликни ошириш ҳисобига – бир платформадан бошқа платформага қараб ўтиш аста-секинлик билан рўй берди.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш каби глобал бир ишда кўп нарса давлатнинг тутган позитсиясига ҳам боғлиқ, албатта. Барчasi ҳамма нарсани

бирлаштирадиган ва «рақам»га ўтказадиган ягона давлат платформасига бориб тақалмаслиги муҳим, яъни, «Давлатнинг вазифаси, бизнеснинг ўрига бирон бир нарса қилиш эмас, балки оддийгина - бизнесга ҳалал бермасликдир».

Хитойда ҳам Алибаба тизими давлат унинг учун қандайдир платформа яратгани туфайли пайдо бўлмаган. У бундай платформа пайдо бўлиши учун шароит яратди, холос. Гарчи давлат Алибабага ёрдам бераган бўлсада, буни давлат сифатида корпоратсияси эмас, балки тижорат корхонаси сифатида ёрдам берди ва унинг ҳизматларидан у рақобатбардош эканлиги учунгина фойдаланилади. Давлатнинг вазифаси – умумий қоидалар яратиш, бизнес эса шу умумий қоидалар асосида ўзгара ва ривожлана бошлайди, чунки қонунлар таъсирида ишбилармонлик муҳити ўзгаради ва рақобат ўсади. Жиддий кумулятив самарайянги умумий платформа яратиш туфайли эмас, балки ҳар бири ўз иши билан шуғулланадиган кўплаб мустақил ташкилотлар ва маҳсулотлар йиғиндиси билан чамбарчас боғлиқ бўлган инфратузилма пайдо бўлиши туфайли пайдо бўлиши мумкин. Лекин бунда керакли стандартлар ва протоколларни энг юқори сифат даражасида ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча ушбу ҳолат – давлатни унинг мақсадлари билан дўстлаштириб қўядиган қадам, ўз натижаларидан иқтисодиёт эҳтиёжларини белгилаб бериши мумкин бўлган фандан манфаатдор бўлган бизнес. Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиёт давлат, бизнес ва фанни бирлаштириши мумкин. Рақамли иқтисодиётда бошқа халқаро тизимлар ва амалий механизmlар билан бирга бўла олишга эришиш учун «умумий дарча» механизмидағи маълумотлар моделлари ва ҳужжатлар халқаро стандартлари ва тавсиялари асосида ташкил қилиниши лозим. Уйғунлаштириш лозим бўлган хабарлар ва ҳужжатлар бошланғич рўйхати маълумотларини қамраб оладиган маълумотлар рўйхатини тузишда, шунингдек, миллий маълумотлар моделини шакллантиришда уларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тавсифлаш ва белгилаш зарур.

Рақамли иқтисодиётнинг бир қисми бўлган электрон тижоратнинг Ўзбекистонда ривожланишини шартли равишда икки даврга ажратиши мумкин: 2015 йилгача бўлган ва ундан кейинги давр. 2015 йилгача бизнинг мамлакатда норматив-хукуқий база ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича фаол ишлар олиб борилган эди. 2015 йилдаеса Ўзбекистон Республикасида 2015-2018 йилларда мўлжалланган электрон тижоратни ривожлантириш Консепсияси қабул қилинди, ва уўрта муддатли истиқболда электрон тижоратни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, рақобатли муҳитни кенгайтиришни, замонавий инфратузилмани ташкил қилишни ва қўшимча иш ўринлари яратишни, шунингдек, электрон тижорат ҳақидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш шаклларини ва йўлларини белгилаб берди. Бироқ, бугунги кунга келиб, консепсияда акс эттирилган чора-тадбирлар тўлиқ амалга оширилмагани ҳақида гапириш мумкин. Масалан, норматив-хукуқий базада электрон тижоратни ривожлантиришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинмаган. Хусусан, электрон тижоратда электрон хабарлар ёки электрон хужжатлар оммавий жўнатмалари, рекламани жойлаштириш тартиби тасдиқланма Шу билан бир пайтда, 2018 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Електрон тижоратни жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорни имзолади. Ушбу хужжатда Ўзбекистонда электрон тижаортни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар акс эттирилган. Аммо, умуман олганда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон ушбу йўналишда, тез ривожланадиган тармоқда йўл қўйиш мумкин бўлмаган даражада секин ва чўзиб ҳаракатланмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Ўзбекистонлик истеъмолчилар, шунингдек, интернет тармоғи ёки телефония ҳизматлари учун мобил иловалар воситасида фаол пул тўлашмоқда. Бу эса Ўзбекистон аҳолиси электрон битимларни амалга оширишга ишонишидан далолат беради, факат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта ҳаражатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни

амалга оширган ҳолда ўртача харид ҳажмини оширишга унчалик тайёр эмаслар. Ўзбекистонда электрон битимлар фойдаланувчисининг ўртача ҳажми 50 мингдан 200 минг сўмгачани ташкил қиласди. Жаҳон қўрсаткичлари билан бир қаторда ўзбек истеъмолчиси электрон битим амалга оширишда уяли алоқа телефонидан фойдаланади, чунки у қулайроқ бўлиб, бир қатор қулай иловаларга эга.

Маҳсулот танлашга келадиган бўлсак, кўпчилик респондентлар Интернет орқали кийим-бош, шунингдек, майший техника ва электроника харид қилишни афзал кўришган. Автомобил ва қўчмас мулк предметлари интернет орқали энг кам харид қилинадиган товарлар бўлди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, айни пайтда фойдаланувчи «онлайн» режимида йирик миқдордаги пулларни беришга ҳали тайёр эмас. Бундан ташқари, фойдаланувчилар УзСард, ВИСА, МастерСард каби тўлов тизимларидан фаол фойдаланиладилар. Оммавийлик даражаси энг паст тизимлар Унион Пай, ВебМоней ва криптовалюталар ҳисобланади. Маҳсулотларни онлайн харид қилишдаги муаммоларга келадиган бўлсак, деярли барча респондентлар тўлов вақтидаги қийинчликлар, товар/ҳизмат сифатининг пастлиги, етказиб бериш вақти узоқлиги, шунингдек, нарх қимматлигини айтиб ўтишган. Шундай қилиб, ижтимоий сўров натижасида олинган маълумотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланишини тўхтатиб турган бир қатор муаммолар ва камчиликларни айтиб ўтишимиз мумкин:

1. Аҳолининг электрон битимлар тузишга ишонмаслигини;
2. Етказиш бериш қийматининг юқорилигини;
3. Товар/ҳизматлар сифатининг пастлигини;
4. Фирибагрликлардан қўрқиши;
5. Компьютер саводхонлиги даражасининг пастлигини.

Аммо, шу билан бир вақтда ахоли ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар шуни қўрсатадики, Ўзбекистон аҳолиси электрон битимлар амалга оширишга тайёр, бироқ уларни амалга ошириш вақтида фойдаланувчи ўртача

истеъмолчини нари итарадиган ва Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожланишини секинлаштирадиган қатор муаммоларга дуч келади.

Ахборот технологиялари асри иқтисодиёт ривожланишинучун янги ғоялар ва қоидаларни белгилаб берди. Тор доирадаги назариячи-олимлар учун қизиқарли бўлган рақамли иқтисодиёт мамлакатимизда улкан салоҳиятга эга бозор модели ҳисобланади, чунки:

- ахборот устувор товар ҳисобланади, вахоланки бу ресурс умуман чегараланмаган;
- тармоқ бозори улкан ва демократик, асосийси унда тармоқлар чегаралари осон «ювилиб» кетади;
- лойиҳа ёки компания муваффақиятлариенди ходимлар сони ва молиявий активлар ҳажмига боғлиқ эмас;
- аппаратли қувватларкўп марталик, универсал, эскирмас ва сифатини йўқотмайдиган воситага айланади;
- рақобат кураши шароитлари ўзгаради, чунки рақамли мухитда тезкор интеллектуал ечимлар ҳар қандай кучли жисмоний базадан ҳам устун келади.

Рақамли ахборот бозори аспсий ҳусусиятларидан бири – қарор қабул килишдаги тезкорлик ва осонлиқдир. Салмоқли ишлаб чиқариш базаси бу ерда охирги ўринда туради. Абадий бўлиб кўринган ва тармоқ бозорларида жуда катта улушларга эга бўлган улкан корпоратсияларсаноқли йиллар ичida умуман тарихга эга бўлмаган компанияларга ўрнини бўшатиб берди. Шундай қилиб, «рақам» модаси ўтиб кетишини пойлаб ўтириш мумкин эмас. Бу эволюсиянинг табиий ва шафқатсиз босқичи бўлиб, унда ўтган аср қоидалари ва кўламлари билан яшаётганлар қолиб кетади. Бу ерда уларни динозаврларга ўхшатиш жуда ўринли бўлар эди.

Инфономика – нисбатан янги бир фан бўлиб, ахборот қийматини иқтисодий актив сифатида асослаб беради. Ушбу услубият муаллифларимаълумотларни алоҳида файллар билан эмас, балки комплекс равища баҳолашни тавсия қиласи ва ахборот қийматининг асосий

мезонларидан бири сифатида очиқликдан фойдаланишга чақиради – ахборот олиш қанчалик қийин бўлса, у шунчалик қиммат бўлади. Бунда алоқа каналларини баҳолаш –ахборот қиймати муайян коммуникатсия сектори доирасида фойдаси, таъсир даражаси, миқдори ва манфаатдор томонлар учун очиқлиги билан белгиланади. Алгоритмларни монетизатсия қилиш –уларнинг иқтисодий салоҳияти аниқланадиган жараён. Баҳолаш алгоритми эса – муайян, универсал товар бўлиб, турли бозорлар ва тармоқларда кўлланиши мумкин. Ахборот товар сифатида ушбу босқичда жараёнлар, технологиялар ва алгоритмларни иқтисодий асослаб бериш учун жавобгар бўлган марказлаштирилган органга эга эмас. Шундай қилиб, ахборот активларини баҳолашда аниқ меъёрлар мавжуд эмас. Лекин айнан у уддабурон ва тадбиркор компаниялар ва шахслар олдида улкан фойда оламини очиб беради. Ким биринчи бўлса – у истаганини олади, ундан кейингилар эса факат қолган нарсаларин олиши мумкин бўлади (яъни, барча нарса ғолибга).

Бизнес юритишнинг эски схемаларини юз фоиз анахронизм деб ҳисоблаш узоқни кўра билмаслик бўлар эди. Тармоқлар ўртасидаги чегаралар йўқ бўлмоқда, янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, лекин ҳар қандай тижорат муносабатларининг асосида доимо битта оддий истак – товар ёки ҳизмат соитш ёки сотиб олиш истаги ётади. Мавжуд активларни ўзгарган ўйин қоидаларига онгли равишда мослаштириш бундай вазиятда ягона тўғри ва, асосийси, самарали ечим ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётжараёни қуйида кўрсатилганларни ўзгартиришdir:

- бизнес юритиш моделлари ва мавжуд ҳизматлар портфелини;
- мижозлар ва ҳамкорлар билан муносабатларда хулқ-атвор стандартларини;
- шахсий таркиби ўқитиши ва мотиватсия қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолдаги корпоратив маданиятни;
- виртуаллаштириш, булат технологиялари жорий қилган ҳолда ИТ-бўлимлар жавобгарлик даражаси ва регламентни;

- янги технологиялар, мұхитнинг дастурий-аппарат талаблари, миқозлар ва ҳамкорларнің манфаатларини ҳисобға олган ҳолда компания инфратузилмасини ташкил қилишни.

Юқорида күрсатылғанларяна шуниси билан диққатта сазоворки, күрсатылған бандлардан исталған бирини яхшилаш мақсадидаги ўзгаришларжараёнга пассив активларни четда қолдирған ҳолда компания бизнес-моделлари у билан ишлайдиган элементларни жалб қилиш мүмкін. Фақат шу ерда ва ҳозир ишлаш учун керак бўлган секторгина ўзгаради. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт ўзгарувчан жисмоний активларга нисбатан мобил бўлади. Янги технологияларни деб мавжуд фонdlар ва механизmlарни бузмаслик керак. Ўз вақтида ўтказиладиган аудит ва рўй берадиган нарсаларни яхши тушуниш – тўғри йўналишда ҳаракат бошлаш учун етарли стимуллардир.

## **1.4. Рақамли иқтисодиётнинг асосий кўрсатгичлари**

Рақамли иқтисодиётни бошқалардан ажратиб турадиган жиҳатлар сифатида қуидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

**1.Иқтисодий фаолият асосий эътиборни рақамли иқтисодиёт платформаларига қаратади.** Рақамли иқтисодиёт платформаси – истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган, шунингдек, улар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқа қилиш имкониятларини амалга оширадиган сервис ва функциялар тўпламига эга бўлган рақамли муҳитdir (дастурий-аппарат комплекс). Платформанинг вазифаси – қатнашчилар орасида ўзаро алоқа жараёнини таъминлаш ва тўғридан-тўғри коммуникатсияни амалга ошириш имкониятидадир. Платформаларҳа ражатларни камайтиради ва таъминотчилар учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам қўшимча функционал имкониятлар тақдим этади. Улар, шунингдек, қатнашчилар ўртасида ўзаро ахборот алмашинишни ҳам кўзда тутади, бу эса ҳамкорликни сезиларли даражада яхшилаши ҳамда инноватсион маҳсулотлар ва ечмлар яратишга хизмат қилиши лозим. «Платформа» бизнес-моделсифатида узоқ вақтдан буён мавжуд. Бунга оддий мисол қилиб сотувчи ва харидорлар (ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар) бир-бирини топадиган классик бозорни келтириш мумкин. Ҳозирги қунда платформа бизнес-моделлари уларнинг асосида фаолият кўрсатадиган кўплаб фаол ўсиб бораётган компанияларни айтиб ўтиш мумкин бўлиб, уларнинг энг машҳуралри **Убер**va**Аирбнб** ҳисобланади.

### **2. Персонификатсия қилингансервис моделлари.**

**Биг Дата,** таргетланган(мақсадли) маркетинг, ЗД-босма каби технологиялар ривожланиши ўртacha статистик истеъмолчининг эмас, балки ҳар бир муайян мижознинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга имкон беради.

### **3. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг бевосита ўзаро алоқа қилиши.**

Ахборот-коммуникатсия технологияларининг ривожланиши ишлаб

чиқарувчини ҳар бир якуний истеъмолчи билан «боғлаш»га имкон беради. Узундан-узоқ воситачилар, жумладан, институтсионалвоситачилар занжирини қисқартириш имконияти пайдо бўлади. Бунга мисол бўлиб, Финтех Сроуд Мортгаге – ипотека қарзи олувчиларга кредитни банқдан эмас, балки бевосита бўш пул маблағларига эга бўлган шахслардан олишга имкон берадиган телефониловаси ҳизмат қилиши мумкин. Ушбу схемавоситачи-банклардан ташқари барча қатнашчилар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган механизмни амалга оширишга имкон беради.

#### **4. Биргаликда фойдаланиш (Шаринг эсономий, Фрее эсономий) иқтисодиётининг тарқалиши**

Бу ривожланиш йўли иккита ҳодисага олиб келади:

- қандайdir товарларга биргаликда эгалик қилиш
- ахборот тақдим этганлик учун пул тўлаш.

Автотранспорт воситасига биргаликда эгалик қилиш (бир нечта оила учун), шахсий автомобилга эга бўлиш ёки такси ҳизматларидан фойдаланишдан кўра фойдали бўлиб чиқиши мумкин. Ахборот тақдим этганлик учун тўлов бу – тўлиқ куч билан ишга тушмагантренд, лекин катта ехтимоллик билан бошқа аналоглардананча арzon бўладиган «улангантовар-шпионлар» пайдобўлиш ехтимолини таҳмин қилиш мумкин. Қийматлар ўртасидаги фарқни сиз ҳақингизда маълумот тўплайдиган (ушбу товар ёрдамида) ва ахборотни таргетланган маркетинг орқали монетизатсия қиласиган ишлаб чиқарувчи компаниянинг ўзи қоплайди.

#### **5. Индивидуал қатнашчилар хиссасининг аҳамияти сезиларли эканлиги.**

Охирги пайтларгача деярли барча иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқалари бизнес-сентрик парадигмасига жойлашади: **Б2Б, Б2С, Б2Г.** Технологиялар ривожланиши якка ҳолдаги ташаббускорларга бизнес-жараёнларда муҳим рол ўйнашга имкон беради. Шундай қилиб, иқтисодиётда ўзаро алоқаларнинг мутлақо янги турлари пайдо бўлмоқда: **С2Б ва С2С.** Янги турдаги ўзаро алоқаларга мисол бўлиб аутсорсинг асосида

шартнома мажбуриятлари бажарадиган **Фрилансерлар** ҳизмат қилиши мумкин. Иккинчи турдаги ўзаро алоқаларга **СроудФундинг** стартаплар (америкадакисктартер.ком, Россияда планета.ру) ҳизмат қилади. Бундай янги турдаги ўзаро бизнес алоқаларнинг пайдо бўлиши иқтисодиётдаги муҳим бир ҳодиса ҳисобланади ва ўзига жиддий эътибор қаратишни талаб қилади, чунки бугунги кунда Ўзбекистонда ушбу соҳа учунпухта ишлаб чиқилган нормативе-хукукий ва солиқ базаси мавжуд эмас, унинг умумий иқтисодиётга қандай қилиб интегратсия қилиниши борасида ҳам бирор-бир пичоқса илинадиган фикр ҳам йўқ. Фрилансерларни қандай қилиб солиқ тўлашга мотиватсия қилиш мумкин? Уларнинг аксарияти иқтисодиётнинг “кул ранг” секторида ишлайди ва ўз ҳизматлари учун тўловни **БитСоин** да олади. **СроудФундинг** ташаббусларга қандай солиқлар ва имтиёзлар қўлланиши мумкин? Ушбу йўналишлар юқори салоҳиятли бўлиб кўринади ва яқин келажакда умумий иқтисодиётда сезиларли улушни ташкил қилиши мумкин, шу сабабли бундай масалалар ҳозирги кундаёқ пухта ишлаб чиқишига эҳтиёж сезади.

### **Рақамли иқтисодиёт рисклари ва муаммолари**

Янги рисклар ва муаммолар рақамли технологияларни ривожлантириш ва кенг жорий қилиш билан боғлиқdir, уларнинг орасида эсақуидагилар асосий бўлиб ҳисобланади:

- мамлакатнинг «рақамлисуверенитети»га таҳдид;
- давлатнинг рақамли иқтисодиётнинг трансегаравий ролини қайта кўриб чиқиши;
- хусусий хаётга дахл қилиниши/фуқароларни потенсиалкузатиш имконияти;
- маълумотлар ҳавфсизлик даражасининг пасайиши;
- паст ва ўрта малакали иш ўринлари сонининг камайиши;
- бизнес-моделлар ва ўзаро алоқа схемалари мураккаблик даражасининг ортиши;
- иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақобатнинг кескин кучайиши;
- ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар хулқ-автор моделлари даги

ўзгаришлар;

➤ маъмурӣ ва солик кодексларини қайта кўриб чиқиш зарурати.

### **Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш йўналишлари**

Рақамли иқтисодиётни ташкил қилишга иккита бир-бирига қарама-карши ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин: режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиёти. Реал ҳаётда амалга ошириладиган барчастрагетиялар бу икки ёндашувнинг комбинатсияси ҳисобланади. Ушбу номлар танлаб олинганлиги бежиз эмас, худди шу тариқа улар режа иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти билан боғлиқ тасаввурлар уйғотишиҳам бежиз эмас. Рақамли иқтисодиёт ташкил қилишга бозор ёндашувидаги кўзда тутиладики, давлатоптимал шароитлар, биринчи навбатда, рақамли иқтисодиёт шаклланиши учун қулай муҳит яратади ва бу билан бизнеснинг янги секторга ўтишини рағбатлантиради. Оптимал шароитлар норматив-хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий характердаги ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини ватехнологик база мавжудлигини кўзда тутади. Рақамли иқтисодиётнинг ижобий самараси сезиларли даражада унинг кўламига боғлиқ эканлиги сабабли, ушбу ёндашувни амалга ошириш учун етарли миқдордаги мустақил иқтисодиёт субъектлари – хусусий бизнеслар мавжудлиги зарурый шарт ҳисобланади.

Янги муҳитга тушиб қолгач, хусусий бизнес давлат ривожланиш институтлари билан ҳамкорликдарақамли иқтисодиёт муҳитининг янада ривожланишини рағбатлантиради. Умумий хуқуқий майдондакўплаб ўсиш нуқталари шаклланиб, уларнинг ҳар бири мос келувчи саноат ёки компания манфаатларига жавоб берадиган ўзига хосликдан иборат бўлади. Астасекинлик билан кенгаяр экан, ўсиш нуқталари рақамли иқтисодиётни барча фаолият соҳаларида амалга оширган ҳолда бор маконларни тўлдирадиган “мозаика гилами”ни ҳосил қиласи ва бумазкур ёндашувнинг асосий устунлуги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникатсиялари соҳасини янада

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш борасида, шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни, давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларини жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадидаВазирлар Махкамаси 2018 йил 31 августда рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup> қарор қабул қилди.

Рақамли иқтисодиётни ташкил қилишга режа асосидаги ёндашув давлат раҳбарлиги кўрсатмалари асосида рақамли инфратузилманинг босқичма-босқич ривожланишни ва мос келувчи секторларни турли иқтисодиёт субъектлари билан мақсадли йўналтирилган тарзда “тўлдириш”ни назарда тутади. Бунда рақамли иқтисодиёт фаолият кўрсатиши учун технологик базис ва инфратузилма шакллантириш хусусий бизнеснинг (биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнеснинг) ривожланишига ҳизмат қиладиган шароитлар яратиш билан бир вактда (ёки ундан олдин) рўй беради. Режали ёндашув доирасида технологик базистор йўналишда, режа асосидаги рақамли иқтисодиётнинг устувор йўналишларига мувофиқ ривожланади. Қолган технологиялар ёки суст ривожланган бўлади ёки импорт қилинади. Иккинчи ёндашувнинг асосий устунлиги яратилаётган инфратузилма базасининг универсаллиги ва тезкорлиги ҳисобланади.

## **Рақамли иқтисодиёт соҳасида турли мамлакатларнинг стратегиялари**

Кўплаб ривожланган мамлакатлар, рўй бериши лозим бўлган ўзгаришлар муқаррарлигини тушуниб, иқтисодиётни рақамлаштириш томон ҳаракатни онгли равишда бошладилар. Бу йўналишни биринчилардан бўлиб маълум қилган АҚШ, Япония, Корея ва Хитой бугунги кунда рақамли

---

<sup>4</sup>Постановление Кабинет Министров«О дополнительных мерах по дальнейшему развитию и внедрению цифровой экономики в Республике Узбекистан» от 31 августа 2018 годаID-268.

пойгада норасмий етакчилар саналади. Уларнинг кейинги ўринларда Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Австралия, Белоруссия ва бошқалар туроди. Бироқ агар биз уларнинг стратегик хужжатлари ва ривожланиш дастурларига эътибор қаратадиган бўлсак, маълум бўлишича, улар таркибида қўйидагилар мавжуд эмас экан:

1. Рақамли иқтисодиёт ифодаланган консепсияси ванинг стратегик кўриниши;
2. Рақамли иқтисодиётнинг барча жиҳатларини аниқ ва равshan акс эттирадиган аниқланув;
3. Рақамли иқтисодиётнинг мавжуд иқтисодиётга таъсирни тавсифлаш (мехнат унумдорлигини оширишдан ташқари);
4. Рақамли иқтисодиётта аниқлана бўлган асосий сифат ўзгаришларини тавсифлаш.

Бу далилларни бирлаштирган ҳолда қайд этишга мажбурмизки, биронта, жумладан, етакчи мамлакатларда ҳам рақамли иқтисодиёт ўзи нима эканлиги ва у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тўлақонли тушуниш йўқ. Кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиёт деганда, кўплаб мамлакатларистеъмолчилар билан коммуникатсия ва тўловларнинг янги шаклларини тушунади, лекин иқтисодий муносабатлар ва бошқарувнинг янги шаклларни эмас. Афтидан, кўпчилик мамлакатлар рақамли иқтисодиёт тузмайди, балки мавжуд иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш билан шуғулланади, холос. Бу фаолият, эскирганлик даражаси яққол кўзга ташланиб турганига қарамай, рақамли иқтисодиёт тузишнинг мақсадли йўналтирилган жараёни ҳисобланмайди.

Рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувлар танлаб олган: АҚШ бозор йўналишини, Хитой эса режали иқтисодиётни танлаб олган. Қолган мамлакатлар маълум бир оралиқ варианtlарга риоя қиласди. Шуни алоҳида айтиб ўтишни керакки, худди Хитой каби, АҚШ дастури нуқтаи назаридан биз глобаллашувнинг янги босқичини кўрамиз. Дунёдаги энг кучли иккита иқтисодиёт сифатида АҚШ

ва Хитой учун глобаллашувфойдали, чункииқтисодий жиҳатдан кучлироқ бўлган ўйинчи доимо ўз устулигини намойиш этиш имкониятига эга бўлади.Агар бу соҳадаги АҚШ нинг стратегиясини батафсилроқ кўриб чиқадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ташкил қилиш жараёнини тўрт асосий блокка ажратиш мумкинлиги маълум бўлади:

1.Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитларини яратиш (норматив-хуқукийбаза);

2.Бу соҳага трансформатсия қилинишга энг тайёр иқтисодиёт субъектларида рақамли иқтисодиётплатформалари вужудга келиши;

3.Рақамли иқтисодиёт платформаларнинг ўзарорақобат кураши ва уларнинг аста-секинлик биланингратсиялашуви;

4.Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги энг перспективичимларни бутун иқтисодиётга жорий қилиш.

Ушбу стратегия АҚШ учун қуйидаги сабабларга кўра, ўқни оқлаган бўлиб кўринади:

□ АҚШ қолган дунё олдида сезиларли иқтисодий ва технологик устуликларга эга эканлиги туфайли;

□ Рақамли иқтисодиётинфратузилмасини қуришда АҚШ **Гоогле, Фасебоок, Амазон, Интел**каби юқори технологияли трансмиллий корпоратсияларга таяниши мумкинлиги учун;

□ АҚШдаунинг салоҳиятидан фирманинг ўзи учун ва ҳамда мамлакатта наф келтириш учун рақамли иқтисодиётни мақсадга мувофиқ равища ривожлантириш мумкин ва бунинг учун хусусий компаниялар зарурий миқдори бўлиши лозим.

Бироқ ушбу стратегияда яққол камчиликлар ҳам бор бўлиб, уларнинг асосийларидан бири, етук рақамли иқтисодиёт шакллантириш жараёнининг анча узунлиги ҳисобланади.Бошқа норасмий етакчи – Хитой кўп жиҳатдан қарама-қарши стратегияни, рақамли иқтисодиётни режа асосида ривожланиришни йўлинитанлаган. Бу феноменини яқиндан кўриб чиқилганида маълум бўлишича, Хитой эълон қилган стратегия иккита

параллел ва бир-бiri билан қарийб боғлиқ бўлмаган йўналишлардан иборат:

1. Саноат интернетини жорий қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришни рақамлаштириш;
2. Сотув бозорини янада кенгайтириш учун интернет имкониятларидан фойдаланиш.

Танлаб олинган стратегияқуидаги тўрт асосий таркибий қисмни кўзда тутади:

- Логистика ва ишлаб чиқариши тотал рақамлаштириш;
- Рақамли иқтисодоёт учун норматив-хуқуқий база ишлаб чиқиши;
- Бошқарув тизимларини рақамлаштириш, рақамли платформалар яратиш;
- Рақамли платформалар ва экотизимларни умумий маконга оптималь равища интегратсияқилиш.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон учун унинг дунё майдонидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Шуни тан олиш керакки, Ўзбекистонга бугунги кунда мақбул келадиган тадбир қисқа даврда – биринчи навбатда, технологик ортда қолишдан қутулишdir. Ҳосирда эсамамлакатимизда зарур миқдордаги иқтисодиёт субъектлари йўқлиги туфайли етук рақамли иқтисодиётни ўз-ўзидан шакллантириш учун шарт-шароитлар йўқ. Бу эса давлатимизга рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини усух шарт-шароитлар яратиш, уни энг керакли соҳаларга йўналтириш ва бу жараённи имконият даражасида рағбатлантириш зарурлиги демакдир.

Миллий иқтисодиётнинг яна бир муҳим ажратиб турадиган жиҳати шундаки, ЙИМ асосий қисми давлаткорпоратсиялари (ёки давлат иштироки улуши катта бўлган компаниялар) томонидан яратилади. Ишлаб чиқаришнинг кўплаб тармоқларида давлат иштирокидаги ўйинчилар бозорнинг 80% гача бўлган қисмини ташкил қилиши мумкин. Бундай шароитлардан профилли вазирликлар ёки давлат корпоратсиялари раҳбарлиги остида индустрисал рақамли платформалар яратиш энг оқилона

қадам бўлиб ҳисобланади. Бундай платформлар рақамли иқтисодиётнинг тез ривожланиши ва унга мос келувчи технологияларнинг кенг тарқалиши учун зарур инфратузилма базисини яратади. Рақамли иқтисодиётплатформаларитузидаасосий эътиборни қуидаги йўналишларга қаратиш зарур: транспорт, телекоммуникатсиялар, энергетика, маълумотларни қайта ишлаш, соғликни сақлаш, дори-дармонлар логистикаси, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк ва ишлаб чиқариш. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ва технологик базис яратишга имкон беради, уларни бошқа соҳаларга кўчирган ҳолда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин. Бундай ёндашув бугунги кунда республикамиз учун энг мақсадга муовиқ бўлиб кўринади, лекин у ҳам камчиликлардан холи эмас, албатта. Мос келувчи стратегия унга асосланиши лозим бўлган рақамли иқтисодиётконсепсиясини шакллантииш учун тахмин қилинган йўл рискларини ҳам, рақамли иқтисодиёт рискларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ушбу бобга якун тариқасида шуни алоҳида айтиб ўтишни истардикки, ривожланган мамлакатлар рақамли иқтисодиёти кўплаб дастурлари (АҚШ, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Кореява бошқалар) асосий эътиборни “рақамли тиббиёт” ва “ақлли шаҳар” ижтимоий йўналишларига қаратади. Бундай лойиҳаларни ривожлантириш йўналиши жиддий иқтисодий самарага эга эмас, лекин у бир қатор далиллар билан асосланади

□ биринчидан, ҳар қандай кенг кўламли ривожланиш дастури ғарб туридаги очиқ жамиятдажамият томондан маъқулланиши ва қўллаб-қувватланиши лозим. Шу сабабли рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бундай ижтимоий лойиҳалар белгиси остида боради;

□ иккинчидан, йирик саноатларда рақамлитехнологиялар жорий қилишертами-кечми, ўз-ўзидан иқтисодий мақсадга мувофиқлик туфайли рўй беради. Ижтимоий лойиҳалар эса давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади (яъни, мақсадга муводиқ нарсалар ақлга мувофиқ, ақлга мувофиқ нарсалар эса мақсадга мувофиқдир);

- учинчидан, күпчилик ривожланган мамлакатларрақамли иқтисодиётни маълум бир қўринишда амалга оширишга имкон берадиган сезиларли технологик асосларга эга бўлади. Кенг кўламли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш натижасидакўп сонли мутахассис бўлмаган фойдаланувчилардан тескари алоқага эга бўлинади, бу эса фойдаланувчи нуқтаи-назаридан технологияларни такомиллаштириш ва уларни ахолининг кенг қатламлари учун очиқ қилишга имкон беради;
- тўртингидан, рақамлитехнологияларни саноатда жорий қилиш (масалан, ишлаб чиқаришда буюмлар интернети, 3Д-принтерларни ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жорий қилиш кабилар) анча тор доирадаги вазифаларни ҳал қилиши кўзда тутилган. “Рақамли тиббиёт” ва “ақлли шаҳар” ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш эса кўпроқ мураккаблик ва хилма-хилликни талаб қиласди ҳамда бундай лойиҳалар кенг ҳалқ оммаси томонидан тақдирланади. Барча замонавийтехнологиялар учун, айниқса, бошқарув тизими нуқтаи-назаридан сундайкўринишдаги «ижтимоийстресс-тест» зарурдир.

Юқорида айтиб ўтилганлар фикрлар ва ғояр туфайли, ушбу ижтимоий йўналишларнинг ижтимоий муҳит учун муҳимлиги бизнингча, ўқувчига анча тушунарли бўлгандир. Лекин уларнинг рақамли иқтисодиёт республика дастурида қандай ўринга эга бўлиши лозимлиги ноаниқ бўлиб қолаверади. Илк паллада, ресурслар чекланганлиги сабабли, саъй-ҳаракатларни қайси йўналишга қаратиш зарурлиги ҳакида қарор қабул қилиш зарур бўлиши эҳтимоли катта, яъни, олдимизда икки йўл турибди: уларнинг бири технологияларни ижтимоий мослаштириш билан шуғулланиш, иккинчиси эса маҳаллий технологик асосларни кўпайтириш йўли.

Ҳалқаро ривовланиш ҳамжамиятинингбашоратларигакўра, яқин йилларда, ҳозиргиундааксарияттармоқлардаетакчимамлакатларийигирматалигиданўрин олганкомпанияларнингучданбирқисмиунинг платформалариданянгисервисларвабизнес-моделларяратишучунфойдаланадиганқайтақурилган

«ески»

компанияларваянгидаявогарлартомониданжиддийрақобатхисқилади. Тахминқ илинишича, бир неча ўн йиллар ичидажаҳониқтисодиётиўсишинингиндустрисалбосқичиякунтопадиваунингке лгусиривожи «lean продустион» тамойилларига, аддитив, нановабиотехнологияларга асосланганишлабчиқаришларнингкўпроқтаъсириостид аамалга оширилабошлайди. Мосравишда, бошқарувқарорлариишлабчиқишақабулқилишучунталабқилинадиганаҳборо тҳажмиортади яна ҳам, товарларваҳизматлариишлабчиқаришбўйичабошқарувструктурасиқайтафо рматланади, аҳоливабизнеснинг давлаторганлари билан ўзаро алоқаларитизими дакатта ўзгаришларрўйберади. Бунда ижтимоий ваиқтисодий ривожланишнингижобий ўналишига ўтишbosқичидаг иа сосиёмилларқуидагиларҳисобланади:

- ✓ электрон ҳукумат консепсиясини амалга ошириш;
- ✓ транспорт, уй-жой коммунал ҳизматларини ва бошқаларни комплекс ахборотлаштиришга асосланадиган «ракамли шаҳар» ғоясини татбиқ этиш;
- ✓ янги технологик авлод товарларининг бозорда оммавий раивща пайдо бўлиши (масалан, роботлар, ҳайдовчисиз автомобиллар ишлаб чиқариш ва бошқалар);
- ✓ 3Д-принтерларнинг ишлаб чиқаришда қўллаш кўламининг ортиши;
- ✓ «аклли» ва ўта экологик уй-жойлар қуриш ғоясини амалга ошириш, бу катта ҳажмдаги янги пардозлаш ва қурилиш материаллари талақилади;
- ✓ организмни ёшартириш, даволаш билан боғлиқ инноватсион тиббий препаратларга талабнинг ўсиши;
- ✓ турли хилдаги муқобил ва эркин бандлик шакллари, жумладан, аутсорсинг тарқалиши (бухгалтерия ҳизматлари, дастурлаш, ижодий фаолият ва бошалар);

- ✓ потенсиал иш берувчи буюртмалар жойлаштирадиган кўп сонли профессионал тармоқлар яратиш.

Санаб ўтилган омиллар товар ва электрон ҳизмат йифиндиси сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган рақамли иқтисодиёт платформаларини қўллаш йўли билан бошқарув ва ишлаб чиқаришдаги харажатларни қисқартириш билан боғлиқ. Гап биринчи навбатда, ҳизматлар буюртмаси, ресурслардан биргаликда фойдаланиш, контрагентлар танлаб олиш, электрон савдо, тўловлар ва шу каби платформалар ҳақида боради. Технологик жиҳатдан рақамли иқтисодиётюридик ва жисмоний шахсларнинг биргаликдаги фаолияти бўйича ўзаро алоқа қилиши мумкин бўлган муҳитни ифодалайди.

Ҳизматлар соҳасида рақамли технологиялар катта ҳажмдаги оператсиялар билан намунавий вазифаларни арzon, қулай ва воситачиларсиз қилишга қодир бўлиб, бунга **Убер** такси буюртмаси (бизнесни «уберизатсия» қилиш), электрон савдо, интернет-банкинг ва бошқалар мисол бўлиши мумкин. Иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида даромадлилик даражасини ошириш учун воситачиларни автоматик тармоқ сервислари (етарли даражада яхши ишлаётган сайт ёки мобил илова) билан алмаштириш мумкин. Бизнесни бундай ташкил қилишҳизмат қийматини сезиларли равишда пасайтиришга имкон беришдан ташқари, тўлиқсиз бандлик ва якка тартибда ишлаб чиқаришнинг турли шакллари ролининг устунлик қиласидиган янги иқтисодиёт структурасига олиб келиши мумкин.

Крауд-фандинг ва краудсорсинг технологиялари ҳам рақамли иқтисодиёт технологиялари сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Воситачиларни бартараф қилиш, интернетни ривожлантириш ва «ақлли» автоматлаштирилан сервислар яратиш— бу ҳам қўшилган қиймат олишга асосланадиган иқтисодиётдан ҳамкорлик ва неъматлар айирбошлишга асосланган иқтисодиётга ўтишdir (шу жумладан «шеринг-еconomй»). Шу сабабли рақобат ўзаро манфаъатли кооператсия ва ўзаро алоқаларга ўрин бўшатиб беради вакўпроқ вертикал алоқаларга эмас, тенг ўзаро муносабатларга, бир-

бирини тўлдириб турадиган ҳизматлар тақдим этишга асосланади. Бу ердан ҳизматлар электрон савдоси ва ҳажмининг ортиши ва сервислар сонининг ўсиши келиб чиқади.

Жаҳон банки мутахассисларининг аниқлашича, юқори тезлиқдаги интернетда фойдаланувчилар сонининг 10% ўсиши ЙИМ йиллик ўсишини 0,4% дан 1,4%гача ошириши мумкин. Давлатларнинг ЙИМ даги улуши элестрон иқтисодиёт воситасида йилига қарийб 20% ўсиши бундай иқтисодиётнинг аҳамияти тан олиниши ҳисобланади, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртacha ети фоизни ташкил қиласди. Ўшиш суръати сақланиб қолган ҳолда 10-15 йилдан кейин бундай иқтисодиётнинг жаҳон ЙИМдаги улуши башоратларга кўра 30-40%га етиши мумкин экан.

Замонавий ахборот платформаларини бирлаштириш асосида ўзаро алоқаларни ташкил қилишнинг янги ижтимоий моделлари иқтисодий технологияларнинг (НЕТ) мисолида мужассам этилишига олиб келади. НЕТ нинг асосий тамоиллари қуидагилардан иборат:

- тамомила янги бизнес-моделлар ишлаб чиқиш;
- турли ахборот технологиялари ва улардан иқтисодиётнинг реал секторида ташкилий-технологик жарёнларда фойдаланишни оптимал бирлаштириш;
- трансаксия ҳаражатлари ва моддий ресурслар ишлаб чиқишида қўлланадиган моддий ресурсларни минималлаштириш.

НЕТ замонавий ахборот технологиялари асосида ва реал иқтисодий шароитларга мувофиқ ривожланади. Агар илгари ишлаб чиқариш, савдо ва молия технологиялари изчиллик билан ривожланган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, асосан горизонтал ўзаро алоқаларга (ўзини-ўзи ташкил қилиш ва сингулярлик), инноватсион тадбиркорликка (ўзини-ўзи ривожлантириш), ахборот инжинирингига (ўзини-ўзи такомиллаштириш) ва иқтисодий жараёнларни автоформализациялашга (автоструктуралаш) асосланадиган замонавий ахборотлашган иқтисодиётнинг асоси бўлган НЕТ пайдо бўлган. НЕТ нинг моддий асосини дата-марказлар ҳамда ахборотни

тизимлаштириш ватаҳлилий қайта ишлаш учун мўлжалланган замонавий ИТ-платформалари ташкил қилади.

Бизнес-таҳдил ва бошқарув консалтинги бўйича ҳизматлар «провайдинги» ривожланиши ҳам рақамли иқтисодиётда долзарб аҳамиятга эга. Янги институтлар – ахборот-консалтинг ҳизматлари ва давлат ривожланиш агентликлари ишбилиармонлик муҳитини такомиллаштиришнинг ташкилий асоси ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг жамият тараққиётига тъсирини баҳолаш нуқтаи-назаридан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) ҳисоблари алоҳида қизиқиш уйғотади. 2008 йил ушбу ташкилот доирасида Сеул шаҳрида (Жанубий Корея) интернет иқтисодиётининг келажаги ҳақидаги Декларатсия қабул қилинган. Ушбу декларатсия доирасида, куйидаги жадвалда кўрсатилганидек, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун энг муҳим бўлган еттига мавзу мухокама қилинган.

### **Интернет иқтисодиёти келажаги ҳақидаги Декларатсияда мухокама соҳаси**

Мавзунингноми	Мавзунингмазмуни
Интернет иқтисодиётнинг асоси сифатида юқори тезликдаги инфратузилмадан фойдаланган ҳолда интернетга уланиш	Юқори тезликли тармоқлар ривожланиши, жумладан, мавжуд тармоқларга уланишни кенгайтириш; рақобат учун шароитларни ривожлантириш; конвергенсияни таъминлаш; ИПвб протоколини мослаштириш; радиочастота спектридан фойдаланиш; баҳолаш тизимин такомиллаштириш
Рақамли контент ва «яшил» ахборот ва коммуникатсия технологиялари (греен информацион анд коммуникатион течнологиес (ИСТс)) (бундан кейин – яшил АКТ)	Рақамли сонтент унга мос келувчи бозорни ривожлантириш нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади, локал контент яратиш; жамоатчилик сектори ҳақида ахборот, интеллектуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва б. Яшил АКТ фойдаланиладиган АКТ ресурс самарадорлигини, сенсорли тармоқ яратишни, интеллектуал АКТ иловалар ва тармоқларни кўзда тутади

ИнтеллектуалИнтернетиловаларни ривожлантириш	Иқтисодиётнинг турли соҳаларида интеллектуал иловаларни ривожлантириш, масалан, номоддий актив сифатида маълумотларнинг янги роли ва интеллектуал девайслар тарқалишини ҳисобга олган ҳолда интеллектуалтранспорт, ақлли электр таъминоти тармоқлари ва бошқалар.
Киберҳавфсизлик ва махфийлик	Ахборот тизимлари ва тармоқлари ҳавфсизлиги, шахсий маълумотларни химоя қилиш ва рақамли идентификатсияни бошқариш масалалари кўриб чиқилади
Ваколатлар ва истеъмолчиларни химоя қилиш	Б2С электрон тижорат бозори, айниқса, онлайн ва мобил тўловлар масалалари, рақамли контентни харид қилиш; ижтимоий тармоқлар орқали савдо ва биргалиқдаги харидлар, шунингдек, низоларни ҳал қилиш ва зиённи қоплаш кўриб чиқилади
Интернетиқтисодиётининг очиқлигини таъминлаш	Интернет иқтисодиётнинг ўсиши ва инноватсиялар ҳосил қилиш учун очиқликни таъминлаш, интернет соҳасидаги сиёsat тамойилларини ишлаб чиқиш
Интернет иқтисодиётида глобал ўзаро алоқаларни таъминлаш	Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг интернетга ва у билан боғлиқ АҚТга уланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароитлар яратиш, жумладан, булатли технологияларни ривожлантириш

ИҲТТ томонидан 2016 йил бу ташкилотга аъзо бўлган 32 мамлакат ва яна 6 та ҳамкор мамлакатда ўтказилган сўров маълумотларига кўра, уларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси, режаси ёки дастури мавжуд. 2017 йилнинг сентябридан бошлаб, Австралия хукумати рақамли иқтисодиёт Стратегиясини ишлаб чиқиш бошлангани ҳақида эълон қилди. АҚШда 2015 йил рақамли иқтисодиёт режасини шакллантириш ҳақида маълум қилинди (дигитал эсономий агенда), 2016 йил эсаҳусусий бизнес томонидан амалга ошириладиган интернетни ривожлантириш, ахборот

хавфсизлиги, инновацияларни илгари суриш ва бошқа функцияларни бажарадиган Савдо вазирлиги қошида рақамли иқтисодиёт бўйича маслаҳатчилар Кенгаши ташкил қилинди. Қуйидаги жадвалда мавжуд стратегиялар ва сўровларни таҳлил қилиш асосида ИХТТ томонидан ўтказилган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадлари акс эттирилган.

### **ИХТТ мамлакатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадлари устуворлиги**

Мақсад	Устуворлик		Стратегияга жалб қилинган мамлакатлар микдори
	2017, ранг	2020-2022, ранг кутилган ўзгариши	
1	2	3	4
Електрон хукумат ҳизматларини такомиллаштириш	1	0	21
Телекоммуникатсия инфратузилмасини ривожлантириш	2	-3	22
АКТ билан боғлиқ қўнималар ва ваколатларни илгари суриш	3	0	16
Ҳавфсизликни кучайтириш	4	+2	18
Маълумотларга уланишни кенгайтириш	5	+1	6
АКТ ни бизнес, жумладан, кичик ва ўрта бизнес билан мослашувини рағбатлантириш	6	-1	3
Соғлиқни сақлаш ва таълим каби ўзига хос тармоқларда АКТ мослашувини рағбатлантириш	7	+1	3
Шахсий маълумотлар ҳимоясини кучайтириш	8	0	5
Рақамли идентификатсияни кучайтириш	9	0	2
АКТ секторини, жумладан, халқаро бозорларни	10	0	2

ривожлантириш			
Електрон тиҷоратни илгари суринам	11	-1	5
Глобал даъватларни ҳал қилиш, жумладан, Интернет хукумат, иқлимининг ўзгариши ва бошқалар	12	+1	1
Истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини кучайтириш	13	-1	0
Интернет очиқлигини кенгайтириш, жумладан, қариялар ва имконияти чекланган шахслар учун	14	+1	4
Интернет очиқлигини саклаш	15	0	4
Миллий стратегияларнинг қўшимча мақсадлари			
Фан, инноватсиялар ва тадбиркорликни рағбатлантириш			16
Интернет, ҳизматлар ва ахборотга уланишни таъминлаш			12
Рақамли контент ва маданиятни ривожлантириш			10
Рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш			10
Рақамли муҳитга норматив ёндашувни ишлаб чиқиш			3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами рақамли иқтисодиётнинг 20 мақсади, жумладан, ИҲТТ таклиф қилган 15 та мақсад ва алоҳида мамлакатлар рақамли иқтисодиёт миллий стратегияларига киритилган яна 5 та мақсад кўриб чиқилган. Ҳозирги пайтда энг муҳим (ИҲТТ томонидан ўтказилган сўров натижалари бўйича) мақсадлар «електрон хукумат ҳизматларини такомиллаштириш» ва «телекоммуникатсия инфратузилмасини ривожлантириш» ҳисобланади. Миллий стратегияларда айнан шу икки мақсад кўпроқ учрайди (мос равища 21 ва 22 марта). Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларининг

таҳлил қилинган таркиби сўровда асосан ривожланган ва маълум миқдорда ривожланаётган мамлакатлар (Бразилия, Мексика, Россия ва бошқалар) бўйича маълумотлар қайта ишланганлиги билан боғлиқ хусусиятга эга. Тақдим этилган ахборотдакўплаб ривожланаётган ва суст ривожланган мамлакатлар фикри йўқ. Бу мақсадларда рақамлаштиришнинг салбий оқибатларини ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар, жумладан, ишсизлик, технологик ва иқтисодий қолоқлик ҳамда кам сонли трансмиллий (йирик) корпоратсияларга боғлиқликни кучайтириш масалалари ўз аксини топмаган.ИҲТТ мамлакатлари томонидан рақамли иқтисодиёт ривожланиши даражасини чамалаш учун қўйидаги йўналишларни тавсифлайдиган индикаторлар тизими ишлаб чиқилган:

- иқтисодиётнинг юқори технологияли секторини ривожлантириш, қайта ишлаш саноати маҳсулоти ва ҳизматлардаги салмоғи;
- илмий ишланмаларга, дастурий таъминот ишлаб чиқишига инвеститсиялар, таълим ва қўшимча қайта тайёрлаш ҳаражатлари;
- ахборот-коммуникатсия ускуналари ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, фан ва юқори технологиялар соҳасида иш ўринлари яратиш, корпоратсиялар, венчурли фирмалар, университетлар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида кооператсия қўрсаткичлари;
- халқаро билимлар оқимлари, фан ва инноватсиялар соҳасида халқаро ҳамкорлик; олимлар, муҳандислар, талабалар ҳаракатчанлиги;
- интернетнинг тарқалиш динамикаси;
- халқаро савдода юқори технологияли маҳсулотлар улуши.

Иқтисодиёт ва жамият тараққиётига ўсиб бораётган маълумотлар оқимлари таъсирининг универсаллигиулар ҳақида замонавий жамиятнинг иқтисодий ўсиши етакчи ресурси сифатида гапиришга имкон беради.Експертлар ушбу вазиятни уни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга янгича ёндашувлар излаш заруратини кўрсатиб, иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар ва рақамли иқтисодиёт шаклланиши билан тавсифлайди.Рақамли иқтисодиётни таҳлил қилишнинг турли тадқиқотчилар

томонидан у ёки бу даражада кўриб чиқиладиган тўртта мезонини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- бандлик соҳаси билан боғлиқ мезон;
- маконга оид мезон;
- технологик мезон;
- иқтисодий мезон.

Бунда, гарчи тадқиқотчилар кўпинча биринчи ўринга уларнинг тасаввурларига мос келадиган у ёки бу таърифни олиб чиқишида, бир-бирини тўлдириб турабиган мезонлар бўлиши мумкин. Бироқ аксарият таърифларнинг асосида маълумотларни қайта ишлаш соҳасида миқдорий ўзгаришлар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иктисодий муносабатлар юзага келишига олиб келишига ишонч ётади.

*Бандлик соҳаси билан боғлиқ мезон:* Ушбу ёндашувД.Белл, Ч.Лидбитер ва П. Друкернинг кузатилаётган ўзгаришлар моделлари ва бандлик структураси кўриб чиқиладиган асарлари билан чамбарчас боғлиқ.Ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ўзгаришишу сабабли рўй бермоқдаки, меҳнат билан банд бўлганларнинг аксарияти иқтисодиётнинг рақамли соҳасида ишламоқда. Ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар улушининг пасайиши ва ҳизматлар соҳасининг ўсишижисмоний меҳнатни ахборотлашган меҳнат билан алмаштириш сифатида кўриб чиқилади. Ушбу ҳолатда асосий ресурс бўлиб, маълумотлар иштирок этиши сабабли уларни қайта ишлаш соҳасида меҳнатнинг улуши жиддий ортиши рақамли иқтисодиётга ўтиш сифатида кўриб чиқилиши мумкин.Статистика кузатувлариҳизматлар соҳасида банд бўлганлар улушининг ўсиб бораётганлигини кўрсатади (Фарбий эвропа, АҚШ, Японияда бу улуш 70% ва ундан қўпни ташкил қиласи), уларнинг катта қисми у ёки бу тарзда маълумотларни қайта ишлаш бўйича фаолият билан боғлиқ бўлади ва шу сабабли ушбу асосдаракамли иқтисодиёт мавжудлигини исботлаш ишонарли бўлиб кўринади.Ушбу ёндашувнинг асосий муаммоси маълумотлар билан ишлаш билан боғлиқ ходимлардир. Мисол учун, асосий вазифаси

маълумотларни қайта ишлаш бўйича компьютер технологиялари бўйича мутахассислар, телекоммуникатсия компаниялари ходимлари, таҳлилчилар сонининг ўсиши жараёнини рақамли иқтисодиёт шакллантиришнинг асоси деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ, ҳозирги пайтда рақамли иқтисодиёт ходимларини ҳисоб-китоб қилиш услубияти мавжуд эмас. Шу билан бир пайтда, савдо соҳаси ходимлари, хукуқшунослар ва рақамли иқтисодиёт билан алоқаси кучли бўлмаган бошқалар сонининг тез ўсиши кузатилади, лекин уларнинг ҳаммаси битта тоифага киради.

*Маконга оид мезон:* Рақамли иқтисодиётнинг бир қатор концепсиялари жуғрофий тамойилга асосланади. Асосий эътибор турли жойларни боғлайдиган, шу сабабли, глобал иқтисодий макон шаклланишига таъсир этиши мумкин бўлган маълумотлар узатиш тармоқларига қаратилади. Маълумот узатиш тармоқлари замонавий жамиятнинг бошқаларидан ажратиб турадиган жиҳати ҳисобланади. Бунда рақамли иқтисодиётни тадқиқ этишда маълумот узатиш тармоқлари билан боғлиқ бўлган қайси жиҳатни кўриб чиқиши лозимлиги энг муҳим фурсат ҳисобланади. Бу технологик жиҳат бўладими (яъни маълум бир ҳудудда маълумот узатиш тизимлари мавжудлиги) ёки бу тармоқлар бўйича узатиладиган маълумотлар сони ва сифати каби бошқа жиҳатларни ҳам таҳлил қилиш зарурми, бунинг унчалик фарқи йўқ. Ҳозирги пайтдабир қатор умумий саволлар, масалан, нима ҳақиқатда тармоқ ҳисобланиши, турли тармоқ даражалалари ўртасида қандай фарқ мавжудлиги, рақамли иқтисодиётга ўтишни қандай маълумот ҳажмлари ва уларни ўтказиш тезликлари белгилаб бериши ҳам мунозараларга олиб келади.

*Иқтисодий мезон:* Бундай ёндашувмаълумот яратиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича фаолият соҳасида иқтисодий қийматнинг ўсишини ҳисобга олинишини назарда тутади. Агар иқтисодиёт соҳасида бундай турдаги фаолликчишлор хўжалиги ва саноат соҳасидаги бундай фаолиятдан устунлик қиласидиган бўлса, демак, рақамли иқтисодиётга ўтиш ҳақида гапириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, маълумотларнинг ўзи бундай

шароитларда иқтисодий муносабатлар объектига айланади. Ихтисослашган компаниялар, илмий-тадқиқот ташкилотлари буюртмачининг мақсадлари учун маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш бўйича ҳизматлар кўрсатади ва мос равишда, бундай маълумотлар маълум бир қийматга эга бўлади. Бундай ёндашувнинг асосий муаммоси шундаки, иқтисодий фаолиятда маълумотлар ролининг ўсганлигидан далолат берадиган катта статистика материали ортида уларнинг компаниялар фаолиятига ҳақиқий таъсири анча юзаки ўрганилган, маълумотларни қайта ишлаш ва талқин қилиш билан боғлиқ ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиятлари эса етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Масалан, ишлаб чиқариш корхонасининг ахборот-таҳлил бўлими ахборот фаолияти билан шуғулланади, лекин бутун компания ишлаб чиқаришида унинг улушини статистика мақсадлари учун қандай қилиб ажратиш масаласи очиқлигича қолмоқда.

*Технологик мезон:* Кенг доирадаги фойдаланувчилар учун очиқ бўлиб қолган ахборот-коммуникатсия технологиялари соҳасидаги кўплаб технологик инноватсиялар технологик концепсиянинг негизига айланди. Янги технологиялар иқтисодий тизимлар ўзгаришининг энг кўзга кўринадиган белгиси ҳисобланади ва кўпинча улар иқтисодиётни ривожлантириш драйвери деб аталади. Бундай фикр-мулоҳазаларнинг асосий гояси шундаки, маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш соҳасида технологик инноватсиялар ҳажмининг ортиши ижтимоий-иктисодий муносабатлар ўзгаришига олиб келади, чунки уларнинг таъсири жуда сезиларли. Технологик инноватсиялар таъсирининг муҳим эканлиги шакшубҳасиз. Улар компьютер технологияларининг телекоммуникатсиялар соҳасини ўзgartириш ва бу технологияларни бирлаштириш имконияти билан кучайтирилган бўлиб, бунинг натижасида электрон почта, матнли маълумот узатиш, аудио ва видео файллар кўринишидаги маълумотлар узатиш, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва бошқа сервислар ривожланди. Рақамли технологиялар кенг тарқалишиянигича ижтимоий-иктисодий муносабатлар ҳамда рақамли иқтисодиётнинг у ёки бу мамлакатда

шаклланиши тенденциялари ҳақида мулоҳаза юритишга асос беради. Тадқиқотчилар фақат технологик мезонга таянган ҳолда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини ўлчашга ҳаракат қилишганда маълум бир саволлар юзага келади. Иш эмпирик тадқиқотлар ўтказиш масаласига бориб тақалганда у ёки бу рақамли технологиялар қанчалик кучли ривожланганини кузатиш қийин бўлади:

- чунки уларнинг сони жуда кўп;
- уларнинг ҳар бири ўз таъсирини кўрсатади;
- улар доимий ривожланади ва бу иқтисодиётни рақамли деб аташга имкон беради.

Оқилона ўлчов бирлигини топишга интилган ҳолда, асосий эътиборни технологияларга қаратадиган кўплаб тадқиқотчилар оддий ва текшириш осон бўлган маълумотларни тақдим этиша олмайди. Ўлчаш ва билан боғлиқ бўлган технологик ўлчов бўйича унга эришган ҳолда иқтисодиётни рақамли деб аташ мумкин бўладиган нуқтани топиш қийинлиги рақамли иқтисодиётнинг мақбул келадиган таърифини ифодалаш муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу масала ахборотлаштириш жараёнларининг кўплаб тадқиқотчилари томонидан айланиб ўтилмоқда ва янги турдаги иқтисодиётни тавсифлаш учун шу ҳам етарли деб ҳисоблаган ҳолда, технологик инноватсиялари умумий жиҳатларда тавсифлаш билан чекланилмоқда. Рақамли иқтисодиётни таърифлашда технологик мезонлар ролининг асосий эканлиги билан боғлиқ бошқа масала ҳам юзага келмоқда. Технологиялар ижтимоий соҳадан ажralган эмас, улар ижтимоий соҳанинг бир қисми ҳисобланади. У ёки бу тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар ижтимоий устуворликларни ифодалайди. Ушбу баҳолаш фикрлари асосида у ёки бу технологиялар ривожлантирилади. Кўплаб тадқиқотчилар технологияларнинг шахс қадриятини қандай акс эттиришини ўз ишларида кўрсатиб берган. Агар буларнинг барчасини эътиборга оладиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни

шакллантириш ва ижтимоий-иктисодий муносабатларни ўзгартиришда технологик омилни ҳал қилувчи деб ҳисоблаш қийин, албатта.

## **2-БОБ. ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР САЛОҲИЁТИ РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНинг АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ СИФАТИДА**

Рақамли иқтисодиётда инсон фаолиятининг асосий соҳалари самарали ривожланишининг муҳим шарти –унга мос келувчи институтсионал муҳит шакллантириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Дастурида кадрлар ва таълим тизими рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун шароитлар яратиладиган асосий институтлар қаторига киритилиши ва унга алоҳида бўлим бағишланиши керак. Дастурда кадрлар ва таълим билан боғлиқ қўйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилиши лозим:

- рақамли иқтисодиёт кадрлари тайёрлаш учун асосий шароитлар яратиш;
- рақамли иқтисодиётни чуқур билимга эга кадрлар билан таъминлаши лозим бўлган таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- рақамли иқтисодиёт учун керакли бўлган олий малакали мутахассисларни ўрта ва олий таълим муассасаларида тайёрлашни йўлга қўйиш;
- рақамли иқтисодиёт учун керакли бўлган ўзбек тилидаги замонавий илмий ва амалий адабиётлар яратишни кўзда туриш;
- рақамли иқтисодиёт талабларига таяниши лозим бўлган меҳнат бозорини ташкил қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- зарур чуқур билимга эга бўлиш дастурчилар ва техник ходимларни тайёрлашни йўлга қўйиш;
- кадрларнинг Ўзбекистон рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштирокини молиялаштириш ва мотиватсиялаш тизимини яратиш.

Таълим тизими меҳнат бозорнинг ҳозирги ҳолатига ҳам, унинг рақамли технологиялар жорий қилиниши билан боғлиқ ўзгаришига ҳам йўналтирилиши лозим эканлигини ҳисобга олиб, кадрлар билан боғлиқ муаммоларни ҳар бир кадрлар салоҳиятининг рақамли иқтисодиётдаги

ўрнини кўриб чиқишдан, шунингдек, меҳнат бозорини таҳлил қилишдан бошлаймиз.

## **2.1.Кадрлар салоҳияти - рақамли иқтисодиётдинг асосий омили**

«Ўзбекистон Республикаси рақамли иқтисодиёти Дастури» (ЎзРИД), 2019-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборотлашган жамиятни ривожлантириш Стратегиясига амал қилган ҳолда, рақамли иқтисодиётдинг асосий ишлаб чиқариш омили рақамли шаклдаги маълумотлар бўлган, фуқаролар ва жамиятнинг сифатли ва ишончли маълумотлар олишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ахборот макони шакллантиришга, Ўзбекистон Республикаси ахборот инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий ахборот-телеқоммуникатсия технологияларини яратиш ва қўллашга, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар учун янги технологик асослар шакллантиришга ҳизмат қиласидан рақамли хўжалик юритиш фаолиятини ифодалashi лозим. Шубҳасизки, рақамли технологияларкоммуникатсияларга кетадиган вақтни қисқартириш ва барча иқтисодий жараёнларни тезлатиш имконини беради, лекин бу жараёнлар тезлашуви натижасида конкрет худудда нима рўй бериши – иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши ёки таназзулга юз тутиши – инсон капиталининг ривожланиш векторига боғлиқ бўлади. Кўриниб турибдики, инсоният ривожланишининг барча босқичлари учун анъанавий равишда ажратилатидиган асосий ишлаб чиқариш омиллари – ер, меҳнат ва капитал иқтисодиётни рақамли ўзгартирни даврида, товарлар, ҳизматлар ва ахборот қиймати шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда туб ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Рақамли иқтисодиётда давлатларнинг асосий активи инсон капитали бўлади. Аммо, умуман ҳам инсон эмас, балки асосий актив янги технологиялар соҳасида чуқур билимларга эга, уларни ҳаётга тадбиқ эта олишга қодир, эски нарсаларни такомиллаштира оладиган конкрет одамлар ҳисобланади. Ҳаттоқи, конкрет одамгинаҳам эмас, балки чуқур билимга эга шахсларни умумий жамоавий интеллектга бирлаштириш ва фаоллаштиришга қодир бўлган одамлар гурухи давлатларнинг асосий активи бўлиб ҳисоблана бошлайди. Шу муносабат

билин тан олиш мумкинки, келажак иқтисодиётида асосий ишлаб чиқариш омиллари бўлиб, инсон ва ахборот капитали ҳисобланана бошлайди, бунда асосий омил ва ҳаракат қилучи куч инсон капиталига тегишли бўлади. Бу нуқтаи-назарни Давос иқтисодий форуми асосчиси ва президенти, рақамли иқтисодиётда асосий ишлаб чиқариш омили барибир капитал эмас, балки кадрлар салоҳияти бўлишини Клаус Шваб асослаб берган<sup>5</sup>. У ўз фикриникелажак оламда нафақат тўртинчи саноат инқилоби билан, балки технологиялар билан боғлиқ бўлмаган омиллар, жумладан, демографик муаммолар, геосиёсий ўзгаришлар ва янги ижтимоий-маданий меъёрлар билан ҳам асосланадиган янги ихтисосликлар ва қасблар пайдо бўлиши билан изоҳлайди. Шу сабабдан, капитал мавжудлиги эмас, балки айнан чуқур билимга эга кадрлар тақчиллиги инноватсиялар, рақобатбардошлик ва ўсишни чегаралаб турадиган чеклов ҳисобланади. Швабнинг қайд этишича, кўрсатилган муаммолар «юқори малака» тушунчасининг ўзини тўртинчи саноат инқилоби нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқишга мажбур қиласди. Малакали меҳнатнинг анъанавий таърифлари юқори даражада маълумот ёки ихтисослашган маълумот мавжудлиги ҳамда экспертлик соҳаси ёки касб доирасида белгиланган хусусиятлар тўплами мавжудлигига асосланади. Технологиялар жадал тараққиётини ҳисобга олган ҳолда тўртинчи саноат инқилобиходимларнинг доимий мослашувига ҳамда турли нуқтаи-назарлардан янги кўникмалар ва ёндашувларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Таъкидлаб ўтишни истардикки, бу жараёнларанча оғрикли бўлсада, лекин рақамли иқтисодиёт ривожланишига муқаррар ҳамроҳлик қиласди. Бу иқтисодиётни таркибий қайта қуришда, турли тизимлар фаолиятида, жумладан, ижтимоий ҳимоя, солиқقا тортиш ва таълим соҳасида катта ўзгаришлар талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси хукумати рақамли иқтисодиёт дастурини тўғри тузиш ва уни муваффақиятли равишда амалга ошириш жуда жиддий

---

<sup>5</sup> Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция. –М., Эксмо.2016. С.30

масала ҳисобланади, чунки бу соҳада ортда қолиш жаҳон иқтисодиёти янги трендларга мувоғиқ мамлакатни рақобатбардошликини йўқотишга маҳкум қиласди ва узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келади. Айнан давлат барча манфаатдор томонлар (давлат ҳукумат органлари, бизнес, фуқаролик жамияти ва илмий-таълим жамиятлари) вакилларини рақамли иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришга жалб қилган ҳолда рақамли иқтисодиётни оптимал бошқариш механизмини яратиши лозим. Бир томондан, бу фуқаролик жамияти ва бизнеснинг танланган ўзгаришлар йўналишида ривожланишини жиддий рағбатлантириши, бошқа томондан эса, шу тариқа йўналтириладиган ўзаро алоқалар қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин бўлиб, уларнинг орасида саъи-ҳаракатларнинг турли йўналишларда бўлиши ва ташаббусларнинг тўхтаб қолиши энг муҳимлари ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт дастури бир қанча йўналишларнинг амалга оширилишини кўзда тутиши зарур, аммо бунда асосий йўналишлардан бири – таълим бўйича қандай ишлар амалга оширилиши зарурлиги ҳали-ҳануз пухта кўриб чиқлмаган. Ўйлаймизки, «рақамли иқтисодиётнинг энг қимматли чора-тадбири» кадрлар тайёрлаш ва ахборот инфратузилмаси яратиш бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Таълим бўйича йўл ҳаритаси тайёрлаш катта қизиқиш уйғотади, ва бунда бир қанча қийинчиликларга ҳам дуч келишимиз мумкин. Кадрлар, рақамли инноватсион секторда ишлайдиган техник ва бошқарув кадрлари ўзига хос хислатларга эга бўлиб, ўзига хос тарзда тайёрланишлари лозим, айниқса, давлат ва бизнес кесишувида бу катта аҳамиятга эгадир. Бундай жойларда фақатгина мавқе ёки профессионалликка таянш мумкин эмас. Бу ноёб мутахассислар тайёрлаш, кадрлар тайёрлашнинг умуман бошқача даражаси, ҳозирги пайтда таълимда универсаллик йўқолганлиги, маълум бир перспектив йўналишлар борлиги ва, таълимнинг дифференсиатсия қилинганлигини акс эттиради. Нима учун йўл ҳаритаси тайёрлаш рақамли иқтисодиёт дастурини амалга оширишда энг муҳим фурсат ҳисобланиши ҳақидаги фикрга қайтиб, таълим ва меҳнат бозори

ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хрестоматик ҳақиқатини ёдга олмасдан бўлмайди. Ҳозирги кунда дунёда меҳнат бозорида нималар рўй бераётгани ҳақида нуфузли шахсларнинг фикралрига мурожаат қиласиз. Клаус Шваб ўзининг машхур “*Тўртинчи саноат инқилоби*” китобида қуйидагиларни ёзади: «тўртинчи саноат инқилоби бундан олдинги инқилоблар билан таққослаганда янги тармоқларда камроқ иш ўринлари яратади .... АҚШ меҳнат ресурсларининг атиги 0,5%иаср бошида мавжуд бўлмаган тармоқларда банд; янги иш ўринларининг 8%данкамиўтган асрнинг 80-йилларида ва янги иш ўринларининг 4,5%и – тўқсонинчи йилларда яратилган. Ахборот ва бошқа илгор технологияларга инвеститсияларжалб қилиш учун қўшимча меҳнат талаб қиласидиган кўплаб маҳсулотлар яратиш эмас, мавжуд ишчиларни алмаштириш йўли билан унумдорликни оширишга ҳизмат қиласиди»<sup>6</sup>. Технологик инноватсияларнинг ишсизликка таъсири тадқиқоталрига ҳавола қилиб, К.Шваб таъкидлайди: «Мазкур тадқиқот натижаларига кўра, АҚШда иш ўринларининг 47%га яқини, эҳтимол, кейинги йигирма йил давомидаавтоматлаштириш рискига учрайди, буўтган саноат инқилоблари давомида рўй берган меҳнат бозоридаги ўзгаришлар жараёнидан кўра тезроқ яксон қилинадиган кенгроқ доирадаги касблар билан тавсифланади. Бундан ташқари, меҳнат бозоридақутлашувнинг ўсиш тенденсияси мавжуд. Бандлик юқори даромад келтирадиган когнитив ва ижодий касбларда, кам даромад келтирадиган қўл меҳнатидан ортади, лекин ўртача даромад келтирадиган стандарт касбларда талаб эса пасаяди».<sup>7</sup>

Яқинда Жаҳон иқтисодий форумида эълон қилинган *Txe Future of Jobs* тадқиқоти маълумотларини ҳам келтириб ўтамиз, унга кўра, 2022 йилга келиб, «жаҳон меҳнат бозорида 2 миллион иш ўрни қўшилади, лекин 7,1 миллион иш ўрни йўқолиб кетади. Иш ўринлари интеллектуал ваюқори технологияли соҳаларда пайдо бўлади, иқтисодиётнинг реал секторида ва

---

<sup>6</sup>Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция. –М., Эксмо.2016. С.30

<sup>7</sup>Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция. –М., Эксмо.2016. С.30

маъмурий ишлар соҳаларида қисқаради».<sup>8</sup> Ҳисобот муаллифрининг ҳисоб-китобларига кўра, «2022 йил учун катта маълумотлар технологияси математика ва ҳисоблаш техникиси соҳасида иш ўринлари сонини 4,59%, бошқарув соҳасида 1,39%, молия секторида 1,34% ва сотувларда 1,25% оширади. Лекин худди шу катта маълумотларсоҳаси офис ходимлари иш ўринлари сонини 6,06% қисқартиради. Шу билан бир пайтда, буюмлар интернет компьютер ихтисосликларида бандликнинг 4,54%, лойиҳалаштириш ва муҳандислик ишланмалари бўйича 3,54% ўсишига олиб келади. Лекин шу омилнинг ўзи асбоб-ускуналарга техник ҳизмат қўрсатиш, таъмирлаш ва ўрнатиш бўйича мутахассислар бандлигини йиллик 8%, офис ходимларининг эса 6,2% қисқартиради. Саноат соҳасида бандликкаянги ишлаб чиқариш технологиялари ва 3Д-босма (иш ўринлари сони йилига 3,6% қисқаради) ва ача камроқ даражада – роботлаштиришва автоматик транспортни ривожлантиришга (0,83% қисқариш) кучли таъсир қўрсатади. Умуман олганда, бандлик маълумотларни таҳлил қилиш шуникўрсатадики, у мураккаб технологик жараёнларни бошқариш талаб қилинган жойларда ўсади ва кундалик зерикарли ҳамда малакасиз меҳнат улуши катта бўлган жойларда тушиб кетади».<sup>9</sup>

Иқтисодиёт ва жамият ҳозирги пайтда рақамли ўзгартиришлардан жиддий азият чекмоқда, дебкўрсатилади «*ОЕСД Дигитал эсономий Оутлоок 2017*» ҳисботида: бир томондан, автоматлаштиришайрим касбларда бандликни пасайтириши ва шу билан бир пайтда ностандарт, яъни қисқа муддатли, тўлиқсиз ёки кам пул тўланадиган иш ўринлари сонини ошириши ва иш жойларибўйича гендер тафовутларини бирмунчакенгайтириши мумкин».<sup>10</sup>

Куйидаги ҳолатга эътибор қаратамиз: ахборот иқтисодиёти – оддийгина ахборот технологияларининг ривожланиши эмас, бу уларнинг

<sup>8</sup> Из-за новых технологий в мире исчезнут миллионы рабочих мест. Ведомости. 2016. 26 января. <https://www.vedomosti.ru/management/articles/2016/01/27/625618-ischeznut-rabochih-mest>

<sup>9</sup> Рынок труда: новые технологии убивают рабочие места. Технологии изменят труд. Ведомости, № 4002 от 27.01.2016. <http://www.vestifinance.ru/articles/76341>

<sup>10</sup> The OECD Digital Economy Outlook 2017. P. 33.

самарадорлигини воситачилар ва оптималлаштириш ҳисобига оширилиши мумкин бўлган тамомила янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир. Бундабизнес динамикаси ортади ва мураккаблашади, бугунги кунда ахборот иқтисодиётидауз фаолиятини қандай ташкил қилиш лозимлигига боғликумумий бир тўғри жавоб йўқ. Янги технологияларни ривожлантирадиган ва турли хилдаги инноватсиялардан фойдаланадиган компаниялар бизнес-қоидаларни ўзгартиради ва ҳар қандай тўсикларни вайрон қиласди. «Рақамли технологиилар, чунончи, буюмлар интернети (**ИоТ**), катта маълумотлар (**биг дана**), мобил қурилмава турли девайслардан фойдаланиш, ижтимоий ўзаро алоқа усуллари, иқтисодий муносабатлар ва институтларни тубданўзгартириб юборади. Белгиланган вазифаларни биргалиқда ҳал қилиш учун иқтисодий агентларни мувофиқлаштиради ва кооператсиянинг янги усуллари пайдо бўлади (**шаринг эсономий**)». Синергетика қонунларига кўра, янги технологиилар билан жиҳозланган замонавий бизнесда барча ортиқча нарсалар йўқолиб кетади, бу эса рақобатбардошликтни оширади вау ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтиради, жумладан, воситачиларни автоматик тармоқ сервисларига алмаштириш рўй беради. Бизнесни бундай ташкил қилишҳизмат қийматини жиддий равишда пасайтиришдан ташқари, тўлиқсиз бандлик ва индивидуал ишлаб чиқаришнинг турли шакллари асосий рол ўйнаши мумкин бўлган янгича иқтисодиёт тузилмасига олиб келади. Бу турдаги меҳнат бозори силжишлариинсон меҳнати қандай такомиллаштирилиши, қайси кадрлар ресурсларига талаб бўлиши, қайси таълим моделлари рақамли иқтисодиёт учун керак бўлиши ва ниҳоят, ижодий салоҳиятга, маҳсус ижтимоий ва коммуникатив кўнилмаларга эга эмаслиги ҳамда тез ўзгаришлар ва ноаниқлик шароитларида ишлай олмайдиган одамлар билан нима қилиш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлади. Лекин шунга қарамай, жараёнлар давом этмоқда ва тасаввур қиламизки, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш муаммоси мамлакатимизда бир қадар муваффақиятли ҳал этилмоқда, баъзи тармоқларда

робототехникани қўллаган ҳолда тамомила янги ишлаб чиқаришлар яратилмоқда. Бунда ҳам ишчи, ҳам ўрта бошқарув персоналиниң сезиларли қисқариши рўй бермоқда. Белгиланган вазият ўйлаб чиқарилган эмас, у мутлақо реал асосларга эга. Айрим тармоқларда вазият секин ўзгаради (олий таълим, газ, кимё); бошқаларда тезроқ (соғлиқни сақлаш, транспорт, истеъмол товарлари, давлат сектори/машинасозлик, энергетика), лекин айримларида бу жараён жуда ҳам тез рўй беради (банкинг, сугурта, юқори технологиялар, телеком, медиа, ритейл, спорт ва кўнгилочар соҳалар, мудофаа). Шубҳасизки, юқорида келтирилган тармоқ гурухларида рақамли самаралар тарқалиш тезлиги бу жараёнга турли омиллар таъсиридан келиб чиқиб, у томонга ҳам, бу томонга ҳам ўзгариши мумкин, лекин энди ортга йўл йўқ. Яқин йилларда меҳнат бозорида туб ўзгаришлар рўй беради, ходимлардан янги кўнимкалар талаб қиласидиган касблардаги ўзгаришлар кузатилади. Тармоқлар кесимидааввалгидек, бандлик кафолатлари бўлиши мумкин. Шу билан бир пайтда, кўриниб турибдики, ташкилотлар ва ҳатто мамлакат рақобатбардошлиги, уларнинг инноватсион ривожланиш суръатлари айнан кадрлар салоҳияти мавжудлиги билан белгиланади. Замонавий меҳнат характерини тавсифлар экан, К.Шваб касбий фаолият «дунёning исталган нуқтасида жойлашган тайёр ижрочилар виртуал булутига чиқариладиган муайян лойиҳалар ва аниқ топшириқларга бўлиниши»ни ёрқин тавсифлайди ва «бу интернет тармоғига уланган ҳар бир кишига янги имкониятлар ва мустақиллик хадя этадиган ва профессионаллар тақчиллигини бартараф қилишга қодир бўлган янги мослашувчан меҳнат инқилобининг бошланиши эмасми? Ёки бу тартибга солинмайдиган виртуал машақкатли меҳнат олами тубида бераҳм пойга пайдо бўлишига олиб келадими? Агар инқилоб натижасига сўнгги вариант – меҳнат ҳуқуқларидан, меҳнат шартномаси тузиш ва кафолатланган бандлик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган ҳолда буюртмадан буюртмагача пул ишлаб топадиган ходимлар ижтимоий синфи, сиёсий бекарорлик ва ижтимоий ғалёнлар манбаъсига айланадими?» деган

саволлар беради<sup>11</sup>.

Ҳамма учун барқарор рақамли келажак яратишга фақат рақамли уланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ижтимоий сиёsat ва бандлик соҳасидаги сиёsat иқтисодиётни рақамлаштириш шароитларида қандай қилиб меҳнат кўникмаларини ривожлантириш ва мослаштириш, ижтимоий сиёsatга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш борасида қандай ўзгартирилиши мумкин эканлигини тушуниш зарур. Рақамли технологиялар салоҳиятини тўлиқ очиб бериш ва аҳоли орасида меҳнат бозорида зарур бўлган кўникмаларни, жумладан, рақамли иқтисодиёт ривожланишида муҳим омил саналган рақамли саводхонликни ривожлантириш учун инсон ҳаёти давомида барча таълим ва ўқитиш шаклларига тузатиш киритиш зарурати мавжуд. Тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг рақамли иқтисодиёт рискларини юқори баҳолашларига қарамай, рақамлаштииш бобида дунёда оптимитик фикрлар ҳам билдирилмоқда. Хусусан, бу 2017 йилнинг апрелида **Г20 саммитлари рақамли иқтисодиёт таъаллукли бўлган вазирлар учрашувида қабул қилинган «G20 Дигитал эсономий Министериал Конференсе Дисселдорф 6 – 7 Апріл 2017» декларатсиясида, шунингдек, «технологик ишсизлик» олдидаги қўркувлар саноат инқилоби даврига бориб тақалиши, техник тараққаиёт оқибатида иш турларининг йўқ бўлиб кетиши ва иш ўринларининг қисқариши иқтисодий тараққиётнинг ажralmas қисмини ифодалashi таъкидланадиган Жаҳон банкининг Жаҳон ривожланиши ҳақидаги маъруза шарҳида янгради. Сиёsatнинг жавоб чоралари ижтимоий ҳимояни қайта кўриб чиқиш, таълим ва касбий тайёргарлик сифати ва долзарблигини оширишни қайта кўриб чиқиш билан боғланади, бироқ бу уларни ислоҳ қилиш фақат йиллар ўтгандан кейингина ҳосил берадиган соҳалар ҳисобланади»<sup>12</sup>. Технологиялар ва таълим ўртасидаги мусобақада рақамли имкониятлардан хар бир киши фойдалана олиши учун кўникмаларни ривожлантириш ва рағбатлантириш керак, дейилади ушбу**

<sup>11</sup>Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция. –М., Эксмо.2016. С.63

<sup>12</sup>Цифровые дивиденды. Обзор Доклада о мировом развитии. 2016. Всемирный банк, 2016. С.22.

шархда<sup>13</sup>.

## **2.2. Рақамли иқтисодиёт кадрларини нималарга ўқитиш керак**

Хозирги кунда касбий таълим ҳақидаги мунозазаларда янги атамаларга ўтиш амалга оширилган бўлиб, бу унинг мазмунидаги жиддий ўзгаришларни акс эттиради. Гап билимларга эга бўлишдан кўра кўпроқ кўникмалар – скиллсни ўзлаштириш ва, бундан ташқари, алоҳида кўникмалар эмас, бир гурух кўникмалар ёки ваколатларга эга бўлиш ҳақида боради. Таълим соҳасидаги туб ўзгаришларни акс эттирадиган ҳард скиллс, софт скиллс, дигитал скиллс каби атамалар парадигмаси вужудга келди. Барча касблар учун айтиб ўтилган кўникмалар ичida юқоридаги учала гуруҳларнинг нисбати турлича бўлади. Биринчи гуруҳдаги кўникмаларга, қоидаларга кўра, автоматизмга олиб келиш ва, масалан, имтиҳон ёрдамида ўлчаш мумкин бўлган касбий кўникмаларкиритилади. Иккинчи гуруҳдагилар шахсий хислатлар доирасига киради, шахснинг ижтимоийлашуви ва касбий тажрибага эга бўлиши жараёнида қўлга киритилади, асосий фаолият ўзига хосликларидан қатъи назар муваффақиятли бўлишга имкон беради. Учинчи гурухга келадиган бўлсак, бу ерда ким бундай кўникмалар пакетини олиши лозимлиги муҳим аҳамият касб этади. Масалан, «рақамсиз» касблар (шифокор, адвокат, актер, адабиёт ўқитувчиси), дигитал скиллс зарур бўлаган касб субъектлари эса – замонавий тармоқ рақамли жамияти оддий аъзолари сифатида уларга зарур бўлган ваколатлар стандарт пакетига эга бўлишлари лозим. Бу жамиятнинг техник элитасини ташкил қиласиганларга эса бутунлай бошқа пакет керак. Боз устига, ушбу гурух вакиллари учун дигитал скиллс худди ҳард скиллс аҳамиятини касб этади. Худди шу нарса софт скиллс билан ҳам рўй беради. Мутахассисларнинг бир қисмига коммуникатив ва бошқарув кўникмаларумумий касбий даражани қўллаб-куватлаш учун зарур, педагогик ва бошқарув жамоалари учун бундай ваколатлар тор касбий билимлар билан бирга ҳард скиллс пакетига киради.

---

<sup>13</sup> Цифровые дивиденды. Обзор Доклада о мировом развитии. 2016. Всемирный банк, 2016. С.22.

Маълумки, иқтидорли ўқитувчилар ўртача статистик педагоглардан ўз билимлари чукурлигидан кўра кўпроқ уларни етказиш қобилияти, яъни мукаммалроқ коммуникатсион қобилиятлар билан фарқланиб туради. Мунозараларда энг аввало, ушбу учта таркибий қисмлар нисбати ва уларнинг уйғунликдаги тузилишлар муҳокама қилинади. Факат турли фанлараро билимлар ва фанлараро тадқиқот усулларига эга бўлган, техник ва гуманитар фанларда чукур билимга эга бўлган, келгусида узлуксиз ривожланишга қодир талаба тайёрлаш учун таълим фундаменталлигини мустаҳкамлаш зарур. Бизнингча, бу «скиллс» ҳақидаги саволга асосий принсибиал ёндашув ҳисобланади. Вақт горизонти қўйидаги кўникумаларни белгилаб беради: бизҳатто яқин келажакда ҳам қандай кўникумалар керак бўлишини аниқ билмаймиз, бу эса таълим дастурларини тавсифлаш ва таълим тизимларини ташкил қилиш моделларини концептуал тавсифлашда кўлларини боғлаб қўяди. Лекин шунга қарамай, замонавий постиндустриал жамиятда ютуқларнинг энг катта улуши айнан иккинчи ва учинчи гуруҳдаги ваколатлар билан таъминланадиган инсон салоҳияти ва ижтимоий капитал энг муҳим рол ўйнашини ҳисобга олган ҳолдатаълим жараёни ўзгариши лозим.

Бугунги кунда бизнес-моделлардаминимал вақт «лаг»и билан кўникумалар тўпламининг доимий «синиши» рўй бермоқда, кейин эса янги кўникумаларга юқори талаб вужудга келади ва бу янги касбларга талабларни белгилаб беради. Яъни барча саноатларда, барча соҳаларда кўникумалар тўпламининг «яроқлилик муддати» кескин пасаяди. Робототехниканинг ривожланиши билан кўплаб зарурый кўникумалар йўқ бўлиб кетади. Боз устига, ҳаттоки сезиларсиз технологик ўзгаришларга эга бўллган тармоқларда ҳам демографик вазият ўзгариши ёки бошқа бозорларга йўналтирилганлик зарур кўникумаларни ўзгартиради. Бандилкнинг ўсиши асосий иш ўринлари учун зарур бўлган у ёки бу тармоқдаги кўникумалар зарур асосий тўплам билан таъминланмайдиган, одамларнинг бир қисми эса оғир аҳволга тушиб қоладиган – ишчи кучи ортиқчалигига дуч келадиган ва

бу ҳатто бизнес ва иш берувчиларнинг малакани ўзгартиришга инвеститсия киритиш стимулларига путур этказиши мумкин бўлган вазият билан биргалиқда қутилиши эҳтимоли ҳам истисно қилинмайди. Замонавий саноатларга қайси муайян кўникмалар зарур деган фикрга қайтамиз. Бу ерда ахборот технологияларнинг турли тармоқларга тасирининг вақт билан боғлиқ жараёнини кўриб чиқиш муҳим. Ҳорижий мутахассислар бизнес-моделларга ва ишчи кучи кўникмаларга талаб мавжудлигига таъсир этадиган қўйидаги факторларни ажратиб қўрсатадилар:

- мобил интернет ва булат технологиялари ривожланганлиги;
- катта маълумотлар базалари;
- краудсорсинг, шеринг-экономий ва пирринг тармоқлари;
- ўзгарувчан иш шароитлари ва мослашувчан иш механизмлари;
- яшил иқтисодиётга ўтиш;
- янги энергия манбалари ва технологиялар;
- буюмлар интернети;
- илғор ишлаб чиқариш технологиялари, 3Д-босма;
- илғор робототехника ва автоном транспорт;
- сунъий интеллект ва унинг машина ускуналари;
- илғор материаллар, биотехнология ва геномика.

*Мисрософт* ва *Тҳе Футуре Лабораторий* компаниялари таҳлилига мувофик, ҳозирги мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг 65% и ҳозирча мавжуд бўлмаган лавозимларни эгаллади. Мутахассисларнинг башоратларига кўра, 2025 йиллга келиб, виртуал яшаш муҳити дизайнерлари, робототехника бўйича мутахассислар, адвокатлар, фрилансерда ишлайдиганлар ва биохакерларга талаб энг юқори бўлади. Тҳе *Футуре Лабораторий* муҳаррири Стив Тузнинг қайд этишича, келажак мутахассислари бирданига бир нечта кўникмага эга бўлишлари муҳим<sup>14</sup>. Бандлик соҳасидаги ўзгаришларга жиддий таъсир ҳамда технология, демографик ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар, шунингдек, кадрлар

---

<sup>14</sup>Российские специалисты назвали профессии будущего <http://tass.ru/plus-one/4572666>;

тайёрлаш зарурий таълим тармоқларини йўлга қўйишда секторлараро ҳамкорликнинг роли қайд этилади. Яқин йилларда бу масалаларни олдинроқ кўра билмаслик ва ҳал қилмаслик жуда катта иқтисодий ва ижтимоий ҳаражатларга олиб келиши мумкин. Буларнинг барчасиянги қўникмаларга эга бўлган, замонавий ривожланиш стратегияларига ва замонавий технологик инқилоб трендларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш комплексли стратегияси ҳақидаги масалани кўндаланг қўяди. Агар барча асосий таълим поғоналари тушунарли ва одатий бўлса, элементар тайёргарлик талаб қиладиган поғона изоҳ беришни талаб қиласди. Тахмин қилинадики, бу даражада асосий тайёргарлик тоифаси аҳолининг кам таъминланган қисми (пенсионерлар ва бошқаижтимоий ҳимояланмаган қатламлар) ташкил қиласди, шу сабабли, уни миллий даражада ташкил қилинадиган ижтимоий ривожланиш ва рақамли маориф Марказлари негизида бюджет асосида ташкил қилиш тўғри бўларди. Таъкидлаш жоизки, аҳолининг барча қатламларини қамраб оладиган барча тайёргарлик поғоналари бир хилда муҳим аҳамият касб этади, чунки барча замонларда тараққиётнинг асосий кўрсаткичи жамиятда технологик янгиликларни қабул қилувчи инсон гурухлари борлиги ҳисобланади. Истеъмолчилар, биринчи навбатда, фуқароларнинг рақамли технологиялардан фойдаланишдан оладиган узоқ муддатли афзаликларни тушуниши ва шахсларнинг уни идрок қилиши асосий аҳамиятга эга. Рақамли технологиялардан кенгроқ фойдаланиш учун қайси қўникмалар кераклиги ҳақида энг оддий фикр бу қуйидаги учта йўналиш ҳақидаги тахмин бўлиши мумкин:

- дастурлаш, амалий дастурлар ишлаб чиқиш ва тармоқларни бошқариш учун ИТ соҳасидаги мутахассислар қўникмалари ва касбий мақсадлар учун ИТдан фойдаланишнинг умумий қўникмалари;
- ИТ дан ишда фойдаланиш билан боғлиқ янги вазифаларни бажариш учун қўшимча ИТ қўникмалари, масалан: ахборотни қайта ишлаш, ўзини-ўзи йўналтириш, муаммоларни ҳал қилиш ва

коммуникатсия;

- рақамли саводхонлик кўнималари, шунингдек, барча одамлар томонидан кундалик ҳаётда рақамли технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ва эмотсионал кўнималар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказиладиган ахборот технологиялари ва ахборот-телекоммуникатсия тармоқларидан фойдаланиш масалалари бўйича аҳолини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, энг тарқалган конъюнктура кўнималари матнли муҳаррир билан ишлаш (респондентларнинг 42% и қўллаган), компьютер ва периферия курилмалари ўртасида файл узатиш (29%), электрон жадваллар билан ишлаш (23%) деб топилган. Дастурий таъминот конфигуратсияси созламалари ёки параметрларни ўгартиришга қодир бўлган «ривожланган» фойдаланувчилар 3% дан ҳам ошмайди, худди шундай кўрсаткич оператсион тизим ўрнатиш ва қайта ўрнатиш кўнималарига эга бўлган шахсларга ҳам таъаллуқли. Дастурлаш тилидан фойдаланган ҳолда мустақил равища дастурий таъминот ёзиш кўриб чиқилаётган аҳоли гуруҳида фақат 1% аҳолининг қўлидан келади, холос. Шунингдек, интернетдан фойдаланувчилар тармоқда ахборот қидириш ва мулоқот қилиш борасида яхши кўнималарга эга эканлиги, булутли омборлардан фойдаланиши қайд қилинади. У ёки бу кўнималарни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг қайси даражаларида такомиллаштириш керак деган савол ҳам туғилади. Масалани тўлиқ ёритиб беришга даъвогарлик қилмаган ҳолда, баҳс-мунозалар мақсадларида ИТ муайян соҳасида кутилган кўнималар ва чуқур билимга эгалик кўрсатилган ҳолда рақамли тайёрлаш даражаси ва ўқитиши шаклларини қуйидаги жадвалда ажратиб кўрсатамиз (бизнинг фикримизча):

**Турли ўқитиши шаклларида рақамли чуқур билимга эгаликни  
шакллантириш**

Ўқитиши шакли	Рақамли тайёргарлик даражаси	ИТ кўнималари
---------------	------------------------------	---------------

<b>Докторантура</b>	<b>Таҳлилий</b>	Ахборот излаб топиш, унга уланиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, мавжуд тажрибани кўллаш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиши қобилияти
<b>МБА қайта тайёрлаш</b>	<b>Профессионал</b>	Ахборот-коммуникатсия тизимларини ривожлантириш, фаолият кўрсатиши ва ҳизматлар кўрсатиш учун талаб қилинган қўникмлар(замонавий дастурий маҳсулотлар билан ишлаш қўникмалари, ахборот архитектурасини лойиҳалаштириш, бошқариш, ҳизмат кўрсатиш, эксплуататсия қилиш, дизайн яратиш, АКТ соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмалар).
<b>Малака ошириш Магистратура (нотехника мутахассислари)</b>	<b>Ривожланган</b>	Ривожланаётган рақамли шароитларда, жумладан, дастурий таъминот, таҳлил технологиялари ва ҳисбот платформаларини яхши билиш қобилияти. Рақамли технологияларни амалиётда кўллай олиш қобилияти. АКТ қўллаш этикаси соҳасидаги билим ва қўникмалар
<b>Бакалавриат Кол ледж Мактаб</b>	<b>Базавий</b>	Рақамли саводхонлик таркибий қисмлари – тармоққа уланиш, дастурлаш ва алгоритмлаш базавий қўникмалари, индивидуал ёки жамоавий ишларда коммуникатсия айирбошлиш ва рақамлимаҳсулотлар яратиш, компютертехнологияларини билиш, веб-мухитдан фойдалана олиш.АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда ахборотни шарҳлаш ва қайта тақдимот ўтказиш
<b>Ахоли</b>	<b>Елементар</b>	Компьютер саводхонлиги. Рақамли муҳитда интерактивҳизматлар олиш учун зарур бўлган бирламчи фойдаланувчи қўникмалари

Мутахассислар тайёрлаш тизимлилиги технологик тараққиётнинг илғор қисмидан ўрин олган энг илғор феноменларни ўрганишини ўзичигаолади, яъни, бугун бор нарсаларга эмас, келажакда бўладиган нарсаларга ўқитадиганҳамда жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон фан-техника тараққиётининг ривожланиш трендларини ҳисобга олишни талаб қиласди. Янгилангантълимтизимиинсониятқадамқъўя бошлаган ривожланишнинголти нчитехнологиктискли, яъни, Индустря 4.0 билан боғлиқ бўлган масалавамуаммоларничуқурўрганиши ўзтарки бигақамр оболишилозим. Бу хусусият таълим тизимининг модернизатсиялаш жарайинида албатта ҳисобга олиниши лозим. Таълимни аниқ фанлар ва

санъатнинг кесишган нуқтасидан ўрин олган юқори технологияли касбларга йўналтириш зарурати – таълимга, жамоа бўлиб ишлаш ва тадқиқотчилик соҳасида чуқур билимга эгалик борасида яна бир даъватдир. Ривожланишнинголтинчитехнологикклифанд ва таълимни ташкил қилишнинг тор тармоқ характеристини бартараф қилишни тақозо этади. Шу муносабат билан фанлараро кадрлар тайёрлаш масаласи ўта долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Янги укладдаги табиатмонанд технологиялар яратишконвергенсия, гумунитар ва табиий-илмий билимлар синтези билан боғлиқ. Фаннинг ривожланиш мантиқи бизни тор ихтисослашувдан фанлараролик, сўнгра фанлар узралик ва трансфандар, синергетик самара ва фанларнинг бир-бирининг ичга кириб боришига олиб келади. Кўриниб турибдики, ушбу мантиққа мувофиқ, биз таълим методологияларининг бошқа соҳасига, чунончи, таълим жараёнида мавжуд бўлмаган билимлар конвергенсияси фундаментал жараёнлари билан боғлиқ равишда бошқа соҳага тушиб қоламиз. Трансфандар синкетизми: айнан «шу тушунишдан келиб чиқиб, НБИКС-мутахассислар тайёрлаш дастурлари, жараёнлари ва таомилларини ишлаб чиқиши зарур. Бундай ёндашувходисаларда ўзаро алоқалар топишга қодир бўлган дарахтнинг ортидан ўрмон кўра оладиган, билимларни амалиётда қўллай оладиган ва ўз ҳаракатлари оқибатларини кўра оладиган тўлақонли, ҳар тарафлама ва кўп ўлчамли мутахассислар тарбиялашга имкон беради». Рақамли иқтисодиётни мамлакат миқёсида ривожлантириш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш учун қуйидаги саволларга баҳоли қудрат жавоб бериш керак бўлади:

- ✓ Мамлакатимиздаги таълим ҳамжамияти рақамли технологиялар билан боғлиқ мутахассислар эга бўлиши лозим бўлган қўнималарга тахминан бўлса ҳам тайёрми?
- ✓ Улар ушбу соҳада дарс беришга лаёкатлими?
- ✓ Қайси институт ва университетларда рақамли иқтисодиёт асосларини ўқитиши керак?

- ✓ Ўқитувчилар малакасини қаерда ва қай тартибда амалга оширилишилозим?
- ✓ Рақамли иқтисодиёт соҳасида таълим дастурлари, илмий-услумий материаллар ва ўқув қўлланаларини кимлар, қачон ва қаерда тайёрлайдилар ҳамда улар қандай молиялаштирадиалар?

Еҳтимол, Жаҳон банки таклиф қилган тасниф бу борада маълум бир кўрсатма бўлиб хизмат қила олар.«*Txe Future of Work: Jobs and skills in 2030*» маъruzасида қайд этилишича: «Технологиялар ва фанларнинг яқинлашуви мухандислар, биологлар, биомуҳандислар ва АКТ соҳасидаги кўп профилли юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж кучаяди».

### **Замонавий иқтисодиётда талаб катта бўлган қўникмалар турлари**

<i><b>Когнитив</b></i>	<i><b>Ижтимоийва хулқатвор</b></i>	<i><b>Техник</b></i>
Саводхонлик ва математик қўникмалар, шунингдек, юқори даражадаги когнитив қўникмалар (масалан, мантиқий ва креатив фикрлаш)	Ижтимоий-емотсионалкўникмалар ва шахсий хислатлар	Кўл меҳнати қўникмалари ваусулларни билиш, материаллар, механизмлар ва воситалар билан ишлаш қобилияти
Муаммоларни ҳал қила олиш қобилияти, муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган билим	Янги тажриба олишга тайёрлик, ҳалоллик, экстраверсия, тактваемотсионал барқарорлик	Ўрта мактаб тугалангандан кейинги касбий тайёргарлик ёки ўқиш жарёнида, ёхуд меҳнат фаолияти жараёнида олинган техник қўникмалар
Вербал саводхонлик, ҳисоблай олиш қобилияти, муаммоларни ҳал қилиш, хотира ва фикрлаш тезлиги	Ўзини-ўзи тартибга солиш, муросаларга тайёрлик, ақлнинг йўналиши, қарор қабул қилишва шахслараро мулоқот қўникмалари	Муайян касб бўйича ишлаш учун зарур бўлган қўникмалар (масалан, мухандис, иқтисодчи ёки ИТ бўйича мутахассис)

***Манба:** “Рақамли дивидендолар”. Жаҳон ривожланиши ҳақидаги маъзуза шарҳи. 2016. Жаҳон банки, 2016. 33 бет.*

Яхши коммуникатив қўникмаларбундай фанлараро жамоаларда узлуксиз ишлаш ва ҳамкорлик қилишни таъминлаш учун зарур. Конвергенттехнологияларга асосланган бизнес-фаолият ва тармоқларнинг ривожланиши, шунингдек, эҳтимол, илмий ҳажмдор ҳизматлар ва

кўникмаларга, жумладан, интеллектуал мулк ва бошқа масалалар бўйича юридик ҳизматлар, маркетинг ва стратегик бошқарув консалтингига талаб яратади. Кўрсатилишича, конвергенттехнологиялар кўникмалари ва фанлараро кўникмаларга ўқитиш, хусусан, биотехнология, ахборот-коммуникатсия технологиялари, нанотехнологиялар ва когнитив фанни уйғунлаштиришни кўзда тутади. Агар рақамли иқтисодиёт кадрларини тайёрлашда синергетик таъсир ва фанлараролик тамойиллар ҳақида гапирадиган бўлсақ, унинг универсал чуқур билимга эгалик сифатида ижтимоий жавобгарлик тамойилига мувофиқлиги каби жиҳатни айланиб ўтиш мумкин эмас. Ушбу концептнинг фалсафий мазмуни атроф-муҳитдаги тизимли ўзгаришларни ва рақамли технологияларнинг ривожланиш оқибатларини башорат қилиш билан боғлиқ. Тўлиқликка даъвогарлик қилмасдан, рақамли технологияларнинг қуидагилар билан боғлиқ ривожланиш рискларини санаб ўтамиш:

- уларсиз ахборотлашган иқтисодиёт мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган маълумотлар тўплаш ва сақлаш рисклари (фуқаролар ва улар амалга оширадиган ҳаракатлар ҳақида улкан ахборот тўпламлари яратган ҳолда, уларнинг кераклилиги рейтнингларини тузиш имконияти билан; нафақат аҳоли, балки давлатлар устидан назорат имкониятлари билан; ахборот чиқиби кетиши ва мамлакат рақамли суверенитетини йўқотишнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ рисклар);
- олдинги ўзгаришлардан кўра кенг кўламлироқ ва анча тезкор бўлиб чиқиши мумкин бўлган техник тараққиёининг ривожланишини олдиндан айтиб бериш имкони йўқлиги болан боғлиқ рисклар (технологиялар ва таълим ўртасидаги мусобақа; ҳар бир кишига зарур қўникмаларга эга бўлиш ва меҳнат бозори тузоқларига тушмасликка имкон берадиган меҳнат кўникмаларини мослаштириш; рақамли узилиш ва маргиналлашувнинг олдини олиш каби рисклар);
- ҳавфсизлик, жумладан, киберҳавфсизликни таъминлаш масалаларининг (замонавий ахброт технологиялари ёрдамида иқтисодий

фирибшарликнинг олдини олиш), шунингдек, электрон савдони тартибга солиш, Интернетдан фойдаланиш, биомуҳандислик технологиялари, сунъий интеллект, криптовалюталар, учувчисиз қурилмалар масалаларининг долзарблашуви;

- рақамли иқтисодиётда истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва рақобат ҳақидаги қонунларнинг йўқлиги ёки уларга риоя қилинмаслиги рисклари.

Кўриниб турибдики, таълим даражаларининг ҳар бири айтиб ўтилган универсалкомпетенсияларни ўз даражасида шакллантиради. Ижтимоий жавобгарлик тамойилига мувофиқлик нуқтаи-назаридан тайёргарлик биринчи навбатда, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, шунинглек, маълумотларни сақлаш усуллари ва ташкилотларнинг киберҳимоя воситалари ривожланиш шароитларида экологик ва техносфера ҳавфсизлиги вазифаларини ҳал қилишда ижтимоий жавобгарлик қўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлади.

### 2.3. Рақамли иқтисодиётнинг таълим мұхитини шакллантириш

Иқтисодиётдабугунгиундар ўйбераётганваяқинкелажақдабашоратқилин аётган ўзгаришлар бутунтаълим соҳасигада хлқилганхолда ОТМ мұхитигат обора каттабосимкўрсатиб, уларнинг дипломлари қимматлиги гимасаласини илгари сурмоқда.

Онлай-таълим суръати кучая бошлаган, бизнес кадрлар тайёрлашва қайтатай тайёрлашкорпоратив тизими ни шакллантираёт ган,

кабсий стандартлари шлабчиқиқи қилаётган ва улар гаму воғиқлик бора сида ўзстанд артларини тақдимет аётган шароитларда анъана виёлий таълим мұхитини шакллантираёт аларни тақлиғи лиши мумкин?

Хозирги даврда университетлар вабошқа ОТМ мұхитини шакллантириш иқтисодиётга ўтиш даври вазифалар итуради:

олдиндан маълум қилингани ўналишлар ва ихтиносликлар бўйича бакалавр вамиг истрлар тайёрлашиб билан бир гадастурлар тўплами ни ғайтиришваталабаларра қамли иқтисодиётталаб қиласида ганкўникмаларни ўзлаштириши вабилимлароли

шимумкинбўлганзарурсароитларяратиш энг долзарб вазифалардан хисобланади.

Олдинроққайдетганимиздек,

рақамлисамараларнингтарқалиштезлигитурлитармоқлардатурлича бўлади, амалдагианалоглииқтисодиётучунҳам,

рақамлииқтисодиётучунҳамкадрлартайёрлашниуйғунлаштиришзаруратиайна ншубиланизоҳланади.Лекиншунгақарамай,

ўтишдавридавомидауниверситетларнингянгимоделларишаклланишилозимва экспертларбумоделларасосидаяратишмумкинбўлганбир қаторянгифунксияларниажратибкўрсатдилар:

- ✓ Атрофдагиоламнимоделлаштириш (*сеттинг университет*).
- ✓ Атрофдагиоламнимоделлаштиришфунксиясинимаксималлаштириш, яньимоделлаштиришфунксияси, бундауниверситетшартлиқилибайтганда, атрофдагиоламнимоделлаштиишвяяратишгақодирбўлган кадрлар ва педагоглартайёрлайди.
- ✓ Тизимли даражасида янги моделлар яратиш учун етарли бўлганресурсларни максималлаштириш.
- ✓ «*Rosket унисорн университет*» модели, яъни якка инсонлар яратадиган университет модели - унинг асосида шаклланадиган янги стартаплар яратиш функсиясини максималлаштириш.
- ✓ Бугунги кунда “*сингуларитий университет*” моделида дунёда намоён бўлган мафкурани максималлаштириш.
- ✓ Ўқишдан манфаатдор бўлган талабалар ва болаларнинг 80% и муаммолари ҳал эта оладиганмотиватсияни максималлаштириш.
- ✓ Иқтидор намоён бўлишини максималлаштириш, яъни ҳар қандай йўналишда пайдо бўлган ҳар қандай иқтидорни рағбатлантириш.
- ✓ Миллий иқтисодиётнинг рақобатли устунликларини максималлаштириш, биринчи навбатда,рақамли иқтисодиёт соҳасида, дастурлашда ва глобал бозорда ишлайдиган компаниялар борасида.
- ✓ Университет бутун миссиясини дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган қандайдир битта янги маҳсулот яратишга бағишлайдиган даъватни

максималлаштириш.

- ✓ Тўпланган илмий капиталн максималлаштириш.
- ✓ Екотизимни максималлаштириш, яъни бугунги кунда тартибга солувчи томонидан белгилаб берилган меъёрий доиралар билан чекланган ўқитищдаги вазифаларни ҳал қилиш учун мавжуд компетенсияларга эга бўлган одамларни максимал даражада жалб қилиш.

Албатта, санаб ўтилган функциялар фақат маълум бир университетлар гурухига таъаллуқли бўлиши мумкин бўлиб, эксперталар улар қаторига глобал тадқиқот университетларини ҳам киритади. Бу университетлартадқиқотлардан ташқари, лойиха университетлари сифатида, стартапларни ривожлантирадиган, ўз битирувчилари учун янги бизнеслар, янги ижтимоий ташаббуслар, клублар ва бошқалар учун қулай муҳит яратадиган замонавий университетлар сифатида ривожланади.

Таълим муассасаларининг яна бир муҳим гурухга глобал фанда рақобат қила олмайдиган, лекин минтақаларда интеллектуал марказлашув марказлари сифатида иштирок этиши зарур бўлган университетлар киритилади. Улардабиринчи ўринга ижтимоий функция – маҳаллий бизнеслар ва ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг маданий шелф яратиш ҳам қўйилади. Бунда таянч минтақавий ОТМларини ажратиш, уларга эксперталар мутлақ аниқ таянч сифатида белгилаган кенгайтирилган университет функциялари тақдим этиш муҳим аҳамият касб этади.

Университетларнинг учинчи турионлайн (масофавий) ўқитиши жараёнларига ҳизмат кўрсатишга қаратилади. Амалда буодамларга улар ўтган кўп сонли қисқа курслардан маълум бир даражада олишига ёрдам берадиган университетлар. Ушбу университетлар функцияси – ҳозирги кунда исталган ривожланган мамлақат аҳолиси учун ижтимоий императив саналган олий таълим максимал даражада кенг қамровини таъминлашдан иборат. Корпоратсиялар ва тармоқлар учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширадиган корпоратив университетлар алоҳида гуруҳни ташкил қиласди. Университетларнинг яна бир тури – ҳозирги коллежлардан

етишиб чиқиши лозим бўлган университетлар. Бу ҳозирда кўпчилик мамлакатларда амалий бакалавриат деб аталади, лекин бу амалий бакалавриатдан кўра кенгроқдир. Башоратларга кўра, 2030 йилларга келиб, меҳнат бозорида қўли билан ишлайдиган одамлар касблари тақчил ва юқори нуфузли бўлиб қолади. Суни ҳам ҳисобга олиш керакки, бир ҳилсоҳаларда фаолият юритаётган университетларга улкан рақобат сектори юзага келади. Янги секторнийирик компанияларнинг ўкув марказлари ҳам, ихтисослашган фирмалар ҳам, бозорда юзага келадиган таълим стартаплари ҳам ташкил қиласидилар. Университетлартеz ўзгарадиган, кучли индивидуаллашган талабларни қондириш учун жуда ҳам инерт бўлиб, бу албатта, ушбу секторни янги тижоратлаштириш учун катта имкониятлар тақдим этади.

Ҳозирги пайтда кўпчилик мамлакатларнинг бир қатор этакчи ОТМлари, ташқи чекловлар ва ички тўсиқларга қарамай, рақамли иқтисодиёт даъватларига мос равища жавоб бера оладиган таълим муҳитини шакллантиришга киришдилар. Рақамли иқтисодиёт соҳасида таълим бериш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида асосий ўзгаришлардан бири - кенг инсонпарварлик тамоили ҳисобланиши лозим эканлиги сабабли, биргаликдаги таълим дастурлари ишлаб чиқиш учун гуманитарва техник ОТМ салоҳиятини бирлаштириш истиқболли йўналишга айланashi мумкин. Ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳаётнинг барча жабҳаларига дахл қилмоқда. Бу эса рақамлаштириш бўйича таълим олиш усусларини тубдан ўзgartиради, бироқ таассуфки, аввалгидек, кўплаб муаммолар сақланиб турибди: рақамли технологияларга уланишдаги тенгиззлик, турли сабабларга кўра таълим сифатининг пасайиши, унинг меркантиллашуви. Замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин бўлиши, таълим имкониятларининг teng бўлишига ҳизмат қилиши мумкин бўлишига катта эътибор қаратиш лозим. Бусизреспублика ҳамжамияти ўз олдига қўйган мақсадларга эришиб бўлмайди. Инсон рақамли иқтисодиётнинг асосий элементига айланган шароитларда таълим нафақат

ижтимоий неъмат ва инсонинг асосий ҳуқуқи маъносига эга бўлади, балки мураккаб вазифа – тубдан тамаддун ўзгаришлари шароитларида «келажакни ишга тушириш» механизмини ҳал этиши лозим бўлган стратегик устуворлик мазмунига ҳам эга бўлади. Ҳозирги кунда дунёда иқтисодиёт тузилмаси тубдан ўзгармоқда–тобора кўплаб одамлар товар ишлаб чиқариш билан эмас, балки ахборот олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланмоқдалар. Ҳамма учун одатий бўлган анъанавий иқтисодиёт ўрнига бир қатор хусусиятларга эга бўлган рақамли иқтисодиёт келмоқда:

- ахборот тугаб бўлмайдиган асосий айланиши;
- интернетда савдо майдонлари чекловларга эга эмаслиги;
- компания ўлчами унинг рақобатбардошлигига таъсир этмайди;
- битта моддий ресурснинг ўзини турли ҳизматлар тақдим этиш учун чексиз марта фойдаланилиши мумкинлиги;
- оператсион фаолият кўлами асосан интернет тизими имкониятлари билан белгиланиши.

Ахборот математик назариясининг миқдорий ўлчовларига таяниб, Д.С.Робертсон (АҚШ), ривожланган жараёнларининг бир-бири кучайтириб беришидан келиб чиқиб, «тамаддун бу – ахборот» формуласини илгари сурди, ишлаб чиқариладиган ахборот миқдори бўйича тамаддуннинг ривожланиш даражаларини қуидаги тарзда погналарга ажратди:

- 0-даража – алоҳидаолинган бир одамнинг мияси ахборот сифими – 107 бит;
- 1-даража – жамоа, қишлоқ ёки қабила ичида оғзаки мулоқот – муомалада бўладиган ахборот миқдори - 109 бит;
- 2-даража – ёзма маданият; жамиятнинг ахборотлашганлик ўлчами бўлиб 1011 бит ахборот жойлаган 532800 қофоз ўрамига эга бўлган Александрия кутубхонаси ҳизмат қиласи;
- 3-даража – китоб мабанияти: юзлаб кутубхоналар мавжуд бўлиб, улар ўн минглаб китоблар, газета ва журналлар сақлайди, уларнинг умумий сифим бир наҳса минглаб терабайтлар деб баҳоланади;

•4-даражасы – ҳажми бир неча минг зетабайтларва петабайтлар бўлган ахборот электрон қайта ишланадиган ахборотлашган жамият.

Иқтисодий нуқтаи-назардан айтиш мумкинки, ахборот меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳизмат қилиши ҳамда ижтимоий бойлик ишлаб чиқаришнинг моддий таркибий қисмида қўшилган қиймат яратиши лозим ва бу ахборотлашган жамият иқтисодиётида унинг биринчи иқтисодий мазмунига айланади. Ахборот «хомашё» сифатида инсон, табиат ва турли техник қурилмалар томонидан яратилади. Улар томонидан истеъмол ҳам қилинади, қайта ишлаш учун ахборотни узатиш, сақлаш, қидириш ва етказиш масалаларини ҳал қилиш талаб қилинади, бунинг учун «транспорт» (магистрал ва локал тармоқлар, алоқа тизимлари), «омборлар» (маълумотлар марказлари), «техника» (компьютерлар), «воситалар» (дастурний таъминот) яратилади. Яъни иқтисодиётда жамиятнинг ахборот эҳтиёжларини қондириш учун моддий ишлаб чиқариш ва ҳизматлар соҳасининг маълум бир сегментларии шакллантирилади.

Рақамли иқтисодиёт ёки бошқача қилиб айтганда wеб-иктисодиёт замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил қилинадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар тизимини ифодалайди. Рақамли иқтисодиёт замонавий жамиятда кундалик воқеликка айланади, ундан фойдаланиш туфайли барча тармоқлар самарадорлиги ортади. Замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш имкониятлари сифат ва сон жиҳатидан ортади - компьютер орқали деярли барча оператсияларни амалга ошириш: пул тўлаш, чиптага буюртма бериш, керакли ахборот қидириш мумкин. Рақамли иқтисодиёт даврида ахборот энг муҳим рол ўйнайди ва у улкан қийматга эга бўлган асосий номоддий активга айланади. Ҳозирги босқичда ахборот ривожланишидаги бош тенденсия сунъий интеллект ва коммуникатсия воситалари соҳасидаги ютуқлар билан биргаликда компьютер техникасини такомиллаштиришдан иборат. Ҳозирги кунда ахборот дунёда жамиятнинг асосий ижтимоий қадриятларидан бирига айланмоқда. Ахборот технологиялари жамият томонидан ахборот

ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг муҳим таркибий қисмига айланган. Ҳозирги кунда улар бир нечта эволюсия босқичларидан ўтган бўлиб, уларнинг алмашинуви асосан ахборот излаш ва қайта ишлаш учун янада замонавий технологик воситалар пайдо бўлиши билан асосланади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичиахборот технологиялари сегменти йўналишининг техник базасини ривожлантиришдан стратегик устунлик яратиш учун очик воситалар қўллаш томон ўзгариши билан тавсифланади. Вақт босқичларига бўлиш уларга мувофиқ амалга ошириладиган маълумотларни қайта ишлашнинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологияларини ривожлантиришга нисбатан бир нечта нуқтаи-назарлар мавжуд.

2017 йил рақамли иқтисодиёт ҳал қилувчи босқичга кирди – сайёрамиз аҳолисининг ярми интернетга уланди. МcКинсей (МГИ) глобал институтининг баҳоларига кўра, яқин 20 йил ичida дунё иш оператсияларининг 50%гача бўлган қисми автоматлаштирилди, бу жараён кўлами бўйича ХVИИ–ХIX асрларда рўйберган саноат инқилоби билан таққосланиши мумкин. Жамиятни ахборотлаштиришахборот технологияларининг бир неча марта ўсиши, ахборот ресурслари истеъмол суръатининг ортиши ва ижтимоий ишлаб чиқариш секторида меҳнат унумдорлигининг сезиларли даражада ошириш заруратига жавоб реаксияси ҳисобланади. АҚШ, Япония ва эвропа Иттифоқи мамлакатлари каби иқтисодиёти ривожланган давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, жамиятни ахборотлаштириш муаммосининг ечими ривожланишнинг глобал мақсади ҳисобланади ва сайёрамизнинг тамаддун ривожланиши янги даражасига ўтиши билан боғланади. Юқори тезлик рақамли иқтисодиёт аломатларидан бири ҳисобланади. Тезликнинг ўсиши ҳамма жойда, лекин айниқса, буюртмалар бажариш, ахборот яратиш, олиш, қайта ишлаш ва жўнатаишда рўй бермоқда. Ҳар қандай ҳаракатдан зудлик билан жавоб олиш кутилмоқда. Рақамли иқтисодиёт замонавий жамият фаолиятининг барча соҳаларида ҳам эскича тартибни шиддат билна сиқиб чиқармоқда, кундалик

такрорланадиган зерикарли оператсияларни автоматик равишда бажаришга ва оптимал қарорлар қабул қилиш учун ахборотни тез тақдим этишга имкон бермоқда. Рақамли иқтисодиётда асосий ролни ахборот тизимлари эгаллайди. Алоқа оператори учун бундай тизимлар, биринчи навбатда, оператсияларни қўллаб-қувватлаш тизимлари (ОСС-оператсионс суппорт системс) ва бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимлари (БСС-бусинесс суппорт системс) ҳисобланади. Улар ички бизнес-жараёнларнинг амалий таъминот тоифасини ифодалаши сабабли, уларни ўзгартериш – бизнес-жараёнлардаги ўзгаришларга жавобдир.

Ахборот технологияларининг қўлланиши билан жамиятнинг барча қатламларида, шахсий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўйбермоқда, одамларнинг турмуш тарзи тубдан ўзгармоқда. Янги касблар ва ўзаро алоқа воситаларига эҳтиёж юзага келмоқда. Ахборот, ахборот инфратузилмаси, ахборот тўплаш, шакллантириш, тарқатиш ва фойдаланишни амалга оширадиган субъектлар йифиндисини ифодалайдиган электрон ресурлар, шунингдек, бунда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш тизимининг роли ўсмоқда. Албатта, мутахассисларни ракамли секторга киритиш масаласи вужудга келади. Масалан, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги *ЯндексTaxi* ҳайдовчилари ёки алоқа обьектлари учун биноларни лойиҳалаштирадиган муҳандислар ва иқтисодчиларни шу гурухга кўшишимиз керак. Бироқ, аслини олганда, бу унчалик муҳим ҳам эмас. Кўрсаткичнинг мутлақ ҳажми эмас, йилдан йилга ўзгармас координаталар тизимида унинг динамикаси кўпроқ қизиқиш уйғотади. Бундай ёндашувнинг кучли томонлари жуда кўп, чунончи:

- кўрсаткич ишлаётган аҳоли улушида ҳам, мутлақ пулларда ҳам ўлчанадиган бўлиши лозим;
- макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимидан ўрин олган ҳолда айнан «ракамли» ва айнан «иқтисодиёт»ни акс эттириши лозим;
- рақамли технологияларга ҳам, кадрларга ҳам талаб унинг динамикаси билан боғлик;

- қисқа ва ихчамлиги билан бирга, кўрсаткич қиймати йилдан йилга ўсиши учун нимани ва қандай ривожлантириш зарурлиги борасидаги қарашларни тубдан ўзгариради.

Ҳар қандай мамлакатнинг ахборот макони маълум бир стратегик ва тактик функцияларни бажариши кўзда тутади. Бегона ахборот кириб келишидан ҳимоя қилишга, ижтимоий айнан ўхшашлик яратишга йўналтирилган стратегик функциялар бадиий ва янгиликларга оид коммуникатсиялар воситасида амалга оширилади. Ижтимоий бошқарувнинг муайян вазифаларини бажаришга, хукumat ташаббусларини қўллаб-кувватлашни ташкил қилишга, аҳолини қисқа муддатли ҳодисалар ҳақида хабардор қилишга ҳизмат қиласиган тактик функциялар асосан янгиликларга оид коммуникатсиялар билан бажарилади. Стратегик функциялар ҳам, тактик функциялар ҳам, айниқса, инқирозли даврларда воқеликни талқин қилиш умумий моделларини ишлаб чиқиш учун ҳизмат қиласиди.

Жамият ривожланишининг турли даврларида ўзининг ижобий ва салбий томонлари бўлади. Жамиятни ахборотлаштиришнинг турли жиҳатларига мос равишда, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ижобий томонларига Жаҳон банки ўзининг 2016 йил учун «Рақамли дивиденdlар» шарҳида қўйидагиларни киритади:

- меҳнат унмдорлигининг ўсиши;
- компаниялар ракобатбардошлигининг ортиши;
- ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши;
- янги иш ўринлари яратилиши;
- қашшоқлик ва ижтимоий тенгизликтининг бартараф қилиниши.

Бу рақамли иқтисодиёт бизнинг ҳаётимизга қандай қилиб ижобий таъсир этиши, оддий фойдаланувчига қўплаб имкониятлар тақдим этиши ва шу тариқа бозор имкониятларини кенгайтиришига атиги бир нечта мисол, холос.

Бироқ, кўп сонли афзалликлар билан бир қаторда рақамли ўзгариши маълум бир рисклардан ҳам холи эмас:

- кибертаҳдидлар риски;
- одамлар хулқ-атворини бошқариш учун улар ҳақида маълумотлардан фойдаланиш;
- ишсизликнинг ўсиши, маълум бир касблар йўқ бўлиб кетиши;
- рақамли таълимда узилиш ва бунинг оқибатида фаровонликда узилиш;
- елестрон фирибгарликлар ва молиявий пирамидаларнинг хаддан ташқари кўпайиб кетиши;
- маданий-маънавий таҳдидларнинг ортиши ва бошқалар.

Автоматлаштирилган ўзаро алоқа жараёнларида иштирок этадиган субъектларнинг (давлат, юридик ва жисмоний шахслар) ҳаётий аҳамиятга эга бўлган манфаатлари, қоидага кўра, шундан иборатки, уларнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа фаолият томонларига алоқадор ахборот қисми, маҳфий тижорат маълумотлари ва шахсий маълумотлар очиқ бўлиши ва ноконуний фойдаланишдан ҳимоя қилинган бўлиши лозим. Рақамли инқилоб соҳасида карvonбоши бўлган компаниялар нафакат сезиларли устунликларни қўлга киритади, балки катта рискларни ҳам ўз зиммасига олади. Ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири турли давлат тузилмалари ва тижорат ташкилотлари, шахсий маълумотларнинг ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Сўнгги пайтларда тобора катта ҳажмдаги ахборотлар, жумладан, алоҳида шахслар, ташкилотлар ёки давлатлар учун муҳим бўлган ахборотларахборотни ишлашнинг автоматлаштирилан тизимларидан фойдаланган ҳолда сақланади, қайта ишланади ва узатилади. Ахборотни қайта ишлаш тизими эса ахборотни автоматлаштирилган қайта ишлашни бажариш учун зарур бўлган техник воситалар ва дастурий таъминот, шунингдек, персонал ҳаракатлари ва ахборотни қайта ишлаш усулларининг ийғиндисидир. Ҳаттоқи ўн беш йил олдин, ахборот иқтисодиётхиҳаётга татбиқ этишининг бошланғич босқичида бўлган пайтларда, ахборот ҳавфсизлиги бўйича мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра – бу пайтга келиб маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги тушунчаларда катта ўзгаришлар

қайд этилган. Ахборот ҳавфсизлигини қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирлар иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ҳақида гапирганда, кўпчилик биринчи навбатда, вируслар ва хакерлардан ҳимоя қилинишни назарда тутади, лекин етакчи ташкилотларнинг ҳисботларига кўра, энг катта зиённи сўнгги ўн йилликда инсайдерлар (компания ходимлари) келтиради, бу ҳолат, мисол учун, *СомпьютерСримеандСесуритиСурвей ФКБ* йиллик ҳисботларида келтирилган. Шундай қилиб, ушбу тадқиқотлар маълумотларига кўра, ходимларнинг эҳтиётсизлик ва ноқонуний ҳаракатлари оқибатида етказиладиган зиён вируслар ва хакерлар ҳужумлари, шунингдек, ахборот олиш мақсадида бевосита зиён етказадиган дастурлар жорий қилиш оқибатида етказиладиган зиёндан бир неча марта каттадир. Бу ҳали, ички ва ташқи қоидабузарларнинг айби билан рўй берган воқеалар сонини таққослаш мумкин бўлган 2007 йилда рўй берганди. Ахборот ҳавфсизлигига оид қаттиқ талабларни таъминлаш ахборот технологиялари ҳаётийлик даврининг барча босқичлариға мос келувчи чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Бу чора-тадбирларни ривожланиш рискларни таҳлил қилиш ва жавоб тариқасидаги чоралар танлаш якунланганидан сўнг амалга оширилади. Мавжуд режимнинг ҳавфсизлик сиёсатига мувофиқлигини вақти-вақти билан текшириш, ахборот тизими (технологияси) белгиланган ҳавфсизлик стандарти талаблариға мувофиқлигини сертификатлаш бу режаларнинг мажбурий таркибий қисмлари ҳисобланади. Санаб ўтилганларнинг барчаси рискларни бошқариш ҳисобланади. Умуман олганда, ҳар қандай мураккабликдаги тизимни бошқариш учун тизимга ҳизмат кўрсатишнинг қатъий, лекин оддий регламентини яратиш ва тизим созламалари ушбу регламентга мувофиқ ўзгариши устидан назоратни таъминлаш зарур. Бундай тизимларни жорий қилишда ташкилот аниқ ифодаланган ҳавфсизлик сиёсатига эга эканлиги кўзда тутилади. Бу сиёсатахборот тизимлари ҳақидаги ахборот билан биргаликда келгусида бошқарув тизимининг тамал тоши бўлиб ҳизмат қиласи.

Ахборот тизимининг ўзини тавсифлашга келадиган бўлсак, одатда

куйидагиларни билиш зарур:

- ✓ ахборот ресурслари рўйхати. Ресурс дегандамуайян серверлар ва улардаги папкалар, фойдаланиладиган иловалар, асбоб-ускуналар ва ҳатто тармоқ сегментлари тушунилади;
- ✓ ресурслар ҳавфсизлиги учун жавобгарлар. Бу ресурслар эгалари, бўлинмалар раҳбарлари, ҳавфсизлик ҳизмати ҳодимлари ва бошқалар бўлиши мумкин;
- ✓ ресурсларни идора қилиш учун масъуллар;
- ✓ ахборот тизими ресурслари ўзаро қандай боғлиқлиги. Гоҳида илованинг нормал ишлаши учун созламалар комплексига зарур—илованинг созламаларидан тортиб коммутатсия асбоб-ускуналаригача киради. Аммо барча созламаларни бажариб, лекин ички тармоқлараро экранда рухсат берадиган қоидани ёзиб қўйишни эсдан чиқарадиган бўлсак, вазифанинг ечими барбод бўлади;
- ✓ компаниянинг штатлар структураси. Маълум бир лавозимн эгаллаб турган шахс қайси ресурсларга ва қандай уланиши мумкинлиги.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганлар, олинган ахборот асосида бошқарув тизимкорхона ахборот тармоғининг ахборот ҳавфсизлиги меъёрларга мос келадиган идеал моделини тузади. Бу фурсатни ҳавфсизликни бошқариш тизимининг ишида бошланғич деб ҳисоблаш мумкин. Эндиликда ахборот тизими созламаларининг ўзгариш масалалари бўйича барча мулоқотлар ахборот ҳавфсизлиги бўлимининг назорати остида бўлган ҳавфсизликни бошқариш тизими таркибига кирадиган хужжат айланмаси ихтисослашган тизимида назоратдан ўтади.

Мамлакатимиздаги ахборот ҳавфсизлиги бозорининг ўзига келадиган бўлсак, бу ерда вазият қуийдагича. Ўзбекистонда ахборотни ҳимоя қилиш масалаларига ахборот технологиялари, банк сектори, уяли алоқага алоқаси бўлган компаниялар, қимматли қофозлар билан оператсияларни амалга оширадиган компаниялар кўпроқ дуч келади. Бошқа ташкилотларга келадиган бўлсак, турли тадқиқотлар натижаларига кўра, бу

ташкилотларнинг аксарияти раҳбарлариасосий таҳдид турлари ҳақида билади, лекин кўзга ташланадиган таҳдидлар бўлмаса, ахборот ҳавфсизлигини таъминлашдан маъно йўқ деб ҳисоблайди. Яъни ахборотни ҳимоя қилиш соҳасида асосий муаммо – унга компаниялар раҳбариюти томонидан етарлича эътибор қаратилмаслиги ва оқибатда, уни молиялаштиришда юзага келадиган тақчилликлар ҳисобланади. Комплексли ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш учун кўлланадиган тизимлар структурасига ўтишда шуни айтиб ўтиш жоизки, улар сезиларли даражада ривожланишга қарамай – ҳозирги пайтда мамлакат ахборот ҳавфсизлиги бозорининг асосий қисмини тармоқлараро экранлар, хужумларни аниқлаш тизимлари (*Интрасион Детестион Системс - ИДС*) ва антивирус тизимлари ташкил қиласи. Бироқбу воситалар ҳимоя тизимларига қўйиладиган ахборот ҳавфсизлигининг ҳозирги шароитларида кўпинча замонавий талабларга жавоб бермай кўйди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт таълим муҳитини замона талабларига мос равишда ташкил қилиш ва ривожлантириш керак бўлади. Лекин бу қандай қилиб рақамли иқтисодиётнинг инфратузилмаси билан уйғулушади деган саволга жавоб топиш учун кўлланманинг кейинги бўлимини диққат билан ўрганиб чиқишингиз керак бўлади.

#### **2.4. Рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси**

Дунёнинг энг йирик компаниялари аллақачондан буён турли ахборот технологияларидан фойдаланиб келишмоқда. Бироқ платформа жорий қилиш ҳали бизнесни рақамли қилиб қўймайди. Оддий технологик платформанинг рақамли иқтисодиёт платформасидан фарқи нимада? Биринчидан, рақамли иқтисодиёт платформалари тармоқ ёки саноатнинг қўплаб қатнашчилари учун максимал даражада қулай ўзаро алоқалар яратиши кўзда тутган. Ҳозирги кунда тўлалигича қарор топган оммавий платформаларга мисол келтириш қийин, лекин келажак айнан шундай ечимлар ортидадир. *Гоогле, Фасебоок, Аппле, Амазон ва Алибаба Гроуп* компаниялари ушбу ғояни тўлалигича амалга оширишга энг яқин ҳолатдалар, қўплаб йирик

компанияларбундай платформаларни яқин вақтларда яратишни режалаштиришган. Иккинчидан, янада муҳимроғи, рақамли иқтисодиёт платформалари тўлақонли (енд-то-енд) бизнес-жараёнларни автоматлаштириши лозим. Рақамли иқтисодиёт тўлиқплатформасиуч қисмдан иборат бўлиши керак: булар истеъмолчи экотизимлари, ишлаб чиқарувчи экотизимлари ва коммуникатив ўзак. Истеъмолчи экотизимифункцияси – платформадан фойдаланувчининг барча эҳтиёжалри ва мухтожилкларини қондириш, унинг қулийлигини ва функционаллигини таъминлаштир. Ишлаб чиқарувчининг экотизим функцияси – бизнес юритишни енгиллаштирган ва унга кириш бўсағасини пасайтирган ҳолда ёрдамчи функциялар бажаришини таъминлаши лозим. Платформа ўзагиистеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро алоқалари бўйича функционални ҳам амалга ошириб, зарурий технологик базис ва инфратузилма эҳтиёжларини таъминлайди. Учала таркибий қисмбир-биридан мустақил равища мавжуд бўлиши мумкин ва бунга муваффақиятли мисолларни келтириб ўтиш мумкин: истеъмолчи экотизими сифатида ижтимоий тармоқлар, *Алибаба Group* – биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчи экотизими ҳисобланади (қолган иккита таркибий қисм учалик ривожланмаган), *Убер* – экотизимларсиз платформа ўзагининг коммуникатив ўзагига ёрқин мисолдир. Бироқучала таркибий қисмни битта модел доирасида бирлаштириш сезиларли даражада синергетик самара олишга имкон беради. *Алибаба Group* – электрон тижорат тармоқлари инфратузилмасини қўллаб-куватлайдиган, қидиув сервислари, тўлов тизими, логистика ва ахборот сервислари, маркетинг сервислари, қатнашчиларни ички техник қўллаб-куватлаш хизматлари ва шунга ўхшашларни ўз ичига оладиган сервислар экотизимини ташкил қиласиган компания. *Убер* эса такси хизматларига буюртма бериш ва бу хизматларни кўрсатиш имкониятини тақдим этадиган рақамли платформа («таксидан фойдаланиш истагида бўлганлар» ва «таксичилар» ўртасидаги элестрон алоқани амалга оширадиганлар). Энг ривожланган экотизимларга мисоллар – американинг *Гоогле*, *Амазон*, *Фасебоок*, *Хитойнинг Тенсент* ва юқорида

айтиб ўтилган *Алибаба Гроуп* компаниялари бўлиши мумкин. *Амазон* компанияси онлайн супермаркет сифатида бошлаган, лекин ҳозирги пайтга келиб у асосий эътиборни контент тақдим этишга қаратган вакомпанияларга маълумотлар сақлаш, маълумотларни қайта ишлаш соҳасидан қўплаб сервисларни ўз ичига оладиган булатсимон ИТ-инфратузилма ташкил қилиш, хисоблаш ресурслари тақдим этиш, маълумот ва хабарлар алмашиниш ва шунга ўхшаш имкониятларни берадиган экотизим яратган. *Гоогле* компанияси ишни қидирув машинаси сифатида бошлаган, лекин ҳозирги пайтга келиб, тажрибали фойдаланувчига ягона кириш ойнаси, электрон почта, жуғрофий карталар, браузер, маълумотлар омбори, виртуал видео ва мусиқа сервислари орқали очик бўлган ягона ойна орқали қўплаб сервисларини тақдим этадиан экотизим ташкил қилган. *Фасебоок* компанияси ишни ижтимоий тамроқ сифатида бошлаган, лекин ҳозирги пайтда исталган шахсий эҳтиёжларни амалга ошириш имконини берадиган тўққиз миллиондан ортиқ иловалар ва ҳизматларни ўз ичига олаган экотизим яратган. *Фасебоок* ва *Гоогле* платформалари интегратсиясиҳар бир фойдаланувчи имкониятларининг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. *Тенсент* –Хитойнинг энг йирик ИТ-компаниялари ва интернет-провайдерларидан бири бўлиб, ўз оператсион тизими, мобил платформаси, мулоқот сервислари, ўйинлари, интернет портали, электрон тижорати, тўлов тизими, **Б2Б** сегменти учун сервисларни ўз ичига оладиган экотизим тузган. Фойдаланиш қулайлиги ҳар қандай экотизим учун муҳим аҳамият касб этади. Бу қулайлик унинг барча таркибий қисмлари ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади: фойдаланувчи авторизатсияси битта ойнаси, иловаларнинг бир-бири билан «юмшоқ» бирикиши, барча ва хилма-хил алоқа каналлари орқали сервислар сифати ва бир хил очиқлиш ва бошқалар.

Барча асосий иқтисодий қонунлар ва метрикалар (жумладан, ЙИМ) XIX-XX асрнинг биринчи ярмида ифодаланган ва жорий қилинган бўлиб, реал секторни (ишлаб чиқарувчи иқтисодиётни) яхши тавсифлайди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, номоддий ишлаб чиқариш ва ҳизматлар

сектори сезирларли даражада ривож топди ва иқтисодиётнингасосий секторига айланди. Номоддий соҳада ишлаб чиқариш ва истеъмол хусусиятлари жиддий фарқ қиласди, лекин инсоният янги иқтисодиётни тӯғри тавсифлаш учун мос келадиган назарий асослар яратмаган (ёки яратишни истамаган). Бунинг ўрнига иқтисодиётни тавсифлашнинг одатий шаклларига киритиш имконига эга бўлиш учун номоддий соҳани мавжуд метрикалар ва кўрсаткичларга «келтириш»га имкон берадиган услубиятлар яратилган ва мунтазам қайта кўриб чиқилган. Маълум бир вақт интервалида бу ҳаракатлар мақбул келадиган натижалар берган, лекин номоддий сектор иқтисодиётнинг реал секторидан ортиб кетмагунга қадар бу иш ижобий бўлган. Яна бир хусусият замонавий иқтисодиёт фанинига ҳаддан ташқари сиёсий рух берилганлиги ва унинг холис эмаслиги бўлиб, бу умумий манзаранинг атайлаб бузиб кўрсатилишига олиб келади (масалан, ЙИМ ҳисоб-китоб қилиш услубиятини доимий қайта кўриб чиқиши амалиёти йўқлиги сабабли). Янги назарияни шакллантиришда асосий масалалардан бири, мос келадиган интеграл кўрсаткичлар танлаш ва рақамли иқтисодиётга мос бўлган янгича метрикаларни шакллантириш ҳисобланади. Бизнинг дунёдауларни ҳисобга олиш янгиланган иқтисодий назариянинг зарурий базисини шакллантиришда бизга ёрдам бериши мумкин бўлган бир нечта барқарор тенденсиялар мавжуд:

- ✓ ахборот товарга айланади;
- ✓ ахборот қийматга эга;
- ✓ рақамли пуллар эмиссия марказига эга эмас;
- ✓ жуда кўп турдаги рақамли валюталар ҳосил бўла бошлади ва улар анъанавий валюталарнинг ўрнинг эгаллаб олади;
- ✓ барча маълумотлар тақсимланган маълумот базалари ва блокчейнларда сақланади;
- ✓ маълум бир инсон гурухлари ёки компаниялар жамиятнинг мутлақ кўп бойлигига эгалик қиласди;
- ✓ роботлар сунъий интеллектга эга бўлиб, инсоннинг рақобатчисига

айланаяпти;

- ✓ интеллектнинг жамиятдаги мавқеи мисли кўрилмаган даражада ортади;
- ✓ виртуал дунё жамият ҳаётининг барча соҳаларига дадил ва фаол кириб кела бошлайди;
- ✓ маҳсулот ва ҳизматлар виртуал дунёда ва виртуал кўринишда сотила бошлайдилар;
- ✓ глобализатсия жараёни мисли кўрилмаган даражада ривожлана бошлайди;
- ✓ рақамли иқтисодиётнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида турли мамлакатлар ва инсонлар орасидаги фарқ-тафовут кучаяди;
- ✓ алоҳида мамлакатлар ва ирқлар ҳукмрон тоифага айлана бошлади;
- ✓ жамият фаровонлиги умумий энергия сарфи билан боғланади;
- ✓ моддий бойликларнинг аҳамияти анча пасаяди;
- ✓ ижтимоий мақом ижтимоий нуфуз билан сиқиб чиқарилади ва бошқалар.

Еҳтимол, «фойдалилик» «лайк»да ўлчанадиган «истеъмол қилинган энергия миқдорига сиз ишлаб чиқарган фойдали ахборот миқдори» келажак валютаси бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирда бундай башпорат ҳаддан ташқари футуристик бўлиб кўриниши мумкин, лекин тараққиёт мунтазам равишда тезлашмоқда ва бундай истиқбол бизни 15-20 йилдан кейин кутиб турган бўлиши ҳам мумкин. Шуни эслаш кифояки, инсоният учун тўқимачилик станоги каби муҳим ихтиро европани тарқ этиши учун 120 йил керак бўлган, Интернетга эса бутун дунёни қамраб олиши учун атиги ўн йил етарли бўлган.

Миллий иқтисодиётларнинг янги рақамли иқтисодиётнинг томон ривожланиши бу соҳада назарий тадқиқотлар ва баҳс-мунозаларнинг кенгайишини талаб қиласи. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг техно-рақамли платформасини яратишга қаратилган олий бошқарув органларининг амалий дастурий ҳаракатлари ҳам янги иқтисодиётга ўтиш учун катта ҳисса қўшиши мумкин. Рақамли иқтисодиётнинг моҳиятга оид томони, яъни, рақамли технологиялардаги инқилобий ўзгаришлар, интернетнинг алоқасининг замонавийлашишива унинг жадал ривожланиши ҳамда Ҳард Wape ва Софт Wape соҳалардаги инноватсиялар билан чамбарчас боғлиқдир.

Рақамли иқтисодиётнинг мазмунга оид томони эса биринчи навбатда, таълим тизими ислоҳоти ва инсон ҳаётининг барчатомонларини «рақамлаштириш» данамоёнбўлади. Масалан, саноат дизайнини компьютерлаштириш ва ишлаб чиқаришда конструкторлик тайёргарлигини моделлаштириш каби инноватсиялар пайдо бўлишимураккаблик даражаси юқори бўлган маҳсулотлар, масалан, станоклар, автомобиллар, поездлар, самолётлар, бинолар ва бошқаларни лойиҳасинияратишни осонлаштиради ва иш сиклинисезиларли даражада қисқартиради.

Мамлакатимизда янги рақамли технологияларнинг (ишлаб чиқариш, молиявий, бошқарув, ижтимоий ва бошқалар) пайдо бўлиши ва ҳаётга жорий қилиниши миллий иқтисодиёт учун жуда кўп сонли ижобий самаралар ва натижаларга олиб келиши мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ортиши;
- капиталлашувнинг ортиши;
- турмуш сифатининг яхшиланиши;
- янги бозорлар шакллантирилиши;
- ресурсларни (активлар, капитал, ваколатлар) утилизатсия қилиш самарадорлигининг ортиши;
- рақобатбардошликтининг ўсиши;
- ҳавфсизликнинг ўсиши;
- халқ фаровонлигининг ортиши.

Ҳозирги пайтгача, глобаллашув жараёни якун топмаган экан, барча санаб ўтилган самаралар шунга олиб келадики, биринчи бўлиб янги технологияни ўзлаштирган мамлакат халқаро бозорларда устунликни қўлган киритади ва бу навбатдаги «бозор бўлагини бўлиб олиш»га олиб келади. Алоҳида олинган мамлакат нуқтаи-назаридан бу дарҳақиқат янги технология жорий қилиниши билан асосланадиган иқтисодий ўсиш сифатида талқин қилиниши мумкин. Лекин жаҳон иқтисодиёти кўламида ўсиш жорий қилинган технологиянинг «қўшимча» капиталлашуви билан (сиқиб чиқарилган технология капиталлашувини чиқариб ташлаган ҳолда)

чегараланган. Тўғрисини айтганда, тан олиш керакки, агарда улар сотув салоҳиятини яна бир бор ўстиришга тайёр бўлишмаса, ҳеч қанадй технологиялар ва рақамли иқтисодиёт экстенсив ривожланиш моделини ҳаётга қайтара олмайди. Шу муносабат билантан олиш керакки, рақамли иқтисодиёт ва технологиялар ривожланиши на Ўзбекистон учун, ва на бутун дунё учун ҳар қандай фалокатдан қутқарадиган восита бўла олмайди. Ҳар бир алоҳида мамлакат учун бу зарурӣ чора бўлиб, рақобатбардош даражада қолишга, жаҳон иқтисодиётидаги улушлар паритетини қайта кўриб чиқишига ва суверенитетни асрашга имкон беради. Ҳозирги пайтда мамлакатиздаги ва хориждаги кўплаб мутахассислар ва иқтисодчилар янги иқтисодиётнинг, жумладан, унинг намоён бўлиш шаклларидан бири – рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатига узил-кесил тавсиф беришга ва уни тушуниб етишга ҳаракат қилмоқдалар. Кўплаб тадқиқотчиларсубъектив муносабат призмаси орқали замонавий иқтисодиётга хос бўлган умумий – объектив ва субъектив нуқтаи-назардан бу ҳодисани ўзича тушуниш ва идрок қилишга ҳаракат қилмоқда. Объектив жиҳатдан эса буқўпроқ замонавий иқтисодиётдаги янги жиҳатлар, томонлар, белгилар, тенденсиялар ва қонуниятлар намоён бўлиши билан боғлиқ. Янги иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш ва ҳисобга олиш, хусусан, рақамли иқтисодиётни янги иқтисодиётнинг нисбатан мустақил қисми сифатида ажратиш катта қизиқиш уйғотади, чунки иқтисодиётни бошқариш сифати ва тезлигини ошириш, бизнес юритиш қоидалари ва хуқуқий майдонига тузатишлар киритиш, рақамли технологиялар – таассуротлар иқтисодиёти, МИСЕ-индустрия, Смарт-شاҳар ва шунга ўхшашлар асосида инноватсион маҳсулотлар, сервислар ва ҳизматлар ҳосил қилишга имкон беради.

Иқтисодиётда янги тенденсиялар ва ҳодисаларни таҳлил қилишга кучли эътибор қаратиб, ҳамда Ничолас Негропонте, Чрис Меер, Моҳанбир Саҳнай, Даниел Спулбер, Дон Тапсцотт, Стеве Журвэтсон, Патрисиа Сейболд каби америкалик тадқиқотчиларнинг асарларига таянган ҳолда, муаллифларнинг «янги иқтисодиёт» (Нew эсономий), «иқтисодиёт 2000»,

«интернет иқтисодиёти» (Интернет эсономий), «Нет иқтисодиёт», «Web иқтисодиёт», «рақамли иқтисодиёт», «електрон тижорат» (Е-есономий, эбусинесс), «номоддий иқтисодиёт», «буюм күринишида бўлмаган иқтисодиёт» каби атамалардан фойдаланган ҳолда замонавий иқтисодиётнинг янги жиҳатларини тавсифлашга интилишини қайд этиш мумкин. Ушбу атамаларкўпинча глобал электрон тармоқ (Нетворк) шаклланиши, шахсий компьютерларнинг глобал тарқалиши, дастурий таъминотни (Софтвере) яратиш ва узлуксиз такомиллаштириш, ахборот технологияли ва рақамли технологиялар ривожланиши, ИТ-компанияларнинг номоддий маҳсулот ва ҳизматларини ишлаб чиқариш билан асосланадиган иқтисодиётдаги янги ҳодисаларни кўриб чиқиша синоним сифатида фойдаланилади. Ушбу соҳадаги мавжуд тадқиқот натижаларига таяниб, рақамли иқтисодиёт предметли соҳасининг қуидаги таърифини таклиф қилиш мумкин: “рақамли иқтисодиёт – мавжудликнинг технорақамли шакли бўлиб, товар ва ҳизматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича иқтисодий муносабатлар тизимли йиғиндисидир. Иқтисодий муносабатларнинг технорақамли табиатирақамли иқтисодиётни бошқалардан ажратиб турадиган асосий белгилар ҳисобланади. Шундай қилиб, агар янги иқтисодиёт – постиндустриал иқтисодиёт намоён бўлишининг қонуний шакли бўлса, рақамли иқтисодиёт – янги иқтисодиёт намоён бўлишининг эволюсион шаклларидан бири. Демак, «шаклнинг шакли» сифатида рақамли иқтисодиёт нафақат янги иқтисодиёт аломатлари тўпламига, балки рақамли иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан аниқлигини тавсифлайдиган бир қатор ажратиб турувчи томонларга эга.

«Индустриал» иқтисодиётда ўринга эга бўлмаган янги қонуниятлар ва тенденсиялар пайдо бўлиши билан бир қаторда рақамли технологиялар билан боғлиқлиқда ва уйғунликда ўзини янгича намоён этадиган анъанавий иқтисодий қоидаларнинг янгича мазмунига эътибор қаратади. Фан-техника тараққиёти ва иқтисодий ривожланиш таъсири остидабозор иқтисодиёти қоидаларида, бизнес юритиш қоидаларида, анъанавий иқтисодий қоидалар ва

қонуниятларнинг янгича намоён бўлишида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Масалан, электрон тармоқлар, компьютерлар ва дастурий маҳсулотлар, рақамли технологиялар, электрон маҳсулот ва ҳизматлар пайдо бўлиши ва ривожланиши янги иқтисодиётда қуидаги тушунчалар мазмuni, нисбати ва аҳамиятини тубдан ўзгартиради: моддий (буюм ҳолидаги) ва номоддий (буюм ҳолида бўлмаган), жуғрофий масофа, замон ва макон, истеъмол қиймати (фойдалилик) вақиймат, сифат ва сон, рақобат ва истеъмолчиларнинг афзал кўриши (афзалик), воситачилик ва логистика, инсон капитал ва бизнес ахлоқи, битимлар ва самарадорликни баҳолаш, харидорлар ва сотувчилар хулқ-автори, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг янги муносабатлари, маркетинг технологиялари ва сотув. Кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатларда, айниқса, АҚШда интернет-компанияларва интернет- фирмалар жадал ривожланиши биланиктисиётнинг барча соҳаларига кириб борадиган ва бутун иқтисодиёт кўринишини ўзгартирадиган интернет-хизматалр, маҳсулотлар, сервислар, провайдерлар ҳизматлари ва бошқаларнинг янги бозори шаклланади. Шу сабабли бизнингча, интернет-иктисодий ва рақамли иқтисодиётни тор маънода – интернет-компаниялар ва фирмаларнинг рақамли технологиялари, маҳсулот ва ҳизматлари яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича муносабатлар йиғиндиси сифатида ҳамда кенг маънода - асосан учинчи, тўргинчи технологик укладга мос келадиган «индустрнал» иқтисодиёт билан таққослаганда бир қатор ажралиб турадиган белгиларга эга бўлган ва технологиялар рақамли форматидан фойдаланиладиган глобал электрон тармоқ шароитларида фаолият юритадиган ҳар қандай тармоқлар корхоналари иқтисодиёти сифатида янги иқтисодиётни фарқлай олиш мақсадга мувофиқдир. Янги иқтисодиёт ўзининг рақамли мазмунида бутун дунё компаниялари ва шахслар Нетворк туфайли хилма-хил шаклларда ўзаро боғланиши мумкин бўлган ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда бир зумда, воситачилар, масофа ёки бозорлар, жумладан, инноватсион рақамли технологиялар, маҳсулотлар, ҳизматлар ва сервис бозорларининг

географик жойлашувидан қатъи-назар бизнес-муносабатларга киришадиган бешинчи ва олтинчи технологик укладлар ютуқлари асосида жамият иқтисодий ривожланишининг чуқурроқ босқичини тавсифлайди. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши биринчи навбатда, нафақат инқилобий технологик ўзгаришлар билан, балки янги иқтисодиётнинг эволюсия қонуниятлари билан ҳам белгиланади, замонавий менежментни янгича бошқарув тамойиллари ва бизнесни юритиш қоидаларини ҳисобга олишга йўналтиради, маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳизмат қиласи, иқтисодий сиклдаги салбий томонларни бартараф қиласи, инфлясия ва ишсизликни пасайтиради, глобаллашув шароитларида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлайди. Иқтисодий жараёнлар глобаллашувижажон электрон тармоғининг шаклланиши билан боғлиқ иқтисодиётнинг турли соҳалари интегратсияси кучайиши туфайли замонавий иқтисодиётнинг ривожланиши асосий тенденсия ва тамойилларига айланади. Янги иқтисодиётнинг ушбу қонуниятибир томондан, глобал бизнес учун кенг имкониятлар таъминлайди, бошқа томондан эса – фирмалар ва компанияларнинг истеъмолчилар олдидаги жавобгарлигини тубдан оширади. Истеъмолчилар қандайдир компания маҳсулотидан қониқмаганлиги зудлик билан ва кенг оммага маълум бўлиб қолади ва ижтимоий жавобгарлик ҳиссини пайдо қиласи. Иқтисодиётнинг глобаллашуви, рақамли иқтисодиётда эса замон ва маконнинг «йўқ бўлиши» кўплаб ишлаб чиқариш омиллари ва, биринчи навбатда, вақт омили қийматининг ўзгаришига олиб келади. Вақт, ижтимоий ишлаб чиқариш тоифаси сифатида, доимоишлаб чиқаришнинг қиймат баҳосини белгилаб берган. Бироқ ҳозирги шароитлардавақт «нархи» қиёслаб бўлмайдиган даражада ўсади. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида «бир лаҳзалик» алоқалар дунёсида вақт (уни тежаш ва битимлар тезлиги) катта, айтиш мумкинки, стратегик устунлик таъминлаб бера олмайди. Фирманинг бозордаги вазиятни ўрганиш, битимлар учун шартларни баҳолаш, онлайн режимида қарор қабул қилиш ва битимларни амалга ошириш қобилияти унинг бизнес оламидаги муваффақиятлари ёки

муваффақиятсизликларини белгилаб беради. Муваффақиятга эришган компаниялар қаторига бу шароитларда маҳсулот ишлаб чиқаришда, биринчи навбатда, рақамли бизнес технологиялари ва маҳсулотни истеъмолчи томон илгари суриш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришда яхшиланишга доимий ва узлуксиз ўзгаришларни сиёsatга киритадиган компанияларни киритиш лозим. Бундай сиёsat фан-техника тараққиётини «рақамлаштириш»ни тезлатиш ваташқаридан қараганда муваффақиятли бўлган анъанавий компаниялар устидан стратегик устунликни таъминлашга имкон беради.

Рақамли ва янги иқтисодиётнинг етакчи тенденсияларидан бири сифатида ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг моддий таркибий қисмлари «йўқолиши», буюм ҳолида бўлмаган таркибий қисмлар билан алмаштирилишини ҳисоблаш қабул қилинган. Бу ерда, энг аввало, ишлаб чиқариш ҳаражатларида ахборот-рақамли таркибий қисмлар роли ва аҳамиятининг ўсиш тенденсияси кўзда тутилади.

Ахборот олиш, рақамли қайта ишлаш ваузатишмаҳсулотларни ва ҳатто баъзида анъанавий пулларни жисмоний, аналогли ҳаракатлантиришдан кўра тобора муҳимроқ бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, компаниялар ва фирмалар қиммати, уларнинг рақобатбардошлигитобора кўпроқ моддий мулк билан эмас, балки номоддий мулк: фирманинг рақобатчилардан стратегик устунлигини таъминлайдиган одамларнинг билимлари, инсон капитали, ғоялар, сунъий интеллект ваасосий интеллектуал мулкнинг стратегик йиғиндиси (ғоялар, инноватсион рақамли технологияларга эга бўлиш) билан белгиланмоқда. Умумий инсон капитали (ишчи кучи) рақамли иқтисодиётда ҳаракатчан ва мослашувчан бўлиб бормоқда, бу эсаиш берувчиларга уюшган ишчи кучи (жамоат ташкилотлари ва касаба уюшмалари кўринишидаги) қимматбаҳо бозорларини айланиб ўтиш ва ҳар бир ходим билан тўғридан-тўғри (Биг Дата ва ишчи кучи ситфати ҳақида шахсий маълумотлар асосида) ишлашга имкон бермоқда. Бу эсаишчи кучининг ҳаракат тезлигини оширадива инсон капиталига пул тўлаш бўйича умумий ҳаражатларни пасайтиради. Мехнат унумдорлигининг ўсиши билан

таққослаганда, иш ҳақининг ўсиши нисбатан тўхтаб туришиишчи кучи бозорининг мослашувчанлиги ва глобаллиги ҳисобига бандликни кафолатлаш даражасининг пасайиши билан таъминланади. Ходимлар, ўз томонидан, рақамли иқтисодиёт шароитларидаиш ҳақининг ўсиши бўйича фаолликдан қўра барқарор бандликни танлашни афзал кўришмоқда. Бошқа барча шартлар бир хил бўлганда, иш берувчилар ва ходимлар хулқ-авторида маълум бир муросага эришилади. Иқтисодий ўсишни тезлатиш тамойилини рақамли иқтисодиётнинг бошқа бир ўзига хос хусусиятидеб ҳисоблаш лозим. Нетворк (електрон тармок) туфайли муомала ва истеъмол соҳасида маҳсулотнинг тарқалиши ва мослашуви тезлашади. Электрон тармок ва рақамли технологиялар тармоқ маркетингини янада самарали қиласи: маҳсулот ва бозордаги вазият ҳақида ахборот занжирли реаксия тамойили бўйича тарқалади. Шунга қўра, биринчи қарор ва тўғри ҳаракат кўпинча катта устунликлар ва қўшимча фойда олишни таъминлайди. Яхши ва сифатли товарлар «онлайн» режимида тарқалишини вируснинг жонли табиатда тарқалиши билан таққослаш мумкин бўлган тезликда тарқатилади ва сотилади. «Вирусли» маркетинг исталган фирманинг иқтисодий ўсишини тезлашувини таъминлайди. Бунга мисол қилиб, турли мамлакатларда электрон тижорат ва интернет-савдо билан шуғулланадиган интернет-компанияларни келтириш мумкин. Агар XIX асрда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилишга асосланган бўлса, XX асрда жаҳон урушлари оралиғида ва Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошқарув технологияларининг оммавий равишда тарқалишига таянган. 1970-йиллардан бошлаб уларнинг негизидамолиявий технологиялар фаол ривожлана бошлади. Ҳозирги қунга келиб, асосий ўсиш омили ролини юқори интеллектуал қогнитив технологиялар эгаллаб олмоқда. Янги рақамли қийматлар, яъни, қўшилган қиймат яратишҳар бир интернет-компания фаолияти орқали жамиятдаги бойликнинг ҳар тарафлама ўсишини асослаб беради. Қийматлар яратиш, ўз навбатида, мавжуд бозорларни бўлиб олишга ҳам боғлиқ. Замонавий концепсиялар бозор улушини таъминлаш мақсадида

машхур бўлган маҳсулотни тобора кўпроқ илгари сурмоқда ва шундан кейинтармоқдан фойдаланган ҳолда у билан боғлиқ бўлган янги товарлар ва ҳизматлар сотишини ривожлантирунганда. Маҳсулот қийматининг бозор улушкига боғлиқлигиелектрон тармоқнинг кенг кўламли ривожланиши билан асосланади. Агар илгари маҳсулот қиймати кўп жиҳатдан унинг тақчиллиги билан белгиланган бўлса, ҳозирги пайтда Нетворк туфайли товар нархи пасаймоқа. Истеъмол «стандарт»ларини белгилашга ёрдам берадиган маҳсулот турлари бўйичасотувдан олинадиган самарабозор улушкидан келиб чиқиб, даражали функция бўйича ўзгаради. Рақамли иқтисодиёт шароитларидатармоқ орқалидеярли исталган нарсани – товарлар, ҳизматлар ва истеъмолчи учун керакли бўлган ҳар қандай ахборотни топиш мумкин. Бунинг устига, янги фойдаланувчиларбозорни янада тақсимлаш ва эгаллаб олиш мақсадида ўзининг иқтисодий сиёсатини юритиши ва ахборот қўшиши мумкин. «Онлайн» режимида ишлайдиган компаниялар самарадорлиги, биринчи навбатда, персоналнинг тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, қарорларнинг жамоавий равишда қабул қилинишига боғлиқ бўлиб, бу кўрсатгичлар тармоқдан фойдаланувчиларга (потенсиал харидорларга) Биг Дата технологияси асосида индивидуал ёндашув билан таъминланади. Рақамли иқтисодиёт учуншунингдек, воситачилик институтининг ўзгариши ҳам хосдир. Воситачилар фаолияти ҳозирда шаклан ўзгарган, чункихаридорларнинг хабардорлиги ва ахборот билан таъминланганлиги бозор қатнашчиларининг тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқлиги билан алмашмоқа. Бир томондан, ривожланган мамлакатларда анъанавий дистрибуторлар ва агентларҳозирги пайтда харидорлар ва сотувчилар билан тўғридан-тўғри боғланиб, интернет тармоғи ривожланганлиги туфайли ўз битимларида воситачиларга мурожаат қилмаётганликлари сабабли ўз ишида жиддий қиинчиликларга дуч келишмоқда. Бошқа томондан, ахборот микдори тўхтовсиз ва шиддатли ўсиб, фойдаланувчилар (харидорлар) кераксиз ахборотларни чиқариб ташлайдиган ўзига хос «фильтр»ларга эҳтиёж сезишишмоқда. Бундай шароитлардаянги

турдаги воситачилик – ахборот воситачилиги пайдо бўлиши учун шароитлар юзага келмоқда. Барча жиҳатларда битимларни амалга оширишда кучли ва технологик таъминланган ёрдам қўрсатишга қаратилган истеъмолчиларга интеллектуал ҳизматлар қўрсатиш ёки агрегатсияланган ҳизматлар таклиф қиласиган ахборот-интернет-компаниялари сони кўпаймоқда. Бу компаниялар истеъмолчиларга қулайлик яратиш ва, табиийки, ўз бизнеси манфаатларида коммуникатив-уюшган муҳит шакллантиради. Ахборот воситачиларисотувчи ва харидорларни маълум тарзда бир-бири билан боғлаган ҳолда, рақамли технологиялар асосида ва электрон тармоқлар орқали уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда уюштиради. Шуниси қизиқки, барча бозор қатнашчилари билан шахсий алоқаларга ва мос келувчи ахборот технологияларига, шунингдек, бу қатнашчилар хақида шакллантирилган маълумотлар тўпламларидан потенсиал фойдали ахборотга эга бўлган ҳар қандай компаниялар ахборот воситачилари бўлиши мумкин. Глобалелектрон тармоқ пайдо бўлиши билан харидорлар ўз эҳтиёжларини қондириш учунянги, мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлдилар, сотувчилар эса, ўз навбатида, ўсиш учун иқтисодий куч (салоҳият) янгни манбасини қўлга киритдилар. Рақамли иқтисодиёт шароитларида бозорларда сотув шароитлари ва нархларни «жисмоний» ўрганиш, турли магазинларда ва фирмаларда нархларни аналоги таққослаш учун зарурат йўқ. Муқобил вариант тадкиқотлар билан бир вақтда тез аниқланади, рақобатчи эса компьютер «сичқони» битта ҳаракати билан бартараф қилиниши мумкин. Интернет-иқтисодиёт ва рақамли иқтисодиётнинг муҳим жиҳати, хусусан, бизнес юритишнинг ўзига хос технологияси ҳисобланади. Ўзига хос хусусият шундаки, битим «бирга бир» тамойили бўйича ва анъанавий воситачиларсиз ёки ахборот воситачиларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шу сабаблитовар ва ҳизматлар қийматининг ахборот таркибий қисми тобора ортади. Бунда сотувчилар ушбу жараённи товар қиймати анъанавий таркибий қисмлари ҳаражатларини амалга оширишдан кўра рентабеллироқ деб ҳисоблайдилар. Истеъмолчилар, ўз навбатида,

уларнинг хоҳишистакларига мувофиқ, маҳсулотга талабларини индивидуаллаштиришга интиладилар. Таъминотчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар ўртасида ахборот алмашиниш борасида мисли кўрилмаган шароитлар юзага келади. Улар учун ҳам, булар учун ҳам ахборот иқтисодий ҳаётнинг асосий жиҳатига айланади. Рақамли технологик платформа (янги иқтисодиётнинг технорақамли базиси) ижтимоий-иқтисодий субъектларнинг селектив-адресли методологиясини амалга ошириш учун ажойиб имкониятлар яратади. Маълумотлар тўпламлари, катта жадвалларёки катта маълумотлар массивлари (Биг Дата) шакллантириш суперкомпьютерларда ахборот билан ишлашнинг янги рақамли технологиялари пайдо бўлиши билан муносабатлар субъектлари нималарни афзал кўришини аниқлаш ҳамда ҳар бир шахсга адресли таъсир ва таклифлар ишлаб чиқишига имкон беради. Глобал муносабатлар шароитларида ҳар бир истеъмолчи ёки муносабатлар (жумладан, ижтимоий-сиёсий) қатнашчисига индивидуал ёндашув реал воқеликка ва самарали бошқарув воситасига айланади.

Захиралар, ишчи кучи ҳаражатлари ва логистика устидан назоратни рақамлаштириш тайёр маҳсулот ҳаражатларини минималлаштиришга ва яқуний ҳисобда, нархларнинг ўсишини назорат қилишга имкон беради (масалан: «канбан» - «каниқ муддатида» таъминот тизими, ахборотни сканерлаш ва штрих-кодлаш, транспортда ГПС-назорати, хизматларни верикал боғлаш, ишчи кучи захирасини камайтириш). Майкл Мендел каби бошқа тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, рақамли иқтисодиётда иқтисодий тисклиюқори технологиялар ривожланишига қарамай, иқтисодиёт бекарорлигига ва ундан кейин инқизозга олиб келадиган технологик сиклабоғлиқ. Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг асосий қонуниятларини ҳисобга олиб, унинг фаолият кўрсатишидаги асосий тамойилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Рақамли иқтисодиётни бошқаришни такомиллаштиришда уларни ҳисобга олиш мумкин. Бу тамойиллар қаторига қуйидагилар киради:

- Моддий-буюм ҳолидаги таркибий қисмнинг «йўқолиб кетиш» ва уни «номоддий» таркибий қисм: инсон капитали, ғоялар, билимлар, сунъий интеллектом, Софт Ware ва бошқалар билан алмаштириш тамойили. Бунда моддий-буюм ҳолатининг «йўқолиб кетиш» тезлиги ортади, рақамли иқтисодиёт самарадорлиги эса «номоддий» таркибий қисм ўсишига пропорсионал равища ортади.
- Рақамли иқтисодиётнинг глобаллашув шароитларида масофанинг аҳамияти пасайиши ва маконнинг «сиқилиш» тамойили – замонавий иқтисодиётнинг энг муҳим тамойилидир. Рақамли иқтисодиёт глобаллигиишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва рақобатчиларни уларнинг географик жойлашувидан қатъи-назар бирлаштиради. Ҳамма ҳамма билан боғланган, ўз бизнесининг рақобатбардошлиги ва жавобгарлик борасида бир-биридан «ҳимояланмаган». Рақамли иқтисодиётда географик ҳолат рақобатда – «рақамлаштиришдан олдинги» иқтисодиётдаги каби муҳим аҳамиятга эга эмас.
- Вақтни «сиқиш» тамойилибарча иқтисодий муносабатлар, ўзгаришлар ва, айниқса муҳими, бошқарув қарорлари қабул қилиш тезлиги ортишини англатади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда тезкор алоқалар шароитларида вақт катта устунликка ва шу билан бир вақтда масъулиятга айланмоқда. Рақамли компанияларанъанавий компаниялар билан таққослаганда иш вақтининг кўпроқ тежалишини таъминлайди. Рақамли компаниялар стратегиясибутун ишлаб чиқариш сикли бўйича доимий ўзгаришларга йўналтирилади, яхшилаш бўйича ўзгаришларнинг тезлашуви эса уларга рақобатли устунликларни таъминлайди.
- Ташкил қилиш ва бошқаришнинг «смарт» тамойили ҳам рақамли иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Инсон капитали, одамлар, билимлар, ғоялар, сунъий интеллект – бу рақамли иқтисодиётнинг асосий бойлигидир. У технологик соҳадаги ўзгаришлар мазмуни ва тезлигини, бизнес ва бошқарувда дадил ғоялар ва инноватсиялар пайдо бўлишини таъминлайди. Инсон капиталирақамли иқтисодиётда «бебаҳо» бўлади,

персонални бошқариш эса компаниянинг «ғолиб» технологиялари ва қарорлари яратиш қобилиятига йўналтирилади.

- Рақамли иқтисодиёт шароитларида «тармоқ» ўсиши ва ривожланиш тамойили коммуникатсияларнинг ўзига хос, «вирусли» характерибилинг, биринчи навбатда, электрон тармоқ (Нетворк) билан боғлиқ бўлади. Коммуникатсиялар осонлиги ва уларнинг занжирсимон характерибарча бизнес қатнашчилари учун хабардорликнинг тез тарқалишига ҳизмат қиласи. Интернет орқали ишлайдиган компаниялар тармоқ маркетингини тўғри йўлга қўйиш, биринчи қадам туфайли портлашсимон ўсишга эришиши мумкин. Интернетдан фойдаланувчилар оламида рақамли технологиялардан фойдаланиш, итератсион режалаштириш ва бошқариш бошқа барча шартлар бир хил бўлганида иқтисодий ўсишнинг тезлашувига ҳизмат қилиши мумкин.
- Технологик платформалар (жумладан, рақамли шакллар) ва стандартлар қийматлилиги тамойили кейинчалик кенг кўламли ишлаб чиқаришнинг негизига айланадиган, қоидага кўра, катта бозор улушларини эгаллаб олишни таъминлайдиган муваффақиятли ёлғиз ҳолдаги ечимларнинг тез тарқалиши билан асосланади. Кейинчалик ушбу платформа билан йўлдош маҳсулот ва ҳизматлар турлари боғланади. Рақамли иқтисодиётдаистеъмолчи хулқ-авторида етакчи стандартлар ва қадриятларга айланадиган, одамлар турмуш тарзи ва услубини шакллантирадиган, маълум бир ҳодиса билан белгилаб бериладиган маҳсулот ва ҳизматлар эвент комплекслари тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда. Ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларбу ҳолатларни сезмаслиги мумкин эмас ва бизнесниташкил қилишда уларни ҳисобга оладилар.
- Ахборот билан ишлаш «самараадорлик» тамойилирақамли иқтисодиёт қатнашчиларини (субъектларини) катта миқдордаги ахборотни тартибга солишга йўналтиради. Барча қатнашчиларҳар бир муайян ҳолатда энг муҳим ва фойдали маълумотларни ажратиб оллиш мақсадида ахборотни «фильтрлаш»га эҳтиёж сезадилар. Шу сабаблимижозларга «смарт» ҳизмат

кўрсатишга ва агрегатсияланган ҳизматларга эҳтиёж пайдо бўлади. Рақамли компанияларнинг бир қисми шунга ихтисослашадива самарали ахборот воситачиларига айланади.

- Бозорнинг «виртуаллик» тамойилибозорда иштирок этиш ёки жисмоний пайдо бўлиш кераксизлигига олиб келади. Маҳсулот нархи ва рақобатли устунликларини савдо марказларига кирмасдан ҳам таққослаш мумкин, маҳсус дастурлар эсасифат ва нарх нисбати оптимал бўлган маҳсулот излаб топишни таъминлаши мумкин. Рақобатда жисмоний тўсиқлар йўқолади, бизнес энг яхши сифат ва арzon нарх таклиф қилишга интилади, харидор эсазудлик билан жавоб қайтаради: маҳсулот излаб топиш ва харид қилиш амалда бир вақтда, савдо нуқталарига ташриф буюрмасдан амалга оширилади.
- Рақамли иқтисодиётда ҳаражатлар структурасининг ўзгариш тамойили муҳим аҳамият касб этади. Товар қийматидаги ахборот таркибий қисми тобора катталашмоқда, моддий-буюм жиҳати эса - кичраймоқда. Юқори технологияли маҳсулотлар эксплуататсиясиёки истеъмолиистеъмолчига (фойдали самара бирлигига) арzon тушмоқда, кўпроқ қониқиши ва таҳсинга сазовор бўлмоқда.Инноватсионлик даражаси юқори бўлган компаниялартрансаксия ҳаражатлари пасайиши ва ишлаб чиқариш таннархининг структураси ўзгариши ҳисобига устунликларга эга бўлмоқдалар.
- «Импулсли» мотиватсия тамойили шуни англатадики, товар танлаш ва харид қилиш интернет туфайли кўпинча импулсив равишда, бир марталик ва шун онда рўй берадиган жараён сифатида амалга ошади. Хоҳиш пайдо бўлиши ва харид бошқа товарни излаётган пайтда ҳам пайдо бўлади. Қидириш, хоҳиш-истак ва харид ўртасида амалда ҳеч қандай узилиш бўлмайди. Танловни ўзгартиршига «юмшоқ» мажбурлашрақамли компаниялар фойдаланадиган воситалардан бири ҳисобланади.
- Рақамли иқтисодиётни «байналмилаллаштириш» тамойилини бир томондан, халқаро меҳнат тақсимотининг намоён бўлиши сифатида,

бошқа томондан эса – жаҳон иқтисодий муносабатлари ривожланиши (глобаллашуви) сифатида талқин қилиш мумкин. Иқтисодиётнинг глобаллашуви рақамли технологиялар туфайлимаҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича тўсиқлар ва чекловларни олиб ташламоқда. Логистика ва савдорақамлаштириш туфайли товарларни янада очикроқ ва қулайроқ қилмоқда. Махсулот ҳаётийлик даврининг барча босқичларида ҳамроҳлик қилиш ҳар хил тилларда таъминланади, маҳсус дастурлар мавжудлиги эсаахборотни бир тилдан бошқа тилга бир лаҳзада ва таржимонларсиз таржима қилишга имкон беради. Инсон капитали ҳаракатланиши ва халқаро стандартлаштириш ҳамрақамли иқтисодиёт байналмилаллашувига ҳизмат қиласди.

Рақамли иқтисодиётда халқ фаровонлигини стратегик режалаштиришда асосий йўналишлар қўйидагилар ҳисобланади:

- халқнинг турмуш даражасини ошириш мақсадли тавсифларини шакллантириш;
- халқ фаровонлиги мақсадларини амалга оширишга ажратиладиган ресурсларни тадқиқ этиш;
- истеъмол фонди ҳажми ва структурасининг истиқболдаги динамикасини тадқиқ этиш;
- аҳоли даромадлари структураси ва ҳажми кўрсаткичларини шакллантириш;
- истеъмол ижтимоий фондлари шакллантириш жараёнларини тадқиқ этиш;
- ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиши;
- ноишлаб чиқариш капитал қўйилмаларини амалга ошириш жараёнларини моделлаштириш;
- ноишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва структураси динамикасини моделлаштириш;

- халқнинг турмуш даражасини ўстириш бўйича янги чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни баҳолаш;
- халқнинг турмуш даражаси ривожланишини умумий стратегик режалаштириш ва уни халқ хўжалиги стратегик режасининг бошқа бўлимлари билан мувофиқлаштириш;
- халқнинг турмуш даражасини ошириш режаларини бажариш жараёнларини баҳолаш ва уларнинг бажарилишини рағбатлантирадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- стратегик режа сифатини систематик баҳолаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш.

Муайян вазифаларни ҳал қилиш аҳолининг турмуш даражасини оширишга ва ижтимоий ривожланиш глобал, маҳаллий ва мақсадли кўрсаткичларига ўзгартирилган стратегик мақсадлар асосида эришилади. Глобал кўрсаткичлар энг аввало, турмуш даражаси концепсияларини ишлаб чиқиш, ноишлаб чиқариш соҳаси ва ижтимоий ривожланишнинг асосий соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, халқ фаровонлиги ўсишини тавсифлайдиган муҳим жамланма кўрсаткичлар динамикасини башорат қилишда ҳисобга олинади. Локал мақсадлар моддий неъматлар ва ҳизматлар алоҳида кўрсаткичларини, ноишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришнинг турли тармоқ тавсифларини, халқ фаровонлиги ўсишидаги тафовутларни тавсифлайдиган алоҳида кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий тенденсиялари кўп жиҳатдан глобал электрон тармоқнинг келгуси ривожланиши, ахборот-интеллектуал ва рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва инсон капитали салоҳиятини тўлароқ амалга ошириш билан белгиланади ва асосланади. Шу сабаблирақамли иқтисодиёт муаммоларини ўрганиш иқтисодиёт фани нуқтаи-назаридан ҳам, турли даражадаги: электрон ҳукуматдан тортибтурли объектларни (шаҳар, транспорт ҳаракати,

үй, квартира, автомобил ва бошқалар) смарт-бошқариш рақамли моделларигача менежмент тизимлари амалий ўзгариши нуқтаи-назаридан ҳам долзарб ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ижтимоий ҳаётни рақамлаштиришнинг ушбу боб доирасидан четда қолган энг муҳим жиҳати иқтисодий ва компьютер ҳавфсизлиги муаммолари бўлиб, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши билан бутун дунёда тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу муаммоларни ҳам келгуси боблардан бирида ўрганиб чиқамиз.

### **3-БОБ. БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ**

#### **3.1. Блокчейн қандай яратилади**

Блокчейн (блоклар занжири) – тақсимланган маълумотлар тўплами бўлиб, унда маълумотлар сақлаш қурилмалари умумий серверга уланмаган бўлади. Бу маълумотлар тўплами блоклар деб аталадиган ва тартибга солинган қайдлар доимий ўсиб борадиган рўйхатда сақланади. Ҳар бир блок вақт белгисига ва бундан олдинги блокка ҳаволага эга бўлади. Шифрлашни қўллаш шуни кафолатлайдики, фойдаланувчиларнинг уларсиз файлга ёзув киритиш имкони бўлмайди, ёпиқ калитлар мавжудлиги эса блоклар занжирларининг маълум бир қисминигина ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, шифрлаш барча фойдаланувчиларда блоклар тақсимланган занжирлари нусхаларини синхронлаштиришни таъминлайди. Баъзида блокчейн технологияси «қадриятлар интернети» деб аталади ва биз буни яхши метафора деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир киши интернетда ахборот жойлаштириши, сўнгра бошқа одамлар унга дунёning исталган нуқтасидан туриб уланиш имконига эга бўлиши мумкин. Блоклар занжирлари блокчейн файли ёки қандайдир қадриятлар очик бўладиган дунёning исталган нуқтасига маълумотлар жўнатишга имкон беради. Бироқ сизда фақат сиз «егалик» қиласидан блокларга кириш имконини бериш учун криптографик алгоритм бўйича яратилган ёпиқ калит бўлиши лозим. Ёпиқ калитни кимгадир берар экансиз, моҳиятан бу шахсга блоклар занжирининг мос

келувчи бўлимида сақланадиган пул маблағларини берган бўласиз. Биткоинлар ҳолатида, калитлар тўғридан-тўғри молиявий қийматни ифодалайдиган валютадаги айрим суммалар сақланадиган манзилларга уланиш учун фойдаланилади. Худди шу билан маблағларни ўтказишни қайд қилиш функцияси амалга оширилади. Бундан ташқари, яна бир муҳим функция – ишончли муносабатлар ўрнатиш ва шахснинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш амалга оширилади, чунки мос келувич калитларсиз блоклар занжирини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Тегишли калитлар билан тасдиқланмаган ўзгаришлар эса рад қилинади. Албатта, калитлар (жисмоний валюта каби) назарий жиҳатдан ўғирланиши мумкин, лекин компьютер кодининг бир нечта сатрини ҳимоя қилиш одатда катта ҳаражатлар талаб қилмайди (масалан, буни машъур Форт-Ноксда олтин захирасини сақлаш ҳаражатлари билан таққосланг).

### **Блокчейн технологиясининг муҳимлиги нимада?**

Бугунги кунда биз марказлашган интерактив интернет платформаси орқали ахборот алмашинишга кўнишиб қолганмиз. Бироқ агар гап моддий бойликларни (пулни) ўтказиш ҳақида борганда, биз одатда марказлаштирилган молиявий муассасалар (банклар) ҳизматларидан фойдаланишга мурожаат қиласиз. Интернет орқали тўловлар усуллари амалда бу тармоқ дунёга келган пайтларда пайдо бўлган (енг қўзга ташланадиган мисоллардан бири — ПайПал), бироқ улар, қоидага кўра, банк ҳисобрақами ёки кредит картаси билан интегратсия қилишни талаб қиласи. Блокчейн технологияси эса булар сингари «ортиқча бўғин»лардан халос бўлишга имконият яратади. У анъанавий равишда молиявий ҳизматлар сектори бажарадиган уч муҳим амални ўз зиммасига олиши мумкин: битимларни рўйхатдан ўтказиш, шахс ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва шартномалар тузиш. Бу ҳолат банк ишида улкан аҳамиятга молик бўлади, чунки бутун дунёда миқёсида молиявий ҳизматлар бозори – бозор капиталлашуви бўйича энг катта бозордир. Бу тизимнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини блокчейн технологиясига ўтказиш молиявий ҳизматлар соҳасида

кўп сонли узилишларга олиб келиши мумкин, лекин шу билан бир пайтда, бундай ҳизматлар самарадорлигини сезиларли оширишга имкон беради. Блокчейн технологияларининг учинчи эҳтимолий роли (шартномалар тузиш) молия секторидан ташқарида ҳам жуда фойдали бўлиб чиқиши мумкин. Яна бир валютанинг (биткоин) муомалага киритилиши билан, блокчейн технологиясидан рақамли маълумотларниң ҳар қандай турини, жумладан, компьютер кодини сақлаш учун фойдаланилиши мумкин. Ушбу код фрагментини шундай дастурлаш мумкинки, у иккала келишувчи томон ўз калитларини киритган ва шу тариқа шартнома тузишга розилик билдирган ҳолда тегишли амал бажарилади. Худди шу кодташқи маълумот оқимларидан ахборот олиши (аксиялар нархи, метеорология маълумотлари, янгиликлар сарлавҳаларива компьютер таҳлил қилиши мумкин бўлган бошқа нарсалар) вамаълум бир шартлар бажарилганда автоматик равишда рўйхатдан ўтказиладиган шартномалар тузиши мумкин. Ушбу механизм «аклли шартномалар» (смарт-сонтраст) деб аталади ва уни қўллаш имкониятлари амалда чекланмайди. Масалан, терморегулясия интеллектуал тизими энергия истеъмоли ҳақидаги маълумотларни интеллектуал электр тармоғига узатиши мумкин. Белгиланган миқдорда электр энергияси истеъмол қилинганда бошқа блоклар занжири автоматик равишда керакли суммани сизнинг ҳисобрақамингиздан энергетика компанияси ҳисобрақамига ўтказади. Натижада ҳисоблагич иши автоматлаштирилади. Мазкур ёндашув интеллектуал мулқдан фойдаланишни назорат қилиш учун ҳам тўғри келади: у фойдаланувчига неча марта ахборотга уланиш, у билан ўртоқлашиш ёки ундан нусха кўчиришга рухсат берилганини белгилаши мумкин. Ундан яна қалбакилаштиришдан ҳимоя қилинган овоз бериш тизими яратиш, ахборотни тсензура чекловисиз тарқатиш ва бошқа амаллар учун фойдаланилиши мумкин. Йирик банклар ва айрим давлат структуралари «блокчейн»дан тақсимланган регистрлар сифатида ишлатишади, оддий «блокчейн»дан эса ахборот сақлаш ва транзаксиялар амалга ошириш усулини тубдан ўзгартириш учун фойдаланадилар. Улар мақтовга лойик мақсадларни

кўзлайдилар: тезлик ва ҳавфсизликни ошириш, қийматни пасайтириш, хатолар сонини камайтириш, ишдан чиқиш ва заифлик марказий нуқталарини бартараф қилиш каби ишларни амалга оширишни режалаштирадилар. Бундай моделлартўловларни амалга ошириш учун криптовалюталардан фойдаланиши шарт эмас. Бироқ энг муҳим ва истиқболли блокчейнлар биткоиннинг Сатоси Накомото томонидан ишлаб чиқилган блокчейни ва моделига асосланади. Улар қандай ишлашини қўйида кўриб чиқамиз.

Биткойн, бошқа ҳар қандай рақамли валюта каби, бирон жойда файлда сақланмайди. У блокчейнда ёзилган транзаксиялар билан ифодаланади ва биткоин бир рангдаги катта тармоқ ресурслари орқали биткоиндан фойдаланилган ҳар бир транзаксияни тасдиқлаш ва уни маъқуллаш учун фойдаланиладиган қандайдир бутунжаҳон гроссбух китоби ёки катта жадвал каби болади. Ҳар қандай блокчейн, биткойндан фойдаланиши ёки фойдаланмаслигидан қатъи назар, *тақсимланган* ҳисобланади: убутун дунё бўйлаб ушбу тизимга кирган кўнгиллилар компьютерларида ишлайди, шунинг учун ҳам, унда бузиб кириш мумкин бўлган маълумотлар марказий тўплами йўқ. Блокчейн *оммавийдир*: уни исталган киши исталган пайт кўриб чиқиши мумкин, чунки утранзатсиялар аудити ва ҳисоби билан шуғулланадиган биронта ташкилотга аъзо эмас ҳамдатақсимланган тармоқда жойлашган. Блокчейн *шифранган*: унда виртуал ҳавфсизликни таъминлаш учун оммавий ва хусусий калитлар (банк ячейкаси учун фойдаланоладиган иккита калит тизими каби) қўлланадиган кучли шифрлаш тизимидан фойдаланилади. Давлат муассасаси ёки молиявий корпоратсиянинг виждонсиз ходими ёки супермаркетлар улкан тармоғининг кучсиз брандмауерлари ҳақида қайғуришга эса ҳожат йўқ.

Иқтисодий транзаксиялар янги рақамли регистрини инсоният учун муҳим ва қимматли бўлан исталган ахборотнисақлаш учун ишлатиш мумкин, шу жумладан, туғилганлик ҳақида, никоҳ ҳақида ва ўлим ҳақидаги гувоҳномалар, олий маълумот ҳақидаги дипломлар, молиявий ҳисоботлар,

тиббиёт карталари, сугурта тўловлари учун мурожаатлар, сайловлардаги овозлар сони, маҳсулотларнинг келиб чиқиши – код қўринишида тақдим этилиши мумкин бўлган исталган маълумотни сақлашга дастурлаб қўйиш мумкин. Янги платформа дунёдаги ҳамма нарса ҳақида рақамли маълумотларни онлайн режимида бирлаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, яқин келажакда моддий дунёдаги миллиардлаб ақлли қурилмаларўзгаришлар қабул қилиши ва узатиши, уларга жавоб қайтариши, ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун электренергияси харид қилишивамуҳим ахборотларни тарқатиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан тортиб, бизнинг соғлиғимиз ҳақида қайғуришгача бўлган хилма-хил вазифаларни ўз зиммасига олиши мумкин. Ҳулоса қилиб айтганда, «ҳамма нарса интернети»га «ҳамма нарса регистри» керак болади. Бизнес, савдо ва иқтисодиётга ҳам рақамли ҳисоблашлар талаб этилади.

Барчага маълумки, тадбиркорлик иқтисодиётнинг ривожланиши ва жамиятнинг гуллаб-яшнаши учун жуда муҳимдир. Интернет тадбиркорларга йирик компанияларнинг мерос бўлиб қолган маданиятини, ривожланишдан тўхтаган иш жараёнларини ва ўтмишнинг оғир балласти каби муаммоларини эмас, балки имкониятлар ва воситалар тақдим этган ҳолда тадбиркорликни том маънода озод қилиши лозим. Бироқ ўз эгаларини миллиардерга айлантирган доткомларнинг овоза бўлган муваффақиятлари ёқимсиз бир ҳақиқатни никоблаб туради: кўплаб ривожланган иқтисодиётлардатадбиркорлик ва янги компаниялар пайдо бўлиши охирги ўттиз йилда кучли пасайишни ҳис қилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда Интернет давлатнинг ҳалоқатга элтадиган бюрократиясига қарши курашишга мажбур бўлаётган потенсиал тадбиркорлар учун тўсиқларни деярли пасайтирамди. Интернет миллиардлаб одамларга ўз ишини бошлаш учун зарур бўлган молиявий воситаларга уланиш имконини бермади. Албатта, тадбиркор бўлиш ҳамманинг ҳам тақдирига битилган эмас, лекин муносиб пул ишлаб топишга ҳаракат қилаётган ҳатто ўртacha статистик инсонга ҳам молиявий оператсияларн амалга ошириш имконийти йўқлиги ва давлат

чекловларининг кучайиб кетганлиги анча халал беради. Бу албатта, мураккаб муаммо, лекин блокчейн кўп жиҳатдан тадбиркорликка ва мос равишда, бизнесни гуллаб-яшнашга куч-қувват бахш этишга қодир. Энди, муҳим аҳамиятга эга бўлиш ҳамда ўз жамиятидан ташқарида ишбилармонлик фаолияти юритиш имкониятига эга бўлиш учун ривожланаётган мамлакатлардаги ўртacha статистик фуқаро интернетга уланган қурилмага ҳам эга бўлиши зарур. Глобал иқтисодиётга Интернетга уланишни кредитлаш ва молиялаштириш манбалари, таъминотчилар, ҳамкорлар ва инвеститсиялаш учун имкониятларнинг кенг миқёсдаги очиқлигини англатади. Ҳар қандай иқтидор, ҳар қандай ресурс, ҳатто энг кичик бўлсада, блокчейнда монетизатсия қилиниши мумкин. Янги платформа биз нимани ва қандай қилиб онлайн амалга оширишимиз мумкинлигини, бунда ким иштирок этишини, шу тариқа энг долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун технологик шароитлар яратишга имкон беради. Агар бу вазифани улдалашнинг имкони бўлмаса, кўп нарса ваъда қиладиган блокчейн технологияси чекланади ёки умуман йўқ қилинади. Бундан ҳам ёмони, у кучли институтлар қўлидаги қуролга айланиши мумкин бўлиб, унинг ёрдамида улар ўз холатини сақлаб қолади, ёки, агар унга ҳукumat уланиш имконига эга бўлса, блокчейн янги тотал кузатув жамияти учун бир воситага айланади. Тақсимланган дастурий таъминот, шифрлаш, мустақил агентлар ва ҳатто сунъий интеллект чамбарчас боғланган технологиялариназорат остидан чиқиши ва ўз яратувчиларига қарши ишлаши ҳам мумкин.

### **Тармоқда блокчейн ва ишбилармонлик ахлоқи**

Ишонч – жараённинг ташқи эмас, ички элементи ҳисобланади. Блокчейннинг асоси эса барча қатнашувчилар орасидаг ишончга асосланга. Унда маълумотлар бир босқичда кодлаштирилади ва битта қатнашчи томонидан назорат қилинмасдан, балки назорат барча қатнашчилар ўртасида тақсимланади. Тўғридан-тўғри қадриятлар алмашиниш иккинчи томон одоб-ахлоқ доирасида ҳаракат қилишини кутган ҳолда амалга оширилади. Шундай қилиб, ишбилармонлик ахлоқи қадриятлари – ишда ва сўзда ҳалоллик,

ўзгаларнинг манфаатларини ҳисобга олиш, ўз қарорлари ва ҳаракатларининг оқибатлари учун жавобгарлик, қарор қабул қилиш ва ҳаракатлар шаффофлиги – қарор қабул қилиш хуқуqlари, рағбатлантириш тузилмалари ва оператсияларнинг ўзи ҳам кодланади, шундай экан, блокчейнда жамоа одоб-ахлоқ меъёрларини бузишнинг имкони бўлмайди, ёки бу катта вакт, пул, куч-қувват ва нуфуз ҳаражатларини талаб қиласди.

Интернетда бевосита бизнес юритиш ёки транзаксия амалга оширишшу пайтгача оддий бир сабабга кўра имконсиз бўлган, чунки пул ўз табиатига кўра бошқа ахборот товарлари ва интеллектуал мулкдан фарқ қиласди. Ҳамма дўстларга битта селфини юбориш мумкин, лекин кимгadir тўлаб бўлинган бир долларни дўстингизга юбора олмайсиз. Пул сизнинг ҳисобрақамингиздан чиқарилиши ва дўстингизнинг ҳисобрақамига ўтказилиши лозим. Пул бир вақтнинг ўзида иккита жойда бўла олмайди, катта миқдордаги пул ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Турли жойларда ракамли валюта бирлигини икки марта сарфлаш риски бор – шунда улардан бири тўланмаган чек каби тўлов учун қабул қилинмайди. Бу *активни икки марта сарфлаш муаммоси* деб аталади. Биткойнблокчейнида тармоқдаги биткойн эгаси муайян биткойнни сарфлаган биринчи транзаксияга белги қўядивабу биткойндан такрорий фойдаланишга тўсқинлик қиласди, шу тариқа икки марта сарфлаш имкониятини бартараф қиласди. Тармоқ қатнашчилари, биткойнтўлиқ функционал бошқарувчилари, майнерлар, энг янги транзаксиялар ҳақида маълумот тўплайди ва уларни ҳар ўн дақиқа маълумотлар блоки кўринишида сақлайдилар. Ҳар бир блок фақат ундан олдинги блок мавжудлигидагина амалда бўлади. Баённомаларга шунингдек, ҳар бир узел блокчейнни тўлалигича сақлаши учун диск маконини регенератсия қилиш усули киритилади. Ниҳоят, блокчейн оммавийдир, чункиундаги транзаксиялар қандай ўтиши ҳаммага кўриниб туради. Шундай қилиб, транзаксиянишишинг ҳеч ҳам имкони йўқ, биткойнни кузатиш оддий пулни кузатишдан осонроқдир. Майнинг жараёнлари – транзактсиялар блокини йиғиши, ресурслар сарфлаш, масалани ҳал қилиш (бошқорималар

кетма-кетликда бўлганимаъқул), муроса (сонсенсус)га эришиш, ташки регистр нусхасини қўллаб-қувватлаш шу қадар муҳимки, айримлар биткойн блокчейнини ҳудди интернет каби фойдали деб айтади ва уни оммавий қўллаб-қувватлашга чақиради. Энди эса бу ҳолатлар блокчейнниқтисодиётда қўллаш масаласида нималарни англатади, деган саволни кўриб чиқамиз. Одамлар шахсини тасдиқлаш ва уларнинг ҳозирча доғ тушмаган номига кафиллик беришни йирик компаниялар ва давлат муассасаларига ишониб топшириш ўрнига бу функцияларни тармоққа ишонамиз. *Бутун тарих давомида биринчи марта транзатсияларга ва иккинчи томон ҳаракатларидан қатъи назар, ёзилган ахборотларнинг катта қисмига ишончни таъминлайдиган блокчейн кўрининишидаги очиқ платформа пайдо бўлди.* Тизим маълумот сақлаш ва уни бошқариш жараёнини ягона назорат маркази бўлмаган бир рангдаги тармоқда амалга оширади маълумотларни тармоқ бўйича тақсимлайди. Биронта томон ҳам тизимни бузишга қодир эмас. Агар биронта ҳукумат органибитта қатнашчи ёки қатнашчилар гурухини узиб қўйиш ёки алоҳида ажратишга эриша оладиган бўлса, тизим ишлашда давом этаверади. Агар тармоқнинг катта қисми унинг устидан назоратни қўлга киритадиган бўлса, нима рўй берадётганини ҳамма кўриб туради. Интернет пайдо бўлган пайтда ходимлар, фуқаролар, мижозлар ёки бошқа ташкилотлардан иборат катта фойдаланувчилар базасига эга бўлган биронта йирик институт ўзининг ижтимоий мажбуриятлари ҳақида ўйламасди. Марказлашган ҳукумат органлари мунтазам равища бу ҳақида хабардор қилмасдан фойдаланувчилар фикрига зид равища ҳаракат қилиш, уларнинг маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, уларни давлат талаби бўйича тақдим этиш, фойдаланувчилар розилигисиз кенг қўламли ўзгаришлар жорий қилишга тайёрлиги ва қодирлигини намойиш этиб келар эди. Биткойн блокчейнини назорат қилишга уриниш ҳаражатлариолиниши мумкин бўлган молиявий фойдадан анча катта бўлиши мумкин. Сатоси Накомото фойдаланувчидан тармоқни ҳимоя қилиш ва янги биткоинлар ишлаб

чиқариш учун катта ҳисоблаш қувватлари (демак, кўп электр энергияси) сарфлашни талаб қиласидиган ишни исботлаш усулини жорий қилди. Шу сабабли, воситачиларга эҳтиёж юзага келади. Блокчейн фаолиятининг энг яхши намоён бўлишга сабаб оммавий ҳамкорликдир. Ҳар бир киши ўз ахбороти, ўз мулки ва ўзининг иштирок этиш даражаси устидан ҳукмронлик қиласиди. Тақсимланган ҳисоблаш қувватлари тақсимланган жамоавий ҳукумат ташкил қилишга имкон беради. Эҳтимол, бундай платформа неъматлар яратишнинг янги тақсимланган моделлари сари йўл очиб берар. Эҳтимол, тўғридан-тўғри номарказлашган ҳамкорлик янги усуллари жамиятда юзага келган муаммоларни ҳал қилишга имкон берар. Эҳтимол, ишончсизлик инқирозини ва ҳатто ҳозирги институтларда ноқонунийликни бартараф қилиш, пиар-қадамлар ўрнига сўзда эмас, ишда муваффақиятга эришиш ва жамият ҳаётида иштирок этишга имкон берадиган аҳоли қўлига реал ҳокимлик қилишни топширишга эришилиши мумкин. Блокчейн тизими барча манфаатдор шахсларнинг мотиватсиясини ўзаро мувозанатлаштиради. Биткойн ёки қандайдир қийматни акс эттирадиган токен – нуфуз билан боғлиқ муносабатларнинг ажралмас қисмдир. Сатоси Накомото тизимда ишлайдиганларни мукофотлашни дастурий асослаб берди ва ҳамма унинг сақланиши ҳақида қайғуриши учун ҳокимлик қилишни токендан фойдаланувчи барча жамоага топширди. Блокчейн – молиявий маънода, глобал тақсимланган саватлардаги тухумлардир.

Интернетнинг илк авлоди давридаҳокимлик қилишнинг корпоратсияларда мужассам этилиши, уларнинг ҳажми, мураккаблиги ва шаффофсизлигинги имкониятлар тақдим этган тармоқлардан номутаносиб равиша катта фойда олишга имкон берди. Йирик банклар ўз фаолияти биланмolia тизимини шаффофлик чегарасига етказди, чунки бу банкларда кўпчилик топ-менежерлар ва қатор мутахассисларни рағбатлантириш тизими шундай ишлаб чиқилгандики, улар узокни кўра билмайдиган ва ўта рискли хулқ-атворлиларга ҳизмат қиласиди. Жисмоний валюталардан фарқли равиша, биткойн саккизта ўнлик разрядгача улушга бўлиниши мумкин

(яъни биткоиндаги сумма вергулдан кейин саккизта белгигача эга бўлиши мумкин). Бу узоқ вақт давомида битта транзаксия доирасида суммаларни бирлаштириш ва бўлишга имкон беради: суммадан маълум миқдор олиш ва бу суммадан молиялаштириладиган барча чиқувчи тўловлар ягона транзатсия сифатида кўриб чиқилиши мумкин, бу эса транзаксиялар сериясидан анча қулайдир. Ҳизматдан фойдаланишни ҳисобга олиш учун смарт-шартнома тузиб, автоматик раившда уни мунтазам вақт оралиқлари орқали кичик улушлар билан тўлаш мумкин.

### **3.2. Блокчйнда тармоқ ҳавфсизлиги масалалари**

Ҳавфсизлик тадбирлари тармоққа шундай жорий қилинганки, унинг умумий инкор этиш нуқтаси бўлмайди, нафақат маҳфийлик, балки ҳар қандай ҳаракат бекор қилинмаслиги ва аутентификатсия ҳам таъминланади. Тизимда иштирок этишни истаган ҳар бир шахс шифрлашдан фойдаланиши лозим – бу муҳокама қилинмайди ва ўйламасдан қилинган ҳаракатлар оқибатларини фақат шу ҳаракатларни амалга оширган шахсгина ҳис қиласди.Хакерлик хужумлари, шахсий маълумотларни ўғирлаш, фирибгарлик, киберкўрқитиши, фишинг, спам, зиён келтирувчи дастурлар, вирустовламачилар – буларнинг барчаси инсоннинг жамиятдаги ҳавфсизлигига таҳдид солади. Интернетнинг ilk даври, кўплаб жараёнларни шаффоф қилиш ва инсон ҳуқуқлари бузилишини қийинлаштириш ўрнига, хусуий шахслар, институтлар ва иқтисодий фаоллик ҳавфсизлигини оширмас эди. Ўртacha интернетдан фойдаланувчи кўпинча электрон почта ва ҳисоб қайдларини оддий пароллар ҳимоя қиласди деб умид қиласди, чунки провайдерлар ёки иш берувчилар ишончлироқ паролларни талаб қиласди.

Шуни ҳам айтиш керакки, рақамли валюта оддий файлда сақланмайди. У криптографик хеш билан белгиланган транзатсияларда акс эттирилади.Фойдаланувчилар ўз пуллари учун криптокалитларга эга бўлади ва транзаксияларни тўғридан-тўғри бир-бири билан биргаликда амалга оширади. Бундай ҳавфсизлик учун уларнинг ҳар бири масъулиятли бўлиши – шахсий калитларни ишончли ҳимоя қилиши зарурлигидир.Бу ерда

ҳафсизлик стандартлари мухим аҳамиятга эга бўлади. Биткойин блокчейни АҚШ Стандартлар ва технологиялар миллий институти томонидан чиқарилган ва ахборотни қайта ишлаш федерал стандарти сифатида қабул қилинган машҳур ва пухта ишлаб чиқилган ША-256 шифрлаш стандартида ишлайди. Блок ечимини топиш учун зарур бўлган қўп марталик математик ҳисоб-китобларни такрорлаш мураккаблиги ҳисоблаш қурилмасидан масалани ёчиш ва янги биткоинлар ишлаб топиш учун кўп электр энергяси сарфлашни талаб қиласди. Баъзи бир бошқа алгоритмлар эса анча камроқ энергия сарфлайди. Бизнингча, ҳар қандай иқтисодиёт ҳамма учун ишлаганда энг яхши тарзда ишлайди. Бу унда иштирок этиш учун тўсиқларни пасайтириш лозимлигини англаради. Бу капитални қайта тақсимлаш эмас, балки қайта тақсимланган капитализм учун платформа яратиш кераклигини англаради. Илк интернет даври кўплаб одамлар учун кўплаб мўъжизалар яратди. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, дунё аҳолисининг катта қисми на технологияларга, на молия тизимиға ва на иқтисодий имкониятларга уланиш имконига эга бўлмаган ҳолда, аввалгидек, тизимга уланмасдан қолиб кетмоқда. Боз устига, янги коммуникатсия воситаси ҳамма учун фаровонлик келтиришига умид оқланмади. Ҳа, Интернет ривожланган мамлакатлардаги компанияларга, ривожланаётган иқтисодиётларда, миллионлаб одамларга иш тақдим этишга имкон берди. У кўплаб тадбиркорлар учун бозорга киришга бўлган тўсиқларни пасайтириди ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига янги имкониятлар ва базавий ахборотга уланиш имкониятларини тақдим этди. Ўйлаймизки, блокчейн технологиясиҳар ҳар бир кишининг хуқуqlари ва инсонийликни сақлашва қодир бир технологиядир. Молия ҳизматлари бутунжаҳон тармоғи ҳозирги кунда кўплаб муаммоларга тўлиб-тошиб ётибди. У анча эскириб қолган, чунки юқори динамикали рақамли дунёдан ортда қолиб кетаётибди ва шу сабабли ҳам секин ва ишончсиз ишлайдиган, ўтган асрдан қолган технологияларга асосланади. У монопол бўлиб, миллиардлаб одамларга базавий молиявий воситаларга уланиш имконини бермайди. У марказлаштирилган бўлиб, шу сабабли ахборотнинг сизиб

чиқиши ва бошқа хужумлар ҳамда инкор қилишларга учрайди. У монополлаштирилган бўлиб, шу сабабли статус-квони қўллаб-қувватлашга интилади ва инноватсияларга тўсқинлик қиласди. Блокчейн новаторлар ва тадбиркорларга ушбу кучли платформада қиймат яратишнинг янги усусларини топган ҳолда шу ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Жаҳон молия мутахассислари блокчейн билан боғлиқ бўлган қўйдаги ғоялар ҳакида пухта ўйлаб кўришлари лозим:

**Аттестатсия.** Тарихда биринчи марта, турли субъектлар бир-бирини билмаган ва бир-бирига ишонмаган ҳолда битим тузиши ва ишларни юритши мумкин. Шахсни тасдиқлаш ва ишонч ўрнатиш молиявий воситачининг ҳуқуқи ва имтиёзи бўлмай қўйди. Боз устига, молиявий ҳизматлар нуқтаи-назаридан ишонч баённомаси янги маънога эга бўлади. Блокчейн зарур бўлган пайтда транзаксиялар тарихи (блокчейнда), нуфуз қиймати (агрегатсияланган фикрлар асосида) ва бошқа умуниқтисодий кўрсаткичлар асосида ҳар бир томоннинг айнан ўхшашлиги ва тўлов лаёқатини тасдиқлаб, ишончли муносабатлар ўрнатиши мумкин.

**Қиймат.** Блокчейнда тармоқда қийматни пириングли П2П узатиш клирингини амалга оширади ва уларни тартибга солади, буни доимий бажаради, шундай экан, унинг регистри доимо долзарб бўлади. Агар банклар ўзининг бизнес-моделини ўзгартирмаган ҳолда бундай имкониятдан аввалбошдан фойдалангандарни эди, йилига 20 млрд доллар атрофида оператсион ҳаражатларни тежаб қолган бўлар эдилар – бу ҳисоб-китоблар Испаниянинг Сантандер банкига тегишли бўлиб, реал рақамлар бундан анча юқори. Қийматни кескин пасайтириш туфайли банклар банк ҳизматлари кўрсатиш билан етарли даражада қамраб олинмаган жамиятларда хусусий ва корпоратив мижозларга молиявий ҳизматлар, бозорлар ва капиталга уланиш учун кенгроқ имкониятлар тақдим эта олган бўлар эди. Бу нафақат бозор етакчилари учун, балки бутун дунё бўйлаб энди иш бошлаётган тадбиркорлар учун ҳам фойдали ҳисобланар эди. Исталган киши исталган

жойдан туриб, фақат смартфонга ва интернетга уланиш имконига эга бўлган ҳолдагина жаҳон молиявий оқимларига қўшилиш имконига эга болади.

**Тезлик.** Ҳозирги пайтда пул оқимини тартибга солиш этти кун, биржা битимини тартибга солиш – икки-уч кун, банк ссудаси учун эса нақд 23 кун талаб қилинади. СВИФТ тармоғи бутун дунё бўйлаб ўн минглаб молиявий институтлар ўртасида кунига ўн беш миллион тўловни ўтказади, лекин уларни тартибга солиш ва клирингга бир неча кун сарфлайди. Худди шу нарса АҚШда кунига триллионлаб долларлик тўловлар ўтказадиган АЧ (Автоматед Слеаринг Ҳоусе) тизимида ҳам рўй беради. Биткойн тармоғидабу вақтда амалга оширилган барча транзатсияларни тартибга солиш ва клирингга ўртacha 10 дақиқа вақт кетади. Бошқа блокчейнлар янада тезроқ бўлиб, Битсоин Лигҳтнинг Нетворк каби замонавий новаторлик ечимлари тартибга солиш ва клиринг вақтини сониянинг улушкига тенг бўлган вақтгача қисқартириб, биткоин блокчейни ҳажмини оширишга интилади. «Пул жўнатувчи бир тармоқда, оловчи эса бошқа тармоқда бўладиган банк тизимида пул кўплаб регистрлар, воситачилар, транзит майдонлар орқали ўтиб, том маънода йўлда йўқолиб қолиши мумкин. Аслида ҳам, қийматни узатишнинг бир онда рўй берадиган ва ҳаражатлар билан боғлиқ бўлмаган турига ўтиш узоқ вақт давомида оралиқ ҳолатда туриб қоладиган капитални озод қиласди; Бу эса «йўлдаги» пул маблағларидан фойда оладиган воситачиларни хурсанд қilmайди, албатта.

**Рискларни бошқариш.** Блокчейн технологияси бир неча хил молиявий риск турларини бартараф қилишга ваъда беради. Биринчидан, тартибга солиш риски – тўловнинг битимни тартибга солиш жараёнида биронта хато натижасида ўтмаслик риски. Иккинчидан, контрагентлик риски – иккинчи томон битимни тартибга солиш рўй бермагунга қадар дефолт эълон қилиш риски. Ниҳоят, энг жиддий *тизимли риск*, тизимдаги барча йирик контрагентлик рисклари йигиндиси.

**Қиймат инноватсияси.** Биткойн блокчейни биткойнлар узатиш учун яратилган, бошқа молиявий активлар билан ишлаш учун эмас. Бироқ буочик

бошланғич кодли, тажрибаларни рағбатлантирадиган технологиядир. Айрим новаторлар биткойин түловлари учун эмас, балки бошқа мақсадлар учун мұлжалланган алоҳида блокчейнлар, яғни алткойнлар яратади. Сайдчейнлар – имкониятлари ва функциялари бүйіча биткойн блокчейнідан фарқ қиласынан, лекин унинг ҳавфсизлегини пасайтирмаған ҳолда биткойн компьютер инфратузилмаси ва ривожланған тармоғидан фойдаланадиган блокчейнлардир. Сайдчейнлар блокчейн билан иккі каналлы штифт – активларни үчинчи томон иштирокисиз блокчейнга ва блокчейнідан бериш криптографик воситаси ёрдамида алоқа қиласынан. Хусусий блокчейнларда савдо платформалари яратып, умуман биткойн ва бошқа токенлардан фойдаланишни истисно қилишга интиладиган новаторлар ҳам бор. Молиявий институтла активлар ва мажбуриятларни ёзиш, алмашиныш ва сотиши учун блокчейн технологиясыдан фойдаланмоқда, вақт ўтиши билан эсаанъанавий биржалар ва марказлаштирилған бозорларни у билан алмаштириши мүмкін, бу эса бизнинг қиймат ҳақидаги ва у билан савдо механизмлари ҳақидани тасаввурларимизни ўзгаририб юбориши мүмкін.

**Очиқ бошланғич код.** Молиявий ҳизматлар тармоғибу – эскириб қолған тизимлар улкан технологияктүплами бўлиб, исталған пайт қулаши мүмкін. Уни технологик жиҳатдан такомиллаштириш қийин, чунки ҳар бир инновация учун қайтувчан бўла олишлик талаб қилинади. Блокчейн эса, очиқ бошланғич кодли тизим бўлгани ҳолда, доимий равишда ўзгариши, ривожланиши ва тармоқ муросаси асосида такомиллашиши мүмкін. Бу афзалликлар – аттестация, анча паст қиймат, бир лаҳзали тезлик, рискларнинг пасайиши, катта инновация, мослашув қобилияти – истиқболда нафақат түловларни, балки қимматли қоғозлар билан оператсияларни, инвестицион банк ҳизматлари кўрсатишни, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни, венчурли инвестицияларни, сугурталашни, тадбиркорлик рискларини бошқаришни, хусусий шахсларга банк ҳизматлари кўрсатиш ва тармоқнинг бошқа асосларини ўзгариши мүмкін. Одамлар ўз маълумотларини ўзлари назорат қилишлари керак. Ҳар бир киши ўз шахсияти ҳақида нимани, қачон,

қаерда ва қанчалик батафсил гапириб бериш ҳақида ўзи қарор қабул қилишга ҳақлидир. Шахсий маълумотларнинг даҳлсизлик ҳукуқини хурмат қилиш ва шахсий маълумотларнинг ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш – иккаласи бир хил нарса эмас. Бизга униси ҳам, буниси ҳам керак. Бир-бирига ишониш заруратини бартараф қилиб, Сатоси Накомото шу тариқа у биланўзаро алоқа қилиш учун иккинчи томон шахсини яхши билиш заруратини йўққа чиқарди. Хусусий ҳаёт даҳлсизлиги – инсоннинг асосий ҳукуки ва эркин жамиятнинг негизидир. Интернет пайдо бўлгандан кейинги охирги йигирма йил давомида давлат миқёсида ҳам, хусусий секторда ҳам маълумотлар марказий тўпламлари хусусий шахслар ва ташкилотлар ҳақида, жумладан, уларга маълум қилмаган ҳолда, хилма-хил маҳфий ахборотлар тўплаган. Ҳамма жойда одамлар корпоратсиялар ахборот излаш асносида бутун рақамли дунёни титиб ташлаган ҳолда қандайdir *киберклонларяратишидан* ҳавфсирайди. Блокчейнда эса қатнашчиларистаган ҳолда маълум даражагача номаълумликни сақлаши мумкин – улар қандайdir қўшимча маълумотлар хабар қилиш ёки бу ахборотларни маълумотлар марказий тўпламида сақлашга мажбур эмас. Бу ҳолатнинг муҳимлигига нотўғри баҳо бериб бўлмайди. *Блокчейнда шахсий маълумотлар омбори йўқ.* Блокчейн протоколлариҳар бир муайян транзаксия ёки вазият учун керакли бўлган номаълумлик даражасини танлашга имкон беради. Шу тариқа биз ўзимизнинг электрон нусхаларимизни ва уларнинг дунё билан ўзаро алоқаларини яхшироқ бошқарамиз.

### **Блокчейнда ҳукуқларнинг сақланиши**

Мулк ҳукуки шаффоф ҳисобланади ва ҳукукий ҳимоя билан таъминланади. Шахсий эркинликлар ҳамма томонидан тан олинади ва хурмат қилинади. Бу ҳақиқат биз учун ошкора бўлиб кўринади: ҳар бир шахс туғилган пайтидан бошлаб улардан маҳрум қилиниши мумкин бўлмаган, уларни ҳимоя қилиш мумкин ва лозим бўлган ҳукуқларга эга бўлади. Рақамли иқтисодиётнинг биринчи даврида бу ҳукуқларни самаралироқ амалга ошириш усувлариниизлаб топишга ҳаракат қилинган. Интернет санъат,

янгиликлар, кўнгилочарликлар янги шакллари учун, шеър, қўшиқ, фотосурат, аудио ва видеоёзувлар учун муаллифлик ҳуқуқи ўрнатиш воситасига айланди. Тармоқда моддий макондаги билан бир хил нарсаларга эришиш учун умумий савдо кодини қўллашга тўғри келади: Моддий субстантсиянинг қиймати қанчалик паст ёки баланд бўлишидан қатъи азар, ҳар қандай предметни сотиб олиш учун шартнома тузиш ва уни муҳокама қилиш заруратини бартараф қилишга эришилди. Лекин бу ҳолатда ҳам транзаксияларни бошқаришда воситачиларга умид боғлашимизга тўғри келарди ва воситачиларпулни ўз ҳисобрақамида ушлаб туриб (йўлдаги пул маблағлари) кейин ўтказиши ёки уни ўтказиши ва сўнгра рад этиши мумкин бўлган ҳолда транзаксияларни рад қилиш имкониятига эга бўлади. Савдо битимлари қатнашчиларнинг маълум бир қисми эса фирибгарлик қилиши кутади ва ҳар қандай битимда маълум даражадаги фирибгарлик муқаррар деб қабул қиласи.

### **3.3. Блокчейнда молиявий ҳизматлар сектори қандай ўзгаради**

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт усусларини қўллаш туфайли энг муҳим ўзгаришларга тайёр бўлган саккизта асосий функцияни кўриб чиқамиз.

**Айнан шу бўлишлик ва қийматни тасдиқлаш.** Ҳозирги пайтда бизишенч асосидаги муносабатлар ўрнатиш ва молиявий транзаксияда иккинчи томоннинг айнан шулигини тасдиқлашда йирик воситачиларга таянамиз. Бу воситачиларбанк ҳисобрақамлари ва заёмлар каби асосий молиявий ҳизматларга уланишда ҳакамлар ролини ўйнайди. Блокчейн маълум бир транзаксияларга ишонч заруратини пасайтиради ва базида ҳатто олиб ташлайди ҳам. Бу технология шунингдек, қатнашчиларга тасдиқланадиган, тўлиқ функционаллива криптографикхимоя қилинган электрон профиллардан фойдаланиш ва зарур бўлган ҳолларда ишонч асосидаги муносабатлар ўрнатишга имкон беради.

**Қийматлар кўчиши.** Молия тизими ҳар кунипул маблағларини бутун дунё бўйлаб кўчиради ва ҳатто бир доллар ҳам икки марта сарфланмаслигини

таъминлайди. и Тунес да битта қўшиқни 99 сентга харид қилишдан тортиб, компания ичида фондларни бериш, активлар сотиб олиш ёки компаниялар харид қилишгача бўлган миллиардлаб битимларнитехириб туради. Блокчейн ҳар қандай қийматлар – валюта, актсиялар, облигатсиялар, ҳуқуқларни – йирик ва кичик миқдорда, узоқ ва яқин масофага, маълум ва номаълум томонларга кўчириш учун умумий стандарт бўлишга қодир. Шундай қилиб, блокчейн қийматларни кўчириш учун худди товарларни кўчириш учун керак бўлган стандарт юк контейнери жорий қилиш каби ишларни бажариши мумкин. Бу эса баҳони сезиларни равишда пасайтириши, оператсион тезликни ошириши, иқтисодий ўсиш ва фаровонликка ҳизмат қилиши мумкин.

**Қийматларни сақлаш.** Молиявий институтлар хусусий шахслар, ташкилотлар ва давлатга тегишли бўлган қийматлар сақланадиган омбор вазифасини бажаради. Ўртacha статистик фуқаро учун банк уларни банк ячейкаси, жамғарма ёки жорий ҳисобрақамида сақлайди. Ликвидлик зарур бўлган ва нақд эквивалентга кичик фоиз талаб қилинадиган йирик ташкилот учун бу рисксиз инвеститсиялар, масалан, ғазначилик облигатсиялари ёки қисқа муддатли воситалар бозорига инвеститсиялар ҳисобланади. Блокчейн билан хусусий шахсларқийматларни сақлаш, жамғарма ёки жорий ҳисобрақами ҳизматларини ягона тақдим этувчилар сифатида банкларга таянишга мажбур бўлмайдилар, ташкилотларда эсарисксиз молиявий активлар харид қилиш ва уларга эгалик қилишнинг самраалироқ механизмлари пайдо бўлади.

**Кредитлаш.** Молиявий институтлар ипотекадан тортиб, қисқа муддатли векселларгача кредитлар беришни: кредит карталари, ипотека кредитлари, корпоратив, мунитсипал вадавлат облигатсиялари, активлар билан таъминланган қимматли қофозларни билан ишлаш жараёнини анча соддалаштиради. Кредитлаш механизми кредит лаёқатини текшириш, кредит тарихи юритиш, кредит рейтинглари тайинлаш учун бир қатор қўшимча тармоқлар юзага келтирди. Хусусий шахслар учун кредит тарихи муҳим,

ташкилотлар учун эса –«инвеститсион синф»дан то «ахлат»гача бўлган кредит рейтинглари мавжуд. Блокчейнда исталган шахс анъанавий қарз мажбуриятларини тўғридан-тўғри чиқариши, айирбошлиши ва тартибга солиши, шу тариқа, риск ва ҳаражатларни пасайтириши ҳамда тезлик ва шаффоффикни ошириши мумкин. Истеъмолчилар бевосита бошка истеъмолчилардан қарз олиши мумкин бўлади. Бу айниқса, банк ҳизматлари билан қамраб олинмаганлар ва бутун дунё бўйлаб тадбиркорлар учун жуда муҳим амалдир.

**Қийматлар алмашиниш.** Ҳар куни бозорлар бутун дунё бўйлаб умумий қиймати триллионлаб долларни ташкил қиласидан моддий активларни айирбошлашга имкон беради. Савдо бу – инвеститсиялаш, биржада ўйнаш, хеджирлаш ва арбитраж, жумладан, битимдан кейинги клиринг тсикли, тартибга солиш ва сақлаш мақсадида активлар ва молиявий воситалар сотиш ва сотиб олишдир. Блокчейн ҳар қандай транзаксияларни тартибга солиш вақтини ҳафта ва кунлардан дақиқа ва сонияларгача қисқартиради.

**Ҳомийлик ва инвеститсиялар.** Актив, компанияёки янги корхонага инвеститсия киритиш капитал қийматининг ортиши, дивиденdlар, фоизлар, рента ва уларнинг хилма-хил комбинатсиялари кўринишида даромад олиш имконини беради. Тармоқ инвесторларни тадбиркорлар ва компаниялар эгалари билан ривожланишнинг «фаришта»дан тортиб, ИПОгача ва бошка турли босқичларида учраштирган ҳолда бозорлар вужудга келтиради. Маблағлар жалб қилиш одатда воситачиларни, масалан, инвеститсион банклар, венчурли инвесторлар, ҳукуқшуносларни талаб қиласи. Блокчейн уларнинг кўплаб функцияларини автоматлаштиради, тўғридан-тўғри пиррингли молиялаштириш учун янги моделлардан фойдаланишга имкон беради, шунингдек, дивиденdlар ёзиш ва купон тўловларини янада самарали, уларни шаффоф ва ишончли қиласи.

**Қийматни суғурта қилиш ва рискларни бошқариш.** Рискларни бошқариш ва унинг хусусий ҳолати бўлган суғурталаш хусусий шахслар ва

компанияларни кўзда тутилмаган йўқотишлар ва ҳалоқатлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Кенгроқ маънода молия бозорларида рискларни бошқариш олдиндан айтиш ёки назорат қилиш қийин бўлган ҳодисаларни хеджирлаш учун бир талай ҳосила, мураккаб структураланган молиявий маҳсулотлар ва бошқа молиявий воситалар юзага келтирган. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, барча оммавий очиқ бўлган ҳосила қимматли қоғозларнинг номинал қиймати 600 трлн долларни ташкил қилади. Блокчейн сугурта қилиш номарказлашган моделларини қўллаб-қувватлади, бурискларни бошқариш учун ҳосила қимматли қоғозлардан фойдаланишни янада шаффоф қилади. Инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий капиталига, унинг ҳаракатлари ва бошқа нуфузга оид кўрсаткичларга асосланган нуфуз тизимининг ўзи сугурта қилувчиларга актуар рискни яхшироқ тушуниш ва қарорлардан хабардор бўлган ҳолда қабул қилишга имкон яратади.

**Қийматлар бухгалтерия ҳисоби.** Бухгалтерия ҳисоби – иқтисодий жараёнлар қатнашчилари ҳақидаги молиявий ахборотни ўлчаш, қайта ишлаш ва узатишдир. Кўп миллиардли ушбу тармоқни тўртта аудит гиганти: *Делоитте Тууче Тоҳматсу, Присеватерҳоусе Сооперс, эрнст & Ёунг ва КПМГ* назорат қилади. Анъанавий бухгалтерия ҳисоби амалиётчиларизамонавий молияни тезлиги ва мураккаблиги туфайли унчалик яхши бошқара олмаяпти. Блокчейн тақсимланган регистрини қўллайдиган янги усуллар аудит ва молиявий ҳисботларни шаффоф қилади ва уларни реал вакт режимида фаол боришга имкон беради. Шунингдек, утартибга солувчи органлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг корпоратсия ичидаги молиявий фаолликни кузатиб бориш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Блокчейн шунингдек, давлатнинг молия ҳизматлари соҳасини назорат қилишдаги роли ҳақида мунозараларни анча жонлантириб юборди. Агар уларни сўзнинг кенг маъносида коммунал ҳизматлар сифатида қабул қиладиган бўлсак, одатда давлат томонидан қаттиқ тартибга солинадиган хомашё монополияларга ўхшатиш юзага келади. Бироқ, блокчейн технологияси рискларни пасайтириш ҳамда шаффофлик ва тезкорликни

оширишни ваъда қилиши сабабли технологиянинг ўзи тартибга солиш функцияларини бажаради<sup>15</sup>. Бироқ, агар тартибга солувчи органлар банклар ва бозорларда ички жараёнларга йўл топиш имконига эга бўлса, унда айрим қонунларни соддалаштириш, бошқаларини эса умуман бекор қилиш мумкиндири? Бу саволга жавоб бериш анча қийин масала. Бир томондан, тартибга солувчи органлар инноватсиялар улкан тезлигини ҳисобга олган ҳолда ўзининг назорат функциясини қайта кўриб чиқишига тўғри келади. Бошқа томондан, банклар давлат назоратидан четда қолиб кетган ҳолда бир неча марта ҳалолликни эсидан ҳам чиқариб қўйган. Тадбиркорлар учун инвесторлар излаб топиш – жиддий ўзгаришлар кутиб турганмолия ҳизматлари индустряининг саккизта функциясидан биридир. Қимматли қоғозларни қисман жойлаштириш, аксиялар ва хусусий инвеститсияларни тижорат капиталига бирламчи ва иккиласми жойлаштириш (ПИПЕ) орқали аксиядорлик капитали тўплаш жараёни 1930-йиллардан буён жиддий ўзгаришларга учрамади.

Барчамизга маълум ва машхур бўлган краудфандинг платформалари туфайли кичик бизнес интернет орқали капиталга йўл топди. Ҳорижий мамлакатларда **Кўлланиладиган Осуслус Рифт ва Пеббле** **Watч** платформалари – ушбу модельнинг биринчи қадамлари десак ҳам бўлади. Лекин аввалигидек, қатнашчилар капитални тўғридан-тўғри харид қила омлайдилар. АҚШда стартапларга кўмаклашиш ҳақида янги қонун майдаинвесторлар габевосита краудфандинг кампаниялари орқали маблағ киритишга имкон беради, лекин инвесторлар ва тадбиркорларга бунинг учун аввалгидек **Кискстартер** ёки **Индиеого** каби воситачилар ҳамдаанъанавий тўлов усули, одатда банк карталари **ПайПал** зарур. Воситачи бу ишларнинг ҳаками ҳисобланади, жумладан, кимга нима тегишли эканлигини у ҳал қиласди. Блокчейнда аксиядорлаштириш (бу бир вариант) ушбу концепсияни янада ривожлантиради. Энди компаниялар «блокчейнда» молиялаштириш

---

<sup>15</sup>[www.ifrasia.com/blockchain-will-make-dodd-frank-obsolete-bankers-say/](http://www.ifrasia.com/blockchain-will-make-dodd-frank-obsolete-bankers-say/) 21216014.article.  
лан

тўплаши, компаниянинг моддий қийматларига мос келадиган токенлар ёки виртуал қимматли қофозлар чиқариши мумкин. Улар аксиялар, облигациялар ёки бошқалар билан боғлиқ ҳолатда бўлгани каби, уларнинг эгаларига компания қайси башорат бозорларини очишини ҳал қилиш ҳукуқини берган ҳолда платформада котировка қиладиган бозор қатнашчилари позитсияларини акс эттириши мумкин. **Этхерейм** олдиндан берилган буюртмалар бўйича ўз токени, этхерсотиш учун тамомила янги блокчейн ривожлантиришни молиялаштириб, янада катта муваффақиятга эришди. Ҳозирда **этхерейм** –узунлиги бўйича иккинчи ва ривожланиш суръати бўйича биринчи ўринда турадиган оммавий блокчейн ҳисобланади. **Аугур** краудфандингидаги инвеститсиялар ўртача суммаси 750 долларни ташкил қилди, лекин 1 доллар ёки ҳатто 10 сентлик минимал обуналарни тасаввур қилиш қийин эмас. Дунёда исталган киши – ҳатто аҳолининг энг қашшоқ қатламлари ва энг узок монтакалар аҳолиси ҳам – фонд бозориниг инвесторига айланиши мумкин. **Аугурраҳбарлар** жамоасининг ҳисоблашича, башорат бозорларининг ягона амалий чегараси - тасаввурдир. Аугурга исталган шахс якуний санаси аниқ бўлган маълум бир башорат эълон қилиши мумкин. Аугур келажакдаги ҳодисалар – спорт мусобақалари, сайловлар, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, машҳур кишиларнинг фарзандлари келажагини аниқ башорат қилиш учун фойдаланувчиларни мукофотлайдиган бозорларни башорат қилиш учун номарказлашган платформа яратади. У қандай фаолият кўрсатади? **Аугур** фойдаланувчилари уларнинг қиймати у ёки бу натижка эҳтимоли билан белгиланадиган бўлғуси ҳодиса натижаси аксияларини сотиши ёки сотиб олиши мумкин. Агар эҳтимол 50 га 50 ни ташкил қиладиган бўлса, аксиялар харид қиймати 50 сентни ташкил қиласи. **Аугур** «омма донишмандлиги»га – ҳодисанинг натижасини кўп сонли одамлар груҳи битта ёки бир нечта экспертдан кўра аниқроқ айтиб бериши мумкин деб ҳисоблайдиган илмий тамойилга таянади. Бошқача қилиб айтганда, **Аугур** башоратлар аниқлигини ошириш учун бозор механизмидан фойдаланади. Аввалроқ **Холлишоод Стоск эхчангэ, Интрайде**

ва *ХедгеСтреем* (енди Надех) каби марказлаштирилган башорат бозорлари ҳаракатлари бўлган, лекин уларнинг катта қисми ёпилиб кетган ёки юридик ва тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар туфайли умуман ишга туширилмаган. Блокчейн технологиясидан фойдаланиш тизимни ишлаб чиқишига нисбатан чидамли, аниқроқ, хатлар, мажбурлашлар ва ликвидлик муаммосига нисбатан барқарор ва *Аугур* жамоаси «ескирган юрисдиксиялар томонидан тартибга солиш» деб атайдиган ҳолатга олиб келади. *Аугур* платформасида ҳакамлар «рефери» деб аталади, уларнинг қонунийлиги эса уларнинг нуфузи билан белгиланади. «Тўғри хулқ-автор учун» - яъни рўй берган воқеа, сайлов ёки ўйин натижаси учун – кўпроқ нуфуз очкоси ёзилади. Тизимда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш бошқа моддий фойдага ҳам олиб келади: фойдаланувчида қанчалик кўп нуфуз очкоси бўлса, у шунчалик кўп бозорлар ташкил қилиши ва кўпроқ пул ишлаб топиши мумкин. *Аугур* таъкидлашича, «бизнинг башорат бозорларимиз бошқа томон билан, марказлаштирилган серверлар билан боғлиқ рискларни бартараф қиласи ҳамда криптовалюталар, жумладан, блокчейн, этҳер ва барқарор криптовалюталарни қўллаган ҳолда глобал бозорни шакллантиради. Барча маблағлар смарт-шартномаларда сақланади, пулларни ўғирлаб бўлмайди». *Аугур* хуқуқбузарликларга нисбатан нолга teng бўлган сабр-тоқатни жорий қилиб, ноахлоқий шартномалар муаммосини ҳам ҳал қиласи. Башорат бозорлари якуний ҳодисаларга ставкалардан манфаатдор бўлган инвесторлар учун фойдали, масалан: «ИБМ даромади бу чорак ҳеч бўлмаса 10 сентга ўсадими?» Ҳозир корпоратив фойданинг дастлабки баҳоси – бир нечта эксперт таҳлилчилар башоратларининг ўртacha ёки медиана қиймати, холос. «Омма донишмандлиги»дан фойдаланиб, биз келажак учун реалистик башорат қиласи, бу эса бозорларни янада самарали қиласи. Башорат бозорларианомал ҳодисалар ва глобал ноаниқликка қарши хеджирлаш учун ҳизмат қилиши ҳам мумкин. Башорат бозорлари бутун дунё бўйлаб инвесторларни эртароқ хабардор қилиш тизими сифатида холисона ишлаши мумкин. Башорат қилиш бозорлари молия тизимининг кўплаб жиҳатларини

тўлдириши ва охир-оқибат ўзгартириши мумкин. Харидлар, раҳбариятнинг алмушинуви ҳақида ҳисоботлар бўйича башорат бозорларини тасаввур қилиб кўринг. Башорат бозорлари ахборотлари асосида бозорни хеджирлаш ва қадриятларни суғурталаш амалга оширилиши мумкин ва истиқболда улар ҳатто оптсионлар, фоиз ставкаси своплари ва кредит дефолти своплари каби мистик молиявий воситаларни сиқиб чиқаради.

Албатта, башорат бозори ҳамма жойда ҳам керак эмас, албатта. У етарли миқдорда одамлар қизиқиб қолмагунга қадар эътиборни жалб қилиш қилиш учун керакли даражада ликвидли бўлмайди. Лекин барибир унинг салоҳияти улкан ва ҳамма учун очиқ ҳисобланади. Блокчейн технологияларимолия ҳизматлари бозорининг чакана банкинг ва капитал бозоридан тортиб бухгалтерия ҳисоби ва тартибга солишгача бўлган барча турлари ва функцияларига таъсир этади. Шунингдек, улар банклар ва молиявий институтларнинг жамиятдаги ролини қайта кўриб чиқишига мажбур қиласди. Агар эски дунё қаттиқ иерархияга эга, суст, ёпиқ ва шаффоф эмас бўлса, ўзгаришларга қаршилик кўрсатса ва кучли воситачилар томонидан назорат қилинса, янги дунё текисроқ, пиринг қарорлари таклиф қиласидиган, тез-тез рўй берадиган ва ишончли, шаффоф, бир-бирига киритилган ва инноватсион бўлади. Албатта, ўзгаришларнормал фаолият кўратишнинг бузилиши ва бекарорликка олиб келади, лекин тармоқ етакчилари бугуннинг ўзидаёқ бу борада қандайдир чоралар кўриш имкониятига эга бўладилар. Молиявий ҳизматлар соҳасини яқин йилларда қисқариш ҳам, ўсиш ҳам кутиб турибди: камроқ сонли воситачилар анча кичик ҳаражатлар билан кўп сонли кишиларга кўпроқ маҳсулот ва ҳизматлар таклиф қилишлари мумкин. Бу жуда яхши деб ҳисоблаймиз. Номарказлашган дунёда очиқ ва ёпиқ блокчейнлар ўзига жой топа оладими, йўқми – бу тортишувли масала. Ўйлаймизки, блокчейн технологиясининг бартараф қилиб бўлмайдиган кучи ҳозирги кунда замонавий молиянинг мустаҳкам ўрнашиб олган, тартибга солиб ташланган ва ривожланишдан тўхтаган инфратузилмасига ҳужум қилмоқда. Уларнинг тўқнашуви молия тизими ландшафтини ўн йилликларга

ўзгартириб юборади. Умид қиласизки, у ниҳоят индустрисал даврнинг пул машинасидан платформасига айланади. Потенсиал фойда олиш таклифи билан жалб қилинганбир нечта компания блокчейнлар учун қидиув дастурлари устида ишламоқда. *Гоогле* дунёдаги барча ахборотларни йифиш ва ташкил қилиш миссиясини ўз зиммасига олган ва бу масалани тадқиқ этишга компания жуда кўп маблағ инсон ресурслари сарфлашига ажабланмаса ҳам бўлади.

Интернетда қидириш ва блокчейнда қидириш ўртасида учта асосий фарқ бор. Биринчидан, бу фойдаланувчининг шахсий маълумотлари дахлсизлиги. Шу билан бир вақтда транзаксиялар шаффоф, ҳар бири ўзининг шахсий маълумотлари эгаси бўлиб, улар билан қандай муомала қилишни ўzlари ҳал қиладилар. Жараёнда номини маълум қилмаган ҳолда ёки тахаллус остида (ўйлаб топилган ном остида - аноним) ёки сохта-аноним (кисман аноним) равишда иштирок этиши мумкин. Кўплаб компаниялар персонал ёллаш жараёнини қайта кўриб чиқиши ва қайта ташкил қилишига тўғри келади. Масалан, кадрлар бўйича мутахассис блокчейнга ёпиқ саволлар (ҳа/йўқ) беришни ўрганиши лозим: «Сиз одаммисиз?», «Амалий математика соҳасида олий маълумотингиз борми?», «Скрипт, Питхон, Жава, С++ дастурларида дастурлаштиришни биласизми?»

Фирмаларда пайдо бўладиган можароларга яна бир сабаб, шартнома ҳаражатлари, нарх мухокамаси, товар ёки ҳизматлар тақдим этиш шартларини тавсифлаш ва ҳажмини аниқлаш, бу битимларнинг бажарилишини таъминлаш ва тартибга солиш ҳамда уларнинг ижро этилмагани учун чоралар кўриш ҳисобланади. Шартнома ва битимлар – нисбатан янги ҳодиса бўлиб, биз мулкни эмас, мажбуриятларни алмашина бошлаганда пайдо бўлган. Оғзаки битимлар ишончсиз бўлиб чиқди: уларни бузиб кўрсатиш, нотўғри эслаб қолиш осон бўлган, гувоҳларга эса доим ҳам умид қилиб бўлмаган. Шубҳа ва ишонмаслик янги одамлар билан биргаликда ишлашга тўсқинлик қилади. Шартномаларни зудлик билан ижро этиш лозим, шартларнинг бажарилишини таъминлашга эса факат куч билан таҳдид солиш

хисобига эришилган – бунинг расмий механизмлари мавжуд бўлмаган. Ёзма шаклдаги шартнома мажбуриятларни қайд қилиш, ишонч асосида муносабатлар ўрнатиш ва бир-биридан кутадиган натижаларни тавсифлаш усулига айланган. Ёзма шартномалар томонлардан бири ўз мажбуриятларини бажармаган ёки кутилмаган воқеа юз берган ҳолларда нима қилиш кераклигини кўрсатар эди. Лекин улар бўшлиқда мавжуд бўла олмасди – шартномаларни тан оладиган ва томонлардан ҳар бирининг ҳукуқларига риоя қилинишини таъминлайдиган қонунчилик тузилмаси талаб қилинар эди. Блокчейн, шартнома ҳаражатларини пасайтириб, фирмаларга очилиш ва ўз сарҳадидан ташқарида янги муносабатларни ривожлантиришга имкон беради. Сонсенсийс (келишув), масалан, унинг ҳудудида ҳам, ҳудудидан ташқарида ҳам турли қатнашчилар грухи билан ўзаро муносабатларни юзага келтириши мумкин, чунки бу муносабатлари анъанавий менежерлар эмас, смарт-шартномалар бошқаради. Қатнашчиларнинг ўзлари ҳаммани қониқтирадиган мақсадларни белгилайди ва уларга эришганлик учун мукофот олади – буларнинг ҳаммаси блокчейнда бажарилади.

### **Смарт шартномалар ҳақида тушунча**

Молия-кредит тизимидағи ўзгаришлар суръати смарт-шартномалар пайдо бўлишига ва унинг тобора кўпроқ ишлатилишига ҳизмат қилмоқда. Ҳозир кўпчилик компьютер саводхонлигига эга бўлибгина қолмасдан, янги технологияларнинг нозик жиҳатларини ҳам ўрганиб олмоқда. Транзаксияларни қайд қилишга келадиган бўлсак, бу янги рақамли восита ўз хусусиятлари бўйича қоғоз шаклидаги ўтмишдошларидан жиддий фарқ қиласди. Криптограф *Ник Сабо* айтиб ўтганидек, улар нафақат кенгроқ доирадаги ахборот (хусусан, тил билан боғлиқ бўлмаган сенсорик ахборот) қайд этишга қодир, балки динамик хусусиятларга эга ҳисобланади ҳам. Улар ахборот узатиши ва айрим турдаги қарорларлар автоматик тарзда қабул қилиши мумкин. Сабо таъриф беришича, «ракамли интеллектуал медиа ҳисоб-китобларни амалга ошириши, бевосита машиналарни бошқариши ва айрим мулоҳазаларни одамлардан ҳам яхшироқ бажариши мумкин». Ушбу

муҳокамада биз смарт-шартнома деганда, одамлар ва ташкилотлар ўртасида қайд қилинган битимларни кафолатлайдиган, нималарниндир бажаришга рухсат этадиган ва уларни ижро этадиган интеллестуал компьютер дастурларини тушунамиз. Шундай қилиб, улар ушбу битимлрани муҳокама қилиш ва тавсифлашда ҳам иштирок этадилар. Сабо ушбу атамани 1994 йил, биринчи web-браузер, Нетссапе бозорга чиққан вақтда таклиф этган эди. Смарт-шартнома бу-шартнома шартларини ижрота келтирадиган компьютерлаштирилган ақлли транзаксия протоколидир. Смарт-шартномалар схемасининг асосий мақсадлари-умумий муайян шартларни қондириш (масалан, тўлов шартларини, гаров ҳуқуқларини, маҳфийликни, ҳатто санкциялар каби шартларни ҳам), атайлаб қилинган ва тасодифий истисноларни минимал ҳолатга келтириш, ишончли воситачиларга эҳтиёжни пасайтиришдан иборат. Бундай контрактлар боғланган иқтисодий мақсадларни амалга оширади, фирибгарлик туфайли йўқотишларни минималлаштиради, арбитраж ва мажбуриятларни мажбурий ижро этиш ҳаражатлари ва бошқа транзаксия ҳаражатларини пасайтиришни ўз ичига олади.

Смарт-шартнома ғояси тажрибага асосланмаган, синалмаган бўлиб кўринган бир пайтда хеч қайси мавжуд технологиялар уни Сабо тавсифлаганидек амалга оширишга имкон бермаган бўларди. Структуруланган ахборотни сотувчилар ва харидорлар компьютерлари орасида узатиш учун стандартларни таъминлайдиган электрон маълумот алмашиниш (ЕДИ) каби компьютер тизимлари бўлган, лекин хеч қандай рақамли технология бунгача қадар реал тўловлар билан ишлаш ташаббуси билан чиқмаган ва бевосита пул маблағлари алмашинишни амалга ошира олмаган. Биткойн ва блокчейн тизими буни тубдан ўзгартириб юборди. Энди томонлар ўзаро бир томонлама ёки икки-уч томонлама битимлар тузиши ва битим шартлари бажарилганда биткоинларни автоматик равища сотиши мумкин. Оддий мисол: агар сиз акангиз биллан хоккей ўйини натижаси борасида гаров бойлашган бўлсангиз, у тўловдан қочиб қола олмайди.

Мураккаброқ мисол: агар сиз аксиялар харид қиладиган бўлсангиз, битим дарҳол тартибга солинади ва аксиялар шу ондаёқ сизга ўтказилади. Янада мураккаб бир мисол: пудратчи тадбиркорга мос келадиган датурий код жўнатиши билан у автомтик равища тўлов олади. Чекланган смартшартномаларни амалга оширишнинг технологик воситалари ҳозирда мавжуд ва бир қанча платформаларда ишлаб ҳам турибди. Демак, бундай смартшартномалар –уни амалга оширишнинг қонуний йўли билан автомтик равища таъминланадиган, шартнома шартларини интеллестуал равища автомтик ҳолда бажара оладиган, блокчайн тармоқларида мавжуд бўлган ҳамда дастлабки муҳокама ва синовдан ўтган виртуал қийматлар алмашинишинингақли электрон технологиясидир.

### **3.4.Очиқ тармоқ корхоналарининг бизнес-моделлари**

Анъянавий марказлаштирилган моделларни сиқиб чиқариши ёки вайрон қилиши ва потенсиал равища бошланғич ҳолатдаги мустақил корхоналар сифатида ривожланиши мумкин бўлган очиқ тармоқ корхоналари ташкил қилиш учун ҳозирги пайтда кўплаб имкониятлар мавжуд. Фараз қилинг, тақсимланган модел молиявий ҳизматларнинг саккизта функциясини – жисмоний шахсларга банк ҳизматлари кўрсатиш ва фонд бозорларидан тортиб, суғурта ва бухгалтерия ҳисобигача бўлган ҳизмат турларини ўзгартиromoқда ёки аста-секин сиқиб чиқармоқда. Ўзини яхши томондан кўрсатган компаниялар ҳам, янги компаниялар ҳам инноватсияларни яхшироқ амалга оширадиган, камроқ ҳаражатлар билан яхшироқ қиймат яратадиган, моддий бойлик ишлаб чиқарувчиларга улар яратган бойлиқдан ҳамма жойда фойдаланиш имконини берадиган бизнес-архитектуралар яратиши мумкин.Блокчейн технологияси «*Викиномика*» китобида атрофлича тавсиф берилган айрим янги бизнес-моделларни янги даражага олиб чиқади. Ҳаёт яраёнига янгилик сифатида киритилган элестрон рақамли тўлов тизимлари, нуфузни бошқариш тизимлари, тсензура қилинмайдиган контент, ишонч талаб қилмайдиган транзаксиялар, смарт-шартномалар ва мустақил агентлар – блокчейн-инқилобнинг асосий инноватсияларини

кўшган ҳолда янги турдаги ишлаб чиқариш, оммавий истеъмол, очик платформалар, умумий ахборот маконидаги янги хукумат, бутунжаҳон виртуал тсехи ва ижтимоий иш ўринларини қандай ривожлантириш мумкин эканлигини қўйида кўриб чиқамиз.

### **Бир рангдаги ишлаб чиқарувчилар**

Бир рангдаги ишлаб чиқарувчилар –маҳсулдорлик бўйича ҳаттоки энг иирик ва яхши молиялаштириладиган корхоналардан ҳам устнлик қиласидиган инноватсион лойиҳалар, очик бошланғич кодли дастурий таъминот ва «Википедия» тавсиф берган турли жойларда тарқоқ ҳолда жойлашган минглаб кўнгиллилардирдир. Жамият аъзолари уларда хобби сифатида, мулоқот қилиш ёки ўз қадриятларини ифодалаш учун, шахсий эҳтиёжларини қондириш учун иштирок этадилар. Энди нуфуз тизимлари вабошقا стимуллар туфайли, блокчейн технологияси уларнинг самарадорлигини ошириш ва яратилаётган қиймат учун кимларнидир мукофотлашга қодир бўлади. Бир рангдаги ишлаб чиқариш ҳамжамиятлари, Гарвард профессори Ёхай Бенклернинг иборасига кўра, «умумий ахборот маконидан фойдаланган ҳолда бирганликда бир рангдги ишлаб чиқариш» тақдим этиши мумкин. Ижтимоий ишлаб чиқариш деб аталадиган бу тизим (бу ҳам Бенклер атамаси) шуни кўзда тутадики, маҳсулотлар ва ҳизматлар иқтисодиётнинг хусусий сектори доирасидан ташқарида яратилади ва улар биронта корпоратсия ёки шахсга тегишли бўлмайди. Кўп сонли мисоллар орасида - **Линух** оператсион тизимини (ҳеч кимга тегишли эмас, лекин ҳозирда дунёда энг яхши оператсион тизим ҳисобланади), «Википедия» ни (**Шикимедиа Фоундатион** га тегишли) ва **Фирефоҳ** веб-браузери (**Мозилла Фоундатион** га тегишли) келтириш мумкин. Бир рангдаги ишлаб чиқариш шунингдек, қатнашчилар ниманидир жамоавий равишда ишлаб чиқариши учун ижтимоий ўзаро алоқа қиласидиган, лекин уларнинг меҳнат натижаси жамоат корхонасига тегишли бўлмаган хусусий сектордаги фаолиятни ҳам тавсифлаши мумкин. Бир рангдаги ишлаб чиқариш бизнес-модел сифатида иккита сабабга кўра муҳимдир. Биринчидан, баъзида бир рангдаги қатнашчилар кўнгили равища

товарлар ва ҳизматлар ишлаб чиқариш бўйича жамоавий фаолият билан шуғулланадилар, корпоратсия эса бу ишда куратор функцияларини бажаради ва тижорат фойдасини қўлгакирилади. Масалан, ўқувчилар Реддит мунозаралар платформаси контентини яратадилар, лекин унга эгалик қилма олмайдилар. Реддит –АҚШда трафик ҳажми бўйича ўнинчи ўринда турадиган веб-сайт. Иккинчидан, бунда компанияларташқи меҳнат ресурсларининг кенг фондларига мурожаат қиласди. ИБМ компанияси Линух тарафдорига айланди ва Линух ҳамжамиятiga юзлаб миллион доллар турадиган дастурий таъминот ҳадя қиласди. Натижада, ИБМ ўз тизимларини ишлаб чиқиш учун йилига 900 миллион доллар тежаб қолди, ҳамда дастурий таъминот ва ҳизматлар кўп миллиардлик бизнесини йўлга қўйган платформа яратди.

Блокчейн технологияси қатнашчиларга ҳамжамиятга самарали ҳисса қўшиш учун расмий нуфуз тизими ишлаб чиқиш имконини беради. Одобсиз хулқ-авторга тўсқинлик қилиш учун қатнашчилардан умумий фондга кичик микдорда кириш бадали талаб қилиниши мумкин. Бадал микдори жамият фаолияти қўшилган ҳиссадан келиб чиқиб, ўсиши ёки камайиши мумкин. Корпоратив ҳамжамиятларда қатнашчиларулар яратадиган қийматда иштирок этиши ва қўшган ҳиссаси учун тўлов олиши мумкин, смартшартномалар эса бунда транзаксия ҳаражатларини пасайтиради ва фирма чегараларини очади. Умуман олганда, биргаликда бир рангдаги ишлаб чиқариш ҳамжамият қиймат яратиш ва янги тармоқ моделлари марказидан ўрин топади. Аксарият тармоқларда инноватсия якуний маҳсулот яратиш учун мунтазам бирлашадиган интеллектуал мулк ва йирик мутахассислар фонди ҳамда корпоратив ва хусусий қатнашчилар тармоқларига тобора кўпроқ боғлиқ бўлмоқда. ИБМ Линухни қўллаб-қувватлагани каби, фирмалар биргаликда ёки жамоавий меҳнат билан қиймат яратиш учун очик бошланғич код ташкил қиласдиган тармоқларга ҳам киришлари мумкин.

## Хуқуқ яратувчилар

Интернет биринчи авлодида кўплаб интеллектуал мулк яратувчиларўз ишлари учунтегишли мукофотлар олмаганлар. Мусиқачилар ва драматурглар, журналистлар ва фотографлар, рассомлар, моделерлар, олимлар, меъморлар, муҳандислар, овоз ёзиш компаниялари, нашриётлар, галереялар, киностудиялар қўпчилик холларда университетлар ва йирик корпоратсияларга боғланган бўлиб, улармуаллифлардан интеллектуал мулк ҳукуқларини ўзининг интеллектуал мулкида тобора кичик қиймат улуши эвазига ўз ҳукуқларини беришни талаб қилган. Блокчейн технологияси интеллектуал мулкяратувчиларга унинг учун қиймат олишга имкон берадиган янги платформа таклиф қиласди. Ҳақиқийлик, ҳолат ва мулк сертификатларини ўз ичига оладиган санъат асарлари рақамли реестрини тасаввур қилинг. Ассрибеянги стартапи рассомларга мустақил равишда рақамли асарларни тармоққа юклаш, якуний версияни қайд этиш ва уларни шу тариқа узатишга имкон берадики, улар биткоин каби бир тўпламдан бошқачига ўтиб туради. Бу шубҳасиз, муаллифлик ҳукуқлари учун улкан ўсишдир. Янги технология интеллектуал мулкучун тегишли бўлган муаммони рақамли ҳукуқларни бошқаришнинг мавжуд тизимларидан фойдаланган ҳолда яхшироқ ҳал қилишга имкон беради ва натижада рассоминтеллектуал мулкини қаерда ва қачон эълон қилишни ўзи ҳал қилиши мумкин бўлади.

### **Блокчейн ширкатлари**

Блокчейн асосидаги ишонч протоколи ширкатлар – умумий мақсадларни кўзлайдиган қатнашчилар жамоаси томонидан ташкил қилинадиган ва назорат қилинадиган мустақил уюшмалар ташкил бўлишига туртки беради. «Уберни биргаликдаги истеъмол иқтисодиёти компанияси деб аташ – бемаънилиkdir, - дейди Гарвард профессори Бенклер. – Уберистеъмолчилар учун ташувлар қийматини пасайтирадиган бизнес яратиш учун мобил технологиялар имкониятларидан фойдаланди. Бу унинг ягона ва йириқ ютуғидир». Девид Тиколлнинг изоҳ беришича: «Биргаликда фойдаланиш деганда, биз одатда молиявий транзаксиялар эмас, балки пулсиз

алмашинишни тушунамиз. Бу худди болалар ўйинчоқларини алмашганидек бир амалдир. Афсуски, бу ҳозир аста-секинлик билан йўқотилмоқда». Унинг фикрига кўра, «биргаликда фойдаланиш бу – одамлар ва бошқа турлар вакиллари миллионлаб йиллар давомида, ҳомиладор бўлишдан бошлаб неъматлар алмашиниб келинган асосий усулдир. Гарчи айрим интернет-компаниялартўлиқ маънода моддий ва маънавий неъматлардан биргаликда фойдаланишни ҳакиқатда қўллаб-куватласада, бошқалари биргаликда фойдаланиш иқтисодиёти атамалари ва ижтимоий муносабатларни тижоратлаштиришни ўзлаштириб олган, холос».

Биргаликда фойдаланиш иқтисодиёти компанияларининг аксарияти аслида агрегаторлар деб ҳисобланади. Улар таъминотчиларнинг бўш заҳираларини (автомобил, асбоб-ускуналар, бўш хоналар, таъмирлаш маҳорати) марказлаштирилган платформа орқали сотиш истагини агрегатсиялади, сўнгра уларни қайта сотади, бу вакт мобайнида эса келигусда тижорат мақсадларида фойдаланиш учун қимматли ахборот тўплайди. **Убер**туридаги компанияларҳизматларни кенг кўламли агрегатсиялаш ва дистрибутиялаш учун ўзига ҳос ечим топган. **Аирбнбемехмонхоналар** билан, **Лифтва****Убер** – такси ва лимузинлар ижараси билан, **Зипсар** (то уни**Авис** харид қилгунга қадар) – анъанавий автомобиллар ижараси билан рақобат қилган. Бу компанияларнинг кўпчилиги кичик меҳмонхоналар, такси ва усталар ҳизмати каби майда, анъанавий маҳаллий ҳизматлар тарқалишини глобаллаштириди. Рақамли технологиялар ёрдамида улар кўчмас мулк (квартиralарадги хоналар), йўловчилар ташиш (такси) ва одамлар тўлиқ бўлмаган шаклдаги ишга жойласжтириш (пенсионерлар ва доимий ишга эга бўлмаган, лекин ишга лаёқатли кишилар) каби вақтинчалик фойдаланилмаётган ресурсларга уланади. Еҳтимол, блокчейн технологиясибизни биргаликда истеъмол қилиш иқтисодиётидан бўш турган кувватларн ижарага бериш ва улардан фойдаланишни ўлчаш мумкин бўлган ўлчаш иқтисодиётига олиб келиши мумкин. Масалан, уй эгалари электр ускуналар, майда қишлоқ хўжалик техникаси, балиқчилик анжомлари,

дурагдорлик асбоблари, гараж ёки автомобиллар қўйиладиган жойни умумий фойдаланишга розилик билдирадиган биргаликда истеъмол қилиш иқтисодиётини амалга ошириш усули юзага келар. Ушбу соҳалардаги муаммоларидан бири, узоқ вақт давомида шундан иборат эди, бундай ресурслар соҳиблари жамоат учун кўплаб ташвишлар туғдирар эди. «АҚШда 80 миллион дрел (пармалаш ускунаси) бор ва уларнинг ҳар биридан шунча вақт ичидаги ўртача 13 дақиқа фойдаланилди, – деб ёзади «Ню-Ёрк таймс» да Аирбнбош директори Брайян Чески. – Шундай экан, ҳар бир киши уйига дрел сотиб олиши учун эҳтиёж бормикан?»

Бироқ блокчейн технологияси амалда нолга тенг бўлган ҳаракатлар талаб қиласиган ортиқча ресурсларни – симсиз уланиш нуқталарини, компьютерларнинг ҳисоблаш қувватларини ёки қаттиқ дискдаги бўш жойларни, уяли алоқа телефони орқали пули тўлаб қўйилган ортиқча дақиқаларни, ҳаттоки ўзининг профессионал кўнималарини ижарага беришга имкон яратади – яна шуниси ҳам борки, буларнинг барчаси учун ҳаттоки бармоқни қимиirlаштиш ҳам талаб этилмайди, қаергадир бегона одамнинг олдига бориш ва кейин қайтиб келиш ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Сиз саёҳат қилаётган пайт **Wi-Fi**-финуқтасини ижарага бериб, ундан фойдаланилган ҳар бир сония учун арзимаган чақа олишингиз мумкин. Бунда сизни фақат ўзингузнинг тасаввурингиз (истикболда эса – қонунчилик ҳам) чегаралайди, холос. Сизнинг обуналарингиз, жисмоний макон, энергия манбалари қисмлаб бошқа томонга берилган ва ундан микротўловлар шаклида пул олган ҳолда даромад манбаига айланиши мумкин. Сиздан фақат томонлар ўзаро транзаксияларни ҳавфсиз ва ишончли амалга ошири учун номарказлашган узатиш протоколи талаб қилинади, холос. Бу платформалар исталган активларга «литсензиялаш» ҳуқуқини беради. Сиздан фақат бошқаларга уланиш ва фойдаланиш ҳуқуқини бериш, қай даражада истаингизни ҳал қилиш – ҳатто бошқаларга сизнинг активларингиздан фойдаланишга руҳсат бермалсик ҳуқуқи ҳам берилади ва бунинг учун қандайдир нарх белгилаш сўралади, холос.

Корхоналар ўз маҳсулотлари ва технологик инфратузилмасини янги бизнес ва қиймат яратишда иштирок этиши мумкин бўлган жамиятлар ёки ташки фойдаланувчиларга очиб бергандагина қандайдир платформалар яратадилар. Бунда мумкин бўлган варианtlардан бири бу - ишлабчиқарувчи истеъмолчилардир. Мижозлар инноватсияси динамик дунёсидаишлаб чиқарувчи-истеъмолчилар янги авлоди ўзининг «бузуб кириш ҳуқуқи»ни бор нарса деб қабул қиласидилар. Блокчейн технологияси «ишлаб чиқариш-истеъмолчи»га имкон беради. **Никекроссовкалари** тақсимланган регистрда ахборот ҳосил қилиши ва сақлаши, ўз навбатида, уни **Никева** оёқ кийимини кийиб юрган шахс смарт-шартномага мувофиқ пулга айлантириши мумкин. Агар фойдаланувчи кроссовкадаги смарт-таркибий қисмларни ишга тушириш ёки уларни пулс ўлчагич ва қондаги глюкоза даражасини ўлчаш калкулятори ёки **Нике** учун қимматли бўлган ҳар қандай ахборот тўплаш воситаси каби бошқа қурилмалар билан синхронлаштиришга розилик берадиган бўлса, **Никеу** сотадиган ҳар бир жуфт оёқ кийимидан аксиялар жуда кичик улушини таклиф қилиши мумкин. Айрим платформаларкомпания мижозлар билан биргаликда маҳсулотлар яратишга қарор қиласидиган истеъмол ҳамжамиятларидан фарқ қиласиди. Очиқ платформаларкомпанияларга янги бизнес яратиш ёки платформага қиймат қўшиш учун кенгроқ имкониятлар таклиф қилишга имкон беради. Блокчейн стандарт умумий шартномалар ва стандарт умумий маълумотлар тўплами (очиқ интерфейслар) тақдим этишини энг яхши тарзда таъминлайди. Блокчейн платформалар яратишни соддалаштириши ва арzonлаштириши мумкин. Бу ҳали жараённинг бошланиши, ҳолос. Энг яхшиси, блокчейннинг умумий маълумотлар тўпламиахборот шаффоғлиги ва мобиллигини таъминлаш учунҳизмат қиласиди, яъни, истеъмолчилар ва таъминотчилар энг яхши шартларни ўzlари танлаб олишлари мумкин. Шунингдек, электрон ижорат компаниялари анъанавий компанияларнинг ресурсларидан фойдаланиш ўрнига ўз платформаларини яратиб, блокчейнда тенг ҳуқуқлар билан ишлашлари ҳам мумкин. Келажак автомобилини тасаввур қилинг. У барча

ахборотлар оқимлари билан ишлай олиши, автомобилнинг ақлли қисмлари эса – транзаксияларни амалга ошира олиши ва бунда пул ўтказиши мумкин бўлган блокчейн асосида ишлаши керак бўлади. Бундай очик платформада минглаб дастурчилар ва корхоналар сизнинг автомобилингиз учун шахсий илова ва дастурлар яратадилар. Тез орада бундай платформалар бутун бошли тармоқларни - масалан, молиявий ҳизматлар секторини - турли молиявий транзаксиялар ва қийматлар алмашинишни блокчейн ёрдамида тартибга солган ҳолда тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Жаҳондаги энг йирик банклар ва консорсиумлар аллақачон бу ғоя устида ишлашни бошлаб юборишган. Образли қилиб айтганда, элестрон платформалар – сизнинг омад кемаларингизни юқорига кўтарадиган ҳаво оқимиdir.

Ўзига хос ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган малакали мутахассисларни излаётганлар уларни топиш учун ўзларининг талаблари ҳақида регистрга хабар беришлари мумкин. Энди **ИнноСентиве** ўрнига нафақат фойдаланувчиларнинг мобил электрон шахсни, балки потенсиал йўлловчилар ҳақида уларга мос келадиган ва тўри бўлган қўшимча ахборотлардан иборат бўлган мобил резюмени хам шакллантирадиган блокчайнитасаввур қилиб кўринг. Ҳеч кимга тегишли бўлмаган ва шу билан бир пайтда барчанини саналган кўнималар тақсимланган рўйхатини тасаввур қилинг. Ендиликда блокчейн технологияси ва очик бошланғич кодлар кутубхонаси биргаликда ҳар қандай компания учун янги бизнес қийматлари яратиш, инноватсиялар ва бир қанча вазифаларни ҳал қилиш учун макон тақдим этиши мумкин. Блокчейн ва дастурий таъминот омборлари блокчайнлар асоида бундай фаолиятни озиқлантиради. Компаниялар энди тўлов тизимлари уларга киритилган блокчейн этхереум каби янги ва кучли дастурлаш тилларидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Турли тармоқлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратган ҳолда моддий обьектлар тайёрлаш, уларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш ва молиялаштириш учун глобал экотизимларнинг ривожланишини рафбатлантириши ва шу тариқа биргаликда бир рангдаги ишлаб чиқаришнинг

янги босқичини яратиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Бу ерда асосий масала ва мақсад ҳамма ишни блокчейнда амалга оширишдан иборатdir. Замонавий самолетлар «саф бўлиб учадиган мустақил элементлар жамланмаси» деб аталиши каби, компаниялар қўплаб тармоқлардаажралиш ва ҳамкорлар тармоғига бирлашиш тенденсиясини намойиш этади. Индивидуал буюртмалар бўйича оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадидахудди блокчейн каби, 3Д-босма технологияси ҳам ишлаб чиқаришни фойдаланувчига яқинлаштирум оқда. Тез орада ахборот эгалари ва хуқуқ эгалари инсон хужайраларидан бошлаб, алюминий қукунигача бўлган ҳар қандай нарса ҳақидаги метамаълумотларни блокчейнда сақлаши мумкин бўлади ва бу корпоратив ишлаб чиқариш чегараларини мисли кўрилмаган даражада кенгайтиради. Бу технологиялар товарлар билан таъминланганликни ва уларнинг таъминот тармоғи бўйлаб ҳаракатини кузатиш учун улкан имкониятлар беради. Ҳар бир кишининг қалбига (ва бошқа тана аъзоларига) яқин бўлган тармоқ – озиқ-овқат саноатини тасаввур қилиб кўрамиз. Ҳозир супермаркетда ҳалол шароитларда ва яхши боқилган, дори-дармонлар берилмаган, экологик тозақорамол гўшти сотаётганини таъкидлаш ва ҳатто бунга чин дилдан ишониш ҳам мумкин. Лекин савдо тармоқлари буни юз фоиз кафолатлай олмайди. Ҳеч ким ҳар бир молнинг биографиясини ёзиб ўтирмаиди, биз эса бу гўштдан бифштекс пиширамиз, лекин унинг «ишончли» эканлигини текшириш учун эса воситаларга эга эмасмиз. Одатда бунга кўз юмиш ҳам мумкин – ахир бутун дунё бўйлаб миллиардлаб бифшекслар сотилади ва сотилмоқда. Лекин баъзида қорамол қутириш касаллиги эпидемияси ҳам учраб туради, бу эса соғлик учун кони зарар. Озиқ-овқат саноати блокчейнда нафақат ҳар бир буқанинг рақамини, балки истиқболда жониворнинг ДНКга боғлаб қўйилган ҳар бир гўшт парчаси рақамини сақлаши мумкин. Уч ўлчамли қидириш имкониятлари фойдаланувчи жонивор тарихини ва унинг айнан ўхшашлигини боғлаш учун қорамол ва паррандани тўлиқ миқёсда кузатиш имконини беради. Маълумотлар тўпламларини интеллектуал бошқариш ва уларни ДНК асосида

идентификатсиялашга имкон берадиган мураккаб (лекин қўллаш осон бўлган) технологиялар туфайли ҳатто энг йирик гўшт ишлаб чиқарувчилар ҳамҳар бир бўлак гўшт сифати ва ҳавфсизлигини кафолатлай оладилар. Тасаввур қилинг, бу ахборот лаборатория тадқиқотларини қанчалик соддалаштиради ва жиддий вазиятларда санитария ҳизматларига жавобгарликларни тезлаштиради.

Блокчейн технологияси фирма ичида ҳамда фирмалар ва турли ташки қатнашчилар ўртасида ҳам teng ҳуқуқли қўшма фаолиятни таъминлашга қодир. Бухгалтерия ҳисоби учун, исталган мұхитда рақамли ресурслардан фойдаланиш ва фаолият юритиш учун, булар валютами, ижтимоий муносабатларми ёки ташкилот бўлишидан қатъи назар, тўлиқ тақсимланган механизмни ишлатишга имкон беради. Бугунги кунда биргаликда ишлаш учун турли тижорат воситалари аста-секинлик билан ташкилот ичида бошқарув ва ахборот билан ишлаш моҳиятини анча ўзгартириб юборади.

**Живе, ИБМ Соннестионс, Мисрософт Яммер, Гоogle Аппс фор Work ва Фасебоок ат Work** каби маҳсулотлар инноватсияларни қўллаб-қувватлаш ва унумдорликни ошириш учун қўлланилади. Ижтимоий дастурий таъминот тез орада маҳсулот ишлаб чиқишдан тортиб, кадрлар сиёсати, маркетинг, сервис ва сотувгача бўлган бизнес-оператсияларнинг ҳар бир элементи учун ҳаётий мұхҳим воситага –маълум маънодайигирма биринчи аср ташкилоти учун янги оператсион тизимга айланади. Бироқ ҳозирдаги техник ва дастурий воситалар тўплами аниқ чекловларга эга, блокчейн эса бу технологияларни янги сифат даражасига кўтаради. Блокчейнда корпоратив ижтимоий тармоқ қандай кўринишга эга бўлиши мумкинлиги масаласини кўриб чиқамиз. Корпоратив **Фасебоокни** (ёки бошқа исталган ижтимоий тармоқни) тасаввур қилинг. Ҳар бир фойдаланувчи қўп фукнсионалли ҳамёнга, нормарказлашган тизимга портал кўринишида намоён бўлади. Айтиш мумкинки, бу мобил профил – сизнинг ҳисоб қайдингиз ёки эжектрон шахсдир. **Фасебоок** ҳисоб қайдидан фарқли равишда, ҳамён бир қатор функцияларга эга бўлиб, турли хилдаги шахсий ва профессионал ахборотларни, шунингдек, бойликлар,

жумладан, пулни сақлайди. Бундан ташқари, унга фақат сиз уланиш имконига эга бўласиз ва ўзингиз истаган ахборотни очиб беришингиз мумкин бўлади. Албатта, бу ерда реклама –учинчи томонлар ёки сизнинг ХР-бўлимининг ижтимоий пакет таркибидағи очик тўпламёки ўзгартирилиш ҳақида эълонлар бўлади, лекин сиз уларни кўриб чиққанингиз туфайли даромад ёки бошқа бир мукофот оласиз. Бу кўпчилик томонидан «еътибор бозори» деб аталади. Сиз рекламани томоша қилиш ёки у билан алоқа қилиш учун янги реклама кампаниясида иштирок этиш учун, робот эмаслгинизни тасдиқлаш ёки сканер қилинган хужжатларни киритиш учун микрокомпенсация оласиз. Янгиликлар оқими, нашрлар тизими ваеътиборбозори ўхشاшиб кетади, лекин уларда тўловлар турлича усулда амалга оширилади.

Тажрибанинг кўрсатишича, рақамли даврда ғалаба охир-оқибат қиймат (бойлик) ортида қолади. Тақсимланган фойданинг афзалликлари фойдаланувчилар ва компаниялар учун бир талай. Ижтимоий медиа компаниялари ресурсларнинг жуда катта эканлигига қарамай, уларда очик мухитда ишлаб чиқиши мумкин бўлган функционаллик хилма-хиллигининг чеки йўқ. Ёпиқ форматли оператсион тизимлар билан Линух муваффақиятлари ва кучини таққосланг. Блокчейн технологиялари ҳавфсизликни ҳам таъминлайди. Сизнинг ҳаётингиз сиз истаган даражада махфий бўлади. Ҳеч қандай ижтимоий тармоқсизнинг ахборотингизни сизнинг рухсатингизсиз давлатга сота олмайди ёки унинг чиқиб кетишига йўл қўйиши мумкин эмас. Агар сиз тоталитар давлатда диссидент бўлсангиз, сизнинг тармоқда ёзаётган ёки ўқиётган нарсаларингизни ҳеч ким кузата олмайди. Сиз ўз ахборотингизга эга эканлигиниз сабабли, эътиборинг ва ҳаракатларингиз билан бирга уни монетизатсия қилишингиз ҳам мумкин. Компаниялар ҳам ўз ходимларининг бундай платформалардан бизнес учун фойдаланишини рағбатлантириши лозим. Қимматли кадрларни жалб қилиш учун компания ходимларнинг шахсий маълумотлари ва ҳавфсизликка ҳурматини ва корпоратив одоб-ахлоқни намойиш этиши лозим. Яна ҳам

муҳими, тармоқ тузилмасига эга бўлиш ва ташқаридан мутахассислар жалб қилиш билан бирга, ҳар бир фирма ҳамкорлар уларга ишонадиган бир нечта корхоналар биргаликда ишлиши учун платформалар таклиф қилиши ҳам мумкин. Буларни эса албатта барча барсага қодир бўлган вақт кўрсатади. Умуман, тармоқ тузилмасига эга бўлганочик компаниялар инноватсияларни рағбатлантириш ҳамда аксиядорлар, мижозлар ва бутун жамият учун сифатли бойлик яратиш имкониятларидан фойдаланиш учун катта ва радикал салоҳиятга эга бўлади.

Технология бозордаги ҳаражатларни пасайтиришда давом этади, бас шундай экан, корпоратсия доирасида камидан фақат дастурий таъминот ва капитал қолишини тасаввур қилиш мумкин. Биринчидан, «қидириш» ҳаражатлари пасайишда давом этади, янги агентлармавжуд ёки қачонлардир мавжуд бўлган барча тижорат ахборотларини **Глобал Регистр** бўйича уч ўлчамли қидиришни амалга ошириши мумкин. Шу сабабли корпоратив архивлар, ахборот бўйича мутахассислар, персонал танлаш бўйича мутахассислар ва бизнес учун зарур ахборот харид қилиш билан шуғулланадиган бошқа мутахассисларга зарурат қолмайди. Иккинчидан, смарт-шартномаларшартнома тузиш ҳаражатларини, шартномалар бажарилиши ва тўловлар ўтказилиши устидан назоратни сезиларли даражада пасайтиради. Коғоз шаклидаги хужжатларга эҳтиёж сезмайдиган бу дастурлар шаблонлар тизими орқали шартларни ифодалайди, ташки манбалардан тўпланган кенг ахборотлар ва қоидалар тўплами асосида ахборотни муҳокама қиласи, қабул қиласи ёки инкор этади, иш натижаларини бажаришга ва транзаксиялар амалга оширишга талабларни белгилайди. Учинчидан, ташкилот доирасидан ташқарида бу ресурсларнинг барчасини мувофиқлаштириш ҳаражатлари соғ номинал бўлади –корхона дастурий таъминоти бажариладиган серверларда ишлиши учун электренергияси учун тўловлар керак бўлади, холос. Корхона ёллаган одамлар, ташкилотлар ва заводларни бошқариш учун бюрократия тизими талаб этилмайди. Янги платформа ёрдамида мижозлар учун қиймат ва

мулқдорлар учун бойлик яратиш учун анъанавий менежмент ёки иерархия умуман ёки деярли талаб қилинмайдиган янги ташкилотларни тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Ва ниҳоят, ишонч асосидаги муносабатлар ўрнатиш ҳаражатларни нолга яқинлаштиради. Ишонч ташкилотга эмас, блокчейн ишини таъминлайдиган кўплаб одамларнинг биргаликдаги оммавий ишларига, дастурий кодни текшириш ва ҳавфсизлик ҳамда функционалликка боғлиқ бўлиб қолади.

Тақсимланган мустақил корхонани қандай ташкил қилиш мумкин? Бундай компаниянинг функционалга—олдиндан белгиланган регламент асосида маълум доирадаги вазифаларни ёки кенгроқ бизнес-функцияларни бажарадиган агентларга эга бўлиши лозим. Хусусий шахслар, потенсиал аксиядорлар ёки фойдаланувчиларнинг жамоалари ёки ташкилотлар куйидаги кўрсаткичларни белгилаган ҳолда бундай корхоналар очиши мумкин.

1. *қийматга ўзгартириганлик*: дунёни ўзгартириш ва қиймат яратиш ёки уни ўзгартириш учун зарур бўлган жараёнларни тушуниш.

2. *бажариии лозим бўлган вазифа*: ташкилот мавжудлигидан қандай маъно кутилади? Бу корхонани нима учун ташкил қиляпмиз?

3. *конститутсия*: ташкилотнинг умумий мақсадлари ва у қиймат яратадиган қоидаларни тавсифлаш лозим.

4. *иши усуллари*: масалан, ташкилот қиймат яратишида ўзини қандай тутиши, у қандай молиялаштирилиши (краудфандинг орқали, илк босқичда анъанавий инвеститсиялар орқали, фойда ҳисобидан), ресурсларни қандай харид қилиш зарур.

5. *меҳнатнинг одамлар ва машиналар ўртасида тақсимланиши*: яқин истиқболга, афтидан, яратилаётган тизимда одамлар раҳбарлик қилиши лозим.

6. *дастур функциялари*: корхона ташки шартлар ўзгаришини қандай аниқлайди ва уларга қандай жавоб қайтаради.

7. *одоб-ахлоқ кодекси*: бу ерда «ёвузык қилма»**Гооглетамойили** билан чеклнаиб бўлмайди. Тақсимланган мустақил корхонага мақбул келадиган хулқ-атвор аниқ ва равшан таърифланиши керак бўлади.

Еҳтимол, яқин келажакдатақсимланган мустақил корхоналар ҳали пайдо бўлмайди, лекин улар ортида турган контсептсия бизнес-стратегияга таъсир этиши мумкин. Глобал пириинг платформалари ривожланиши биланшахсни тасдиқлаш, ишонч асосида муносабатлар ўрнатиш, нуфуз шакллантириш ва транзаксиялар ўтказиш учун биз ниҳоятиноватсияларга ҳизмат қилиш, биргаликда қиймат яратиш ва эҳтимол, камчиликни бойитиш эмас, кўпчиликнинг муваффақиятга эришишига ҳизмат қилиши лозим бўлган чуқур фирма тузилмаларини ўзгартириш мумкин. Юқоридагиларни диққат билан ўқиб чиқсан бўлсангиз, сиз бойликни демократик руҳда тақсимлашни таъминлайдиган ва тармоқни мувозанатдан олиб чиқишга ёрдам берадиган янги бизнес-моделлар ҳақида анча нарсаларни билиб олдингиз. Умуман олганда, узокни кўзлаб иш юритадиган компанияларблокчейн иқтисодиётида иштирок этишга ҳаракат қиласи. Ривожланаётган дунёда қиймат яратишни (тадбиркорлик туфайли) ва қийматда иштирок этишни (компанияга тақсимланган мулкчилик орқали) тақсимлаш механизми муваффақиятга эришиш парадоксини ҳал қилишга қодир деб ўйлаймиз.

Алоҳида шахслар ёки марказлаштирилган воситачи-иловалар эмас, пириинг тармоқлари қатнашчилари томонидан жараёнларни модернизатсия қилиш ва автоматлаштириш юқорида қайд қилинган қатор устунликлар келтиришга қодир, жумладан:

- тезлик (бошдан-охир автоматлаштириш);
- ҳаражатлар пасайиши (амалда чексиз маълумотлар ҳажмини улкан қайта ишлаш марказларига етказиш билан боғлиқ; бунда қимматга тушадиган воситачиларни истисно қилиш);
- фойда, натижавийлик ва ёки унумдорликни ошириш (ортиқча ресурсларни улардан такрорий фойдаланиш учун бўшатиш);

- самарадорликни ошириш (киритилган назорат регламентлари ва инсон омилининг таъсирини пасайтирадиган бошқа протоколлар);
- ахлоқийлик ва ҳавфсизликни ошириш (шахсий ишонч талаб қилинмайди, чунки ишон тармоқ архитектурасига киритилган бўлади);
- тизимнинг ишдан чиқиш эҳтимоли пастроқ (заиф жиҳатларни бартараф қилиш, ишдан чиқишга чидамлилик);
- енергия истеъмоли пастлиги (енергия сарфи тармоқнинг ўзи томонидан йўқотишларни пасайтириш ва самарадорликни ошириш, динамик нарх шакллантириш ва тескари алоқасиртмоқлари билан ўрни қопланади);
- шахсий ахборотларнинг ҳимоя қилинишини яхшилаш (воситачилар блокчейнда берилган қоидаларни бузиши ёки писанд қилмаслиги мумкин);
- «чексиз маълумотлар» тўплаш ва таҳлил қилиш туфайли уларни яхшилаш имкониятлари, жараёнлар ва қонуниятларни яхширок тушуниш;
- турли хилдаги ҳам салбий (ноқулай об-ҳаво, зилзила, соғлик билан боғлиқ муаммолар), ҳам ижобий (қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қулай вақт, харид шаблонлари) ҳодисаларни башорат қилиш имкониятларини яхшилаш.

Тақсимланган очиқ модел шуни англатадики, компания бозорни тарк этадиган ёки ишлаб чиқарувчи хонавайрон бўладиган бўлса ҳам, буюмлар Интернети тармоқлари ўзини-ўзи қўллаб-қувватлаши мумкин. Тизимга киритилган бирга бўла олишлик буюмлар интернетининг турли тармоқларини бирлаштириш ва янада каттароқ қийматни амалга оширишга имкон беради. Бу афзалликларнинг кўпчилиги тақсимланган ёки номарказлашган тармоқлар консепсиясига ҳамда марказий (яъни ҳукумат вертикали) ва бошқа воситачиларни (масалан, клиринг палатаси ёки бошқарув дастури) чиқариб ташлашга асосланади. Блокчейн технологияси истилган шахсга ўзининг ривожланиш, гуллаб-яшнаш йўл харитасини тузишга имкон беради. Рақамли иқтисодиётда иштирок этиш учун энг оддий шартлар – уяли алоқа телефони ва интернетга уланиш

имконияти етарли болади. Юқорида таъкидлаганимиздек, блокчейн технологиясилгари имкони бўлмаган, ҳар бир кишига иқтисодий муносабатлар қатнашчиси бўлиш имконини берадиган бизнес-моделлар яратишга имкон беради.

Блокчейн компания яратишнинг учта таркибий қисми бор – уни ташкил қилиш, молиялаштириш ва уни бозорда илгари суришни автоматлаштириш, соддалаштириш ва сезиларли даражада такомиллаштириш. Кележакда бундай компанияни ташкил қилиш қиймати сезиларли даражада пасаяди, чунки блокчейн – корхонани рўйхатдан ўтказишнинг машҳур ва ишончли усули ҳисобланади. Мулк ҳамма учун кўринарли, қайдлар юритиш эса осон, бу айниқса, қонунчилик билан тартибга солиш қийин бўлган соҳаларда фойдали бўлади. Ишончли ва ўзгармас регистрлар туфайли, тадбиркорлар ўз корхоналарини ва корпоратив активларга эгалик қилишни рўйхатдан ўтказиши, товар захиралари ва мажбуриятларини бошқариши, шунингдек, уч карралик бухгалтерия ҳисоби ёки блокчейндаги бошқа иловалар учун дастурий таъминот ёрдамида бошқа молиявий қўрсаткичлардан фойда олиши мумкин, бу эса аудиторлар, соликқа тортиш бўйича мутахассислар ва кичик корхоналарга бошқа ҳизматлар таъминотчиларига эҳтиёжни пасайтиради. Смарт-шартномалар туфайлитадбиркор компания фаолиятининг кўплаб жиҳатларини автоматлаштириши мумкин, чунончи: харидлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, кредит бўйича фоиз, реал вақт режимида молиявий аудит. Блокчейн орқали якка тартибдаги тадбиркорликнинг иккита янги модели юзага келади:

- ортиқча нарсаларни дозаланган тарзда ижарага олиш ва ижарага бериш. Блокчейн хусусий шахсларга ноанъанавий қиймат яратиш ва даромад олишга имкон беради.
- маълумотларни микромонеталаштириш. Декрет таътилидаги ота-она ва кичкина болалар ёки кекса ота-онага қараш билан банд бўлган бошқа оила аъзолари ниҳоят ўз уй меҳнатини монеталаштириши ва улар ҳар соат яратадиган қиймат учун эътирофга эга бўлиши мумкин.

- рақамли «ақлий ҳужум». Муаммолар ёки эҳтиёжларни аниқлаш мақсадида реал вакт режимида давлат амалдорлари ва оддий фуқаролар модератсия қилинадиган онлайн-сессиялар ташкил қилиш. Битимга жиддий мунозараларга сабабчи бўладиган ва қоидабузарлар, провокаторлар ва зараркунандалар учун бутун жараёнга қандайдир зиён этказишни имконсиз қилиб қўядиган «битта одам – битта овоз» онлайн овоз бериш тизими орқали эришилади;
- қасамёд қилган онлайн ҳакамлар ва оддий фуқаролардан иборат баҳс-мунозаралар қатнашчилари. Фуқаролар турли мавзулар бўйича масалаларни ҳал қилиш учун ҳакамлар ва маслаҳатчилар сифатида ишлаш учун тасодифий усул билан танлаб олинади. Ҳакамлар ахборот билан ўртоқлашиш, саволлар бериш, муаммоларни муҳокама қилиш, далил-исботларни билиб олиш учун Интернетдан фойдаланадилар. Блокчейн нуфуз тизимлари мунозара қатнашчилари ва ҳакамлар нуфузи ҳақида маълумотлар ва уларнинг таржимаи ҳолини билиб олишга ёрдам беради. Қарорлар ва муҳокамалар блокчейнда қайд қилинади;
- делибератив сўровлар. Бу воситафуқароларгамуаммолар ҳақида билиб олиш ва улар борасида ўз фикрини билдиришга имкон беради. Бундай сўровлар интернетда тасодифий тарзда танлаб олинган бир неча олимлар билан кичик груптарда муҳокамалар ташкил қилишни кўзда тутади. Буларнинг барчасифуқароларни сиёсий вазифаларни ҳал қилишга жалб қилиш мақсадида амалга оширилади ва бу ерда натижа доимий сўровлар билан таққослаганда самаралироқ бўлади;
талабларини яратадиган янги маҳсулотлар ва янги технологияларни қамраб олади. Масалан, компьютер технологияларининг пайдо бўлиши уларни янги иш қуроли сифатида ишлатиш талаби туфайли ҳосил бўлган ва улар эса ўз навбатида инсоннинг янги талабларини юзага келтирди, шу жумладан, янги маҳсулотлар ва ҳизматлар, меҳнат шароитлари ва янги ҳаёт тарси юзага келди. Рақамли технологиилар ижтимоий муҳитга фаол таъсир қиласидаган билимлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ривожланишнинг замонавий даражасига таъсирини ўрганишда эволютсиянинг энг янги даврини ажратиб олиш мумкинки, унда рақамли усулда тавсифланган ижтимоий факторлар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар инсон жамияти ҳаётидаги катта сифат ўзгаришларга олиб келади.

### *Рақамли инноватсион тизимнинг тавсифи ва тузилиши*

Инноватсиялар яратиладиган шароитлар мавжуд бўлган тизимларни ўрганишда уларни билимларга асосланган иқтисодиёт сифатида ўрганиб чиқиши ҳам муҳим назарий ёндошув ҳисобланади. Бу ҳақдаги қимматли маълумотларни 1980-йилларда бир қанча мамлакатларда миллий инноватсион тизимлар ишлаб чиқсан олимларнинг асарларидан олиш мумкин. Бу йўналишнинг энг асосий намоёндалари сифатида Швейцарилик профессор Б. Лундваллни, Британия илмий сиёsatни ўрганиш маркази профессори К. Фриманни ва АҚШ Колумбия Университети профессори Р. Нелсонни кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар, умумий методологик тамойиллардан фойдаланган ҳолда, бу соҳанинг йирик намоёндаси Й. Шумпетер каби, янгиликлар киритиш ва замонавий амалий-илмий инноватсион ишланмалар ривожланишнинг ва рақобатда ғолиб чиқишнинг асосий фактори эканлигини тан олганлар. Бу олимларнинг барчаси иқтисодий ривожланишда замонавий билимлардан фойдаланишга алоҳида дикқат қаратганлар. Миллий инноватсион тизимларни ривожлантириш контсептсияси профессор Д. Нортнинг илмий ишларида энг мукаммал ҳолда тадқиқ қилинган. Унинг илмий ишларидаги асосий ғоя институционализм бўлиб, унингча, жамиятдаги илгор илмий-технологик институтлар (*ташикилотлар*) ундаги

билимлар ва технологияга бевосита ёки билвосита таъсир қиладилар. Нортнинг кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда илмий-технологик институтларнинг ривожланиши, улар орасидаги алоқаларнинг кенгайиши, илм-фаннынг амалиётга тадбиқига алоҳида аҳамият берилиши орқали улар тарихий қисқа муддатларда “учинчи дунё” га қараганда иқтисодий ривожланишда каттароқ имкониятларга эга бўлганлар. Бу фундаментал илмий контсептсиялар ва тушунчаларга асосланиб, билимларга асосланган рақамли иқтисодиёт ёки рақамли инноватсион тизимга қуйидаги таърифни беришимиз мумкин: *Рақамли инноватсион тизим* – жамиятдаги институтсионал тузилмаларнинг мажмуи бўлиб, уларнимнг фаолияти билимлар, илмий информатсия ва янгиликлар яратишга (*ёки ривожланган мамлакатлардаги илгор инноватсион янгиликларни ижсобий равишида ўзлаштиришига*) қаратилган бўлиб, у давлат тузилмалари, бизнес, илм-фан ва таълимнинг биргаликдаги ўзаро фойдали синергетик (*бир-бирини кучайтирувчи*) фаолияти туфайли муваффақият қозонади ва бу тадбирлар мажмуи мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини кучатиришга ҳамда унинг тез суръатлар билан ривожланишига олиб келади. Рақамли инноватсион тизимнинг пировард мақсади - академик ёки амалий фан соҳаларидан (*ёки ривожланган мамлакатлардан*) илмий-амалий натижаларни олишга, янгиликларни коммертсиялаштиришга (*яъни улардан тижорий мақсадларда фойдаланишига*), ғояларни оммавий ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга, бозорларни янги рақамли маҳсулотларга тўлдиришга ва бунинг натижасида мамлакатнинг тезкор ижтимоий-иктисодий ривожланишига эришишdir. Юқорида келтирилган функцияларнинг кетма-кет (*ва доимий*) равишида бажарилиши билимларга асосланган рақамли иқтисодиёт ва унга мос бўлган рақамли инноватсион тизимнинг ҳал қилиши керак бўлган асосий муаммоларининг ечимиға олиб келади, яъни, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг юксак даражасига эришиш учун зарур бўлган тегишли шарт-шароитларни яратиш масаласини ҳал қиласи. Буни рақамли

инноватсион тизимнинг нималарни амалга ошириши кераклигини оддий кўринишида ифодалайдиган қуидаги чизма орқали акс эттиришимиз мумкин:



Турли мамлакатларда ~~билимларни инноватсион~~ тизимнинг қандай кўринишида иқтисодий ~~билимларни инноватсион~~ мамлакат олдига қўйилган стратегик мақсади амалга оширилади.

Масалан, Францияда ракамли ~~инноватсион~~ тизимнинг асосий мақсади, қўшимча иш жойларини ракамли технологииларн  
~~инноватсион~~ тизимнинг асосий мақсади эса, мамлакатни нафакат информацион-технологик йўналишда барқарор ривожлантириш, балки бу ҳолатни иқтисодий-ижтимоий йўналишда ҳам амалга оширишdir. Бу эса қуидаги мақсадлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутади:


- *Рақамлаштириши воситасида иқтисодиётнинг турли хил соҳаларида қўшимча иш жойларини яратиш;*
- *Илмий билимлар талаб қиласидаган рақамли маҳсулотлар ҳажсмини ва аҳолининг даромадларини ошириб, бюджетнинг турли хил тушумларини кўпайтиши;*

- *Рақамли технологиялар ёрдамида аҳолининг маданий-маънавий, таълим ва билим даражасини ошириши;*
- *Мамлакат иқтисодиётига янги турдаги рақамли маҳсулотлар ишлаб чиқариши корхоналари ва замонавий рақамли технологияларни кенг миқёсда жсалб қилиши;*
- *Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиши.*

Билимларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан давлатнинг иқтисодиёт илмий-техник сектори ривожланишига бўлган ёндошувига ҳам боғлиқ бўлади ва бу макроиқтисодий сиёсатда, норматив ва ҳуқуқий таъминотда, рақамли инноватсион тизимнинг бевосита ва билвосита бошқарилишида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам бундай рақамли иқтисодиёт функциялари мамлакатнинг илмий-техник ва ишлаб чиқарish потентсиали, ички бозор ва меҳнат бозори ҳолати ҳамда тарихий ва табиий ҳусусиятлари билан аниқланади. Бунга мос равища **рақамли инноватсион тизимнинг бир қанча даражаларини** фарқлаш мумкин: дунё миқёсида, миллий – бир мамлакат миқёсида, регионал – вилоятлар миқёсида ва локал – рақамли инноватсион иқтисодиётни бир тармоқ ёки корхона миқёсида амалга ошириш. Локал рақамли инноватсион тизим ўз таркибиغا бир томондан йирик корпоратсияларни, кичик ва ўрта бизнес фирмаларини ва иккинчи томондан, илмий изланиш фаолияти молиявий ҳизматининг анъанавий ҳамда янги кўринишларини, янги рақамли технологиилар бозорини ва давлатнинг бевосита ва билвосита кўмагини қамраб олади. У илм-фан ва ишлаб чиқарishни самарали равища бирлаштириб, ўз таркибига рақамли тизимнинг барча ташкил этувчиларини, шу жумладан, илмий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий йўналишларни қамраб олади. Билимларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг моҳияти - асосан ташқи ба ички таъасиротларга бардошли бўлган рақамли инноватсион тизимнинг ташкилий кўринишлари ва функционал тузилмаларини ҳосил қилиш бўлиб қолади, дейишимиз ҳам мумкин.

### 5.3. Кичик бизнес ва тадбиркорликда рақамли иқтисодиёт

Янги рақамли маҳсулот (*ёки ҳизмат*)ларни ҳаётга тадбиқ қилиш билан тугалланадиган ҳамда бундан кўра кенгроқ миқёсда амалга ошириладиган рақамли инноватсион фаолиятлар бир-биридан фарқланиши зарур. Хозирги даврда янги билим ва информатсияни (*ёки рақамли инноватсион фаолиятни*) яратиш жараёнини тушунишда бир қанча ёндошувлар мавжуд. Тадбиркорлик ёндошувига асосан рақамли инноватсион фаолият янги маҳсулотни унинг ҳақидаги ғоя ҳосил бўлишидан то унинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқарилиши, сотилиши ва тижорий самара олинишигача бўлган жараён деб тушунилади. Креатив-функционал ёндошувга асосан эса рақамли инноватсион фаолият самарали ижод фаолияти бўлиб, у янги воситалар ёрдамида мавжуд ёки бутунлай янги мақсадларга эришиш деб тушунилади. Фалсафий ёндошувга асосан эса рақамли инноватсион фаолият деб фанни, техникани, иқтисодиётни, тадбиркорликни ва бошқарувни бирлаштириб, ижобий синергетик самарага эриша олинадиган жараёнга тушунилади. Рақамли инноватсион фаолиятнинг иқтисодий моҳиятини қўйидаги чизмада ифодаланган янгиликлар (*билимлар, технологиялар, инноватсиялар*) яратиш жаражонининг бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичлари орқали тушуниш мумкин:



Рақамли инноватсиялар яратиш илмий изланишлар, тажрибаконструкторлик ишлари ва уларнинг натижаларини ҳаётга тадбиқ қилиш каби янги рақамли маҳсулот яратиш ва уни ўзлаштириш билан боғлик бўлган барча ишларни ўзига қамраб олган жараёндир. Янгиликлар киритишнинг (*рақамли инноватсияларнинг*) ҳаётий тсикли амалиётга тадбиқ қилиш билангина тугамайди, балки у серияли ва оммавий ишлаб чиқариш, сотиш, рақамли маҳсулотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш жараёнларини ҳам ўз таркибига олади. Аммо баъзи ҳолатларда рақамли инноватсион маҳсулот оммавий ишлаб чиқаришга, алмашинувга ва истеъмолга мўлжалланмаган бўлиши ҳам мумкин. Мисол сифатида космик, авиатсион, атом саноати маҳсулотлари ёки медитсина, ядро физикаси ва бошқа юқори технологик соҳалар учун ишлаб чиқариладиган эхклузив (*ягона, ноёб, бир нушада*) ёки рақамли маҳсулотларни келтириш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай серияли ва оммавий ишлаб чиқаришни ҳам инноватсион деб бўлмайди, албатта.

### *Кичик бизнесда рақамли инноватсион фаолиятининг асосий субъектлари*

Рақамли инноватсион фаолият субъектлари сифатида янгиликлар яратадиган ва уларнинг синов нушаларини янги рақамли маҳсулот сифатида ишлаб чиқарадиган корхоналар, ташкилотлар ёки алоҳида шахслар тушунилади. Субъектлар сифатида булардан ташқари рақамли инноватсион жараёнга молиявий, информатион, маркетинг, патент-литсензия, лизинг, френтсайзинг, сотув ва бошқа ҳизматлар кўрсатадиган ҳукукий ва жисмоний шахсларни ҳам қўшишимиз мумкин. Янада аникроқ қилиб айтганда, рақамли инноватсион фаолият субъектлари қўйидагилардир:

- Рақамли

инноватсионфаолиятнингваинноватсионҳизматнингалоҳидакўринишилариб ўлганилмий-ишлабчиқаришташкилотлариватехнополислар, технопарклар,

инноватсионмарказлар,

инноватсион-

инвеститсионвабизнесмарказларкўринишидагитузилмалар;

- Рақамли маҳсулот яратадиган илмийваилмий-текширишташкилотлари (*академикватармоқилмийинститутлари, конструкторликбюоролари, лабораториялар, тажрибамайдонлари, ойлитаълиммуассасалари*);
- Рақамли маҳсулот ҳосил қиласиган йирик ва ўртача катталиқдаги корхона ва ташкилотлар;
- Рақамли маҳсулотлар яратадиган кичик инвеститсион ташкилотлар ва фирмалар;
- Рақамли иқтисодиёт муаммолари билан шуғулланадигсн инноватсион, илмий-текширув ва ишлаб чиқариш йўналишидаги ташкилотларнинг хизматчилари;
- Рақамли иқтисодиёт соҳасида юксак иқтидорга эга бўлган олим, ихтирочи, дастурчи ва малакали мутахассислар.

Хуқуқий нуқтаи-назардан, рақамли инноватсион тадбиркорлик фаолияти субъектлари деб, илмий-техник йўналишларда хуқуқий шахс ҳосил қилмасдан тадбиркорлик қилаойтган шахслар (*яъни индивидуал тадбиркорлар*) тушунилиб, улар бу фаолият тури билан шуғулланиш учун гувоҳномалар олган бўлишлари лозим. Рақамли инноватсион тадбиркорлик фаолиятининг бундай субъектларига иқтисодиётнинг турли соҳаларида янгиликлар яратиб, уларни амалиётга тадбиқ этадиган ихтирочиларни, конструкторларни, ратсионализаторларни, компьютер дастурчиларини, дизайнерларни (*шу жумладан, web-дизайнерларни*), архитекторларни, технологларни ва бошқа ижодий соҳа субъектларини киритиш мумкин. Рақамли инноватсион фаолиятнинг етакчи субъектларига эса инноватсион ғояларни конкрет лойиҳаларга айлантирадиган ва бунинг натижасида фойда кўринишидаги молиявий натижа оладиган тијорий ташкилотларни киритиш мумкин. Шунинг учун рақамли инноватсион тадбиркорлик фаолиятининг субъектларига мулк кўринишидан қатъий назар, илмий-текшириш ва лойиҳа-

конструкторлик ташкилотлари, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий ўқув юртлари ҳам киради. Рақамли инноватсион фаолиятга ҳизмат кўрсатувчи субъектларни эса алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин. Худди шулар рақамлиинноватсион инфратузилманинг элементлари ҳисобланади. Бу гуруҳга инноватсион жараёнларга молиявий, информатсион, коммуникатсион, маркетинг, патент-литсензион, лизинг, френчайзинг, сотув каби ҳизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида шахсларни киритиш мумкин. Рақамли инноватсион фаолият субъектлари ўзларининг худудий кўрсатгичларига кўра, асосий функцияларига кўра, ташкилий элементларига кўра, инноватсион жараённинг тугалланганлигига кўра ва билимлар яратиш жараёнига кўра фарқланишлари мумкин. Юқори даражада илмий билимлар талаб қиласиган ва мураккаб инноватсион ғояларнинг амалга оширилиш жараёнида қуйидаги турдаги тадбиркорлик ташкилотлари бирлашмалари муҳим аҳамият касб этади: консортиумлар, контсернлар, ҳолдинг-компаниялар, молия-ишлаб чиқариш гуруҳлари, ассотсиатсиялар ва ҳуқуқий шахслар бирлашламалари. Бундай бирлашмалар ичida асосий аҳамиятни йирик рақамлиинноватсион лойиҳаларни амалга ошира оладиган **консортиумлар** эгаллайди. Рақамли инноватсион соҳада консортиумни жуда катта илмий изланишлар талаб қиласиган ва жуда катта инвеститсияларга муҳтоҷ бўлган лойиҳаларни амалга оширишда банклар, компанийлар, ташкилотлар, фирмалар ва илмий марказлар орасидаги вақтинчалик келишув (*баъзан ҳалқаро миқёсдаги*) деб тушунтириш мумкин. Консортиумнинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, унга кираётган ҳамкорлар (*консортиум мақсадларига боғлиқ бўлмаганлардан ташқари*) ўзларининг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақилларини сақлаб қоладилар. Ундан ташқари, консортиум вақтинчалик бирлашма бўлиб, қўйилган мақсадларга эришилганидан сўнг, ўз фаолиятини тугатади. Рақамли инноватсион тадбиркорлик тузилмаларининг энг мураккаб кўринишларидан бири, ишлаб чиқариш, транспорт, савдо ва банкларни бирлаштирадиган **контсерн** ҳисобланади. Контсерннинг иштирокчилари сифатида мураккаб

инноватсион лойиҳаларни амалга ошириш учун кучларини бирлаштирган алоҳида корхона ва ташкилотлар, фирмалар, банклар ва инвеститсион компаниялар бўлиши мумкин. Йирик корхоналар рақамли инноватсиялрни ўзлаштиришда кичикларига қараганда қўйидаги бир қанча афзалликларга эга бўладилар:

- ❖ Жуда катта молиявий маблагларни жалб қила олиш, чунки катта инноватсиялр жуда катта маблаглар ва заҳиралар талаб қиласди;
- ❖ Кўзда тутимаган молиявий, ташкилий ва бошқача қийинчиликлар туғилганда, уларни биргаликда ҳал қилиши имконияти;
- ❖ Кўп мақсадларни кўзлаган ҳолда инноватсияларни амалга ошириш имконияти;
- ❖ Турли хил йўналишларга оид олимлар, инженер-техник ходимлар ва ихтирочиларни жалб қила олиши имконияти;
- ❖ Ҳалқаро лойиҳаларда қатнаша олиши ва натижаларни ҳам ҳалқаро бозорга олиб чиқа олиши;
- ❖ Бир қанча инноватсион гояларни бир вақтда амалга ошира олиши имконияти.

Буларнинг барчаси биргаликда рақамли инноватсион фаолиятнинг самарадорлигини бир неча марта оширади (*синергетик эффест*). Амалиётдан маълум бўлишича, катта ва кичик корхоналарнинг рақамли инноватсион фаолияти ўзаро боғлиқдир. Масалан, катта корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган янги маҳсулотларни бозорларга етказиб бериш, уларни ҳомашё ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, уларга ҳизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва шунга ўхшаш бошқа ишларни бажариш учун кичик корхоналар катта фирмалар билан ҳамкорликда ишлайди ва натижада уларнинг ўзаро алоқаси кенгаяди ва мустаҳкамланади. Бу эса ўз навбатида рақамли инноватсион тадбиркорлик учун янада янги имкониятлар яратади. Рақамли инноватсион жараённинг кучайиши учун ҳизмат қиласиган кичик ташкилий тузилмалар ичida энг муҳимлари венчур, инжиниринг ва янгиликларни амалиётга тадбиқ қиласиган фирмалар ҳисобланади.

**Инжиниринг фирмалари** – бир томондан илмий изланишларни лойиҳалар билан, иккинчи томондан, янгиликларни ишлаб чиқариш билан ўзига хос равища боғлаб турадиган ташкилотлардир. Инжиниринг фаолияти билан машғул фирмалар турли хил ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш, лойиҳалаштириш, ҳизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптимал равища ташкил қилиш билан шуғулланадилар.

Рақамли инноватсион фаолиятни қўллаб-қувватлайдиган тузилмалар ичida **технопарклар** ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар асосий ва айланма фондларни, инвеститсияларни ва интеллектуал заҳираларни инноватсион ҳизматларга айлантирадилар. Катта технопарклар **технополислар** деб аталса, жуда ҳам катталари қандайдир рақамли инноватсион йўналишга эга бўлган ва катта худудларни эгаллаган илмий-техникавий худудлар (*регионлар*) деб номланади. Технопарк тузилмаларни мураккаблиги ошиб бориши кетма-кетлигига жойлаштиrsак, қуйидагини оламиз: инкубаторлар, технологик парклар, технополислар, фан ва технология худудлари (*регионлари*).

**Технологик парк** – анча мураккаб функционал тузилмага эга бўлган илмий ишлаб чиқариш худудий комплекси бўлиб, унинг асосий вазифаси - кичик ва ривожланиши илм-фан талаб қиласиган мижоз фирмаларга иложи борича қулай бўлган шароитлар яратишидир. Технопаркнинг тузилмавий бирлиги инноватсиялар маркази ҳисобланади. Энг кенг қўламда тарқалган марказларга илмий изланиш маркази, бизнес-инкубатор, илмий-технологик комплекс (*инноватсион марказ*), ишлаб чиқариш зonasи, маркетинг маркази ва ўқув маркази киради. Ушбу ҳар бир марказ ўзига мос бўлган ҳизматлар турини амалга ошириб беради.

**Бизнес-инкубатор** кўп функцияли мураккаб комплекс бўлиб, кенг қўламдаги рақамли инноватсион ҳизматлар кўрсатади. Инноватсион фирма ўз технологик йўналишига боғлик равища инкубатордан хоналари (*ёки ускуналарни*) ижарага олиб, унинг инноватсион ҳизматларидан фойдаланади.

Мижоз фирманинг инкубатсион даври 2 йилдан 5 йилгача бўлиши мумкин. Шундан сўнг у инкубаторни тарқ этиб, мустақил фаолият кўрсата бошлайди.

**Технополис** алоҳида шаҳар асосида ташкил қилинган бир бутун илмий ишлаб чиқариш тузилмаси бўлиб, унинг иқтисодиётида технопарк ва инкубаторлар сезиларли ўрин эгаллайди. Илмий марказларда ишлаб чиқилган янги маҳсулот ва технологиялар шаҳарнинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш учун ишлатилади. Технополислар ривожланган рақамли инноватсион тузилмалар болган янги ёки қайтадан қурилаётган шаҳарларда ташкил қилинишлари мумкин.

**Илм ва технология худудлари (регионлари)** бир бутун маъмурий (*административ*) ноҳиянинг чегаралари билан тенг келадиган катталиқдаги худудларни эгаллаши мумкин. Бундай худуднинг иқтисодиётида технопарк тузилмалари билан қўллаб-қувватланиб туриладиган инноватсион фаолият катта аҳамиятга эга бўлади. Бу ерда илмий ишлаб чиқариш комплекслари бир бутун бўлиб ишлайди, шунинг учун ҳам илмий марказларда яратиладиган янги технологиялар дарҳол ишлаб чиқаришга ва амалиётга тадбиқ қилинадилар. Илм-фан ва технология худудида йирик илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатадилар. Бу комплексга яна ишлаб чиқариш ва майший ҳизмат кўрсатиш инфратузилмалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, молиявий институтлар ва фонdlар, дам олиш зоналари ва маданий ташкилотлар киради. Бундай илм-фан худудининг ривожига табиий шароитлар, маданий-маънавий ҳолат ва унга жалб этилган инсон капиталининг ҳусусиятлари катта таъсир кўрсатади. Фан ва технология худуди ўз таркибига технополисларни, технопаркларни, инкубаторларни олиб, илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган кенг инфратузилмага эга бўлади.

Кичик рақамли инноватсион фирмалар орасида алоҳида ўринни “таваккалчилик” асосида ишлайдиган **венчур фирмалар** эгаллайди. Улар жуда мослашувчан ва самарали кичик корхоналар бўлиб, таваккалчилик билан боғлиқ бўлган рақамли инноватсион лойиҳаларни (янги илмий-техник

*ечимларни)* текшириб кўриш, қайта ишлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш учун ҳизмат қиладилар. Баъзи ҳолларда эса венчур фирмалар бирор бир аниқ муаммони ҳал қилиш учун тузиладиган вақтинчалик ташкилий тузилмалар ҳам бўлишлари мумкин. Бундай корхоналар жуда фаол ишлайдилар, чунки уларнинг ходимлари ва ҳамкорлари янги ғоя, технология ёки ихтиронинг амалиётга тадбиқ қилинишига шахсан қизиқадилар, яъни улар бунинг натижасида каттагина даромадга эга бўлишлари мумкин. Венчур корхоналар чуқур билим ва илм-фан талаб қиладиган иқтисодиёт тармоқларида (*масалан, қуёши, шамол, мини сув ва биоенегетика соҳаларида, қишилоқ хўжалик маҳсулотларини инноватсион усуллар ёрдамида қайта ишлаш, сақлаш ва етишириши кабиларда*) кенг тарқалганлар ва бу ерда улар аниқ йўналишдаги амалий илмий изланишлар ҳамда катта молиявий натижа келтириши мумкин бўлган инженер-техник тадқиқотлар олиб борадилар. Рақамли иқтисодиёт соҳасида венчур бизнеснинг алоҳида аҳамияти куйидагилардан иборат:

- Венчур бизнес янги инноватсион хаёт тарзига мослашган корхоналар ҳосил бўлишига олиб келиб, анъанавий илмий изланишлар тизимига таъсир қиласи ва мамлакатнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги замонавий ижобий ўзгаришларга олиб келади;
- Юқори малакали мутахассислар, инженер-техник ходимлар ва олимларнинг бандлигини таъминлаб, уларга бўлган талабни оширади;
- Иқтисодиёт анъанавий тармоқларининг техник ва технологик жиҳатдан қайтадан жиҳозланишига эришиш имконини беради;
- Йирик корхона, ташкилот ва корпоратсияларга ўз тузилишини, фаолият йўналишини ва мақсадларини замона талабларига мос равишда ўзгартиришга намуна сифатида ҳизмат қиласи;
- Венчур бизнеснинг турли ҳил мамлакатлардаги кўп йиллик тажрибасидан шу маълум бўладики, мамлакатимизнинг узоқ муддатли мақсадларини амалга ошириш учун венчур капитал асосида фаолият кўрсатадиган маҳсус молия-кредит тизимини яратиш зарур (*масалан,*

венчур бизнес корхоналари учун банклар томонидан фоизсиз, аммо фойдага шерик бўлинадиган кредитлар берилишини йўлга қўйиш).

Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги венчур фирмалар бир қанча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар орасидаги шартнома асосида ёки банк кредитлари асосида, ёхуд банклар ва йирик компанияларнинг маблағлари асосида ташкил қилинади. Венчур фирмалар ташкил қилиш учун қуйидаги шартшароитлар бўлиши керак:

- *Инноватсион янгилик яратишнинг асосланган гояси – янги технология, ихтиро, ишилаб чиқарии жараёни, ҳизмат кўрсатиши, дастур тузии, интернет ресурси яратиши, ЗД-технология, интеллестуал тизим ташкил қилиши ва шунга ўзшаишлар;*
- *Бу гоянинг амалга оширилишига жаҳон, мамлакат, худуд ёки корхона миқёсида жамиятнинг талабгорлиги;*
- *Ушибу гоя амалга оширилиши натижасида ишилаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган ҳизматларга ички ва ташқи бозорларда талаб мавжудлиги;*
- *Бу гоя асосида таваккалчилик билан янги фирма ташкил қилиб, уни бошқара оладиган реал тадбиркорнинг мавжудлиги;*
- *Ушибу венчур фирмани молиялаштириши учун керакли миқдордаги “таваккалчи” капитални топиши мумкинлиги.*

Инвеститсияларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, венчур бизнесга молиявий маблағ инвеститсия қилиш қуйидаги ҳусусиятларга эга:

- *Венчур бизнесга молиявий маблағлар кафолатсиз ҳамда моддий таъминотсиз жалаб қилинганларни учун инвесторлар катта таваккалчиликка дуч келадилар, чунки муваффақиятсизликка учраган тақдирда улар жуда катта маблағларни йўқотишлари мумкин. Аммо бундай таваккалчиликка тайёр бўлиши тадбиркорларнинг венчур бизнес муваффақиятига астойдил ишонишлари ва уларнинг ўзлари якка ҳолда бу ишини амалга ошира олмасликлари билан тушунтирилади;*

- *Инвесторнинг венчур фирмаси таъсис (устав) капиталида мажбурий 50% дан ошмаган бевосита ёки билвосита улушида бўлиши. Яъни таваккал капитали фирманинг устав капиталига улуши киритиш тариқасида иштирок этиб, бу молиявий маблағлар ажратилишида алоҳида таъсир кўрсатилади. Ўз навбатида инвесторлар молиялаштирилган фирманинг фойдасидан ўз улушларини олиши ҳуқуқига ҳам эга бўладилар;*
- *Маблағлар қайтиб бермаслик асосида узоқ муддатга бериладилар, чунки баъзи ҳолларда маблағларининг самарадорлигини билиши ва тегишли даромад олиши учун инвесторлар 3-5 йил кутишиларига тўғри келади;*
- *Инвесторнинг молиялаштирилган венчур фирмани бошқаришида фаол иштироки талаб қилинади, чунки инвесторлар венчур фирманинг муваффақиятига шахсан қизиқадилар ва шунинг учун маблағ бериш билангина кифоя қилмайдилар.*


Венчур фирмалар икки хил ташкилий кўринишларда фаолият кўрсатишлари мумкин. Булардан бири мустақил венчур фирмалар бўлса, иккинчиси йирик ташкилотлар таркибида ташкил қилинадиган венчур фирмалардир. Янги маҳсулот ёки ҳизмат тури яратиш бўйича лойиха танланганида икки ҳолат албатта ҳисобга олинади: биринчидан, бу лойиханинг мақсадлари ва ҳал қиласидаги масалалари асосий компаниянинг анъанавий фаолияти билан мос тушмасин – яъни, ички венчурнинг асосий мақсади - катта даромад келтирадиган янги инноватсиялар топиш ва уни компания фаолиятига тадбиқ этишдир. Иккинчидан, янги ғоялар танлананаётганда улардан олиниши мумкин бўлган иқтисодий натижга сарф-харожатларни оқлашдан ташқари, катта фойда келтирадиган даражада етарлича миқдордаги катталикда бўлиши лозим. Технологик ривожланишнинг миллий қадриятларини ҳосил қилишда ва уларни амалга оширишда давлатнинг, илм-фаннынг ҳамда бизнеснинг имкониятларини бирлаштиришда фойдаланилиши мумкин бўлган энг муҳим ускуналардан бири технологик платформалардир. **Технологик платформа** – янги тижорий рақамли технологоялар, маҳсулотлар, ҳизматлар яратишида қўшимча

захираларни жалб этиш учун барча қизиқувчиларни (*шу жумладан, давлат, фан, бизнес ва жамият аъзоларини*) бирлаштириш имконини берадиган коммуникатсион имкониятдир. Унинг воситасида бирор бир илмий-техник инноватсияни амалга ошираётган фирма ва ташкилотлардан иборат бўлган кластерларга (*бирлашмаларга*) керакли бўлган кўмак кўрсатилади. **Кластерлар** эса рақамли технологияларда янгилик кутилаётган йўналишларда ташкил қилиниб, унинг воситасида янги бозорбоп имкониятлар топилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва эндиғина ривожланаётган кўпгина мамлакатлар энг янги рақамли инноватсион йўналишларни қўллаб-кувватлаш мақсадида кластерлар ташкил қиласидар.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш бирлашишининг яна бир асосий имкониятларидан бири рақамли технологиялар трансферилинг бозорий механизмини яратишидир. **Рақамли технологиялар трансфери** жараёнини тезлаштириш учун мамлакатдаги корхоналарни олимлар билан ҳамкорликда янги рақамли технологияларни топа олишига ва олимларнинг бизнес топширикларни бажара олишига қизиқиши ўйғотадиган механизмни яратиш керак бўлади. Бу механизм сифатида рақамли технологиялар трансферини амалга ошириш учун ташкил қилинган консортиумларга давлат томонидан ёрдам берилишини кўрсатиш ҳам мумкин. Агарда корхона олимлар томонидан ишлаб чиқарилган янгиликни бозорга олиб чиқишига тайёр бўлса, унинг илмий ташкилотлардаги муаллифлари ўз илмий натижаларини ишлаб чиқаришгача етказишга тайёр бўлсалар, у ҳолда ушбу фаолият лойиҳалаштириш асосида давлат томонидан молиялаштирилиши лозим. Бу ҳолатда рақамли технологияларни охиригача етказиш учун кетган маблағларни тўлиқ ёки қисман давлат томонидан қопланиши зарур, илмий текшириш институти эса тайёр маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг бир қисмига эга бўлиши назарда тутилиши керак (*шундагина у консортиумда тўлақонли шитирок этишига қизиқии билдиради*).

Юқорида айтилғанларнинг барчасини инноватсион корхоналарнинг турли ривожланиш босқичларида пул маблағлари қаерлардан келаётганинни күрсатадиган куйидаги графикили чизма-тасвир қўринишида содда ҳолда ифодалашимиз мумкин:

#### Инновацион цикл босқичлари



Рақамли инноватсион фаолият доирасидаги корхоналарнинг фаоллиги юқорида келтирилган инноватсион ташкилотлар билан алоқаси қанчалик яхши йўлга қўйилганлиги билан аниқланилади. Рақамли инноватсиялар яратиш жараёнида инноватсион фирмалар фан, техника, технология ва иқтисодиёт соҳаларидаги маълумотлар билан таъминланишлари ҳамда молиявий, хуқуқий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланишга эришишлари лозим. Шунинг учун ҳам билимларга асосланган рақамли иқтисодиётда инноватсион ёки яратувчанлик инфратузилмаси жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

#### **5.4. Таълим бизнесида рақамли инноватсион технологиялар**

Замонавий таълим тизими ҳозирги даврнинг барча ўта жиддий талабларига жавоб бера олмаётганлигини жуда кўпчилик олимлар ва мутаҳассислар томонидан тан олинаяпти. Ушбу ҳолатни тубдан ўзгартиришнинг асосий йўлларидан бири – таълим тизимига замонавий технологик ривожланишнинг энг янги дастурий-техник воситаларини кенг миқёсда жалб қилишdir. Бундай воситалардан бири – инсонларнинг ишлаб чиқаришдан ва бошқа кундалик юмушлардан ажralмаган ҳолда тўлақонли таълим олишига имкон берадиган рақамли платформалардаги очиқ масофавий таълим тизимиdir (**МООС** – *массивеопен дистансе эдусатион систем – оммавий очиқ онлайн таълим тизимлари*). Бундан бир неча йиллар олдин, яъни, 2012 йилнинг кузларида *Стенфорд* университетининг икки профессори *Себастян Трун* ва *Питер Норвиг* интернетда барча истовчилар учун сунъий интеллест бўйича маъruzalар тинглашни таклиф қилишди. Бу маъruzalар ўз таркибиага барча керакли материалларни, тестларни ва якуний имтиҳонларни қамраб олган эди. Машғулотлар эса фақат он-лине кўринишида ташкил этилган эди. Маъruzачилар энг кўпи билан 2-3 минг талаба ушбу машғулотларга қатнашишини режалаштирган бўлсаларда, семестер бошида унга дунёнинг 200 та мамлакатидан 160 минг киши ёзилиб бўлган эди. Бунга ўхшаш масофавий таълим тизимлари борган сари мураккаблашиб ва сифати ошиб бораётганини таъкидламасдан иложи йўқ. Кун сайин янада кўпроқ тажрибали ўқитувчилар ва профессорлар ўз маъruzalарини бошқалар бемалол фойдаланиши учун *ЁуТубе* ва *иТунес* тизимларига ёзиб қўяяптилар. Уларнинг баъзилари, масалан, сиёсий фалсафа бўйича *Гарвард* профессори *Майкл Сендел* ўзининг маънавият ҳақидаги «*Жустисе*» деб номланган курсини ҳаддан ташқари оммалашиб кетгани туфайли интернетдаги энг машҳур шаҳслардан бири бўлиб қолди. Ҳар йили дунё миқёсидаги энг яхши билимларни тўплаш ва уларни интернет орқали барча фойдаланиши учун тармоққа жойлаштириш бўйича янгидан-янги ишлар қилиниб, филантроплар ва венчур тадбиркорлар бунинг учун ўнлаб миллион доллар маблағлар ажратаяптилар. Уларнинг биргалиқдаги сайъи-

ҳаракатлари дунёning исталган жойида яшовчи инсонларнинг замонавий ва сифатли таълим олишларига сабаб бўлиши кузатилаяпти. Профессорлар *Себастьян Трун* ва *Питер Норвиг* ларнинг таъкидлашларича, 2050 йилга келиб, жаҳон миқёсида бор-йўғи ўнтагина катта замонавий университетлар қолиб, уларда бир вақтнинг ўзида миллионлаб талabalар ўқитилишига эришилади. Табиийки, бундай бизнес унга жалб этилганларнинг барчаси учун ҳам фойдали, ҳам рақамли иқтисодиёт учун кадрлар етиштиришга катта аҳамиятга эга бўлади. Мисол сифатида ҳозирги пайтда реал ишлаб турган минглаб таълим тизимлари орасидан қуидагиларни келтиришимиз мумкин:

*Кҳан Асадемӣ* –2008 йилда молиявий аналитик *Салман Хан* томонидан асос солинган нотижорат ташкилоти бўлиб, у математика, физика, биология, астрономия ва бошқа табиий фанлар бўйича турли-туман топшириқлар ва видеоматериалларнинг рақамли оламдаги ўзига ҳос омбори ҳисобланади. Ушбу академиянинг материаллари турли хил мураккабликда бўлиб, асосан ўрта мактаб талabalari учун мўлжалланилган. Шунинг учун ундаги материаллардан АҚШ даги ўнлаб ўқув муассасаларида доимий асосда фойдаланилади. *Кҳан Асадемӣ* – тизими ўқитувчиларга таълим жараёнини тубдан ўзгартиришга имкон беради, яъни, ўқувчилар уйларида интернет орқали маъruzalarни эшитиб оладилар ва дарсга келганларида ўқитувчи ёрдамида уй вазифаларини бажарадилар. Ўқитучи эса исталган пайтда ўқувчи қандай материалларни ўзлаштирган ёки қайси материалларни ўзлаштириш унга қийинчилик туғдираётганини текшира олади. Ҳозирги пайтда бу академияга *Билл & Мелинда Гатес* Фондатионва *Гоогле* компаниялари молиявий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ушбу академия билан тўлиқроқ равишда [www.khanacademy.org](http://www.khanacademy.org) сайти орқали танишиб чиқишингиз мумкин. Мактаблар учун академия томонидан ишлаб чиқилган материаллар жумласига қуидаги ўқув видео материалларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин:

- [КИПП Счоол Оакланд Пилот Видео](#)
- [Суммит Счоол Пилот Видео](#)

- [Марлбороугұ Сchool Пилот Видео](#)
- [Оакланд Унитій Пилот Видео](#)

*КұhanАсадемій* – ресурсларини қуидаги интернет манзиллари орқали қўриб чиқиши ва улар билан яқиндан танишиш мумкин:

- ЁуТубе: [www.youtube.com/khanacademy](http://www.youtube.com/khanacademy)
- Твиттер: <https://twitter.com/#!/khanacademy>
- Фасебоок: [www.facebook.com/khanacademy](http://www.facebook.com/khanacademy)
- Гоогле Плус: <https://plus.google.com/109050230672993035916/about>
- Транслатионс: [www.youtube.com/khanacademylanguges](http://www.youtube.com/khanacademylanguges)
- [Талкс анд интервиewc](#) (видеос)
- [Спекер рекуестс](#)

**2У ёки 2Top** — тижоратасосида фаолияткўрсатадиган компания бўлиб, у 2008

йилдазамонавийтаълимтанқидчисиватаниклитадбиркор *Джон Катсман* томонидан иданташкилқилинган. Ушбу компания бир неча йилга мўлжалланган тўлиқ он-лайн курслар яратиш бўйича етакчи Америка университетлари билан ҳамкорлик қиласди. Компания томонидан интерактив қўлланмалар, планшет ва смартфонлар учун дастурлар, он-лайн маъruzalар ва талаба ҳамда профессорларнинг мулоқотини амалга оширувчи функцисионал қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар бир курснинг платформасини ишлаб чиқиши учун **2У** (ёки 2Top) компанияси турли хил венчур фондлар томонидан ажратилган 10 миллион доллар атрофидаги маблағ сарф қилмоқда. Бу лойиҳанинг бошланғч босқичидагина таҳминан 100 миллион доллар маблағ сарф қилинган. Таълим технологиясининг ушбу бўлим сарлавҳасида келтирилган қолган тўртта асосий йўналишлари эса қуида имконият даражасида тавсиф этилади.

### ***Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги***

Замонавий таълим жараёни ракамли технологиялардан фойдаланган ҳолда универсаллаштиришга интилиб, таълим беришда инсонларни бир-бирларига максимал даражада ўхшаш қилиб моделлаштиради (*яъни*,

*мосликни талаб қиласи*). Хозирги замондаги мактаб ва университетлар ўз талаба-ўқувчиларини классик “қора қутилар” кўринишида тасаввур қилиб, уларнинг барчасига бир хил маълумот берадилар ва билим олувчиларнинг индивидуал ҳусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда улардан жавоб реактсиясини кутадилар. Бундай ёндошув қўпчилик томонидан аллақачон воз кечилиши керак бўлган индустрисал давр анахронизми сифатида тушунилади. Кимлардир бу муаммони ўқув жараёнига кўпроқ ўқитувчларни жалб қилган ҳолда ҳал қилишни таклиф қиласидилар. Чунки бунда ҳар бир ўқувчига алоҳида дикқат-еътибор қаратилиб, уларнинг талаб-истакларини ва қобилияtlарини назарга олган ҳолда ўқув жараёнини оптимал равишда ташкил этиш мумкин. Лекин бу жуда ҳам қимматга тушадиган тадбир бўлгани учун, педагогика бўйича қўпчилик мутахассислар таълим жараёнига замонавий компьютерларнинг дастурий-техник воситаларини ва имкониятларини жалб қилиш яхши натижаларга олиб келиши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Агарда шу йўлдан борилса, келажакда компьютерлар тегишли дастурий-техник таъминот ёрдамида ҳар бир ўқувчи ёки талабага унинг интеллектуал, эмотсионал ва билим даражасига мувофиқ равишда индивидуал ўқув дастурларини тузиб бера олган бўлар эдилар. Мисол сифатида 2008 йилда тижорий кўринишда асос солинган ва Kneshton — деб номланган ўқув тизимини кўrsatiшимиз мумкин. Kneshton — онлайнкурсларяратувчилари гакомпания томонидани шлабчиқилган нусуллардан фойдаланган ҳолдаталабанинг конкрет предмет бўйича ўзлаштиришини таҳлилки лишим конини беради. Ушбу йиғилган маълумотлар асосида *Kneshton* ҳар бир ўқувчи-талаба учун мос келадиган уникал (*ноёб*) дастур тузиб беради. Талаба билимининг бўш ва саёз жойлари нималарда эканлигини, қандай кўринишдаги ўқув материалларини у яхши ўзлаштиришини (*матнми, аудио ёки видеони*), энди у қайси мавзуга ўтгани маъқулроқлигини маҳсус дастурлар ёрдамида *Kneshton* аниқлаб бера олади. Ўқув адабиётларини тайёрлаб берадиган дунёдаги энг катта нашриётлардан бири *Pearson* математика бўйича он-лайн курслар яратиш учун *Kneshton* дан

фойдаланаётганлиги ҳам унинг тўғри йўлдан кетаётганлигини кўрсатади. Нашриётнинг мақсади – қўлланмани ўқиши билан бир вақтда талабанинг муваффақиятларига мос равишда қайтадан ташкиллана оладиган интерактив элестрон ўқув қўлланмаларни яратиш ва уларни сотишни йўлга қўйишидир. *Кнештон* компанияси ўз ишларини давом эттириш ва кенгайтириш учун *Питер Тил* ва *Рид Хоффман* каби венчур инвесторлардан 50 миллион долларга яқин инвеститсиялар олган.

### ***Компьютер ўйинлари орқали таълим берииш***

Фараз қиласиз – ўқувчи уйига келади ва смартфонини очиб, ундаги *Фоурсқуаре* ўйинини очади ва унда ўйнай бошлайди. Бироз вақтдан сўнг у қандайдир натижаларга эришиб, тегишли очко ва медал олади. Бунга қизиқкан ҳолда у ўз ўйинини яна давом эттиради ва дикқат қилинг: у бу вақтда ўйинлар орқали бериладиган билимларни эгаллаш имкониятига эга бўлади. Яъни у қизиқиши билан, ўйнаб туриб билим олиш имкониятига эга бўлади. Шунга ўхшашиб ўйин механикасидан ўйин бўлмаган ҳолатларда ҳам фойдаланиш жараёни **геймификатсия** деб номланган ва бу атама бир неча йиллардан буён жаҳондаги кўпчилик бизнес жамоаларда ишлатилади. *Джейин Макгоналд* ўзининг [«Реалитий Ис Брокен: Wҳй Гамес Маке ус Беттер анд Ҳов тҳей Сан Чанге тҳе Ворлд – Нега ўйинлар бизни яхшироқ қила олади ва улар қандай қилиб дунёни ўзгартира олади?»](#) деб номланган китобида 2015 йилларга келиб, геймификатсия бозорининг катталиги 15 миллиард долларга етиб, у инсон фаолиятининг барча соҳаларига, шу жумладан, таълимга ҳам кириб боришини кўрсатган. Геймификатсия инсон миясининг қилинган иш учун мукофотланиши жуда яхши кўриши хоссасига асосланган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ижтимоий сайтлардаги турли хил ўйинларга назар солиш кифоя, чунки уларда турли хилдаги мукофотланишлар ва тақдирлашлар кенг йўлга қўйилган. Зўнга компанияси бу ишни амалга оширган ҳолда миллиардлаб доллар пул ишлаб олганини эслатиш кифоя. Геймификатсия тарафдорлари ўйин элементларини инсоннинг ҳар кунлик ҳаёт тарзига максимал равишда интегратсия қилишни

таклиф қиласылар. Шунда уларнинг тегишли соҳаларда билим олишлари ва тарбияланишлари анча осонлашади. Умуман айтганда, таълимни компьютер ёрдамисиз геймификатсиялаш жараёни аллақачонлар амалга ошган дейиш ҳам мумкин. Чунки агар ўқувчи масалани тўғри ечган бўлса, уни яхши баҳо билан тақдирлайдилар, акс ҳолда эса уни ёмон баҳо билан жазолайдилар. Ҳар ўқув йилининг охирида эса яхши ўқувчилар мақтов ёрлиқлари билан мукофотланадилар, ёмон ўқийдиганлари эса синфда қолдириладилар. Аммо бунда геймификатсияни оптимал равишда амалга ошириш учун кўп заҳиралар, маблағ, вақт ва жуда кўп сонли ўқитувчилар талаб қилингани ҳамда у яхши самара бермаётгани туфайли, геймификатсияни компьютер дастурий-техник воситалари ва интернет ёрдамида бошқачароқ усулларда, кўринишларда ёки бошқача тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мисол сифатида дастурлаш асосларини ўрганиш бўйича интерактив курсларни ўз ичига қамраб олган [Содеасадемий](#)ни кўрсатишимиз мумкин. Ундаги курслар максимал равишда қисқа топширикларга бўлинган бўлиб, ўқувчининг энг кичик муваффақиятга эришиши ҳам жуда яхши тақдирланади. Бу эса ўқув материали унинг ёдида қолишига ва яхси ўзлаштирилишига олиб келади. Ушбу сайт 2012 йилда ишга туширилиб, йил охирида унда 500 мингдан ортиқ инсон қайд этилган эди. Уларнинг тахминан чорак қисми курсларнинг охиригача бора олди. [Содеасадемий](#)хозирча текин, аммо келажакда қўшимча машғулотлар учун пул ола бошлаши ва истеъоддли дастурчиларни турли хил компаниялар учун топиб бера оладиган воситачи бўлиб, яхшигина пул ҳам ишлаши мумкин. Бу тизимнинг яратувчилари *Колумбия* университетининг битирувчилари бўлиб, улар *Унион Сқуаре Вентурес* ва *СрунчФунд* компанияларидан уч миллион доллар атрифодаги инвеститсияларни жалб қила олдилар.

[Қхан Асадемий](#) да эса геймификатсия сайтнинг ишлаш мантиқига чуқур жойлаштириб қўйилган. Бу академияда мисолларни ечганлик учун бейджиклардан ташқари, ҳар бир мавзу учун ўқувчининг билим даражаси кўрсатилади ва бунинг асосида синфнинг умумий рейтинги чиқарилади. Бу

эса ўқувчилар орасида ўзаро соғлом рақобатнинг вужудга келишини кучайтиради.

### *Интерактив ўқув қўлланмалари*

Агарда *iPad* лар учун бағишланган *Wired* журнали кўриб чиқилса, ҳозирги даврдаги оддий ўқув қўлланмаларнинг нақадар қолоқ даражадалигини ва шиддат билан ривожланаётган ҳаётдан анча орқада қолганлигини англаб етиш мумкин. Замонавий рақамли ҳолатга келтирилган журналларнинг саҳифалари ҳозирги пайтда жуда қизиқарли, мультимедиавий кўринишда ва кишини ўзига жалб қила оладиган ҳолатга келган: улардаги рангдор тасвиirlарнинг ўлчамларини осонгина катталаштириш мумкин, керакли жойларда мавзуга мос бўлган мусиқа овози келади, турли ҳилдаги видеополиклар намойиш этилади, интерактив инфографика эса бармоқларнинг тегишга биноан дарҳол тегишли жавоблар беради. Буларни кўргандан сўнг, албатта қуидаги савол пайдо бўлади: *Хўши, нега таълим муасасаларида ўқитиладиган фанлар бўйича ҳам худди шундай қизиқарли интерактив элестрон китоб ва маъруза матнлари яратиш мумкин эмас!* Аммо кўпчилик эски ва қотиб қолган дунёқарашли педагоглар қоғоз кўринишидаги анъанавий китоб ва қўлланмалар яратишнинг афзал томонларини сиз ва бизга ўнлаб соат тушунтиришга уринишлари мумкин (*буни таълим тизимидағи ўзига ҳос стагнатсия жараёни деб аташ ҳам мумкин – эскилик янгиликка осонликча жой бўшатиб бермайдида!*). Чунки улар биринчидан, бундай рақамли элестрон китобларнинг афзalликларини тушунишга маънан тайёр бўлмасалар, иккинчидан, бундай рақамли дунё китобларини яратишга ва ундан фойдаланишга қодир эмаслар. Учинчидан эса илгариги замон тушунчалари ва ҳозирги замон тушунчалари орасидаги катта фарқ 20-аср одамлари билан 21-аср одамлари орасида ўзига ҳос катта бўшлиқ ҳосил қилган. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ёшлар ва катталарнинг билим олиш ва малака ошириш жараёнлари турли кўринишларда амалга ошиб, турли ҳилдаги самара бераяпти. Худди шунинг учун ҳам рақамли элестрон китоблар яратиш жараёни мавжуд китоб ва

кўлланмаларни аста-секинлик билан рақамли форматга ўтказиш билангина чегараланиб қолаяпти – бу ишларнинг самараси эса жуда ҳам паст бўлишини олдиндан айтиб бериш катта қийинчилик туғдирмайди. Аммо бу ҳолат вақтинчалик бўлиб, тез орада ўзгаришига умид қилиш мумкин, чунки республика ўқув муассасаларида интерфаол таълим усулларининг тезкорлик билан тадбиқ қилиниши рақамли инноватсион таълим усулларини амалга оширадиган элестрон адабиётлар ва сайтлар яратишни тақозо қиласди ва буни кимдир албатта амалга оширади. Шуни ҳам айтиш керакки, фақатгина мактаб дарсликларини рақамли инноватсион усуллар воситасида тайёрлаш ва уларни сотищдан тушадиган маблағ жуда катта миқдорни ташкил қиласди. Агар бунга литсей, коллеж, институтлар, университетлар ва академияларда фойдаланиладиган рақамли элестрон дарсликларни қўшсак, жуда катта пул миқдорига эга бўламиз. Бундай катта ва доимий манбаъли маблағ ишлаб олиш имконияти кўпчилик тадбиркорлар ва венчур бизнес намоёндаларини жалб қила олишини аниқ факт дейишимиз мумкин. Агарда бу юмуш юқорида тавсиф этилган ўқув муассасалари ходимлари томонидан ўша таълим даргоҳларида ишлайдиган дастурчилар билан ҳамкорликда амалга оширилиши ташкиллантирилса, бундай тадбиркорлик фаолияти таълим муассасаларига кўплаб пул маблағлари келишига сабаб бўлар эди ва улар ўз ички имкониятлари ҳисобига тезда ривожланиб кетган бўлар эдилар. Ушбу тадбиркорлик фаолияти таълим даргоҳларида доимий равишда ишлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг молиявий аҳволини сезиларли равишда яхшилашга ҳам олиб келар эди, албатта. Кейинги пайтларда бундай имконият билан жаҳон миқёсидаги энг катта компаниялардан *Apple* ва *Амазонлар* ҳам жиддий равишда қизиқиб, ўз куч ва имкониятларини бунга йўналтироқдалар. Мисол сифатида ўқув адабиётларини ижарага бериш билан шуғулланадиган Чег компаниясини келтиришимиз мумкин. Уларнинг ҳисоблашларича, Америка Кўшма Штатлари коллежларидағи ўртача статистик талаба бир йилда китоб ва ўқув қўлланмалар сотиб олиш учун 1000 долларгача маблағ сарф қиласар экан.

Чег компанияситалабаларгитобларнияримнархигабирсеместрафойдалани шгаберибвакейинқайтиболиб, бусарф- харажатниикимартагакамайтиришимкониятинаратганлар.

Буишкўпчиликталабаларучунмаъқулкелганитуфайли, компаниябизнесижудая хширивожланганва 2012 йилнингўзида компаниясалкам 150 миллиондолларишлаболган.

Аммокомпанияўзишиниянадаривожлантиришучунҳамдақоғозкитоблардаври аллақачонўтибкетганинитушунгандарақамлиинтерактивелестрондарсликл аяратишниҳамийўлгақўйган. 2012/2013 ўқувийилиданбошлаб,

Чег компаниясирақамлиинтерактивелестрондарсликвакўлланмаларниҳамсот ишниваижарагаберишниамалгаширишнибошлаган. Яна бир мисол сифатида *Apple* компаниясининг собиқ ходими *Метью Маклинсон* томонидан 2009 йилда асос солинган Инклинг Системс деб номланган компанияни ҳам келтириш мумкин. Бу компания нашриётчилар учун планшет компьютерларда ва интернетда фойдаланишга мўлжалланган рақамили интерактив ўқув қўлланмалар яратишга ёрдам берадиган маҳсус дастур-платформа ишлаб чиқкан. Инклинг Системс ўз илмий-тижорий ишларини янада ривожлантириш учун турли венчур фонdlардан, шу жумладан, *Секуоia Сапитал* дан 17 миллион доллар маблағ жалб қила олган.

### ***Видео ўйинлар орқали таълим олиши усули***

Узоқ даврлар мобайнида таълим жараёнига видео ўйинларни жалб қилиш масаласига унчалик катта эътибор берилмаган эди. Кўпчилик педагоглар видео ўйинларни бекорчи вақт ўтказиш деб ҳисоблаганлар, бошқалари эса уни ёш авлоднинг “маънавий бузилиши” ёки уларни тўғри йўлдан оздириш воситаси сифатида тушунадилар. Хозирги даврда эса бундай эҳтиросли ёндошувларни узоқни кўра билмаслик бўлганлигини қайд этиш мумкин. Турли даражадаги ва соҳалардаги таълимга оид мутахассис-экспертларнинг ҳолисона фикрларига кўра, видео ўйинлари, бошқа турдаги медиа воситаларга қараганда реал дунёдаги билимларни ва тажриваларни виртуал дунёга кирган ҳолда яхшироқ ўзлаштириш имконини яратар эканлар.

Австралиядаги *Форесигн Институте* нинг илмий изланишларига кўра, видео ўйинларининг *Сивилисатион ИИИ* деб номланган стратегияси модели тарихий жараёнларнинг ривожланиш мантиқи ҳақида жуда яхши тааъсурот ҳосил қиласди ва бунинг натижасида нега баъзи бир тсивилизатсиялар ер юзидан изсиз йўқолиб кетиши ва баъзиларининг эса тез суръатлар билан ривожланиб кетиши сабабларини тушунтириб беради. Шундай қилиб, агарда ўқувчи оддий тарих китобларидан ўтмишнинг муҳим воқеа-ҳодисалари ҳақида қандайдир маълумотлар олса, катта миқёсдаги ва яхши ўйлаб ташкил қилинган ўйин симуляторлари ундан кўра кўпроқ ва муҳимроқ маълумотларни билиш ҳамда ўзлаштириш имкониятини яратади. Яъни, инсоният жамиятининг ривожланиши аниқ қонуниятларга бўйсунишини ва худди шу туфайли қандайдир йўналишларда ривожланишини англашга имкон беради. Масалан, *Сериоус Гамес* деб номланган жиддий компьютер ўйинлари тарафдорлари бундай ўйинларнинг ташқи кўринишига камроқ аҳамият бериб, унинг ўйин механикасига асос солинган абстракт принципларга кўпроқ эътибор бериш кераклигини уқтирадилар. Нималаргadir ўргатувчи ва нималардир бўйича малака оширишга имкон берувчи компьютер ўйинларининг кўзга яққол ташланиб турган афзалликларига қарамасдан, замонавий таълим тизимида видео ўйинлар воситасида ўқитиш усулидан жуда кам миқёсда фойдаланилади. Бунинг сабаби нафақат жамиятнинг компьютер ўйинларига нисбатан салбий муносабати, кўпчилик катта мавқега эга ва кекса ёшдаги педагог-олимларнинг компьютер ўйинлари контсептсиясини жуда юзаки тушуниши (*ёки компьютер саводхонлиги паст даражада эканлиги туфайли умуман тушунмаслиги*), балки мураккаб, мантиқли, чиройли, қизиқарли ва айнан керакли бўлган компьютер ўйинларини яратиш учун жуда катта маблағлар керакли бўлаганлигидир. Бу тўсиқни муваффақиятли енгиб ўтиш учун ишонч, билим, интилиш, молиявий ва ташкилий база ҳамда сиёсий чоратадбирлар керак болади. Мисол сифатида, замонавий компьютер ўйинларининг асосий назариётчиларидан бири бўлган *Ян Богост* томонидан

ишлаб чиқилган тижорий йўналишдаги *Персусиве Гамес* видео ўйинини келтиришимиз мумкин. Бундай комп’ютер ўйинлари бизнес, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлари буюртмалари бўйича яратилган. *Ян Богост* нинг ўзи маҳсус ўйинлар ва ҳаётга мос болган ўйин қоидалари ёрдамида реал дунёнинг қонун-қоидалари, муаммоларини ўрганиш мумкинлигига ва уларнинг мумкин бўлган ечимлари тушунтирила олинишига астойдил ишонади. У бунга мисол сифатида аэропортларда багажларни кўриб чиқиши қоидаларининг тез-тез ўзгариб туриши анчагина салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини божхона симулятори деб номланган видео ўйин ёрдамида таҳлил қилиб, тушунтириб беришга муваффақ бўлган.

Енди янги рақамли технологияларга асосланган таълим тизими яқин келажакда мактабларни қандай даражада ўзгартириб юбориши мумкинлигини кўриб чиқамиз. Келажакда бирор бир инсон планшет сотиб олиб ва унда сунъий интеллектли дастурини жойлаштириб олгандан сўнг, ўзининг ўқитувчиси билан мулоқот қилмасдан ҳам билим олиши мумкин бўлади. 10-15 йииллардан сўнг, сунъий интеллест воситасида олий таълим олиш худди ёзиш ва ўқишига ўхшаб оддий хол бўлиб қолади. 2017 йилнинг ноябрида **Микрософт** компанияси хитой тилини ўрганиш учун мўлжалланган маҳсус дастур ишлаб чиқди. Унда ўқувчи чатда ўқитувчиботнинг қисқача сўзлардан иборат (*аудио ва матнли кўринишдаги*) маълумотларига жавоб берган холда таълим олади. Аммо Микрософтнинг ушбу рақамли ўқитувчиси навбатдаги оддий чат-бот эмас, балки ундаги сунъий интеллест алгоритми фойдаланувчининг жавобларини таҳлил қилган холда уни ўқитиши учун керакли бўлган имкониятларни танлайди ва шунинг асосида таълимни амалга оширади. Реал ҳамсухбатни имитатсия қилиш учун рақамли ўқитувчига дастур интерфейси ҳам ёрдам беради. У Осиёда оммабоп бўлган **WeChat** мессенжерига ўхшаб кетади. Шундай қилиб, рақамли технологияларнинг ривожланиши таълимни аста-секинлик билан ўзгартириб, билим олиш жараёнини соддалаштиради. АҚШ да турли хилдаги сервислар


мактаб ўқувчилариға уй вазиваларини тезроқ бажариш имконини яратадилар. Бу тенденциялар туфайли оддий дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва рефератларнинг актуаллиги секин-аста йўқолиб бормоқда. Чунки ҳар бир ўқувчи керакли маълумотларни топиш учун гооглдан, википедиядан ёки электрон кутубхоналардан фойдаланиш имкониятига эга. Ҳозирги пайтда информатсия етарли бўлибгина қолмай, балки керагидан ҳам кўпроқdir. Фақатгина талаба ва ўқувчилар керакли маълумотларни қаерлардан олиш мумкинлигини билсалар бас. Талабалага таълим берувчи ўқитувчилар, репетиторлар ва масофавий таълим педагоглари ёшларга билим бериш учун электрон ёрдамчилардан кенг миқёсда фойдаланмоқдалар. Масалан, *Джорджия* университети ўқитувчиси *Ашок Гоел* алоҳида ўқув каналида талаба чат-боти учун рақамили ёрдамчини ишга тушурган. У *Джайл Уотсон* чат-ботига талабалар учун тўғри ва инсонга ҳос жавоб танлаш учун форумлардан 40 мингта маълумотни жойлаштириди. Бу алгоритм талабаларга нафақат уй вазифаларини бажаришга қўмак беради, балки смартфон ёрдамида дарсдан ташқари машғулотлар ўтказишга ҳам имкон беради. Ҳозирда Ётсонниги ўхшаш ботлар дунёдаги барча етакчи университетларга тадбиқ қилинмоқда. Улардан бири Ослодаги **БИ Норвегиан Бусинесс Счоол** дир. *Массачусетс* технология институтида медиа лабораториясида ишлаб чиқилган **Тега** исмли робот ўқувчига индивидуал ёндошув асосида таълим беради. Ушбу таълим муассасасида талабалар испан тилини **Тега** роботи билан биргаликда планшет компютерда ўйинлар воситасида ўрганишади. Таълим жараёни ўқитувчи сифатида эмас, балки синфдош ёки курсдош билан биргаликда таълим олиш кўринишида ташкил қилинганд.

Масофавий таълимнинг замонавий сервислари ҳам янги рақамили технологиялар вужудга келиши билан ўзгариб кетмоқда. Масалан, *Дуолинго* сервиси чет тилларни ўқитишида ўз ботини ишлатмоқда. Ўқувчи чат-ботга савол беради ва жавобини тезлик билан олади. Аммо сунъий интеллектнинг тезлик билан ривожланиши чат-бот билан ва репетитор билан бўладиган

машғулотларни ўтмишда қолдириши мумкин. Чет тилларни ўрганиш учун мўлжалланган **Парла** дастури ҳам сунъий интеллектга асосланган рақамли ўқитувчи яратишга бўлган катта бир қадам дейиш мумкин. Ундаги таълим технологияси ўқувчининг билим даражасини таҳлил қилган холда унинг учун индивидуал таълим дастурини яратади ва уни талабага мослаштиради. Бу тизимни ишлаб чиққанларнинг фикрича, тўғри ва хато саволларни, мисол ва масалаларнинг ечич тезлигини, талабанинг қизиқишини ҳисобга олган холда сунъий интеллест дастури унинг учун ўқитишнинг индивидуал ёндошувини топа олади. **Парла ва Микрософт** каби таълим дастурлари яқин 5-10 йиллар ичида мобил ўқитувчилар пайдо бўлишини англаради. Бу борадаги муаммоларни ўрганиш жараёнида бир савол туғлади: “*Нега комп’ютерлар воситасида ўқитии жараёни инсонларникуга қараганда яхши деб ҳисоблаши мумкин?*”. Чунку, биринчидан, замонавий информацион жамиятда ақлли машиналардан чўчиш ҳисси борган сари камайиб бормоқда. Иккинчидан, кўпчилик мамлакатларда малакали ўқитувчилар етишмайди ва бу етишмовчиликнинг ўрнини иложи борича тезлик билан рақамли технологиялар воситасида тўлдириш зарур. **ПИСА 2009** ўтказган изланишлардан ҳам маълум бўлдики, Бразилияда 35% ва Мексикада 70% оқитучилар сифатли таълим бериш учун етарли бўлган малакага эга эмас эканлар. Хиндистон, Хитой ва Японияда ҳам юқори малакали ўқитувчилар сони унчалик кўп эмас. **Бот.Ме: А Револутионарӣ Партиершип** деб номланган илмий изланишда сўров ўтказилган инсонларнинг 63% қисми сунъий интеллест билан жиҳозланган машиналар инсониятнинг кўпгина муаммоларини ҳал қилиб беришига ишонишларини билдирганлар. Анъанавий таълимдаги яна бир муаммо – ҳар бир талабанинг ҳар хил тезлик билан билим олишидир. Кимлардир бир марта ўқигандаги барча материални тушуниб олишса, бошқа талабаларнинг берилган ўқув материалини ўзлаштириб олишлари учун анча вақт керак бўлади. Ўқитувчининг эса талабаларни гурухларга бўлиб, уларнинг ўзлаштириш даражаларига мос равишда ўқитишни ташкил қилиш учун имконияти йўқ. Математика бўйича таълимнинг онлине платформаси бўлган **Тхирд Спасе Леарнинг** да ўқитувчининг талабалар билан мулоқотини таҳлил

қылған ҳолда сунъий интеллест алгоритмлари асосида таълим жараёнини персонализатсия қилиш, яни, талабаларга мослаштиришга ҳаралат қилинган. “Мен ўз рақамли ёрдамчимни қандай сифатда кўраман?” деган саволга олинган жавобларни қуида кўришимиз мумкин:


**“I see my digital assistant as a...”**



Камбағал оиласардан чиқсан ёшлар репетиторларда ўқиш ёки университетга кириш ҳақида орзу ҳам қила олмайдилар. Масалан, 2008 йилда Лотин Америкасида 4 дан 17 ёшгача бўлган болалардан 23 миллиони таълим олиш имкониятига эга бўлмаган. Мактабга бора олмаган болаларнинг сони эса 40% дан ошган (*World Economic Forum маълумотларидан*). Шунинг учун ҳам сунъий интеллест асосида ишлайдиган рақамли текин стандарт ўқитувчилар пайдо бўлиши бу муаммоларни ҳал қилиб бериши мумкин. Бу нафақат чет тилларни ўрганишда, балки бошқа фанларни ўрганишда ҳам қўл келади. Жуда ҳам қиммат бўлмаган планшет сотиб олиб, унга сунъий интеллектли рақамли ўқитувчини юклаб олган ҳолда барча табакага мансуб инсонлар таълимни давом эттиришлари мумкин. Бир неча ўн йиллардан сўнг, инсонларга ойли маълумот олиш ҳудди ўқиш-ёзишни билгандай оддий бир ҳол бўлиб қолиши мумкин. *Мелинда ва Билл Гейтснинг* таълимни ривожлантириш бўйича **РЕНД** фонди мутахассислари таъкидлашича, индивидуаллаштирилган таълим бериш жараёни ўқувчиларга фанларни

чуқур ўзлаштириш имконини беради. Ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошув нафақат ўқув материалини тез ўзлаштириш, балки фанни севиб қолиш имкониятини ҳам беради. Ҳақиқатан ҳам энг яхши ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндошув билан ишлайдилар. Яхши педагог дарс беришдан ташқари, ўқувчиларни рухлантиради ва фанга қизиқиш уйғотади. Аммо ҳозирги пайтдаги мактаб ва университетларда ҳар бир ўқувчига алоҳида аҳамият беришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ, чунки синфларда 25-35 тадан ўқувчи-талаба ўқийди. Агарда ҳозирги кунда университетларда ва мактабларда индивидуал ўқитиш жорий қилинса, таълим муассасаларидағи ўқитувчилар сонинг бир неча марта қўпроқ бўлиши талаб қилинади. Бунинг эса молиявий ва ташкилий жиҳатдан имкони йўқ, албатта. Худди шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг ва ўқувчиларнинг рақамли электрон ёрдамчилар ҳамда чат-ботлардан фойдаланиши муаммонинг бир қадар даражада ечилишига олиб келади. Аммо сунъий интеллест билан жиҳозланган персоналлашган рақамли ўқитувчилар индивидуал таълим муаммосини муваффақиятли ҳал қилиб беришлари мумкин. **Микрософт** ва **Парла** нинг мутахассислари индивидуализацияга ундов берган холдаги сунъий интеллектли рақамли электрон ўқитувчилар яратиш устида ишламоқдалар. Яқин йиллар ичida қандай соҳа мутахассислари сунъий интеллест билан биринчи навбатда алмашинилади деб номланган ва **Бот.Ме: А Революционарий Партнершип ПwС** томониданташкил этилган сўров натижаларига кўра, технологик эксперtlар ва бизнес-менежерларнинг 58% и “ўқитувчи” деб жавоб беришган. Бу ерда энг кам фоиз олганлар – докторлардир:

**In the next five years, how likely is it that people will turn to AI assistants versus real humans within the following roles?**



Шундайқилиб, “Смартфондагирақамлиелектронұқитувчилар” пайдобүлишитаълимнингасосиймуаммолариниңалқилиберишимумкин.

Дунёдагимаълумотсизкишиларнингсони 2015 йилбошигакелиб 780 миллионбўлганиниҳисобгаолсак, сунъийинтеллестасосидаташаборувирақамлиелектронизмлархуддишуса водсизларсониникамайтиришучунёрдамберишимумкин.

Хозирчаесавиртуалўқитувчиларреалўқитувчиларгақўшимчаторздаҳаётимизга кирибкелаяпти.

БиллГейтсфондининглизланишларидақелтирилишича, АҚШдаги мактабнинг 17 ўқувчисигинатаълимжараёнидарақамлиелектронёрдамчиларданфойдалана рек ан (2017 иилда). Бунингсабаби, кўпчилик инсонлархозирчатаълималгоритмлари орқали ўқишгамаънивийжиҳат дантайёремаслар.

Лекин таълимсоҳасиданаста- секининсоннингсиқибчиқарилиши вауларнингўрни исунъийинтеллестегалла шикўзўнгимиздаамалгаошяпти.

Юқоридагиларданкелибчиқканхолдавабизнингфикри-ожизимизча, мамлакатимиздагиташаборувирақамлиинноватсионусулларните зкорлик

билинвакенгмиқёсдатадбиққилишниамалгаоширишучунзудликбилинқуидаг ичора-тадбирларниамалгаоширишлозим:

- Таълимтизимиғаенглаёқатли,  
иқтидорливаақллиёшларнижалбқилишҳамдаиқтидорлиёшларнингчетел лардагиўқувюртларигакетибқолишининголдиниолишучунабитуриентл арниолийтаълиммуассасаларигақабулқилишнингбутунлайянгитизимин и *(масалан, кредитлиўқувтизимини – талабаёкимагистроилиўқувюртинибитетиганидансўнг, давлатмуасссаларидақридитқарзиуъзилмагунчашилабберии)* зудликбилиншилабчиқишватадбиққилишкерак. Бунинг учун барча вилоятларда ДТМ нинг филиалларини ташкил қилиш ҳамда ушбу филиалларда барча потентсиал аббитуриентлардан улар истаган вақтда ва исталган фанлардан тўлов асосида тестлар топшириб, тегишли сертификатлар олиш имкониятини яратиш. Кейинчалик эса июн-август ойлари давомида аббитуриентлар ушбу олинган сертификатлар асосида тегишли олий ўқув юртларига хужжат топшириш ва олий ўқув юртнинг етакши профессор-ўқитувчилари жалб этилган предмет комиссияларидан иборат қабул комиссиясидан сухбатдан ўтиш ҳуқуқини оладилар. Абитуриентларни олий ўқув юртига қабул қилиш уларларнинг тегишли фанлар бўйича ДТМ филиалларидан олган сертификатидаги баллари миқдори, мактаб, коллеж ёки литсейдаги тегишли фанлар бўйича олган баҳолари ва олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари билан қилган оғзаки сухбатлари натижалари (*баллари*) асосида амалга оширилади;
- Баллари олий ўқув юртнинг қундузги бўлимида ўқиши учун етарли бўлмаган аббитуриентлар таълим даргохининг кечки, сиртқи ёки дистантсион (*масофавий*) бўлимларга контракт тўлови асосида таклиф этиладилар. Бу эса ўз навбатида давлат маблағларини жалб қилмаган холда олий ўқув юрти ривожланиши учун каттагина даромад манбаи ва ўқитувчилар ҳамда тадбиркорлар учун янги иш ўринларини яратишга

олиб келади. Демак, хозирги даврда барча олий ўкув юртларининг кечки, сиртқи ва (*ёки*) дистантсион (*масофавий*) бўлимларини ташкил қилиш мамлакат таълим тизими, таълим даргоҳларинг ривожланиши ва ёшларнинг билим олиши учун катта имкониятлар яратиб беради;

- Турли хил қўринишдаги таълим турларининг хосил бўлиши таълим вазирликлари қошида малакали профессор-ўқитувчиларни (*иу жумладан, нафақага чиққанларни ҳам*) жалб қилган ҳолда рақамли интерактив элестрон китоблар, элестрон ўкув қўлланмалари ва алоҳида фанлар бўйича масофавий таълим курслари тайёрлаш заруриятига олиб келади (*бу иш ҳозигига ўхзҳаб текинга эмас, балки профессор-ўқитувчилар билан шартномалар тузии асосида амалга оширилади*). Бу эса ушбу ишларни амалга ошириш бўйича республика ишчи кенгашини (*ташкилотини ёки компаниясини*) ташкил қилиш вазифасига олиб келади. Унинг зиммасига республика миқёсида замонавий ҳамда сифатли рақамли интерактив элестрон китоблар, рақамли элестрон ўкув қўлланмалари ва масофавий таълим курслари тайёрлаш (*ёки уларни чет тиллардан ўзбек тилига ўғириш*) вазифаси юкланди;
- Бу ишга мажбурий тарзда мамлакатда информацион технологияларнинг тадбиқи билан шуғулланадиган барча ташкилотларни, таълим муассасаларини, компанияларни ва етакчи институт ҳамда университетларни жалб қилиш;
- Вазирлар маҳкамаси ва Президент девони қошида энг малакали мутаҳассисларни жалб қилган ҳолда бу ишларни координатсия қилувчи ишчи гуруҳлар тузиш;
- Барча таълим муассасалари учун рақамли интерактив электрон китоблар ва рақамли ўкув қўлланмалар ишлаб чиқиш ёки улардан фойдаланиш кераклигини устувор вазифа сифатида кўрсатиш ҳамда бу ишларни бажариш бўйича рейтинг кўрсатгичларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- Чет элларда ишлаб чиқилган ва апробатсиядан ўтган биз учин муҳим бўлган рақамли интерактив элестрон китоблар, қўлланмалар, таълим соҳасига оид компьютер ўйинлари, интеллестуал таълим платформалари, масофавий таълим тизимлари, дастурлар ва сайтлари ўзбек тилига ўгириб, уларни маҳсус республика фондига жамлаб, интернетдаги таълим порталига жойлаштириш ҳамда барча таълим муассасаларига фойдаланиш учун тарқатиш;
- Ҳар йили энг яхши рақамли интерактив китоблар, ўқув қўлланмалар, ишга туширилган масофавий таълим платформалари ҳамда таълим билан боғлиқ компьютер ўйинлари танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш ва эришилган натижаларни республика фондига жамлаб, интернетдаги таълим порталига жойлаштириш ҳамда уларни барча таълим муассасаларига фойдаланиш учун тарқатиш;
- Ҳар йили бир марта республикада яратилган рақамли интерактив китоблар, ўқув қўлланмалар, масофавий таълим платформалари ҳамда таълим билан боғлиқ компьютер ўйинлари бўйича анжуман ва семинарларни республика ва вилоятлар миқёсида ташкил қилиш;
- Ўзбекистондаги турли соҳаларда ўрта ва олий таълим олишни истаган фуқароларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа кундалик юмушлардан ажralмаган ҳолда тўлақонли таълим олишига имкон берадиган масофавий таълим (*дистансе эдусатион*) тизимини ривожланган чет элларнинг “*дистансе эдусатион – MOOC – массиве опен онлайн соурсес*” платформалари андозалари асосида ташкил қилиш ва уларни зудлик билан ишга тушириш. Бу – биринчидан барча таълим олишни истовчилар учун тенг имкониятлар яратса, иккинчидан, таълим тизими учун сарфланаётган маблағларни анча камайтиришга имкон беради ва учинчидан, ёш йигит-қизлар учун давлат томонидан сарф-ҳаражат талаб қилмайдиган жуда кўп микдордаги янги иш жойларини яратади;
- Таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг иш фаолияти мониторинги ба баҳоловида уларнинг рақамли интерактив элестрон

китоблар, интерактив ўкув қўлланмалар ҳамда таълим билан боғлиқ компьютер ўйинларини ишлаб чиқишилари ва улардан фойдаланишларини ҳам ҳисобга олиш;

- Таълим даргоҳлари ўқитувчиларининг илмий, услубий, тарбиявий, ташкилий ва маънавий ишлар билан тўлақонли шуғлланишларини таъминлаш учун таълим муассасаларидаги асосий штатда тўлиқ бир ставкада (*ва ундан ортиқ ставкаларда*) ишлайдиган барча профессор-ўқитувчилар учун кунига б соат, ҳафтасига б кунлик иш қуни жорий қилиш ва буни қатъий назорат қилишни ўкув ва мониторинг бўлимларига юклаш. Чунки иш вақти аниқ бўлмагани туфайли кўпчилик профессор-ўқитувчилар таълим муассасасидаги ўз ишларини иккиламчи деб ҳисоблаб, асосан бошқа жойларда ишлайдилар (*фирмаларда, компанияларда, бизнесда, далада, ички ва ташки бозорларда ва шунга ўхшаи жойларда*). Бу эса уларнинг иш сифатига, билимiga, иш унумдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатаяпти. Худди шунинг учун ҳам рақамли инноватсион таълим усулларини жорий қилиш ва уларни қўллаш ўқитувчилар учун ортиқча ташвиш бўлиб ҳисобланади, албатта;
- Агар юқоридаги тартиб амалга оширилса, бошқа жойларда асосий иш жойи сифатида фаолият кўрсатадиган барча профессор-ўқитувчилар яrim (*ёки чорак*) ставкага ишга ўтишга ёки соатбай ишлашга ёки ишдан бўшашга мажбур бўладилар. Булар ўрнига эса таълим масканларига ёшлигидан қатъий-назар малакали, билимдон, кучга тўлган, чет тилларни биладиган, замонавий компъйтер дастурларида bemalol ишлай оладиган, илгор фикрли, истеъдодли ва ташаббускор педагогларни ишга олиш мумкин бўлади. Худди шуларги нарақамли инноватсион таълим усулларини таълим муассасаларига олиб кириш ва кенг миқёсда тадбиқ қилишда жонбозлик кўрсатишлари мумкин;
- Республика миқёсида ишлаб чиқарилган (*ёки таржима қилинган, мослаштирилган*) рақамли интерактив элестрон китоблар ва ўкув

кўлланмалардан барча талабалар ва ўқитувчилар фойдалана олишлари учун уларни маҳсус таълим порталига (*шу жумладан, вазирликлар ва таълим муасасалари сайтиларига, кутубхоналарга, ресурс марказларига*) жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- Рақамли интерактив китоблар, масофавий таълим платформалари ва электрон ўқув кўлланмалар яратган кимсаларни яхшилаб моддий ва маънавий тақдирлаш ҳам уларнинг сони ва сифати ошишига ижобий таъсир қилган бўлар эди.

### **5.5. Кичик бизнесда инноватсион 3Д-принтерларнинг қўлланилиши**

Ишлаб чиқаришда рақамли инноватсион технологияларни, айниқса, замонавий 3Д-принтерларни қўллаш шу қадар кенг ва катта миқёсли масалаки, уни бироз ёритиш учун ҳам ушбу китобдагидан кўра анча кўпроқ сахифалар зарур бўлар эди. Шунинг учун ҳам биз бу бўлимда хозирги пайтда шиддат билан ривожланаётган фақатгина битта замонавий инноватсион технология – 3Д-инноватсион технологияларнинг қўлланилиш кўлами ҳақидагина қисқача тўхталиб ўтамиз. Кўпинча бу ҳақда гап кетганида кўпчилик 3Д-кўзойнакларни эслай бошлайди. Аммо хозирги пайтда 3Д-сканер, 3Д-аудио, 3Д-видео, 3Д-шутер, 3Д-тovуш, 3Д-расм ёки тасвир ва 3Д-принтер деган тушунчалар ҳам шиддат билан ҳаётимизга кириб келди. 3Д атамаси инглизча 3d – тхрее дименсионал (уч ўлчамли) маъносини англатади. 3Д-принтерларнинг ишлаш томоили исталган предметнинг нушасини бирор бир материалдан фойдаланган холда қаватма-қават усулда принтерда яратиши (ясанни) англатади. Яъни, 3Д-принтернинг ишлаши натижасида бирор бир объектнинг физик нушаси пайдо бўлади ва уни ушлаб кўриш ёки ундан қандайдир мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлади. Уч ўлчамли печат ғояси олдинги асрнинг 80-йилларида айтилиб, бу йўналишдаги биринчи натижалар 90-йилларнинг охирларида олинган эди. Биринчи 3Д-принтер АҚШ нинг Массачусетс технология институтида ишлаб чиқилган бўлиб, хозирги пайтда унинг жуда кўп турлари ва моделларининг уй шароитида ишлатиладиган ихчам турлари ҳам мавжуд. Нархлари ҳам қандай

турга мансублигига қараб, 600 доллардан 20 миллион долларгача боради. Уларни интернетдан заказ қилиб олиш имкониятлари ҳам бир талай. 3Д-принтерда печатлаш принтсиби ҳам жуда оддий: объект яратилиши учун керакли бўлган хомашё (*масалан, АБС-пластик ёки гипс*) печат қиладиган каллакдан (*катридждан*) ўтади ва керакли даражагача иситилиб, объект ясаладиган платформага объектнинг 3Д-информацион моделига мос равишда қаватма-қават компьютер бошқарувида солинади. Объектнинг 3Д-информацион модели эса глобал интернет тармогиъдан олиниши ёки рақамли 3Д-сканерлар воситасида осонгина хосил қилиниши мумкин. Демак, бу иш амалга ошиши учун ҳар қандай печат қилинадиган объектни 3Д-принтер унинг информацион модели ва дастурй таъминот (*масалан, 3Д MAX дастури*) ёрдамида бир қанча қаватларга бўлиб чиқади. Хисобкитобдан сўнг, 3Д-принтер мониторида объектнинг оғирлиги қанча бўлишини, пехчат қанча вақт давом этишини ва объектнинг кўриниши қандай бўлишини билиш ҳамда унинг 3Д кўринишдаги расмини олиш мумкин бўлади. 3Д-принтер ишга тушгандан сўнг, бироз вақт ўтгач, унинг платформасида объектнинг айнан физик нушасини олиш мумкин бўлади. Биз учун энг зарур юмуш – принтерда ясалиши керак бўлган объектнинг информацион моделини олишdir ёки уни керакли дастурй таъминотдан фойдаландан холда тузишdir. Колган барча ишни 3Д-принтернинг ўзи автоном равишида бажаради. 3Д-печат учун керакли бўлган информацион моделларни интернетдан топиб, юклаб олиш ёки маҳсус 3Д-дастурлар ёрдамида уларни яратиш мумкин. Рақамли 3Д-принтерларнинг тобора оммабоп бўлиб кетишига сабаблар қуйидагилар:

- *Хомашё материалларни топиши осонлиги;*
- *Принтерларни ишлатиши нисбатан қулайлиги;*
- *Ишончлилик ва яратилаётган объектларнинг мустаҳкамлиги;*
- *Бажарилаётган ишнинг эсологик талабларга жабоб берииши;*
- *Физик модел яратиш жараёning нархи унчалик қиммат эмаслиги.*


Худди шунинг учун ҳам 3Д-принтерларда ясаладиган объектларнинг нархи бошқа усулларга нисбатан бир қанча баробар арzon бўлади. Шу туфайли 3Д-принтерлар қуидаги йўналишларда тобора кенг миқёсда қўлланилаяптилар:

- Машинасозликда ва объектларнинг прототипларини яратишида;
- Архитектура юмушларида ва дизайнлаштиришида;
- Моделлаштиришида ҳамда турли хилдаги машина ва агрегатларни лойиҳалашда;
- Тиббиётда ва стоматологияда турли хил органларни яратиш ва уларни синааб кўришида;
- Муҳандислик ишларида турли хилдаги ускуна ва объектларнинг нушаларини ҳосил қилишида;
- Курилишида ва унинг учун керакли бўлган турли интеръерлар ҳамда эхтеръерларни яратишида;
- Кино ва мулътфилмлар ишлаб чиқаришида персонажлар яратиш ва уларни суратга олишида;
- Автомобилсозлик, самолётсозли ва космик саноатда турли хил заҳира қисмларни ишлаб чиқиши ва уларни синааб кўришида;
- Турли хилдаги ва кўринишдаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришида;
- Болалар учун турли ўйинчоқлар ишлаб чиқаришида.

Шунинг учун ҳам 3Д-принтерлар технологиялари йил сайин ривожланиб, қўлланилиш соҳаси тобора кенгайиб бормоқда. Илмий ходимлар турли хил инсон органларини ҳам 3Д-принтерда яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Космик агентлик НАСА эса космонавтлар учун керакли бўлган турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини 3Д-принтерда яратиш устида илмий изланишларни жадаллаштирумоядлар. Бир қанча автомобилсозлик фирма ва самолётсозлик компаниялари ўзлари ишлаб чиқараётган автомобил ва самолётларнинг бир қанча қисмларини хозирдаёқ 3Д-принтерларда ясаяптилар ҳамда бундан

катта иқтисодий самара күраяптилар. Голландияда эса 3Д-технология асосида уйлар қуришга тайёргарлик қилинапти. Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан холда шуни таъкидлаш мумкинки, рақамли 3Д-технология ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнининг самарасини бир неча баробар ошириш имконини яратади ҳамда индивидуал буюртма асосида турли хилдаги саноат маҳсулотларини арzon нархларда ишлаб чиқаришга имкон беради. Худди шунинг учун ҳам бундай технологияларни Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этиш катта иқтисодий самара беради дейиш мумкин. 3Д-принтерларнинг озиқ-овқат саноатида ишлатилишига бир мисол сифатида АҚШ нинг Корнел университети илмий ходимлари томонидан ишлаб чиқилган «*Солид Фреeформ Фабрисатион*» технологиясини келтириш мумкин. Бунда хомашё сифатида озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган гидрофил полимерлар ишлатилиб, улар воситасида сунъий шоколад, печенье, олма, сир, зефир, нон ва бошқа маҳсулотларни 3Д-принтер ёрдамида хосил қилиш мумкин бўлди. Хозирги пайтда пластикдан, гипсдан, мумдан, фотополимердан ва металлдан турли хилдаги моделлар ясай оладиган 3Д-принтерлар ҳам мавжуд. Агарда сизни 3Д-принтерлар бўйича маълумотлар қизиқтирса ёки 3Д-информацион модел олишни истасангиз, [инфо@векторус.ру](mailto:инфо@векторус.ру) елестрон манзилига мурожжат қилишингиз мумкин.

Мисол сифатида 3Д-принтернинг тасвирини қуйида келтирамиз:




3Д-принтернинг ишлашжараёни эса қуида тасвирланган:



3Д-принтернинг хомашёлри тасвири эса қуидагуча:



3Д-файлнинг экрандаги кўринишига мисол:



3Д-принтерларнинг ишлаши учун керакли бўлган объектларнинг 3Д-моделларини тезда хосил қилиш учун турли хилдаги ва моделлардаги 3Д-сканерлардан фойдаланиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан холда шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон республикасиниг рақамли инноватсион ривожланишида 3Д-технологияларнинг аҳамияти жуда ҳам салмоқли бўлиб, бу амал жуда катта иқтисодий фойда келтириши мумкин. Бу эса касб-хунар коллежлари ва техника олий ўқув юртлари ҳамда университетларида 3Д-

технологияларга бағишенгандан фанлар киритиш ва бу йұналишда кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш зарурлыгини тақозо қылади. Бу йұналиш бүйича илмий-амалий ишларни кенгайтиришни ва оммалаштиришни эса янги ташкил этилган инноватсион ривожланиш вазирлиги, лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда ойлай таълим муассасалари зыммасига юклаш талааб этилади.

## **6-БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТІСОДИЁТДА МА”ЛУМОТЛАР**

### **ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

#### **6.1. Криптографиява криптоанализ**


Грек тилидан таржима қилғанда криптография сўзи “маҳфий ёзув” маъносини англатади. Криптографиянинг классик масаласи қандайдир бошланғич матнни (*очиқ матнни*) қандайдир қоидалар ёрдамида шифрланган күринишга ўтказишидир. Бунда қандайдир белгиларнинг тасодифийга ўхшаган кетма-кетлиги широматн ёки криптограмма деб аталади. Очиқ матнни оддий инсон томонидан тушунарсиз холатга ўтказиш жараёни фантили билан шифрлаш ёки дешифрлаш атамалари билан ҳам номланган. Шифрлаш деганда барча томонидан тушуниладиган ва очиқ маълумотларни шифрланган маълумотларга (*шифрланган матнга*) ўзгартиришга айтилса, дешифрлаш деганда шифрланган маълумотларни очиқ маълумотларга ўзгартирувчи тескари жараёнга айтилади. Шифрлаш усули (*шифр*) деб, шифрлаш алгоритмига биноан очиқ информатсияни беркитилган (*тушунарсиз*) информатсияга ўзгартирувчи амаллар мажмусига айтилади. Күпчилик шифрлаш тизимлари вақтнинг бешавқат синовларига дош беради, бошқаларидан эса хозирги давргача фойдаланилади. Ҳисоблаш машиналари, компьютер тармоқлари ва интернетнинг пайдо бўлиши маълумотларни шифрлаш-дешифрлашнинг кўпгина Янги усулларининг яратилишига туртки бўлди. Шифрга хужум (*ёки криптоанализ*) калитни билмасдан туриб, шифрлаш алгоритмини аниқлашга ва берк бўлган имформатсияни берухсат ўқишига (*расшифровка қилишига*) бўлган уринишидир.


*Шифрлашнинг замонавий усуллари қуйидаги талабларга жавоб берииши лозим:*

- Шифрнинг криptoанализга (*дeшифровкага*) бўлган турғунлиги (чиdamлилиги –*криптотурғунлик*) шундай бўлиши лозимки, унинг фош этилиши фақатгина калитларнинг тўлик саралаш масаласини ечиш орқалигина амалга оширилиши мумкин бўлсин;
- Криптотурғунлик шифрлаш алгоритмининг маҳфийлиги орқали эмас, балки калитнинг маҳфийлиги орқали таъминланади;
- Шифр матн ҳажми бўйича дастлабки информатсиядан ортиқ бўлмаслиги лозим;
- Шифрлашдаги хатоликлар информатсиянинг бузилишига ва йўқолишига олиб келмаслиги керак;
- Шифрлаш вақти жуда ҳам катта бўлмаслиги зарур;

Шифрлашнинг кенг миқёсда ишлатилувчи алгоритмини амалда маҳфий сақлаш мумкин эмас. Шу сабабли, алгоритмнинг криptoаналитик фойдаланиши мумкин бўлган заиф томонлари бўлмаслиги лозим. Агар бу шарт бажарилса, шифрнинг криптотурғунлиги калит узунлиги орқали аниқланади, чунки шифрланган информатсияни фош этишнинг ягона йўли – калит комбинатсияларини сақловчи алгоритмни расшифровка қилишdir. Шундай қилиб, криptoанализ учун сарф қилинадиган вақт ва воситалар калит узунлигига ҳамда шифрлаш алгоритмининг мураккаблигига боғлиқдир. Шифрлаш усуллари турли аломатлари бўйича қуйидаги чизмада келтирилгандек таснифл

*Shifrlash usullari*





### *Симметрик (маҳфий) калитли шифрлаш тизимлари*

Алмаштириш усулларининг моҳияти – бир алфавитда ёзилган информацион символларни бошқа алфавит символлари билан маълум бит қоида бўйича алмаштиришдан иборатдир. Бу гурухга мансуб энг содда усул сифатида тўғридан-тўғри алмаштириш усулини кўрсатиш мумкин. Дастребки инфоматсия ёзилувчи  $A_0$  алфавитнинг  $c_{0i}$  символларига шифрловчи алфавитнинг  $c_{1i}$  символи мос қўйилади. Оддий холда иккала алфавит ҳам бир хил символлар тўпламига эга бўлиши мумкин. Иккала алфавитдаги символлар ўртасидаги мослих маълум бир алгоритм бўйича Ксимволлар узунлигига эга бўлган дастребки матн  $T_0$  символларининг рақамли эквивалентларини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

*Моноалфавитли алмаштириш алгоритми қўйидаги қадамлар кетма-кетлиги кўрининшида ифодаланиши мумкин:*

*1-қадам:* [1xP] ўлчамли дастребки  $A_0$  алфавитдаги ҳар бир символ  $c_0 \in T(i=1, K)$  ни  $A_0$  алфавитдагис  $c_{0i}$  символ тартиб рақамига мос келувчи  $x_{0i}$  сонига алмаштириш йўли билан рақамлар кетма кетлиги  $L_{0x}$  ни шакллантириш.

*2-қадам:*  $L_{0x}$  кетма-кетлигининг ҳар бир сонини  $x_{1i} = (k_1 x_{0i} (c_{0i}) + k_2) \text{ (mod } P)$  формула орқали ҳисобланувчи  $L_{1x}$  кетма кетлигининг мос сонини  $x_{1i}$  га алмаштириш йўли билан  $L_{1x}$  сонлар кетма кетлигини шакллантириш, бу ерда  $k_1$  ўнлик коефитсиент,  $k_2$  esa силжитиш коефитсиенти. Танланган  $k_1$  ва  $k_2$  коефитсиентлар  $x_{0i}$  ва  $x_{1i}$  сонларининг бир маъноли мослигини

таъминлаши лозим.  $x_{1i} = 0$  деб олинганида  $x_{1i} = P$  алмашинуви бажарилиши керак.

3-қадам:  $L_{1x}$  кетма кетлигининг ҳар бир сони  $x_{1i}(c_{1i})$  ни  $[1 \times P]$  ўлчамли шрифрлаш алфавитининг мосс  $\in T_1(i=1, K)$  символи билан алмаштириш орқали  $T_1$  шифр матнини ҳосил қилиш.

4-қадам: Олинган шифр матни ўзгармас б узунликдаги блокларга ажратилади. Агар охирги блок тўлиқ бўлмаса, блок орқасига маҳсус символ-тўлдиргичлар жойлаштириш (масалан, \* символини).

*Мисол: Шифрлаш учун дастлабки маълумотлар:*

$$T_0 = <\text{ХИМОЯ_ХИЗМАТИ}>$$

$$A_0 = <\text{АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ}>$$

$$A_1 = <\text{ОРЁЯТЭ-ЖМЧХАВДЙФҚСЕЗПИЦГҲЛЪШБУОҚГН}>$$

$$P=36 \quad k_1=3 \quad k_2=15 \quad b=4$$

Алгоритмнинг қадамба-қадам бажарилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

1-қадам:  $L_{0x} = <35, 10, 14, 16, 31, 36, 23, 10, 9, 14, 1, 20, 10>$

2-қадам:  $L_{1x} = <12, 9, 21, 17, 36, 14, 12, 9, 6, 21, 18, 3, 9>$

3-қадам:  $T_1 = <\text{ХЖЕФНВҲЖТЕҚЁЖ}>$

4-қадам:  $T_1 = <\text{ХЖЕФНВҲЖТЕҚЁЖ***}>$

Расшифровка қилишда блоклар бирлаштирилиб, Ксимволли шифроматн  $T_1$  ҳосил қилинади. Расшифровка қилиш қуйидаги бутун сонли тенгламани (тселочисленное уравнение) ечиш керак бўлади:

$$k_1 x_{01} + k_2 = n P + x_{1i}$$

Ушбу тенгламадаги  $k_1$ ,  $x_{11}$ ,  $k_2$  ва  $P$  бутун сонлар маълум бўлганда  $x_{0i}$  катталиги н ни саралаш орқали ҳисобланади. Бу муолажани шифроматнинг барча символларига тадбиқ қилиш унинг расшифровка қилинишига олиб келади. Алмаштириш усулининг камчилиги сифатида дастлабки ва берилган матнлар статистик кўрсатгичларининг бир хиллигини кўрсатиш мумкин. Дастлабки матн қайси тилда ёзилганини билган холда, криptoаналитик ахборотларни статистик қайта ишлаб, иккала алфавитдаги символлар

орасидаги мос келишликларни аниқлаши ва матнни расшифровка қилиши мумкин

### *Полиалфавитли алмаштириши усуллари*

Бу усуллар етарлича юқори даражадаги криптотурғунликка эга ва бунда дастлабки матн символларини алмаштириш учун бир неча алфавитлардан фойдаланадилар. Расман полиалфавитли алмаштиришиңи қуидагиҳса тасаввур қилиш мумкин. Н – алфавитли алмаштиришда дастлабки  $A_0$  алфавитдаги  $c_{01}$  символи  $A_1$  алфавитдаги  $c_{11}$  символи билан алмаштирилади ва ҳакозо.  $c_{0H}$  символини  $c_{nH}$  символи билан алмаштиргандан сўнг  $c_{0(H+1)}$  символининг ўринини  $A_1$  алфавитдаги  $c_{1(H+1)}$  символи олади ва ҳакозо.

Полиалфавитли алмаштириш алгоритмлари ичидавигинер жадвали (матритсаси)  $T_B$  ни ишлатувчи алгоритм энг кенг миқёсда тарқалган. Вигинер жадвали  $[PxP]$  ўлчамли квадрат матритсадан иборат бўлиб (*P- ишлатилаётган алфавитдаги символлар сони*), биринчи қаторда символлар алфавит тартибида жойлаштирилади. Иккинчи қатордан бошлаб, символлар чапга битта ўринга силжитилган холда ёзилади. Сиқиб чиқарилган символлар ўнг тарафдаги бўшаган ўринни тўлдиради (тсиқлик силжитиш). Агар бу жараёнда кирилл алфавитидаги ўзбек алфавити ишлатилса, Вигинер матритсаси қуида келтирилганидек,  $(36 \times 36)$  ўлчамга эга бўлади:

АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ  
БВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ\_A  
ВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ\_AB  
ГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ\_ABВ  
ДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ\_АБВГ  
ЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ\_АБВГД  
ЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯЎҚФҲ\_АБВГДЕ

.....  
.....  
.....

## АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯҮҚФХ

Ширфлаш такрорланмайдиган М символдан иборат калит ёрдамида амалга оширилади. Вижинернинг тўлиқ матритсасидан [ (M+1), P ] ўлчамли шифрлаш матритсаси Т<sub>ш</sub> ажратилади. Бу матритсанинг биринчи қатори ва биринчи элементлари калит символларига мос келувчи қаторлардан иборат бўлади. Агар калит сифатида <FЎЗА>сўзи танланган бўлса, шифрлаш матритсаси Т<sub>ш</sub> қуидаги бешта қатордан иборат бўлади:

АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯҮҚФХ

ФХ\_АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯҮҚ

ҮҚФХ\_АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯ

ЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯҮҚФХ\_АБВГДЕЁЖ

АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОРСТУФХЦЧШЭЮЯҮҚФХ\_

Вигинер жадвали ёрдамида шифрлаш алгоритми қуидаги қадамлар кетма кетлигидан иборат:

*1-қадам:* Узунлиги М символли К калитни танлаш.

*2-қадам:* Танланган К калит учун [ (M+1), P ] ўлчамли шифрлаш матритсаси Т<sub>ш</sub> = (б<sub>иж</sub>)ни қуриш.

*3-қадам:* Дастреканинг ҳар бир символи с<sub>0Р</sub> тагига калит символик<sub>M</sub> жойлаштирилади. Калит кераклича миқдорда такрорланади.

*4-қадам:* Дастреканинг символлари шифрлаш матритсаси Т<sub>ш</sub>дан қуидаги коида бўйича танланган символлар билан қуидагича тартибда кетма кет алмаштирилади:

1. К калитнинг алмаштирилувчи с<sub>0Р</sub> символига моск<sub>M</sub> символи аниқланади.
2. Шифрлаш матритсаси Т<sub>ш</sub> дагик<sub>M</sub> = б<sub>иж</sub>шарт бажарилувчи қатор топилади.
3. с<sub>0Р</sub> = б<sub>иж</sub>шарт бажарилувчи ж устун аниқланади.
4. с<sub>0Р</sub> символи б<sub>иж</sub> символи билан алмаштирилади.

*5-қадам:* Шифрланган кетма-кетлик маълум узунликдаги (масалан, 4 символли) блокларга ажратилади.

*Матнни расшифровка қилиш эса қуийдагиңа кетма кетликтә амалга оширилади:*

*1-қадам:* Шифрлаш алгоритмининг учинчи қадамидагидек, шифроформат тагига калит символлари кетма кетлиги ёзилади.

*2-қадам:* Шифроматндан  $c_1$  символлари ва мос калит символлари  $K_m$  кетма кет танланади. Шифрлаш матритсаси  $T_w$  даги  $K_m = b_{ij}$  шартни қаноатлантирувчи иқатор аниқланади. Иқатордабы  $b_{ij} = c_1$  элемент аниқланади. Расшифровка қилинган матндар – ўрнигабык символи жойлаштирилади.

*3-қадам:* Рашифровка қилинган матн ажратиласдан ёзилади. Хизматчи символлар эса олиб ташланади.

Мисол:

$K = <F\ddot{U}ZA>$  калити ёрдамида  $T = <PAHTAFARAMI>$  дастлабки матнни шифрлаш ва сўнгра расшифровка қилиш талаб этилсин. Шифрлаш ва расшифровка қилиш натижалари куйида келтирилган:

*Дастлабки матн: PAHTA\_FARAMI*

*Калит: F\ddot{U}ZA F\ddot{U}ZA F\ddot{U}ZA*

*Алмаштирилган сўнгги матн: M\ddot{U}JATF\ddot{Y}EAH\ddot{U}FI*

*Шифроматн: M\ddot{U}JATF\ddot{Y}EAH\ddot{U}FI*

*Калит: F\ddot{U}ZA F\ddot{U}ZA F\ddot{U}ZA*

*Расшифровка қилинган матн: PAHTA\_FAARAMI*

*Дастлабки матн: PAHTA\_FAARAMI*

Полиалфавитли алмаштириш усулларининг криптотурғунлиги оддий алмаштириш усулларига нисбатан сезиларли даражада юқори, чунки уларда дастлабки кетма кетликнинг бир символлари турли символлар билан алмаштирилиши мумкин. Аммо шифрнинг статистик усулларга бардошлилиги калит узунлигига боғлиқ.

*Ўрин алмаштириш усуллари*

Ўрин алмаштириш усулларига биноан дастлабки матн белгиланган узунликдаги блокларга ажратилиб, ҳар бир блок ичидаги символлар ўрни маълум алгоритм бўйича алмаштирилади. Энг осон ўрин алмаштиришга

мисол қилиб, дастлабки информатсия блокини матритсага қатор бўйича ёзишни, ўқиши эса устун бўйича амалга оширишни кўрсатиш мумкин. Матритса қаторларини тўлдириш ва ширфланган информатсияни устун бўйича ўқиши кетма-кетлиги калит ёрдамида бажарилиши мумкин. Усулнинг криптотурғунлиги блок узунлигига (*матритса ўлчамига*) боғлиқ. Масалан, узунлиги 64 символга teng бўлган блок (*матристга ўлчами 8x8*) учун калитнинг 1,6 миллиард комбинатсияси бўлиши мумкин. Узунлиги 256 символга teng бўлган блок (*матритса ўлчами 16x16*) учун эса калитнинг мумкин бўлган комбинатсиялари сони  $1,4 \cdot 10^{26}$  га етиши мумкин. Бу холда калитни саралаш масаласи замонавий комп’ютерлар учун ҳам мураккаб амал ҳисобланади.

*Гамильтон маршрутларига асосланган усулда ҳам ўрин алмаштиришлардан фойдаланилади.* Ушбу усул қуидаги қадамларни бажариш орқали амалга оширилади:

*1-қадам:* Дастребаки информатсия блокларга ажратилади. Агар шифрланувчу информатсия узунлиги блок узунлигига каррали бўлмаса, охирги блокдаги бўш ўринларга маҳсус хизматчи символлар – тўлдирилувчилар жойлаштирилади. Масалан, \* символи.

*2-қадам:* Блок символлари ёрдамида жадвал тўлдирилади ва бу жадвалда символнинг тартиб рақами учун маълум бир жой ажратилади.

*3-қадам:* Жадвалдаги символларни ўқиши маршрутларнинг бири бўйича амалга оширилади. Маршрутлар сонининг ошиши шифр криптотурғунлигини оширади. Маршрутлар кетма-кет танланади ёки уларнинг навбатланиши калит ёрдамида берилади.

*4-қадам:* Символларнинг шифрланган кетма-кетлиги белгиланган L узунликдаги блокларга ажратилади. L катталик биринчи қадамда дастребаки информатсия бўлинадиган блоклар узунлигидан фарқланиши мумкин

Маълумотларни расшифровка қилиш эса тескари тартибда амалга оширилади. Калитга мос холда маршрут танланади ва бу маршрутга биноан

жадвал тўлдирилади. Жадвалдан символлар элемент номерлари келиши тартибида ўқилади.

*Мисол:*

Дастлабки матн $T_0$  = <ЎРИНАЛМАШТИРИШУСУЛИ>ни шифрлаш тилан этилсин. Калит ва шифрланган блоклар узунлиги мос холда куйидагиларга тенг:

$$K = \langle 2,1,1 \rangle \quad L = 4$$

Шифрлаш учун маҳсус жадвал ва иккита маршрутдан фойдаланилади. Берилган шартлар учун матритсалари тўлдирилган маршрутлар график кўринишда ифодаланади. Амалиётда ўрин алмаштириш усулини амалга оширувчи маҳсус шифровчи ва дешифровчи аппарат воситалар ишлатилади.

Ўрин алмаштириш усулларининг амалга ошириши содда бўлсада, улар иккита жиддий камчиликларга эга. Биринчидан, бундай шифрлашни статистис усуллар ёрдамида фош қилиш мумкин. Иккинчидан, агар дастлабки матн узунлиги  $K$  символлардан ташкил топган блокларга ажратилса, ширфни фош қилиш учун шифрлаш тизимиға биттасидан бошқа барча символлари бир хил бўлган матн инфоматсиясининг  $K-1$  блогини юбориш кифоя.

#### *Шифрашнинг аналитик усуллари*

Матритса алгебрасига асосланган шифрлаш усуллари энг кўп тарқалган. Бунда дастлабки инфоматсиянинг  $B_k = (b_{ik})$  вектор кўринишида берилган  $k$  – блокини шифрлаш  $A = (a_{ijk})$  матритса калитни  $B_k$  векторга кўпайтириш орқали амалга оширилади. Натижада  $C_k = (c_{ii})$  вектор кўринишидан шифроматн блоки ҳосил қилинади. Бу векторнинг элементлари  $c_{ii} = \sum_j a_{ij} b_j$  ифодаси орқали аниқланади. Инфоматсияни расшифровка қилиш

$C_k$  векторларни  $A$  матритсага тескари бўлган  $A^{-1}$  матритсага кетма-кет кўпайтириш орқали аниқланилади.

#### *Шифрашнинг аддитив усуллари*

Шифрлашнинг аддитив усулларига биноан дастлабки информатсия символларига мос келувчи рақам кодларининг кетма-кетлигигамма деб аталувчи қандайдир символлар кетма-кетлигига мос келувчи кодлар кетма-кетлиги билан кетма-кет жамланади. Шу сабали, шифрлашнинг аддитив усуллари *гаммали* деб ҳам аталади. Ушбу усуллар учун калит сифатида гамма ишлатилади. Аддитив усулларнинг криптотурғунлиги калит узунлигига ва унинг статистис кўрсатгичларининг текислигига боғлик. Агар калит шифрланувчи символлар кетма-кетлигидан қисқа бўлса, шифроматн криптоаналитик томонидан статистис усуллар ёрдамида расшифровка қилиниши мумкин. Калит ва дастлабки информатсия узунликлари қанчалик фарқ қиласа, шифроматнга муваффақиятли ҳужум эҳтимоллиги ҳам шунчалик ортади. Агар калит узунлиги шифрланувчи информатсия узунлигидан катта бўлган тасодифий сонларнинг даврий бўлмаган кетма-кетлигидан иборат бўлса, калитни билмасдан туриб, шифроматни расшифровка қилиш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Амалиётда асосини псевдотасодифий сонлар генераторлари (*ёки датчиклари*) ташкил этган аддитив усуллар энг кўп тарқалган ва самарали ҳисобланади. Бундай генераторлар псевдотасодифий сонларнинг чексиз кетма-кетлигини шакллантиришда нисбатан қисқа узунликдаги дастлабки информатсиядан фойдаланилади. Псевдотасодифий сонлар кетма-кетлигини шакллантиришда когруент генераторлардан ҳам фойдаланилади. Бу тоифага мансуб генераторлар сонларнинг шундай псевдотасодифий кетма-кетликларини шакллантиради, улар учун генераторларнинг даврийлиги ва чиқиш йўли кетма-кетликларининг тасодифийлиги каби асосий кўрсатгичларини қатъий математик тарзда ифодалаш мумкин. Бундай генераторларни аппарат ёки дастурий воситалар ёрдамида осонлик билан яратиш мумкин.

### *Шифрлашнинг комбинатсияланган усуллари*

Кудратли компютарлар, тармоқ технологиялари ва нейронли ҳисоблаш тизимларининг пайдо бўлиши хозиргача умуман фош қилинмайди деб ҳисоблабган криптографик тизимларнинг обрусиzlантирилишига сабаб

бўлди. Бу эса ўз навбатида юқори турғунликка эга бўлган криптотизимларни яратишни тақозо қилди. Бундай криптотизимларни яратиш усулларидан бири шифрлаш усулларнинг комбинацияланган тартибда қўлланилишидир. Қуйида энг кам вақт сарф қилган холда криптотурғунликни жиддий равища ошириш имконини берувчи шифрлашнинг комбинатсияланган усули ҳақида гап боради. Шифрлашнинг ушбу комбинатсияланган усулида маълумотларни шифрлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда маълумотлар стандарт усул (*масалан, DES усули*) ёрдамида шифрланса, иккинчи босқичда шифрланган маълумотлар иккинчи бор маҳсус усул бўйича қайта шифрланади. Маҳсус усул сифатида маълумотлар векторининг элементларини нолдан фарқли бўлган сон матритсасига кўпайтиришдан фойдаланиш мумкин. Гаммалашни қўллашда агар шифр гаммаси сифатида рақамларнинг такрорланмайдиган кетма-кетлиги ишлатилса, шифрланган матнни фош қилиш жуда ҳам қийин бўлади. Одатда шифр гаммаси ҳар бир сўз узунлигидан катта бўлса ва дастлабки матннинг ҳеч қандай қисми маълум бўлмаса, шифрни фақат тўғридан-тўғри саралаш орқалигина фош қилиш мумкин. Бунда криптотурғунлик калит ўлчами орқали аниқланади. Шифрлашнинг бу усулида кўпинча ҳимоя тизимининг дастурий кўринишида амалга оширилишида фойдаланилади ва шифрлашнинг бу усулига асосланган тизимларда бир секундда маълумотларнинг бир нача юз килобайтини шифрлаш имконияти мавжуд. Расшифровка қилиш жараёни – калит маълум бўлганда, шифр гаммасини қайта генератсиялаш ва уни сифрланган маълумотларга сингдиришдан иборатdir.

### ***Очиқ калитли шифрлаш тизимлари***

Очиқ калитли шифрлаш тизимларида иккита калит ишлатилади. Информатсия очиқ калит орқали шифрланса, маҳфий калит ёқдамида расшифровка қилинади. Очиқ калитли тизимларни қўллаш асосида қайтарилмас ёки бир томонли функциялардан фойдаланиш ётади. Бундай функциялар қуйидаги ҳусусиятларга эга. Ҳеч кимга сир эмаски, х маълум бўлса,  $y = \phi(x)$  функцияни аниқлаш жуда осон. Аммо  $y = \phi(x)$  функциянинг

маълум қиймати бўйича х ни аниқлаш амалий жиҳатдан жуда ҳам қийин. Криптографияда яширин деб аталувчи йўлга эга бўлган бир томонли функциялар ишлатилади. З параметрли бундай функциялар қуидаги хусусиятларга эга. Маълум з параметер учун  $E_z$  ва  $D_z$  алгоритмларини аниқлаш мумкин.  $E_z$  Алгоритми ёрдамида аниқлик соҳасидаги барча x ларучун  $\phi_z(x)$  функцияни осонгина олиш мумкин. Худди шу тариқа  $D_z$  алгоритми ёрдамида жоиз қийматлар соҳасидаги барча y лар учун тескари функция  $x = \phi^{-1}(y)$  ҳам осонгина аниқланади. Айни вақтда жоиз қийматлар соҳасидаги барча z параметрлар ва деярли барча y учун ҳатто  $E_z$  маълум бўлганда ҳам  $x = \phi^{-1}(y)$  ни ҳисоблашлар йрдамида топиб бўлмайди. Очиқ калит сифатида y ишлатилса, маҳфий калит сифатида x ишлатилади. Очиқ калитни ишлатиб, шифрлаш амалга оширилса, ўзаро мулоқотда бўлган субъектлар орасида маҳфий калитни алмашиш зарурияти йўқолади. Бу эса ўз навбатида узатилувчи информатсиянинг криптоҳимоясини соддалаштиради. Очиқ калитли криптотизимларни бир томонлама функциялар қўриниши бўйича фарқлаш мумкин. Буларнинг ичидаги РСА, Эль-Гамал ва Мак-Элис тизимларини алоҳида тилга олиш ўринлидир. Хозирда энг самарали ва кенг тарқалган очиқ калитли алготирм сифатида РСА алгоритмини кўрсатиш мумкин. Ушбу алгоритмнинг номи уни яратганларнинг фамилиялари биринчи ҳарфларидан олинган (Ривест, Шамир, Адлеман). Алгоритм модул арифметикасининг даражага кўтариш амалидан фойдаланишга асосланган (бунда эйлер функцияси ҳисобланади). Эл-Гамал тизими чекли майдонларда дискрет логарифмларнинг ҳисобланиш мураккаблигига асосланган. Мак-Елис криптотизимида эса хатоликларни тузатувчи кодлар ишлатилади.

*Хозирги кунда шифрлашнинг замонавий усуллари қуидаги талабларга жавоб берни керак:*

- Шифрнинг криptoанализга турғунлиги (*криптотурғунлик*) шундай бўлиши лозимки, унинг фош этилиши фақатгина калитларни тўлиқ саралаш масаласини ечиш орқалигина амалга оширилиши мумкин бўлсин.

- Криптотурғунлик шифрлаш алгоритмининг маҳфийлиги орқали эмас, балки калитнинг маҳфийлиги орқали таъминланади.
- Шифриматн ҳажми бўйича дастлабки маълумотлардан ортиқ бўлмаслиги керак.
- Шифрлашдаги хатоликлар инфоматсиянинг бузилишига ва йўқолишига олиб келмаслиги лозим.
- Шифрлаш вақти жуда ҳам катта бўлмаслиги керак.
- Шифрлаш нархи беркитилувчи инфоматсия нархи биланмувофиқлаштирилиши лозим.

Шифрлаш усуллари га бўлган ушбу талаблар руйҳати том маънода жўнатилаётган ахборотнинг тегишли субъектларга (*ташикілот, индивид ёки тармоқ комп’ютерларига*) ҳавфсиз даражада етиб боришини тўла-тўкис таъминлаб бертади.

## **6.2. Маълумотларнинг элестрон ҳимояси**

Умуман олганда, криптографияни икки қисмга бўлиш мумкин: маълумотларни беркитишнинг умумий усулларини ривожлантириш, шифрлаш тизимларининг таҳлили ва уларнинг ишончлилини таъминлаш билан боғлиқ бўлган назарий қисм ҳамдашифрлаш тизимларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган амалий қисмлардан иборат. Маълумотларни ҳимоя қиласидиган шифрлар жуда ҳам ишончли бўлиши лозим, яъни, улар шифрлашни бузишга бўлган уринишларга нисбатан ўта бардошли бўлиши керак. Шифрнинг ишончлилигини асослаш учун уни очишга кетадиган иш ҳажмини чамалаш зарур. Бунда агар шифр калитини топиш учун кетадиган вақт маълумотларнинг фойдали равишда ишлатиладиган вақт интервалидан кўп бўлсагина, бундай шифр ишончи деб ҳисобланилади. Лекин шифрлаш бўйича йирик олим К.Шенононга кўра, шифрланаётган инфоматсия ҳажмига teng бўлган узунликдаги калитли шифргина абсолют ишончли шифр ҳисобланади. Бошқа барча шифрларни очиш

мумкин, аммо бунда гап бунинг учун керакли бўлган техник воситалар қуввати ва дешифрлаш учун кетадиган вақтга боғлиқ бўлади. Жамиятдаги маълумотлар ҳажми кам миқдорда бўлганида унчалик мураккаб бўлмаган шифрларни ишлатиш етарли бўлган. Маълумотлар ҳажмининг кўпайиб бориши билан янада мураккаброқ шифрларни ишлатиш зарурияти пайдо бўлиб, маълумотларни шифровка қилиш учун бу соҳага маҳсус ўқитилган инсонлар – *шифровкачилар* жалб қилина бошланди. Кейинчалик, маълумотлар ҳажми жуда ҳам кўпайиб, расшифровкани инсонлар бажара олмайдиган холат юз бергани туфайли, бу ишни бажара оладиган механик ва электорн қурилмалар яратилди. Компьютерлар пайдо бўлганидан сўнг эса маълумотларни шифровка ва расшифровка қилишнинг янада замонавий ва ўта мураккаб усуллари пайдо бўлди ва улар турли соҳаларда кенг миқёсда ишлатилина бошланди. Компьютерлар ёрдамида энди нафақат маълумотлар ҳимояси, балки Янги муаммолар ҳам ҳосил қилина бошланди, Масалан, элестрон хужжат алмашинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган элестрон имзо ҳам ишлатилина бошланди. Чунки энди элестрон почта имкониятлари молиявий хужжатларни ва конфидентсиал маълумотлари узатишда ҳам ишлатила бошланди. Электрон тижорат ҳам маълумотларнинг конфидентсаллигини таъминловчи, аутентификатсия қилувчу ва киришни бошқарувчи воситаларни талаб қиласди. Рақамли пуллар, криптовалюталар, ИСО лар ҳамда уларнинг токенлари ва рақамли валюта алмаштириш шаҳобчалари ҳам элестрон ҳимоянинг самарадор воситаларини талаб қиласди. Худди шундай техник ва дастурий воситалар сифатида ҳам замонавий криптографик ҳимоя усуллардан фойдаланилади. Криптографиядан фойдаланиш қўйидагиларни таъминлаб беради:

- Конфидентсиаллик – бу информатсиянинг сақланишида ва узатилишида маълумотларни руҳсат берилмаган ўқишдан ҳимоя қилишдир. Бу ширфлаш орқали амалга оширилади;

- *Маълумотлардан фойдаланишинг назорати* – информатсиядан фақатгина рухсат берилган инсонлар фойдалана олиши керак;
- *Аутентификация* – маълумот узатувчи кимлигинаи аниқ билиш имконияти. Буни элестрон рақамли имзо ва сертификат амалга ошириб беради;
- *Бутунлилик* – информатсиянинг сақланиш ва узатилиш жараёнида рухсатсиз ўзгартирила олинмаслиги. Бу талаб элестрон рақамли имзо ва имитоҳимоя орқали бажарилади;
- *Информатсиядан воз кеча олмаслик* – бу маълумот узатувчининг ўзи жўнатган маълумотлардан тонмаслигини таъминлаб беради. Бу ҳам элестрон рақамли имзо ва сертификат орқали таъминланади.

Енди элестрон рақамли имзо ҳосил қилишда ишлатиладиган бир қанча оммабоп алгоритмларни кўриб чиқамиз. Мулоқотдаги иккала томон шифрланган маълумотларни ўзаро алмашина олишлари учун улар ишлатадиган алгоритм ва калит (*компьютер техникаси ишлатилганда калит бу сон ёки сонлар кетма-кетлигидир*) тўғрисида келишиб олишлари лозим. Шифрлаш алгоритмлари бир неча йиллар давомида яратиладиган ва созланадиган математик функциядир. Баъзи бир алгоритмлар барчага маълум ва машҳур бўлса, бошқалари маҳфий ва конфидентсиалдир. Энг таниқли оммабоп алгоритмлар сифатида РС4 ва ДЕС (ЗДЕС, ДЕСх) алгоритмларининг турли вариантларини кўсатиш мумкин. ИДЕА алгоритми эса конфидентсал бўлиб, АҚШ хукумати томонидан ишлаб чиқилган ва унинг қандайлиги ҳеч кимга ҳеч қачон маълум қилинмайди. Юқоридаги алгоритмларда калит – маълумот алмашиниш ҳақида ўзаро келишаётган томонидан ишлатиладиган маҳфий сон бўлади. Шифрлаш усуллари барча фойдаланилиши учун мўлжалланган ва конфидентсиал турларга бўлинади. Фойдаланувчи ўз шартшароитларидан келиб чиқиб ва қўйилган талабларга қараб унисини ёки бунисини ўз фаолиятида ишлатиши мумкин. Шифрлаш усулларининг эса

икки асосий тури мавжуд: симметрик калитли шифрлаш ва очиқ калитли шифрлаш тизимлари. Бир қанча сабабларга кўра, симметрик калитли шифрлаш усулларидан олдинроқ фойдаланила бошланди. Унинг амалга оширилиши учун маълумотларни шифрлаш ва дешифрлаш мақсадларида биттагина калит ишлатилади. Бу калитдан икки шахс орасида маълумот алмашиниш учун фойдаланилади. Агарда маълумот алмашиниш жараёнида бир нечта инсон иштирок этса, у холда уларнинг ҳар бири маълумот алмашинувчи шахслар биладиган ўз шахсий калитларига эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ҳам бу холда маълумот алмашиниша иштирок этадиган шахслар сони ортиб бориши билан калитлар сони ҳам геометрик прогрессия тезлигида оша бошлайди. Бу холда бир вақтнинг ўзида икки киши битта калитга эгалик қилгани учун у ёки бу хужжатни жўнатувчи ким эканлигини аниқлашнинг ёки идентификатсия қилишнинг имконияти бўлмайди. Симметрик шифрлашнинг энг кўп ишлатиладиган протоколи 1976 йилда АҚШ давлати томонидан критик бўлмаган информатсион массивларини ҳимоя қилиш учун ишлатишга мўлжалланган криптографик стандарт – РС4 (*Ривест сипҳер 4*) ва ДЕС (*Дата энсриптион Стандарт*) ҳисобланади.

Шифрлашнинг чидамлилиги фойдаланиладиган калитнинг ҳам чидамлилик даражасига боғлиқ бўлади. Чидамлилик икки кўрсатгич орқали – калитнинг узунлиги ва унинг тасодифийлилик даражаси билан аниқланади. Калит қанчалик узун бўлса, унинг ҳисоблаб топпиш ҳам шинча мураккаб бўлади. Лекин маълумотлар ҳавфсизлигини таъминлашда асосийси калитнинг чидамлилиги ҳам эмас, бунда асосий муаммо – калитнинг ҳавфсиз сақланишидир. Яъни калитни олмоқчи бўлган потентсиал ўғри ундан фойдалана олмаслиги лозим. Махфий калитнинг ҳимоясини таъминлаш учун уни генератсия қилиш, сақлаш, алмашиниш ва ҳимоялашни жуда яхши амалга ошириш керак бўлади. Ҳавфсизлик тизимларининг кўпчилик турларида калитларсақлашнинг аппарат модулларида (ҲСМ – *Ҳардваре Стораге Модуле*) ёки смарт

карталарда сақланади. Бу амал мантиқий/криптографик ҳимоя билан бир қаторда унга қўшимча равишда маълумот сақлашнинг физик даражасини ошириш учун ҳизмат қиласди. Симметрик шифрлаш алгоритмларининг энг асосий камчилиги қуйидагидан иборат: маълумот алмашинишдан аввал маълумот олувчига маҳфий калитни қандайдир қилиб жўнатиш керак. Интернет орқали калитларни жўнатиш жуда ҳавфли, шунинг учун калитни “қўлдан-қўлга” дискетада ёки оддий почта орқали ёки куръер ҳизмати воситасида жўнатилади. Бу ишни бир марта амалга ошириш кифоя, шундан сўнг маълумотларни исталганча шифрлаб жўнатиш мумкин. Аммо экспертларнинг фикрича, калитларни имконият бўлса, тез-тез алмаштириб турган маъқул. Чунки, агарда калит бирор бир йўл билан бошқалар қўлига тушиб қолса, энди хатларингиз очик, шифрланмаган холда кетиши мумкин. Симметрик алгоритм шахсий компьютерингиздаги файлларни ўзингиз учун шифрлашда жуда ҳам қулай. Чунки агарда ноутбокингиз ёки планшетингизни бирор бир жойда қолдириб кетсангиз ёки ўғирлатиб қўйсангиз, унинг ичидаги маълумотларни шифрлаб қўйганлигиниз туфайли, ундағи маълумотларни ҳеч кимса ўқий олмайди. Бунда албатта маҳфий калитни ва калит коди ёзилган дискетни ҳам ноутбук сумкасига солиб қўймаган бўлсангиз, маҳфий маълумотларингизни ҳеч кимса ўқий олмайди. Ўз компьютерингиздаги маълумотларни шифрлаб қўйишнинг бир неча хил усуслари мавжуд бўлиб, уларнинг ичидан фойдаланувчи учун билинмайдиган “шаффоф” шифрлаш дастурларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай программалар компьютернинг мантиқий дискларини шифрлаш учун ишлатилади. Агарда уларни бир марта гина компьютерингиз учун созлаб қўйсангиз, кейинчалик бундай программалар дискка ёзиладиган барча маълумотларни автоматик равишда шифровка қиласдилар ва дискдан ўқиладиган маълумотларни ҳам автоматик равишда дешифровка қилиш имконини яратадилар. Яъни ишларингизни қулай, тез ва ҳавфсиз амалга оширасиз. Баъзи вақтларда

маълумотларни интернет орқали симметрик кодлаштирилиб жўнатилишга мўлжалланган шифрлаш алгоритмларини танлаб олиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Агарда узатиладиган маълумотлар жуда ҳам маҳфий бўлса, юқори даражадаги маҳфийликни таъминлаш учун ушбу усулни қўллаш мумкин. Бунда юқори даражадаги маҳфийликка калитларнинг тармоқли тўпламидан фойдаланиш орқали эришилади. Яъни, калитларнинг тармоқ тўплами матритса кўринишида бўлади. Матритсанинг ҳар бир қатори эса шифрлаш тизимидаги биттагина фойдаланувчининг калитлари мажмуи бўлиб ҳизмат қиласди. Ҳар бир фойдаланучи бир қанча калитларга эга бўлгани сабабли, маълумотларни ўғирламоқчи бўлган шахс барча калитлар тўпламини қўлга киритиш имкониятига эга бўла олмайди.

Шифрлашнинг иккинчи усулу очиқ калитлар технологиясидан фойдаланишdir. Бу усулни яна асимметрик криптография деб ҳам аташади. Ушбу усулдан фойдаланганда иккита калитдан фойдаланилади: очиқ (*оммавий*) ва ёпиқ (*маҳфий*) калитлар. Ёпиқ калит (*привате кей*) тасодифий равишда танланган тасодифий сон сифатида бўлиши ёки компьютердаги тасодифий сонлар датчидидан танлаб олиниши керак. Очиқ калит эса (*публич кей*) ёпиқ калит орқали ҳисобланиб топилиши лозим. Аммо бунда тескари иш амалга ошишининг умуман иложиси бўлмаслиги керак. Очиқ калит фақатгина маълумотларни шифрлаш учун ишлатилиши керак, ёпиқ калит эса маълумотларни маълумотларни дешифрлаш учун ишлатилади. Ушбу усулнинг афзаллик томонлари нимада? Бу усулда калитларни алмасиниш жараёни соддалашади – алоқа канали бўйича фақатгина очиқ калит жўнатилади, маҳфий калит эса унинг эгасида бир нушадагина сақланади. Уни билмасдан туриб, очиқ калит ёрдамида маълумотларни расшифровка қилиш умуман мумкин эмас. 1978 йилда яратилган асимметрик шифрлаш алгоритми РСА (*Рандом Сигнатуре Алгоритм*) бошқа соҳалар билан бир қаторда элестрон хужжатларда ва элестрон рақамли имзода кенг миқёсда

ишлатилина бошланди. РСА нинг диққатга сазовор томонларидан бири шундаки, унда асимметрик шифрлаш ва элестрон рақамли имзо ҳосил қилиш учун бир хилдаги амаллар бажарилади. Бу тизим вақт имтиҳонидан муваффақиятли ўтди ва хозирги даврда ишлаб чиқаришдаги криптографиянинг де-фасто стандартига айланди. Бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам РСА ни расмий стандарт сифатида тан олганлар. РСА криптотизимида маҳфий калит элестрон рақамли имзони ҳисоблаш учун ёки маълумотларни расшифровка қилиш учун ишлатилади. Очиқ калит эса элестрон рақамли имзони текшириш ва маълумотларни шифровка қилиш учун ишлатилади.

ДСА алгоритми - (*Дигитал Сигнатуре Алгоритҳм*) 1981 йилда яратилган бўлиб, элестрон рақамли имзо учун АҚШ стандарти (*Дигитал Сигнатуре Стандарт* – ДСС) сифатида ишлатилади. ДСС стандартининг аниқланувига кўра, ДСА алгоритми хеш-функция сифатида ША алгоритмини ишлатишни кўзда тутади. Бу алгоритмнинг кўрсатгичлари маҳфийлаштирилмаган, ДСА алгоритми АҚШ да ҳам рақамли имзонинг стандарти сифатида ишлатилади. У фақатгина элестрон рақамли имзони ҳосил қилиш учунгина ишлатилиб, маълумотларни шифрлаш учун ишлатилмайди.

Калитдан фойдаланган холдаги исталган шифрлаш алгоритмини калитларнинг барча қийматларини танлаш усули орқали расшифровка қилиш мумкин. Аммо бунда расшифровка қилиш учун зарур бўлган комп’ютер қуввати калит узунлиги ошиши билан эхпонентсиал равища кўпаяди. Криптографик тизимнинг ишончлилиги унинг энг кучсиз қисми хусусияти билан аниқланади. Шунинг учун шифрлаш тизимининг ҳар бир қисмини – алгоритмни, шифрлашни қўллаш усулини ва калитлардан фойдаланиш сиёсатини ишлаб чиқиша жуда ҳушёр бўлиш талаб этилади.

### **6.3. Елекtron имзоҳақида тушиунча**

Елестрон рақамли имзони ҳосил қилиш, уни текшириш, рақамли валюталар билан ишлаш каби бир қанча криптографик оператсиялар (ўзгартиришилар) чегараланган маълумотлар устида бажарилади. Шунинг учу ҳам катта ҳажмдаги (*масалан, 125 мегабайтли маълумот*) файлларга элестрон рақамли имзо қўйишдан аввал ундан хеш-функция ҳисобланади ва шундан сўнг унинг қийматига элестрон рақамли имзони ҳисоблайдилар. Ундан ташқари, паролларни ҳам маълумотлар базасида очиқ холда эмас, балки хешланган холда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб Хеш – исталган узунликдаги маълумотлар массивидан олдиндан аниқланган узунликдаги қандайдир қиймат олиш учун амалга ошириладиган ўзгартиришдир. Хеш-функцияни тушуниш учун энг оддий мисол назорат йиғиндиларини ҳисоблашдир (*контрольние сумми*). Хешлашнинг дастурий ва криптографик турлари мавжуд. Криптографик хеш дастурий хешдан икки хоссаси билан фарқланади: орқага қайтмаслик ва коллизиялардан озодлиги. Калитсиз хеш функциялар икки гурухга бўлинадилар: кучли хеш-функциялар ва кучсиз хеш-функциялар. Кучсиз хеш функция деб, қуйидаги шартларни бажарувчи бир томонлама  $X(x)$  функцияга айтилади:

- 1)  $X$  аргумент исталган узунликдаги битлар қатори бўлиши мумкин;
- 2)  $X(x)$  функциянинг қиймати аниқ узунликка эга бўлган битлар қатори бўлиши лозим;
- 3)  $X(x)$  функциянинг қийматини ҳисоблаш осон бўлиши керак;
- 4) Ҳар қандай аниқ  $x$  учун ҳисоб-китоблар воситасида  $X(x^*) = X(x)$  бўладиган  $x^* \neq x$  қийматини топиш мумкин бўлмасин.  $X(x^*) = X(x)$  холатидаги  $x^* \neq x$  жуфтлиги хеш-функциянинг коллизияси деб аталади.

Кучли хеш-функция деб кучсиз функция учун юқоридаги 1-3 шартларни ва қуйидаги 5-шартни бажарадиган бир томонлама  $X(x)$  функцияга айтилади:

5)  $X(x^*) = X(x)$  бўладиган ҳар қандай  $x^* \neq x$  қийматини ҳеч қандай ҳисоб-китоблар ёрдамида топиш мумкин бўлмайди.

Ҳар қандай символлар кетма-кетлиги каби, электрон рақамли имзони ҳисоблашнинг формуласини математик кўринишида қуидагича тасвираш мумкин:

$$C = \Phi(x(M), K_c)$$

Бу ерда  $M$  – маълумот матни,  $K_c$  – маҳфий калит,  $x(M)$  – хешлаштириш функцияси.

Юқорида келтирилган ифодага кўра, электрон рақамли имзони ҳосил қилиш учун бошланғич хомашё сифатида маълумотнинг ўзи эмас, балки унинг хеши олинади (*яъни, маълумотнинг хеш-функция ёрдамида ҳосил бўлган натижасидан фойдаланилади*). Чунки имзо билан тасдиқланувчи матн катталиги нолдан то бир неча мегабайтгача бўлиши мумкин. Айниқса му матн график элементларга эга бўлса, янада катталашиб кетиши мумкин. Аммо амалиётда қўлланиладиган барча хешлаштириш алгоритмлари ҳисоб-китоблар учун матннинг олдиндан белгиланган стандарт узунликда бўлишини талаб қиласи. Масалан, Россияда ишлатиладиган ЭЦПГОСТР 34.10-94 алгоритмида бу стандарт узунлик 32 байтга teng бўлиши талаб қилинади. Демак, хеш-функция алгоритмининг ҳал қилиши керак бўлган асосий масала - исталган узунликдаги ва ҳажмдаги маълумотдан керакли узунликдаги (*масалан, 32 байтли*) сонлар кетма-кетлигини ҳосил қилишdir.

Бундай талабларга жавоб берадиган хеш-функция алгоритмини яратиш унчалик қийин иш эмас, аммо бу функция бир қанча талабларга жавоб бериши керак. Энг аввало, хеш-функция ёрдамида олинган натижа бошланғич маълумотга бирга-бир мос келсин ва бу натижа бошлангиъч маълумотнинг ҳар қандай ўзгаришида ҳам унга яна бирга-бир мос келсин. Ундан ташқари, хеш-функция шундай ҳисобланилиши керакки, ҳар қандай  $M$  маълумот учун  $x(M) = x(M^*)$  бўлган  $M^*$  маълумотни танлаб олиш ёки топиш мумкин бўлмасин. Бошқача сўзлар

билинг айтганда,  $x(M) = x(M^*)$  шартни қаноатлантирувчы  $M$  маълумот ва унинг хеш-функцияси маълум бўлганида,  $M^*$  маълумотни муваффақиятли ҳисоблашга кетадиган меҳнат сарфи маълумотларни тўғридан-тўғри саралаш учун зарур бўлган меҳнат сарфига эквивалент бўлиши керак. Бу шартнинг бажарилмаслиги потентсиал фирибгарга имзони ўзгартимасдан туриб, маълумотнъларни алмаштириб қўйиш имкониятини яратиши мумкин. Бошқа томондан қараганда, кўпчилик маълумотлар учун хеш-функциялар бир хил бўлиши мумкин, чунки мумкин бўлган маълумотлар тўплами хеш-функцияларнинг мумкин бўлган тўплами сонидан анча кўп миқдорда бўлади. Яъни, маълумотлар сони чексиз миқдорда бўлиб, хеш-функциялар сони эса  $2^*H$  гатенг бўлади, бу ерда  $H$  – хеш функциянинг битлардаги узунлиги.

Хозирги пайтда энг кенг тарқалган хеш-функциялар алгоритмлари сифатида қуидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- Россияда қўлланиладиган стандарт ГОСТЗ 34.11-94 хеш-катталикни 32 байт катталика ҳисоблайди.
- МДх (Message Digest) –чет мамлакатларда энг кўп тарқалган хешлаштириш алгоритмлари оиласи. Масалан, МД5 Мисрософт Windowc нинг охирги версияларида фойдаланувчи паролини 16 байтли сонга айлантиришдан фойдаланилади.
- ША-1 (Сесуре Ҳаш Алгоритҳм) –кириш маълумотларини 20 байтли хеш-миқдорга айлантиришнинг ҳисоблаш алгоритми. Бу алгоритм ҳам жаҳон миқёсида кенг тарқалган бўлиб, кўпинча маълумотларни ҳимоялашнинг тармоқ протоколларида ишлатилади.

Хеш-функциялар электрон рақамли имзо ҳосил қилишдан ташқари, ҳисоблаш тизимларида фойдаланувчиларни аутентификатсия қилиш учун ҳам ишлатилади. Хеш-функциялардан фойдаланишга асосланган бир қанча криптографик аутентификатсия протоколлари ҳам кўпчиликни ташкил қиласи.

Калитлар жуфтлигидан фойдаланиш ҳам жуда қизиқарли ва фойдали ҳисобланади. Сиз иккита калитга – очиқ ва ёпиқ калитга эгасиз деб фараз қиласиз. Сизнинг мақсадингиз – барча маълумотлар сиз учун шифрланган холда келсин. Бунинг сабаби, масалан, сизнинг ҳамкарабаларингиз сизнинг мижозларингизни тортиб олмаслигига йўл қўмасликдир. Энди ўзингизнинг барча респондентларингизга маълумотларни сизга шифрланган холда жўнатишлари учун очиқ калитингизни тарқатасиз (*бу калитни сайtingизга ҳам қўйишингиз мумкин*). Ширфланган маълумот олганингиздан сўнг, ёпиқ калит ёрдамида уни bemalol ўқиб оласиз. Аммо бу маълумотни олган ҳар қаҳдай инсон сизнинг очиқ калитингиз ёрдамида бу маълумотни ўқий олмайди. Ёпиқ калит эса унда йўқ. Ёпиқ калит фақатгина унинг эгасида бўлгани туфайли, ушбу усулининг пайдо бўлиши криптография усулининг ишлатилиш чегараларини янада кенгайтириш имконини яратди. Энди электрон рақамли имзо яратиш орқали аутентификатсия муаммосини ҳал қилиш учун, электрон пуллар билан ҳавфсиз ишлаш учун, ҳимояланган овоз бериш тизимларини яратиш учун, электрон хужжатларни нотариал тасдиқлаш учун ва турли хилдаги криптовалюталар тизимини яратиш учун ушбу усуlnи bemalol қўллаш мумкин бўлди. Эндиликда фойдаланувчи бир-бири билан боғлиқ бўлган иккита калитни – яъни, калитлар жуфтлигини генератсия қилиши мумкин бўлди. Очиқ калит маҳфий бўлмаган каналлар орқали фойдаланувчи маълумот алмашинишни истаган инсонларга жўнатилади. Фойдаланувчининг очиқ калитини билган холда унга йўналтирилган маълумотларни шифрлаш мумкин бўлади, аммо уни расшифровка қилиш учун эса калитлар жуфтлигининг иккинчиси керак бўлади. Бунда очиқ калит ёпиқ калитни аниқлаш учун ҳеч қандай имконият бермайди. Назарий жиҳатдан бу масалани ечиш мумкин – лекин бу иш жуда катта миқдордаги ҳисоблаш ишлари ҳажмини бажаришни талаб қиласиди.

Маълумотни расшифровка қилиш вақти жуда катта (*бир нечаойлар ва йиллар*) бўлгани учун, уни расшифровка қилинган тақдирда ҳам, у вақтга келиб маълумот ўзининг актуаллигини йўқотади ва у энди ҳеч кимга керак бўлмай қолади.

Агар сиз бирор бир танишингиз билан маълумотларни ҳимояланган холда элестрон имзо воситасида алмашинишни истасангиз у холда қуидаги амалларни бажаришингиз лозим бўлади:

- ✓ Енг аввало элестрон имзолар калитларини яратинг – ҳар бирингиз ўз очиқ ва ёпиқ калитга эга бўлишингиз керак;
- ✓ Ёпиқ калитларни ўзингизда олиб қолинг ва очиқ калитларни ўзаро алмашининг;
- ✓ Ёпиқ калит билан танишингизга жўнатилаётган хатга элестрон имзо қўйинг ва хатни элестрон имзо билан биргаликда дўстингизга жўнатинг;
- ✓ Електрон имзо билан таъминланган маълумотни олгандан сўнг, дўстингиз сизнинг очиқ калитингиз ёрдамида бу хатнинг хақиқийлигини текширади;
- ✓ Текшириш натижаси икки жавобдан бири – тўғро ёки нотўғри бўлади;
- ✓ Шундай қилиб, электрон имзо маълумотнинг ҳақиқийлигини аниқлаб беради;
- ✓ Агарда маълумот узатиш жараёнида унда бирор бир ўзгартиришлар киритилган бўлса, бу иш дархол маълум бўлади;
- ✓ Електрон имзонинг яна бир муҳим жиҳати – маълумот муаллифининг тасдиқланишидир. Кўпинча электорн рақамли имзо файлига қалит билан бирга унинг эгаси исми-шарифи, иш жойи, элестрон имзонинг амал қилиш муддати кабилар ҳам ёзиб қўйилади. Маълумот ёки хужжат остидаги имзога эса маҳфий калитдаги маълумотлар нушаланади – бу эса ўз навбатида муаллифликни аниқлашга имкон беради. Демак, очиқ калитни

ким жўнатгани ҳақидаги маълумотларни ёдда сақлаш талаб қилинмайди. Бу жуда ҳам муҳим, чунки сизда бир қанча инсонларнинг очиқ калитлари бўлиши мумкин.

Аммо ёпиқ калитни жуда ҳам маҳфий равишда сақлашингиз талаб этилади – чуни бирор бир кимса уни билиб қолса, у сизнинг элестрон имзоингизни қалбакилаштириб, хужжатларга имзо қўйиши мумкин. Агарда калитингизни йўқотиб қўйсангиз, албатта зудлик билан керакли бўлган чора-тадбирларни қўринг. Ва энг аввало, бу маълумотни ўз потентсиял адресатларингизга тезда етказинг – “*менинг илгариги элестрон имзоимни эндиликда, бугун . . . . . дан бошлаб нотўғри деб ҳисобланг*”. Агар бу исни ўз вақтида қилмасангиз, ҳозиргина бир қанча бўш қофозларга имзо чекдим, исталган инсон унга исталган маълумотни ёзиб, бошқаларга жўнатиши мумкин дейишингиз мумкин.

Очиқ калитли шифрлаш тизимнинг юқорида кўрсатилган бик қанча афзалликларига қарамасдан, унинг бир қанча камчиликлари ҳам мавжуд. Булар ичида энг асосийси – бу усул симметрик калитли тизимга қараганда анчагина секин ишлайди. Ҳудди шунинг учун ҳам кундалик ҳаётда комбинатсион усулдан фойдаланилади. Бунда маълумотларни шифрлаш учун симметрик (*сеансли*) калитлар ишлатилиб, улар ўз навбатида тармоқ орқали сеанс калитларини жўнатишда очиқ калитлардан фойдаланган холда шифрланади. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш талаб этилади:

- Бир-бирига маълумот жўнатмоқчи бўлган икки инсоникки жуфт калит тайёрлайди: асимметрик шифрлаш учун мўлжалланган очиқ ва маҳфий калит ҳамда элестрон рақамли имзонинг очиқ ва маҳфий калитини;
- Бу икки инсон очиқ калитлар билан ўзаро алмашинадилар ва улардан бири иккинчисига ўз маҳфий калити орқали имзоланган маълумотни жўнатади;

- Кейин биринчи инсон симметрик шифрлашнинг калити  $K$  ни тасодифий равишда генератсия қилади ва шу шифр билан жўнатилаётган хатни шифрлайди;
- Шундан сўнг, олинадиган маълумотни расшифровка қилиш мумкин бўлиши учун  $K$  калитни ўз дўстининг асимметрик шифрлаш очиқ калитида шифрлайди (*симметрик шифрлашнинг калитини очиқ кўринишида жўнатиши мумкин эмас*) ва уни шифрланган хатга қўшиб қўяди;
- Иккинчи инсон шифрланган маълумотни олганидан сўнг, ўз асимметрик маҳфий очиқ калити ёрдамида  $K$  калитни расшифровка қилади ва унинг ёрдамида хатни ҳам расшифровка қилади;
- Кейин эса у дўстининг хатидаги элестрон рақамли имзоси очиқ калити ёрдамида бу хат ўз дўстидан ўзгармаган холда келганига ишонч ҳосил қилади.

Очиқ ва ёпиқ калитларнинг ўзаро мос келишини текшириш учун уларни қўшимча равишда ҳимоя қилиш ва идентификатсия қилиш талаб этилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун яна бир ҳужжат – электрон сертификат талаб этилади. Электрон сертификат очиқ калитни унинг конкрет эгаси ёки қандайдир амалий дастур билан боғлаб туради. Сертификатнинг ўзи ҳам тасдиқланган бўлиши керак, бу билан унинг ҳақиқийлиги тасдиқланади. Ушбу тасдиқлашни сертификатга ўз элестрон имзосини қўйган сертификатлаш маркази амалга оширади. Сертификатлаштириш маркази электрон рақамли имзо тизимининг марказий элементи бўлиб ҳисобланади. Сертификатлаш марказининг очиқ калитини ишлатган холда исталган фойдаланувчи марказ томонидан чиқарилган сертификатнинг ҳақиқийлигини текшириб кўриши мумкин. Текшириш жараёни шундай иборатки, унда сертификат эгасининг номи билан очиқ калитнинг мос келиши текширилади.

Очиқ калитлар инфратузилмаси криптография асосида ҳимояланган тармоқ уланишларини ташкил қилишда (*масалан, С/МИМЕ, ССЛ,*

*ИПСЕС*) турли хил амалий иловаларда (*масалан, элестрон почта, веб-иловалар, элестрон тижорат*) ёки элестрон хужжатлар элестрон рақамли имзоларини хосил қилишда ишлатилади. Ҳар қандай очик калитли криптографик алгоритмлар каби элестрон рақамли имзонинг Интернет муҳитида ишлатилиши жуда ҳам қулай –сиз ўз очик калитингизни имзо қўйилган маълумотни керакли инсонга жўнатишингиздан аввал исталган адресатга жўнатишингиз ёки очик калитни Интернетдаги бирор бир ресурсга жойлаштириб қўйишингиз мумкин. Лекин бунда ҳавфсизлик даражаси бироз пасаяди, чинки очик калитлар алмаштирилиб қўйилиши мумкин. Аммо, очик калитларни алмаштириб қўйишга қарши кураш усули мавжуд – бу уларнинг сертификатсиясини амалга оширишdir.

Енди очик калитларнинг инфратузилмаси (*Публис Кей Инфраструстуре - ПКИ*) ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Ушбу тушунча ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Ҳалқаро электр алоқалар иттифоқи (ИТУ) томонидан X500 стандартлар сериясига мансуб тадбир сифатида ишлаб чиқарилган. Бу стандартлар фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумот базалари тузилиши қандай бўлишини аниқлаб берган. Очик калитларнинг инфратузилмаси маълумотномаси ПКИ дан фойдаланувчилар маълумот олишлари мумкин бўлиши керак ва у энг Янги маълумотларнива маълумотларнинг ҳақиқийлик муддатини ўз ичига олиши лозим, ўчрилган информатсия ҳақида эса маълумотлар ҳам бўлиши зарур. ПКИ маълумотномалари маҳфий ёзишмаларни ва савдо оператсияларни амалга оширишда ишлатилгани учун, ундаги маълумотларнинг сифати ва аниқлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Очик калитларнинг инфратузилмаси маълумотномаси ПКИ даги маълумотларнинг эскириб қолишига йўл қўйиш мумкин эмас, чунки бу холда маълумотномага ишонч йўқолади ва табиийки, энди унга бўлган талаб ҳам йўқолади. Аммо ПКИ фақатгина маълумотнома эмас, унинг таркибиға калитлар билан ишлашни амалга

ошириб берувчи дастурий-техник воситалар ва ташкилий-техник тадбирлар ҳам киради. Бундай тизимни яратишдан асосий мақсад - калитнинг очиқ қисмини унинг ёпиқ қисми билан биргаликда қўшимча ҳимоясини ва идентификатсиясини таъминлашdir. Бу функцияни сертификатсия марказининг элестрон рақамли имзоси билан тасдиқланган сертификатлар амалга ошириб берадилар. Очиқ калитлар инфратузилмаси таркибига *сертификатсия маркази, регистратсия маркази ва тармоқ маълумотномаси* киради. Ҳар бир ҳизмат ўзининг номи билан боғлиқ бўлган функцияларни бажаради. Ушбу ҳизматларга кириш учун турли хилдаги тармоқ протоколлари ишлатилади. Инфратузилмага калитлар сақлайдиган ва мижоз дастурларига эга бўлган фойдаланувчиларни ҳам киритиш мумкин. Сертификат ўз фойдаланувчиси ва уни берган орган ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. Бундай маълумот ўз таркибига қуидагиларни олади:

- Очиқ калит ва у ишлатадиган алгоритм;
- Фойдаланувчига тегишли факултатив атрибулар;
- Сертификатни тасдиқловчи марказнинг рақамли имзоси;
- Сертификатсия марказининг манзили;
- Сертификатнинг амал қилиш муддати;
- Сертификатсия марказининг сертификат олишдан илгариги сифат кўрсатгичи

Шундай қилиб, сертификат берган марказ субъектнинг очиқ калити ва уни идентификатсия қиласидиган маълумотларнинг хақиқийлигини тасдиқлаб беради.

Конунга мувофиқ сертификатсия функцияси элестрон рақамли имзолар калитлари регистратсияси марказига юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 11 декабрдаги “*Електрон рақамли имзо ҳақида*” ги Конунига мувофиқ: “*елестрон рақамли имзо – электрон рақамли имзо калитидан фойдаланган холда электрон хужжатдаги маълумотларни маҳсус қайта ишилаш натижасида ҳосил қилинган*

элестрон ҳужжатдаги имзо бўлиб, электрон рақамли имзонинг очик калити воситасида электрон ҳужжатда ўзгаришлар йўқлигини текширишга ва электрон рақамли имзонинг эгаси ёпиқ калитини идентификатсия қилишга имкон беради”. Электрон рақамли имзоларни регистратсия қилиш маркази РСА Кеон дастурий-техник комплексидан фойдаланади. Ушбу дастурий-техник комплекс электрон рақамли имзо инфратузилмаси таркибий қисмларининг барча элементларини ўз таркибига олади ва ташкилотларни бошқариш бўйича бошқа тизимлар билан биргаликда ишлай олади.

## **7-БОБ. КРИПТОВАЛЮТАЛАР ВА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНТСИЯЛАРИ**

### ***7.1. Криптовалюталарнинг ривожланиши жараёни***

Интернет ва электрон савдо ривожланган сайин инсонларнинг “узоқлардан-масофадан туриб” электрон пуллар тўлашларига тўғри кела бошлади. Бунда пулни масофадан туриб қўлдан қўлга беришнинг эса умуман иложи йўқ. Шунинг учун ҳам пулларни бир инсондан иккинчисига масофадан туриб ўтказиш жараёнида ўзига ҳос воситачиларга, яъни электрон тўлов тизимлари, банк ёки куръерларга мурожаат этиш керак бўлади. Ҳар қандай воситачи эса бажараётган пул ўтказмаларига боғлиқ бўлган оператсияси учун қандайдир тўлов олиб қолади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Ўтказилаётган пул миқдори қанча кўп бўлса, воситачига бўлган тўловлар туфайли пулни йўқотиш ҳам шунчалик кўп бўлади, албатта. Ахборот технологиялари ва электрон савдо ривожлангани сари кўпчилик одамлар пул ўтказмалари

билин боғлиқ ҳаражатларни камайтириш борасида ўйланиб қолишиди, яъни, қандай қилиб ушбу ҳаражатларни камайтириш ва пул ўтказмалари фойдали иш коеффицентини иложи борича юз фоизга оширган холда электрон бизнесни юритиш мумкин? Бу борада турли хилдаги таклиф ва молоҳазалар жуда кўп эди, лекин уларнинг барчаси бир қанча сабабларга кўра рад этилди. Чунки товар ва ҳизматлар олди-соттиларидаги воситачиларга бўлган тўловларни олиб ташлаганда ҳам, турли-туман фирибгарлардан қандай ҳимояланиш – пулни айнан Сиз ўтказганингиз ёки уни олганингизни қандай исботлаш мумкин? Бу муаммонинг ечими 2009-йилларда Сатоши Никамото деб номланган шахс ёки шаҳслар гурухи томонидан мураккаб криптографик математик хисоб-китоблар натижасида ишлайдиган Янгиелектрон тўлов тизимини оммага тақдим этгандан сўнг топилди. Бундай тўловларни амалга оширишда ишлатиладиган пул бирлигининг номи эса биткоин деб аталди. Биткоин криптографик электрон пул бирликлари маҳсус электрон ҳамёнларда сақланиб, бундай ҳамёнларга пул тушириш ва уларни турли хил мақсадларда ишлатиш мумкин. Бирор-бир битсоин-ҳамён хисобидан қанча электрон пул кетгани ёки унга келганини аниқлаш учун, мутахассислар бир ҳамёндан ёки бошқа манзилдан ушбу электрон ҳамёнга қанча биткоинлар келганини барчага очиқ холда кўрсатишни таклиф этдилар. Яъни, сиз криптовалюта тармоғига уланганингизда, барча битсоинлар олди-сотдисини аниқ ва равshan кўришингиз ва кузатишингиз мумкин бўлади. Шунингдек, барча биткоин ҳамёнлар анонимдирлар (яъни, ҳамённинг эгасиким эканлиги айтилмайди), шунинг учун ҳам Сизнинг танишингиз қайси ҳамён уники эканини айтмаган бўлса, Сиз ҳеч қачон бу ҳақида била олмайсиз. Тизимдаги хисоб-китобларни мунтазам равишида амалга ошириб бориш кераклиги туфайли, битсоинларнинг маълумотлар базаси тезкор ишлаши учун катта қувватли замонавий компьютерлар керак бўлади. Бундай қувватли комп’ютерга эга бўлиш учун минглаб компьютерларни ягона тармоқقا

улаш талаб этилади. Бу компьютерлар фойдаланувчиларнинг компьютерлари ҳам бўлиши мумкиналбатта. Улардан бири эса истагингизга кўра Сизнинг компьютерингиз бўлиши ҳам мумкин. Агарда фойдаланувчи, ўз компьютери видеокартаси қувватини тегишли дастурлардан фойдаланган холда битсоин тизимини қўллаб-қувватлаш учун тақдим этса, бу ёрдами учун унга ўша битсоин валютасининг ўзида мукофот беришади. Бундай пул топиш усули эса “*майнинг*” дея ном олган. Куйида замонавий криптовалютанинг афзаллик ва камчиликлар томонларини келтириб, уларга изоҳ берамиз.

- *Чегараланган.* Криптовалюта яратилган алгоритмга асосан, жаъми 21 000 000 гача битсоин топиш мумкин, бундан сўнг эса биткоин етиштириш тўхтатилади. Бунинг оқибатида нима бўлишини ҳеч ким билмайди, агарда молиявий портлаш бўлмаса, криптовалюта муомалада қолади ва вақти-вақти билан ўз курсини ўзгаритириб тураверади.
- *Тўлиқ маҳфийлик.* Битсоин-ҳамённинг рақамлари орқали унинг эгаси ким эканлигини билиб бўлмайди, бунинг оқибатида ноқонуний пул айлантириш ва фирибгарликка йўл очилади.
- *Таъминланмаганлик.* Криптовалюта, реал пулларга ўхшаб, доимий резерв билан таъминланмагани ва бу билан боғлиқ бошқа сабабларга кўра, битсоин курси кутилмагандан тўлиқ нолга тушиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.
- *Расмий равишида ишламайди.* Битсоин молия тизимиға ёмон таъсир кўрсатиши мумкин, шу сабабли кўп давлатлар (*шу жумладан, бизнинг мамлакат ҳам*) криптовалютага ишончсизлик билан қарайди. Россияда битсоин етиштириш билан шуғулланганларни жавобгарликка тортиш бўйича қонун тайёрлашган, лекин ҳозирча бу иш тўлиқ йўлга қўйилмаган. Балки битсоинлар ҳеч қачон расмий ишламаса ҳам керак, чунки уни қонунийлаштиришса, биткоин реал валютани ўрнини эгаллаши ҳам мумкин бўлади.

- *Үнчалик машхур эмас.* Ҳозирча кўпгина молиявий муассасалар, Интернет-дўйонлар ва бошқа сервислар биткоинга ишонишмайди ва криптовалюта эвазига махсулот сотмайдилар. Машхурлашиши чегаралангани бойис Биткоин тўлиқ ишлатилмаяпти.

Ҳозирги даврдаги энг машхур криптовалюталарнинг эмблемаларини (*шартли белгилари, пиктограммаларини*) қуида назардан кечиришингиз мумкин:



Криптовалюталарни майининг қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган энг яхши дастурий таъминотларга қуидагиларни киритишимиз мумкин:

СГМинер – Ушбу дастур виртуал пулларни топиш бўйича ишлайдиган профессионаллар учун мўлжалланган. Аммо унинг тўлиқ қувват билан ишлиши учун фақатгина катта қувватли компьютерлар талаб қилинади. Фойдаланувчига эса МС ДОС буйруқларини яхшилаб ўзлаштириб олиш зарур бўлади. Дастурнинг ижобий томонларига видеокарта ишини тезлаштириш функцияси мавжудлиги ва бунинг натижасида хешлаштириш жараёни тезлаштирилишини киритиш

мумкин. Бундан ташқари, дастурнинг оптимал ишлаш режимини танлаш имконияти ҳам уни бошқа дастурлардан фарқ қиласи.

Диабло Минер – Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган барча оператсион тизимларда бир хилда ишлай оладиган ва криптовалюталарни майнинг қилишга мўлжалланган сайтдир.

Уфасофт Минер–Ушбу дастур ишчи кўрсатгичларини созлаш мумкинлиги туфайли мутахассислар орасида анча оммабоп ҳисобланади. Ҳар бир фойдаланувчи, ўз истак-ҳохишига кўра, видео карта бўйича, ядролар сони бўйича, оқимлар бўйича ва пуъллар манзиллари бўйича ўзгартиришлар киритиши мумкин.

БФГ Минер–Бу дастурда эса фойдаланувчилар қўл режимида пулларни созлаши ва вентиляторонг тезлигини бошқариши мумкин.

Пхоених–Ушбу дастур жуда самарадор ишлайдиганлар қаторига киради ва иш унумдорлигини 20% га қўтариш имконини беради. Дастурни юклаш учун криптовалюта майнингига мутахассислашган сайтларининг бирига кириш ёки шундай тематик форумларга кириш талаб этилади.

Соло-майнинг жараёни виртуал пулларни мустақил равишда топишини англатади. Аммо, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бу иш ҳозирги даврда анча мураккаб бўлиб қолди ва уни йўлга қўйиш учун профессионализм ҳамда яхшигина инвеститсия талаб этилади. Албатта қўпчилик инсонлар бундай миқдорда пул маблағларига эга эмас, шунинг учун ҳам майнерлар “пуъл” деб аталмиш гурухларга бирлашиб иш юритадилар.

Пуъл-майнинг – бир қанча кичик майнерлар ўзларининг ресурсларини бир жойга йиққан холда криптовалюта майнинги билан шуғулланадилар. Бу якка холда ишлагандан кўра анча ҳавфсизроқ фаолият тури ҳисобланади. Пуъл ни танлаш учун тематик форумларга ўтиш ва у ердан ҳамкорларни топиш мумкин. Пуълни танлашда қўйидагиларга аҳамият бериш керак бўлади:

- *Фойдаланувчиларнинг кўпроқ бўлиши;*
- *Умумий ҳисоблаш қуввати етарли бўлиши;*
- *Он-лине ресурснинг комиссион тўлови катталиги қандайлиги.*

РДП-майнинг–Булутли деб номланган технологияларнинг кенг миқёсда ишлатилиши криптовалюталар топишнинг РДП-майнинг каби колективизмга асосланган турлари пайдо бўлишига олиб келди. Унинг қуидаги ижобий томонлари мавжуд:

- *Жуда қиммат турадиган майнер қурилмаларини сотиб олишининг шарт эмаслиги;*
- *Ҳисоблаш қувватларини арzonга ижарага олиши ёки уларни доимий ишлатиш учун қўлга киритиш;*
- *Майнинглик фаолиятини кам маблағ сарф қилган холда амалга ошириш;*
- *Криптовалюталарнинг РДП-майнинг усули капитал қўйилмаларни аста-секин кўпайтиришини кўзда тутади. Пулларни босқичмабосқич кўпайтириши ёки олинган дивидентларни реинвеститсия қилиши ҳам мумкин.*

Майнингнинг булутли платформаларида бошлиғич бонусни текинга олиш имконияти ҳам бор. Ушу бонус катта эмас, аммо ишни бошлаш учун етади. Бу холат эса реклама рўлини ўйнаб, майнинг жараёнига Янги криптовалютачиларни жалб қилишга ёрдам беради. РДП-майнингда бирламчи бонуснинг миқдори бир минг додикоин атрофида бўлади. Фойдаланувчи майнинг фаолиятини бошлаш учун аккаунтни фаоллаштириши ва бонусни ҳисоблаш қувватига алмаштириши керак. Шундан сўнг эса виртуал пулларни ишлаш жараёнини бошлаш мумкин бўлади. Ҳисоблаш қувватининг минимал ҳажми бир АҚШ долларида tengdir. Майнинг жараёнини бошлашдан аввал, РДП-сервисда қандай криптовалюта майнинги балан шуғулланишингизни ҳал қилиб олишингиз керак бўлади. Ўз хошишингизга кўра, биткоин, додикоин, битсаш, этҳириум ёки

лайткоинни танлашингиз мумкин. Агарда Янги ҳисоблаш қувватлари сотиб олсангиз, электрон ҳамёningиз янада тезроқ виртуал пулларга тўла бошлайди. Виртуал пулларни тизимдан чиқариб олиш учун фойдаланувчи ўзининг виртуал ҳамёни номерини корсатиши керак бўлади. Пулларни тизимдан чиқариш бир неча кун давомида амалга ошади.

Шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, маблағ сарф қилмасдан туриб виртуал пулларни майнинг қилиш қонун бўйича таъкиқланмаган, аммо бунда кейинчалик фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолмаслик чоратадбирларини кўриб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аввало тегишли форумлар орқали у ёки бу майнинг лойиҳаси ҳақида маълумотлар йиғиш ва тегишли хуносалар чиқариш керак бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, катта маблағ сарф қилмасдан туриб криптовалюталар генератсия қилиш учун энг маъқул вариант булатли тахнологияга асосланган майнинг ҳисобланади. Интернетда ажратилган бонус туфайли криптовалюталар майнингини бошланғич пул маблағлари сарф қилмасдан туриб бошлашга имкон берадиган бир қанча имкониятлар мавжуд, улар жумласига ХМине, Мулти-Соин, Аромине, Битеминер ва Бит-Лите ларни киритиш мумкин. Буларда ҳам фойдаланувчу даромади миқдорини қўпайтириш учун ўз шахсий пулларига ҳисоблаш қувватлари сотиб олиши ҳам мумкин. Агарда фойдаланувчи пулдор бўлса, у криптовалюталар майнинги учун бирор бир сифатли дастур сотиб олиши ва соломайнингни амалга ошириши мумкин.

## **7.2. Криптовалюталар ва тўлов тизимлари**

Анъанавий тўлов инструментлари бўлган мамлакатлар валюталари билан бўладиган интернет тармоғи орқали мамлакатлараро тўловларда бир қанча ўзига хос муаммолар мавжуд эди. Булар жумласига қўйидагиларни киритишимиш мумкин:


- ❖ *Тўловларни амалга оширишида албатта банклар томонидан белгиланган юқори комиссион ҳақни тўлаш;*
- ❖ *Томонларнинг тўлиқ реквизитларини (манзили, ҳисоб рақами, исми-шарифи ва бошқалар) ўзаро олди-сотти қилаётган шахслардан ташқари, албатта учинчи томонга (банкка) маълум бўлиши;*
- ❖ *Тўловларни марказлашган ҳолда қайсиdir ташкилотлар томонидан бошқарилиши;*
- ❖ *Айрим ҳолатларда тўловлар амалга оширилгач, бекор қилиши ҳам мумкинлиги туфайли сотувчи ҳам ишоч ҳосил қилиши учун кўпроқ маълумотлар сўраш керак бўлади.*

Юқорида келтирилган барча камчиликларни ҳал қила оладиган бир тизим сифатида илк криптовалюталардан бири бўлган биткоин пайдо бўлди. Биткоин 2009 йил 3 январда ўзини Сатоши Накамото деб атаган шахс томонидан яратилган ва 2008 йил 31 октябрида «Биркоин – элестрон тўловларга мос рақами тизим» («Битсоин: A Peer-to-Peer Элестронис Саш Систем») деб номланган мақолада оммавий эълон қилинган. Ушбу биткоин валютаси ишончга эмас, балки криптографик кодлаш тизимига асосланган ва ўзаро ҳеч қандай воситачиларсиз (банк ёки бошқа молиявий инструментларсиз) тўловларни бевосита иштирокчилар орасида амалга оширилишини таъминловчи тўлов тизими валютасидир. Бунда назорат килувчи органларсиз, тангаларнинг ҳақиқийлигини мураккаб математик алгоритмлар асосида тасдиқланадиган тизим амал қилган ҳолда иштирокчиларнинг ҳар бири ушбу тангаларни эмиссия қилиши ҳам мумкин. Биткоиннинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишмиз мумкин:

- ❖ *Марказлашмаган тизим –бунда ҳар бир иштирокчи тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга;*
- ❖ *Ҳисоб-китобларнинг тўлиқ саффофлиги – ҳар бир иштирокчи барча транзактсияларни кўриши мумкин;*

- ❖ *Назоратнинг йўқлиги – ҳеч бир давлат ёки ташкилот тизим ичидағи оператсияларни назорат қила олмайди;*
- ❖ *Сирлилик – тизим иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни масдиқланишини сўрамайди;*
- ❖ *Криптотангаларни эмиссия қилиши чекланган –жами 21 миллион БТС (биткоин тангаси) чиқариласи;*
- ❖ *Баланс икки ёқлама ёзув асосида бўлмайди, балки барча транзактсиялар хронологик тартибда барча иштирокчиларда кўринади;*
- ❖ *Криптовалюталар инфлятсияга учрамайди. Қиймати эса бозордаги талаб ва таклифга қараб ўзгаради;*
- ❖ *Юридик (ҳуқуқий) жиҳатдан криптовалюталарнинг ишлатилиши учун ҳеч қандай асос мавжуд эмас;*
- ❖ *Биткоин ва у билан боғлиқ оператсияларнинг амалга оширилиши учун фақатгина интернет тармоғига уланган иштирокчиларнинг мавжуд бўлиши кифоя.*

Криптовалюталар билан ишлаш жараёни қайсиdir маънода олдиндан мавжуд torrent тизимида ишловчи иштирокчиларнинг ўзаро файллар алмашинувига ҳам ўхшаб кетади. Фақат бу тизимда файллар ўрнида маҳсус криптографик кодлар хешланган холда блокларга йифилади. Ушбу блокларнинг вақт бўйича тўғри кетма-кетлиқда тузилиши эса блокчейн (блоклар занжири) технологиясини юзага келтиради, масалан:



Ҳарбириштирокчиўзиамалгаоширадигантранзактсияниоммавийкалитва маҳфийкалитиорқалиамалгаоширилишикўздатутилади.

Оммавийкалиторқалибўладиганҳаракатларватранзактсияларумумийтизи мдабарчаиштирокчилартомониданқайдетилибборилади. Махфий (*ёпик*) калиторқаликлибушганпулмаблағларитасдиқланади.

Бутранзактсияларниамалгаоширишваумуманбошқаҳарбиртранзактсияни ишловберганхолдасақлаболишучунзамонавийюқориқўрсатгичлипарамет рларгаегабўлган

(*видеокартаишловбериштезлигивапротессортактчастотасиўтаюқори бўлган*) компьютерларватезкоринтернеталоқасибўлишиталабетилади.

Тизимтўлиқкучланишдаишлишиучунесакомпьютерларкўпроқенергиясар финиталабетади.

Ушбуҳаражатларнисарфлашорқалииштирокчиларрағбатлантиришсифати даянгикриптовалюта (биткоин, эфириум, лайткоинвабошқалар) ёкиоддийпуллардакомиссионҳақолишимкониятигаегабўладилар.

Иштирокчилар сони қанчалик кўпайгани сари криптовалюта тангаларини олиш ҳам шунчалик қийинлашиб бораверади. Худди шунинг учун ҳам криптовалюта тангаларини қўлга киритишни олтин қазиб олингани сингари – *Майнинг* қилиш деб номланган. Хозирги даврга келиб, майнинг қилиш учун катта-катта иншоотлар ва бинолардан фойдаланган холда доимий равища ишлаб турувчи йирик серверлардан иборат “*Майнинг фермалари*” ташкил қилинган. Ким аввалроқ шу ишга қўл урган бўлса, ҳозирда барча ҳаражатларни қоплаган холда, бир неча миллион долларлик даромадга эга бўлган. Аммо бу амални кечроқ бошлаганларда ҳаражатлар ҳали қопланмаган.

Юқорида криптовалюталар орқали амалга оширладиган тўловларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилди. Энди эса нима учун уларнинг (биткоин, лайткоин, эфириум ва бошқаларнинг) қиймати сўнгги вақтларда юқори суръатлар билан ошаётгани ҳақида маълумотлар келтирамиз. Аслида криптовалюта тангаларини яратиш учун

сарфланадиган ҳаражатлар унчаик катта эмас, бироқ, фойдали қазилмалар ёхуд ҳефтни қазиб олишдаги ташкилотлар кўпайиши ва ушбу заҳираларнинг камёб топилиши боис нархи ошгани каби биткоинни ҳам майнинг орқали ҳосил қилиш мураккаблашган ҳолатда бутун бошли майнинг фермаларидағи бир неча кунлик тўхтовсиз амалиёт натижасида бор-йўги бир нечта биткион ҳосил бўлаётгани ҳамда биткоинлар максимал сони чегаралангани (21 миллион) нархнинг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Бироқ нархлар кўтарилишига бундан бошқа сабаблар ҳам мавжуд. Энг асосий сабаблардан бири биткоинни Хитой, Япония ва Жанувий Корея сингари ривожланган давлатлар расман тўлов воситаси сифатида қабул қилаётгани биткоин тангаларга нисбатан талабни ўта кучайтириб, унинг нархи 2017 йилнинг ўзида 998 АҚШ долларидан салкам 20000 АҚШ долларигача ўси (850 фоиз). Шунинг учун ҳам дунёнинг етакчи биржалари ва йирик банклари биткоин савдосини трейдинг тизимида йўлга қўймоқдалар. Гарчи криптовалюталар бозорининг гуркираб ривожланиши бутун жаҳон молий-иктисодий тизимиға катта таъсир қилган холда мавжуд тизимнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиши мумкин бўлсада, айни пайтда катта даромад кўриш истагида бўлган инвесторлар биткоинлар бозорининг ривожланишидан манфаатдор бўлмоқдалар. Шунингдек, криптовалюталар бозорининг гуркираб ривожланишидан энг кўп манфаатдор инсонлар – яширин иқтисодиётда фаолият юритувчи инвесторлардир. Шу ва шу каби факторлар оқибатида ҳозирги даврда бир қанча иқтисодиёти ривожланган давлатлар биткоин орқали турли ноқонуний ва жиноий фаолиятларнинг ривожланиб кетишининг олдини олиш мақсадида криптовалюталари (*шу жумладан, биткоинни ҳам*) тўлов воситаси сифатида қабул қилишга шошилишмаяптилар. Биткоинни ҳарид қилиш масаласига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги вақтда уни бир неча махсус биржалар ва биткоин эгаларидан(*иширокчилардан*) тўғридан-тўғри сотиб олишнинг бир

қанча усуллари мавжуддир. Бу савдо биткоиннинг жорий қиймати иштирокчилар орасида ўзаро келишилган холда аниқланилади. Агар савдо биржалар орқали амалга оширилган бўлса, у холда тўловлар ҳалқаро ВИСА, Мастер Сард карталари орқали ва ва бундан ташқари Уебмоней, Қиши, Перфест Моней, Адвсаш, Паеер, Пайпал ҳамда бошқа турдаги элестрон ҳамёнлар орқали сотиб олиш мумкин. Агарда сиз 2010 йилда 0,003 курс бўйича 100 долларга биткоин сотиб олган бўлсангиз, бугунги кунга келиб унинг қиймати 153 миллион доллардан ошган бўлар эди. Бироқ биткоин ягона криптовалюта эмас, хозирги вақтда ундан ташқари бошқа бир қанча турдаги криптовалюталар ҳам мавжуд. Қуйида улар ҳақида бир қанча маълумотлар келтирамиз.

### **7.3. Блокчейн технологиялари ва смарт контрактлар**

Енди блокчейнларнинг моҳияти ва амалий-иқтисодий аҳамияти ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтамиз. Кўпинча “*Блокчейн — маълумотларни сақлаш учун тақсимланган реестр (руйҳат)...*” деб тушунтирилади. Ушбу изоҳни бир неча марта эшитган, бироқ ҳеч нарсани тушунмаган бўлишингиз мумкин. Шунинг учун бу атаманинг классик маъносини келтириб ўтамиз: Блокчейн — бу бир-бири билан интернет орқали боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида сақланувчи тақсимланган маълумотлар базасидир. Унинг нега кераклигини мисол ёрдамида тушунтириш осонроқ. АҚШ даги акангизга банк жўнатмалари орқали 100 доллар юбордингиз деб тасаввур қилинг. Жўнатма шаклини тўлдирганингиздан сўнг, банк ходими шахсий ҳисобингиздан пулни ечиб олиб, уни ҳалқаро ўтказмалар учун банкнинг ягона ҳисобига ўтказади. Шундан сўнг, бошқа ходим бу пулларни агент банкнинг ҳисобига ўтказади, у эса, ўз навбатида, пулларни АҚШ га ўтказади. У ерда ўтказмангиз айнан шу таҳлит акангизнинг шахсий ҳисобига тушади. Жўнатма давомида ҳеч ким хатога йўл қўймаган бўлса, уч кун ўтиб акангиз 97 долларни олади (*барча банкларнинг комиссионлари олинганидан сўнг, албаттa*). Бироқ энг кўрқинчлиси, шу уч кун ичида на сиз, ва на сизнинг

акангиз, қолаверса, банкирлардан ҳеч бири айни вақтда пулларингиз қаерда эканлигини ва уларнинг ҳисобини ким юритаётганлигини билмайди. Сервернинг кутилмаганда бузилиб қолиши, банк ходимининг инсофсизлиги ёки хакерлик ҳужуми узоқ суриштирувларнинг бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Ахир бу каби ҳодисалар ҳисобингиздаги пуллар билан ҳам содир бўлиши мумкин-ку. Демак, сиз ҳар куни тизимга умид қиласиз ва банкингизга ишонасиз, бу эса катта муаммо. Ҳозирда блокчейнлар асосан криптовалюта жўнатмалари учун фойдаланилмоқда. Бироқ шу билан бир вақтда у турли ташкилотларнинг турли-туман мақсадларини амалга ошириш учун ҳам фаол жорий этилмоқда. Блокчейннинг афзалиги унинг шаффофф, тезкор, соддалиги ва қийматида. Сиз криптовалюта ёки бирор-бир маълумотни блокчейн орқали жўнатган бўлсангиз, бундай жўнатма ҳақида маълумотни ўзгартириш ёки қалбакилаштиришнинг умуман имкони йўқ. Чунки бу жараён бутун дунё бўйича юз минглаб компьютерлар томонидан тасдиқланади. Айнан ушбу компьютерларда ушбу маълумотнинг қўплаб нусхалари сақланади — улар билан исталган фойдаланувчи исталган вақтда танишиши мумкин. Жўнатма жараёни марказлашмаган ҳолда бор-йўғи бир неча дақиқа вақт олади ва банк жўнатмасидан бир неча ўн марта арzonдир. Агар сиз пулларни ёки қандайдир маълумотни блокчейнда сақласангиз, ушбу қайдлар ҳеч қачон йўқолиб кетмайди ёки сохталаштирилмайди. Бозорнинг исталган иштирокчиси исталган дақиқада молиявий аҳволингизга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Блокченда ҳеч қандай учинчи томон ёки воситачи иштирокисиз, тўлиқ шаффоффлик ва ҳисоблар аниқлигининг математик кафолати таъминлаб берилади.

Ўзбекистон Республикасида блокчейн билан ишлашга Тошкент шахрида жойлашган «Мирзо Улугбек Инновацион Сентер» инноватсия маркази қошидаги тақсимланган реестр технологиялари (блокчейн) бўйича ваколатлар маркази масъул ташкилот бўлиб ҳисобланади. Ушбу тақсимланган реестр технологиялари (блокчейн) бўйича ваколатлар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-

сонли “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлигини Фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган. Хусусан, 2018-2019 йилларда ахборот-коммуникатсия технологиялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 7-бўлумида белгиланган “Мирзо Улугбек Инноватион Сентер” инноватсион маркази қошида блокчейн технологияси имкониятларидан фойдаланиш шартшароитларни яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий дастурчиларни томонидан ушбу технологияни ўзлаштиришни қўллабкуватлаш мақсадида Тақсимланган реестр (блокчейн) технологиялари бўйича ваколатлар Маркази яратиш кўзда тутилган. Марказ фаолияти бўйича ҳужжатда (контсептсияда) ташкил этилаётган марказ фаолиятининг асосий ўйналишлари, мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари батафсил баён этилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун масъул ижрочилар бўлиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирилиги, Мирзо Улугбек инноватсион маркази ва бошқа манфаатдор идоралар ҳисобланади. Ҳужжатда (контсептсияда) қуйидаги термин ва аниқланувлар қўлланилган:

- *тақсимланган реестр (блокчейн)* - ахборотни ўзида жамлаган, муайян қоидаларга мувофиқ тузилган узлуксиз блоклар занжиридир (боғланган рўйхат). Кўпинча бундай блоклар занжири нусхалари бир-биридан мустақил равишда турли хил компьютерларда (қурилмаларда) сақланади.
- *ваколатлар маркази* - тузилмасининг асосий вазифаси қилиб маълум бир соҳадаги Янги билимларни, тажриба ва ваколатларни излаш ва узатиш ҳамда консалтинг, сервис ҳизматлар ва професионал ҳизматларни кўрсатишидир.

Марказ тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсадлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- тақсимланган реестр (блокчейн) технологиясининг имкониятларидан фойдаланиш учун шарт-шароитларни шакллантириш;
- тақсимланган реестр (блокчейн) технологияси соҳасида миллий кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- ушбу технологияни ўзлаштириш учун маҳаллий ишлаб чиқувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- давлат бошқаруви ҳизматларининг сифатини яхшилаш, идораларро иш олиб бориш самарадорлигини ошириш, бошқа давлат ваколатлари бўйича ҳизматларни амалга ошириш учун давлат бошқарув тизимида блокчейн технологияларини жорий этиш.

Тақсимланган реестр технологиялари (блокчейн) бўйича ваколатлар Марказнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ❖ Блокчейн технологияларидан фойдаланиш учун норматив-ҳуқуқий ва меъёрий базани такомиллаштириш;
- ❖ Давлат бошқарув тизимида блокчейн технологияларидан фойдаланиш учун ташкилий-техник шарт-шароитларни ривожлантириш;
- ❖ Давлат бошқаруви тизимида тақсимланган реестр технологиясини жорий этишга ягона технологик ёндашувни таъминлаш;
- ❖ Блокчейн соҳасидаги билимларни бошқариш тизимини ҳаётга тадбиқ қилиш;
- ❖ Блокчейн технологияларига ихтисослашган маҳаллий эксперталар ва компаниялар реестрини юритиш;
- ❖ Тақсимланган реестр соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- ❖ Аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳизматчиларининг тақсимланган реестр технологияси ва унинг афзалликлари ҳақидаги хабардорлик даражасини ошириш;
- ❖ Давлат тизими, хусусий ва ижтимоий соҳаларда блокчейн технологиялардан фойдаланиш бўйича илк пилот-лойиҳаларни амалга ошириш;

❖ Блокчейн технологиясидан фойдаланиш бўйича илфор хориж тажрибаларини ўрганиш ва маҳаллий шароитларга мослаштириш учун ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Блокчейн ваколатлари Марказининг асосий вазифаси ва миссияси ушбу соҳадаги миллий тажриба даражаси ва ваколатларни ошириш ҳамда Ўзбекистонда юқори технологияли ва инноватсион иқтисодиётни шакллантиришни рағбатлантириш мақсадида тақсимланадиган реестр технологиялари соҳасидаги билимларни яратиш, янглаш, сақлаш ва тарқатишнинг самарали механизмини жорий этишдан иборат.


Ушбу миссияни амалга ошириш учун Марказ қуидаги йўналишлар бўйича фаолиятни амалга оширишни режалаштирган:

1. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида блокчейн-технологияларни муваффақиятли жорий қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан:
- ✓ глобал тенденсияларни мониторинг қилиш, технологик ўзгаришларни, шунингдек блокчейнни қўллашнинг Янги соҳаларини, усулларини ва механизмларини аниқлаш учун тақсимланган реестр технологиялари бойича ҳалқаро тажрибани органиш ва уни ҳалқ хўжалиги тармоқларида тезкорлик билан ўзлаштириш;
- ✓ Ўзбекистонда блокчейн технологияларини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатдаги илмий-амалий ташкилотлар билан биргаликда амалий, илмий ва маркетинг тадқиқотларини ташкиллаштириш;
- ✓ блокчейн ва унга алоқадор технологияларни, шу жумладан, булат технологиялари, криптография, криptoанализ, ақлли контрактлар ва бошқа бу билан боғлиқ инноватсион технологияларни потентсиал фойдаланишни тартибга солувчи ҳалқаро норматив-хукуқий базаларни таҳлил қилиш ва уларни республика шароитларига мос равища тақомиллаштириш;


- ✓ мамлакат миқёсидаги блокчейн лойиҳаларни самарали равища амалга ошириш учун тегишли ташкилий ва техник инфратузилмани ривожлантириш;
  - ✓ блокчейн-технологияларни жорий этиш билан боғлиқ ташаббуслар, миллий тилдаги Янги адабиётлар, тадбирлар ҳамда лойиҳаларни ахборот-аналитик ва методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
  - ✓ Блокчейн-технологиялар бўйича ойлй таълим муассасалар ва академик ташкилотлар, олимлар ва профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликни ривожлантириш;
  - ✓ Блокчейн-технологияларни оммалаштириш бўйича илмий-амалий ва ўзбек тилдаги оммабоп адабиётлар яратиш ва уларни оммавий ахборот воситалари ёрдамида ҳалқ оммасига кенг тарғибот қилиш;
  - ✓ Блокчейн-технологияларни амалиётга қўллаш бўйича молия-кредит ва банк ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан узвий алоқада бўлиб ишлаш.
2. Миллий блокчейн-компетентсия ва ваколатларни ривожлантириш, шу жумладан:
- тақсимланган реестр технологиясидан самарали фойдаланиш учун давлат тузилмаларининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
  - блокчейн соҳасида миллий экспертлар гурӯҳини шакллантириш, бу билан боғлиқ бўлган муаммоларни муҳокама қилиш учун зарур бўлган инноватсион майдончалар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда амалиётда блокчейн технологияларни қўллашнинг Янги йўналишлари ва усусларини яратиш;
  - иқтисодиётнинг турли соҳаларига, тадбиркорликда ва давлат бошқарувига йўналтирилган блокчейн-технологиялари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- тарқатилған реестр технологияларини жорий этиш билан шуғулланувчи миллий компанияларни ва соҳа мутахассисларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
  - блокчайн технологияси йўналишида илмий ва амалий изланиш олиб борувчи олий ўқув юртлари, технопарклар, аналитик марказларИ, илмий-тадқиқот марказлари ва бошқа миллий академик ва мутахассислар бирлашмаларининг аъзоларини рағбатлантириш мақсадида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;
  - Тақсимланган рўйҳат технологиясини қўллаш борасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган анжуманларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, бу борадаги ҳалқаро тажриба ва ўзаро тажриба алмашишларда фаол иштирок этиш;
3. Блокчайн инноватсион технологияларини давлат бошқарув тизими ва миллий иқтисодиётга тадбиқ этиш жараёнини мувофиқлаштириш, шу жумладан:
- ❖ блокчайн технологияларини қўллаш ва тадбиқ этиш бўйича маслаҳат ҳизматларини кўрсатиш, мутахассислар ҳulosасини тақдим қилиш ҳамда бу соҳа бўйича инноватсион фикр ва таклифларни бериш.
  - ❖ давлат бошқарувидаги блокчайн технологияни қўллаган ҳолда информацион-коммуникатсион соҳага оид оптимал ечимларни яратиш ва тадбиқ қилишда яхлит ва бир бутун технологик ёндашувни таъминлаш;
  - ❖ Давлат идоралари ва бошқа ташкилотларда тақсимланган реестр технологиясига асосланган умумдавлат ракамли платформаларининг ишлатилишининг ривожланишига қўмаклашиш.
  - ❖ блокчайн концепсиясини оммага намойиш қилиш ва унинг амалга оширилиши мумкинлгини текшириш мақсадида давлат, хусусий ёки ижтимоий соҳаларда блокчайн илк лойиҳаларини амалга ошириш.

Блокчейнни тушуниш ушун аввало пулнинг асосий вазифаси нима эканлигини тушуниб оламиз. Пулнинг асосий вазифаси инсонлар орасидаги савдо жараёнини осонлаштиришdir:




Агарда пулнинг жамиятдаги ҳаракатини таҳлил қилсак, жуда ҳам мураккаб жараёнлар кўз олдимизга келади:




Бунда барча ҳисоб китоблар табиийки, бухгалтерия орқали амалга ошади:




Бухгалтериядаги маълумотлар эса коҳфидентсиял ва уларни бошқариш анчагина мураккаб масаладир. Ушбу вазифани осонлаштириш учун бир қанча турдаги воситачилар ҳизматидан фойдаланиш мумкин. Масалан, банклар ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар. Бу эса ҳисоб ишларини жуда ҳам мураккаблаштириб юборади. Шунинг учун ҳозирги пайтда блокчейнлардан фойдаланган холдаги тақсимланган бухгалтерия контсептсияси ишлаб чиқилмоқда. Уни схематик кўринишда қўйидагича тасвирилашимиз мумкин:




Бунда бухгалтерия китоблари тармоқда жойлаштирилиб, барча учун бирдай кўриншга эга бўлади ва ҳеч ким унга эгалик қилолмайдиган кўринишга келади. Натижада биз тақсимланган бухгалтерия контсептсиясига келамиз. Бунда бухгалтерия китобларининг барча нусхалари бир хил бўлади. Барча транзактсиялар эса барча тармоқ иштирокчилари тармоқ орқали кўра оладиган оммавий холатга келади:




Нотұғри транзактсияларни эса бошқалардан беркитиб бўлмайди, улар дарҳол барчага ошкор бўлади-қўяди:



Ҳар бир алоҳида транзактсия эса майнерлар томонидан тасдиқланади ва фойдаланувчиilar томонидан текшириб турилади:




Булар ҳаммаси блокчейн деб аталған компьютер тармоғи воситасида амалға оширилади:




Демак, блокчейн бу бир хил хуқукқа эга бўлган ва тармоққа П2П (*peer to peer*) усулида уланган бир қанча компьютерларга ёзилган маълумотлардан иборат журнал бўлиб, унда исталган турдаги ва кўринишдаги маълумотлар (масалан, пул оператсиялри, контрактлар, патсиентлар ҳақидаги маълумотлар, турли кўринишдаги билимлар ва бошқалар) сақланиши мумкин. Блокчейнларда қўпинча ақлли контрактлар тушунчаси ишлатилади. Ақлли контрактларга ўтишдан аввал контракт нималигини эслатиб ўтамиш:


Контракт бу икки ёки ундан кўп шахлар орасида қандайдир ҳукуқ ёки мажбуриятларининг тузилганлиги, ўзгарганлиги ёки тугаганлигини аниқлаб берувчи хужжатдир. Унда қандайдир ходисанинг рўй беришига олиб келувчи шарт-шароитлар мажмуси аниқлаб берилади. Ақлли контракт эса, реал дунёда ёки рақамли оламда қандайдир ходисанинг рўй беришига олиб келувчи шарт-шароитлар мажмусини аниқлаб берадиган электрон алгоритмидир. Ақлли контрактларнинг амалга оширилиши учун инсоний факторни умуман четга чиқариб ташлайдиган марказлашмаган муҳит керак бўлади. Агарда ақлли контрактда бирор-бир нарсанинг баҳосини узатиш ёки ишлатиш ёки кўрсатиш зарур бўлса, у ҳолда криптовалютани ишлатиш лозим бўлади. Масалан, агарда биткоин блокчейнида ақлли контрактни ишлатсак, у қуидаги кўринишга эга бўлади:



Ақлли контракт орқали блокчейнда исталган турдаги маълумотларни сақлай оламиз. Масалан:




Блокчейнлардан фойдаланишга яна бир мисол сифатида домен исмларининг тақсимланган доменли тизимини кўрсатишимиз мумкин:



Блокчендан жаҳон миқёсида фойдаланиш бўйича яна бир қанча реал мисолларни қуидаги тасвир орқали тасаввур қилишингиз мумкин:

## **IDC Market Glance: Blockchain**

Source: IDC, 4Q17  
For areas that IDC covers, the top 3-5 market share leaders are represented. For areas that IDC does not cover, vendor selection is up to analyst discretion.  
IDC ANALYZE THE FUTURE  
For more information about IDC Market Glance: Blockchain, 4Q17(Doc #US43185017), contact [permissions@idc.com](mailto:permissions@idc.com).



Тақсимланган реестр воситасида бухгалтерия ишини юритиш бүйича мавжуд платформаларга мисол сифатида эверледгер ни келтиришимиз мумкин (еверледгер.ио). Бу блокчейн технологияларнинг жаҳон миқёсида ишлатилаётгани ва тан олинаётганига ўзига ҳос хаётий бир мисолдир. Грузияда ҳам ер кадастри ишлари биткоиннинг блокчейнида амалга

оширилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Украинада эса блокчейн ёрдамида ким ошди савдолари ўтказилш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

## **7.4. Турли қўринишдаги криптовалюталарнинг тавсифи**

Литесоин (Лайткойн) деб номланган криптовалюта дунёдаги энг оммалашган криптовалюталар турларидан бири ҳисобланади. Литесоиннинг махсус яратилган сайтида уни қўпинча «*рақамли валюта*» деб ҳам атайлайдилар. Литесоин уни яратувчилар томонидан асосий рақамли валюта бўлган Битсоиннинг эволюцияси ҳисоблансада, ундан анча-мунча фарқ ҳам қиласди. 2013 йилнинг 11 декабри холатига кўра БТС-Е биржасида 1 ЛТС тахминан 33 АҚШ долларига teng ҳисобланган. Лайткоинлар пул алмаштириш шахобчаларида биткоинга ёки оддий пулларга алмаштирилиши мумкин. Ундан ташқари, криптовалюталар турли хил товар ва ҳизматларни сотиб олиш учун ҳам ишлатилишлари мумкин (*агарда сотувчилар бунга рози бўлсалар, албаттa*). Лайткоин ўзининг бир қанча кўрсатгичлари билан Биткоинга жуда ҳам ўхшаб кетади. Булар жумласига қуидагиларни киритишимиз мумкин:

- Майнинг пуллар топишнинг асосий воситаси;
- Тармоқнинг марказламагани ва тарқоқлиги;
- Ташқи назоратнингт мавжуд эмаслиги;
- Емиссиянинг алгоритмик жиҳатдан чегаралангандиги;
- Пул маблағларига аноним жиҳатдан эгалик қилиш ва улардан фойдаланишнинг анонимлилиги (*бунга транзактсиялар ҳам киради*);
- Транзактсияларни рад этишнинг мумкин эмаслиги;
- Маблағларни тармоқнинг бир қисми бўлган ҳамён файлда сақланиши.

Худди Битсоин каби, Литесоин ҳам C++ тилида ёзилган ва мижоз учун Windowc, Mac ОС X, Линух версияларида сақланади.

ЛИТЕСОИН (ЛТС) нинг БИТСОИН (БТС) дан асосий фарқлари:

- Литесоин ҳисоблаш амаллари учун марказий протессорни Битсоин га нисбатан самарадорроқ ишлатади, майнингнинг афзаликлари эса унда бироз пастрок даражада бўлади.
- Пул ўтказмаларини тасдиқлаш учун тўрт марта камроқ вақт сарфи керак бўлиши;
- Пул маблағларининг максимал катта микдоридан фойдалана олиш мумкинлиги – яъни 84 миллион доллар;
- Ҳар 3,5 кунда криптографик ҳисобларнинг мураккаблик даражаси қайта ҳисобланилиб турилади;
- Тармоқда жами бўлиб 84 миллион ЛТС дан фойдаланиш мумкин, бу эсаБТС га нисбатан тўрт марта кўп деганидир;
- Янги блоклар генератсия қилинганиучун мукофотланув ҳам 840 000 блокдан сўнг икки бараварга камайтирилади;
- Лайткоиннинг лойиҳачилари ўзларининг асосий мақсадлари сифатида биткоин тизимидағи хатолар ва камчиликларни тузатишни қабул қилганлар. Криптовалюталар билан иш олиб борилганида Литесоиннинг курси Битсоиннинг курсига боғлиқ эканлиги кузатилади. Бу уларнинг бир бирига боғлиқлигидан эмас (*чунки улар бир-бирига боғлиқ бўлмаган валюталардир*), балки Битсоин ва Литесоинга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро баланси натижасида пайдо бўлади. Криптовалюталарнинг курсларини умуман башорат қилиб бўлмайди ва холат исталган дақиқада батамом ўзгариб кетиши мумкин. Айниқса бу холат 21 миллион биткоинлар ишга тушиб кетгандан сўнг яққол кузатилади.

*Лайткоинларнинг кейинги вақтда кузатилган катта муваффақияти қуидагиларда деб та`кидлашимиз мумкин:*

1. Кипр давлатининг ўз иқтисодиётининг айрим қисмларни биткоинларга ўтказишни режалаштирганлиги;

2. Криптовалютага жуда катта пуллар оқимининг кириб келганлиги. Уларнинг капитализацияшуви бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди;

3. Кўпчилик инсонларнинг 100 сумга ҳам, 3 долларга ҳам биткоин сотиб оллолмаганликлари уларнинг биткоин миллионерлари бўлиш имкониятларини батамом йўққа чиқарганлиги;

4. Шунинг учун ҳам биткоиндан кейинги иккинчи алтернатив криптовалюта – лайткоиннинг обруси орта бошлади. Ушбу бозорда фаолият кўрсатаётган кўпчилик инсонлар лайткоин ҳам биткоиннинг муваффақиятини қайтаришига ва у ҳам 1000 долларгача катталика ўса олишига ишондилар;

5. Криптовалюталарнинг асосий биржаси ўзида лайткоинлардан ҳам фойдаланишини билдириди;

6. Юқоридаги сабаблар туфайли кўпчилик лайткоинларни фаол равишда сотиб ола бошладилар.

Хозирги даврдаги асосий криптовалюталарнинг қисқача тавсифи қўйидаги жадвалда келтирилган:

Валюта	Код	Ярати лган вақти	Муаллиф	Фаоллик	Сайт	Хеш	Изоҳ
Биткоин	BTC	2009	Сатоши Накамото	Ҳа	биткоин.ор г	ША-256	Биринчи ва энг оммабоп криптовалюта, прооф-офф-ворк
Литесоин	LTC	2011	Соблеев	Ҳа	литесоин.о рг	Скрипт	прооф-офф-ворк
Намесоин	NMC	2011	Винсед	Ҳа	дот-бит.орг	ША-256	прооф-офф-ворк. Марказлашмаган ДНС сифатида, интернет-тсензурани қийинлаштириш максадида

Криптовалюталарнинг ба`зи бир хусусиятларини ва интернет манзилларини қўйида қисқача тавсифлаб ўтамиз:

ЛТС ([хттп://литесоин.орг](http://литесоин.орг)) - Литесоин

Ушбу криптовалюта оммавийлиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган криптовалютадир. Унда блоклар ҳар 2,5 дақиқада генератсия қилинади ва унда 84 миллион пул бирлиги мавжуд. Тизимнинг мураккаблиги ҳар бир 2016 блокда ўзгариб турди (3,5 кунда) ва ҳар бир блок учун мукофотланув – 50 ЛТС ҳар 840 000 блокда икки баробар камаяди. Хешлаштириш алгоритми «ссярпт» турига мансуб. Ушбу алгоритмнинг бошқаларидан асосий фарқи ЛТС нинг марказий протессорда осонроқ майнинг қилинишидир. Булар ҳақида Литесоин нинг ма`лумотномасида ва майнинг бъйича қўлланмада батафсилроқ келтирилган.

#### НМС ([хттп://намесоин.инфо](http://намесоин.инфо)) - Намесоин

Намесоин криптографик жиҳатдан ҳимояланган ва .бит деб номланган домен зонасида ишлаш учун яратилган. Ушбу «валюта» Битсоин контсептсиясига асосланган бўлиб, у билан бир хилда ҳисобланилиши мумкин. Пулларнинг ўзи .бит зонасидаги доменларни қайд қилишга асосланган. Битсоин криптографик тизимчasi туфайли бундай доменлар уларнинг эгаларидан бошқалар томонидан ўзгартиришга қарши ҳимояланган. Аммо ДНС-серверни ўз шахсий компьютерида кўриб чиқиш имконияти хар бир иштирокчи учун мавжуд.

#### ППС ([хттп://ппсоин.орг](http://ппсоин.орг)) - ППсоин

PoW & PoS нинг гибрид дизайнни худди шу валютада амалга оширилган. Бу тизимда транзактсия 520 марта тасдиқлашни сўрайди, аммо пуллар ҳамёнда дарров пайдо бўлади. Тизим хакерлар хужумига анчагина чидамли ҳисобланади.

#### НВС ([хттп://новасоин.орг](http://новасоин.орг)) - Новасоин

Новакоин тизимини яратишдан асосий мақсад ППСоин ларнинг афзалликларини яна бир марта қайтариш бўлган. Аммо бунда унинг жуда ҳам катта эмиссия хажми каби камчиликларидан қутулишга ҳаракат қилинган. НВС ўзида хешлаштириш алгоритми сифатида Ссряпт функциясидан фойдаланади. Эмиссиянинг чегаравий тезлиги 100 марта гача камайтирилган, мураккаблик ошиши билан мукофотланишнинг камайиш тезлиги эса қиялиги

бироз камроқ бўлган чизик билан амалга оширилган. ППСоин лойиҳасига ўхшаш, мураккаблик тармоқнинг ҳар бир блокида қайтадан ҳисобланади. Ҳар бир ҳисоб-китобда мураккабликнинг ошишининг максимал катталиги 1% ни ташқил қиласди. Тармоқлардаги блокларни генератсия қилишнинг мақсадли тезлиги соатига 6 блокни ташқил қиласди.

ТРС ([хттп://террасоин.орг](http://террасоин.орг)) - Террасоин

Бу тизимда блоклар ҳар 2 дақиқада генератсия қилинади ва жами тизим тангалари сони 42 миллионни ташкил қиласди. Мураккаблик эса ҳар 30 блокдан кейин қайта ҳисобланади. Блок учун мукофотланув 20 ТРС деб белгиланган. Ҳар 1 050 000 блокда мукофотланув икки баробар камаяди.

ФТС ([хттп://www.феатхерсоин.ком](http://www.феатхерсоин.ком)) - Феатхерсоин

Феатхерсоинлар - форк Литесоин ҳисобланади ва у ссрйптдан ҳамда ПОУ схемадан фойдаланади. Блоклар ҳар 2,5 дақиқада генератсия қилинади. Унда жами 336 миллион танга мавжуд. Мураккаблик ҳар 5040 блокда қайта ҳисобланади, блок учун мукофот миқдори 200 ФТС бўлиб, у ҳар 8 400 000 блокда икки марта камаяди.

СНС ([хттп://чинсоин.орг](http://чинсоин.орг)) - Чинасоин

Чаинасоин ҳам форк Литесоин ҳисобланади ва у ссрйптдан ҳамда ПОУ схемадан фойдаланади. Блоклар ҳар бир дақиқада генератсия қилинади. Унда жами 2 628 000 блоклар бўлиб, у 462,5 миллион тангани ташқил қиласди. Мураккаблик ҳар 5040 блокда қайта ҳисобланади, блок учун мукофот миқдори 88 СНС.

РУС ([хттп://www.русоин.орг](http://www.русоин.орг)) - Русоин

Ушбу криптовалюта тангаларни ссрйпт ҳамда ша256д схемалари орқали генератсия қиласди. Тармоқнинг хакерлар хужумидан ҳимояланиш катталиги 51% га teng бўлиб, у майнингда генератсия қилинган блокларнинг катақчалари номи билан амалга оширилган. Хакерлар хужуми вақтида тармоқ ҳимояланган режимга ўтади ва блокларни фақатгина ишончли тугунлардангина қабул қила бошлайди. Ҳамёнларнинг номлари чиройли ва транзактсиялар изохлар орқали келтирилади.

Конфидентсиал тўловлар учун криптографиянинг илк бора ишлатилиши 1990 йилдан Девида Чомнинг ДигиСаш тизимидан бошланган. Афсуски, унинг компанияси 1998 йилда банкротликка учраган. Аммо унинг тўлов тизими марказлашган бўлгани учун сақланиб қолган ва «криптовалюта» атамаси биринчи марта Битсоин пирринг тўлов тизими пайдо бўлганидан сўнг ишлатилина бошланди. Ушбу тизим 2009 йилда Сатоси Якомото исмли (*псевдономли*) инсон ёки шахслар гурухи томонидан ишлаб чиқилган. Бу тизим SHA-256 туридаги хешлаштиришдан ва прооф-оф-ворк тизимидан фойдаланади. Шундан кейинги йилларда Битсоин га боғлиқ бўлмаган мустақил криптовалюталар ҳам ишлатилина бошланди. Уларни Битсоин форклари деб аталади. Масалан, Намесоин, Литесоин, ППСоин, Новасоин ва бошқалар. Булардан бошқа бир қанча форклар ҳам яратилган, аммо уларнинг Битсоиндан унчалик катта фарқлари йўқ деса ҳам бўлади. Фарқлари фақат эмиссия тезлиги ва чегаралари ёки хеш-функциялар алгоритмларидагина бўлиши мумкин. Бундай турдаги кўпгина форклар 2011-2014 йилларда Битсоиннинг бозорда эришган муваффақиятлари туфайли вужудга келган дейишимиз ҳам мумкин. Криптовалюталарнинг бошланғич нархи унинг генератсия қилиш учун компьютерга сарф қилинган электр энергиясининг баҳосига teng дейиш мумкин. Криптовалютанинг иккиласми бозорий нархини эса унга бўлган талаб аниқлаб беради. Бундай талаб икки хил турда бўлиши мумкин:

- 1) спекулятив — инвесторники (*криптовалютани уни янада қимматроқ сотии мақсадида сотиб олиши*);
- 2) Криптовалюта тўлаб, ўрнига қандайдир товар ёки маҳсулот олиш;
- 3) Криптовалютани бошқа ҳисоб рақамига комиссиясиз (*ёки 0,1% дан ҳам камроқ комиссия билан*) ўтказиш.

Булардан ташқари, криптовалютанинг бозорий нархини хосил қилишда унинг охирги эмиссияси қандай бўлганлиги ҳам рўл ўйнайди. Битсоин тармоғини яратган Гевин Андрисен ҳам баъзи бир криптовалюталарнинг фирибгарлик маҳсули бўлиши мумкинлигидан ўз хавотирини билдирган.

Хозирги даврда Биткоиндан бошқа ҳеч қандай криптовалюта бунчалик кенг миқёсда тарқалмаганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Литесоин ва Намесоин криптовалюталари бошқаларга нисбатан бироз кенгрөк тарқалдилар, аммо Биткоинга етишининг уддасидан чиқа олмадилар. Бошқа барча криптовалюталар уларнинг курсларида бироз миқдорда спекулятсия қилиш учун ишлатиладилар ва бошқа ерларда ишлатилганлари хозирча кузатилмади. Асосий криптовалюталар эмиссиянинг қуидаги умумий миқдори доирасида амал қиласидар: (БТС) Биткоин — 21 миллион криптотанга ва (ЛТС) Литесоин — 84 миллион криптотанга.

Криптовалюталар билан ишлашни бошлашни ўрганиш ёки улар билан ишлашга мўлжалланган сайtlар сони ва криптовалюталар биржалари жуда ҳам кўп миқдорда. Масалан, БТС - э биржаси, эхмо.сом - биржаси, ЛивеСоин.нет - замонавий бижаси, СЕХ.ИО - биржаси, эСоин.еу - биржаси, ГОС.ио - криптовалюталар билан автоматик тарзда савдо қилувчи платформа, Сройтонит.нет криптовалюталар сотувчи ва сотиб оловчичи биржаси, Кракен компаниясининг биржаси, Битфинех - АҚШ доллари билан савдо қилувчи энг катта биржаси, БТС Чина - савдо хажми бўйича дунёдаги энг катта Хитой фирмаси, БитЕс.сом - АҚШ доллари билан катта миқдордаги савдо хажмини амалга оширувчи Хитой криптовалюта биржаси ва бошқалар. Кейинги пайтда русийзабон фойдаланувчилар учун мўлжалланган криптовалюталар билан автоматик тарзда савдо қиласиган тизимлар ҳам тобора машхур бўлиб бормоқда. Уларга бир марта кирасиз ва унга а`зо бўлганингиздан сўнг, савдо жараёнини тизимнинг ўзи автоматик тарзда амалга оширади. Сиз ҳам ўз омадингизни ушбу криптовалюта савдо тизимларида bemalol текшириб кўришингиз мумкин. Аммо савдо жараёнини бошлашдан аввал криптовалюта турларини ва савдо амалиётини мавжуд тренажерларда яхшилаб ўрганиб, ўзлаштириб олишингизни маслахат қиласидар. Қуидаги тасвирида криптовалюталар олами ўзига хос мозаикали тасвиirlар воситасида келтирилган ва у криpto-олам тўғрисидаги ўқувчи тасаввурини янада бойитиш учун ҳизмат қиласидар:



Юқоридаайтилганлардан келиби чиққан холда шуни айтиш керакки, рақамли валюта дегандашундайвалютатурига айтилады, бундайтурдаги валюта хозирги пайтда ҳамёнингиздабўлган қоғоз кўринишидаги валюталардан фарқли ўлароқ, фақат гинае лестронкўрини шдабўлади. Аммо, хозирги даврдакўпчилик инсонлар биткоин, лайткоин, токен ва блокчейнлар каби елестронвалютатурларидан қандай фойдаланишниту шунавермайдар. Демак, табиий равишда қуидаги савол туғилади: электронвалюталар восьита сида интернетизими орқали одатий пул кабитўловлар амалга ошириш мумкинми?

Қуидашувашубиан боғлиқ бир қанчадол зарбасоллар гажавоб бериш гаҳарка тқиламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, биткоин тангаларини яратиш учун сарфланадиган ҳаражатлар унчалик катта эмас, бироқ худди олтин ёки нефтни қазиб олишдаги ташкилотлар кўпайиши ва ушбу ресурсларнинг камёб топилиши боис нархи ошгани сингари биткоинни ҳам сўнгги вақтларда майнинг орқали ҳосил қилиш мураккаблашган ҳолда бутун бир бошли «майнинг фермалари»даги бир неча кунлик тўхтовсиз амалиёт натижасида бор йўғи бир нечта биткоин ҳосил бўлаётгани ҳамда биткоинлар максимал сони чегаралангани (21 000 000) нархнинг кўтарилишига туртки бўлмоқда. Бироқ бундан бошқа яна энг катта сабаблардан бири биткоинни Хитой, Япония ва Жанубий Корея сингари ривожланган

мамлакатлар иқтисодиётида расман тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши ушбу биткоин тангаларига нисбатан талабни чунонан кучайтирдики, 2017 йилнинг ўзида йил бошига нисбатан жадал ўсиш кўрсаткичига эришилди (курс 998 АҚШ долларидан 20000 АҚШ долларигача ўсади). Бугун дунёдаги етакчи биржалар ва йирик банклар ҳам биткоиннинг олди-сотдисини трейдинг тизимида йўлга қўйишларига тўғри келмоқда. Гарчи криптовалюталарнинг гуркираб ривожланиши бутун жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига катта та`сир қилган ҳолда мавжуд бўлган тизимни йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлиши мумкин бўлса ҳам, айни пайтда катта даромад кўриш истагида бўлган инвесторлар биткоиннинг ривожланишидан манфаатдор бўлишмоқда. Шунингдек, биткоин тангаларини гуркираб ривожланишидан энг кўп манфаат кўрувчи инсонлар – бу яширин иқтисодиётда фаолият юритувчи инвесторлардир. Айнан шунинг учун ҳам ҳозирда бир нечта иқтисоди ривожланган давлатлар биткоин орқали турли ноқонуний ва жиноий фаолиятларнинг ривожланиб кетиши олдини олиш мақсадида биткоинни тўлов воситаси сифатида қабул қилишмаяпти.

Биткоинни харид қилиш масаласига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги вақтда уни бир нечта маҳсус биржалар ва умуман ҳар қандай биткоинга эга бўлган иштирокчидан тўғридан-тўғри сотиб олиш йўллари мавжуддир. Унда биткоиннинг қиймати иштирокчилар ўзаро келишган нархда амалга оширилади. Тўловлар агар биржалар орқали амалга оширилса, халқаро ВИСА, Мастер Сард карталари орқали ва WebMoney, Қиши, Перфест Моней, Адвасаш, Паеер, Пайпал ва бошқа электрон ҳамёнлар орқали сотиб олиш мумкиндир.

Ҳозирги кунга келиб, криптовалюталарга маълум бир усулда (*майнинг, форжинг*) эмиссияси қилганларгина уларга эга бўлиши мумкин. Қолганлар эса виртуал пулларни фақатгина бошқалардан олишлари мумкин. Бунинг учун маълум миқдорда пул тўлашлари ёки товар ёки ҳизматга алмаштиришлари мумкин. Алмашинув ҳеч қандай воситачиларсиз амалга оширилиши мумкин. Аммо амалиётда бу ишни маҳсус жойлардагина амалга

ошириш мумкин бўлиб қолмоқда. Бу эса табиий равища криптовалюталар бозорини вужудга келтирди. Натижада ҳозирги вақтда криптовалюталар эгалари уларни нафақат ҳақиқий пулларга балки бошқа турдаги виртуал пулларга ҳам алмаштириш имконига эга бўлмоқдалар.

## **8-БОБ. КРИПТОВАЛЮТАЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

### ***8.1. Криптовалюталардан фойдаланиши муаммолари***

Биринчи навбатда, шуни тушуниш лозимки, сиз Ўзбекистонда биткоинларга ниманидир расман ҳарид қила олмайсиз, яъни ҳарид учун ҳеч ким сизга тўлов чеки бермайди. Биткоинлар билан тўлов қилиш мумкинлигини эълон қилаётган саноқсиз қаҳвахона ва савдо марказлари шунчаки мижозларни жалб қилишни кўзлаши эҳтимоли юқори — яъни улар биткоинни бармен кармонига ўтказишингиз ҳисобига сизга қаҳва совға қилиши мумкин. Аммо, элестрон пуллар, масалан, биткоинлар қора бозорларда тез-тез ишлатилади. У тўловларнинг тез, аноним ва нисбатан ҳавфсиз усули ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам кўпчилик инсонлар бундай ҳарид усулини ва биткоинлардан фойдаланишни қонунга хилоф деб ўйладилар. Негаки улар жорий қонунчиликда тўлиқ акс эттирилмаган ва худди шунинг учунҳам уларнинг айланмаси учун жавобгарликни ҳеч ким зиммасига олишга тайёр эмас. Бироқ криптовалюталар бўйича тегишли қонун лойиҳалари қабул қилиниши билан вазият тубдан ижобий томонга ўзгариши мумкин. Шу туфайли қуидаги савол пайдо бўлади: У ҳолда нима учун биткоинларни ҳарид қилишади? Биринчидан, баъзи мамлакатларда (масалан, Япония, АҚШ ва Европанинг баъзи мамлакатларида) биткоинлар ёрдамида тўловлар қилиш — масалан, қаҳва ёки кўчмас мулкниосонгина ва қулай усулда ҳарид қилиш мумкин. Маблағингиз ўша заҳоти энг минимал устама-комиссионлар билан сотувчига етиб боради ва муҳими — битимни амалга ошириш учун сизга банк ходимлари ёки брокерлар каби воситачилар талаб қилинмайди. Бу эса пул ўтказмасини енгиллаштириб, унинг анонимлигини таъминлаб беради (чунки элестрон криптовалютанинг

ҳамёnlари унинг эгаси исми билан боғлиқ бўлмайди). Иккинчидан, кўпчилик инсонлар ушбу усулни ўз жамғармасининг диверсификатсияси деб тушунади. Электрон валюталарнинг қиймати ҳам кўпчилик ҳолатларда ошиб боради — ҳар бир киши валюта курси кўтарилиши ҳисобидан мўмайгина даромад қилишга умид қилади, албатта. Ҳўп элестрон пулларнинг ўзига ҳос афзалликлари бор экан, уларни қаерлардан олиш мумкин? Одатда интернет-пул-айирбошловчилар, мессенжерлардаги маҳсус ботлар, интернет ҳамёnlар ва криптовалюта биржаларидан фойдаланишади. Электрон пуллардан фойдаланишнинг қулийлиги туфайли ва валюта курси ошиб бораётган вазиятда уларни ҳарид қилишга талаб борган сари ошиб бормоқда. Инсонлар электрон пулларни, мисол учун, яқин дўстларидан, бу соҳа бўйича мутахасислардан, тадбиркорлардан ёки узоқ-яқин танишларидан ҳарид қилишлари мумкин. “Яндекс” тизимидағи баъзи пул айирбошловчилар биткоинларнинг бозордаги нархи 12300—12400 доллар чегарасида бўлишига қарамасдан, биткоинларни 13000 минг долларга ҳарид қилишни ҳам таклиф қилишади. Хозирги кунларга “Киви” ва “Яндекс” ҳамёnlаридан ўтказмаларни амалга оширишда аксарият криптовалюта биржаларининг комиссион тўловлари беш фоизгача етади. Британиоалик журналист Жун Ян Вон Швейтсария тоғларида жойлашган маҳфий бункерда бўлди – бу ерда “Харо” компанияси ўз мижозларининг биткоинлари криптографик калитларини сақлайди. Шу ўринда криптографик калит тушунчасига ойдинлик киритишимиз зарур бўлади. Криптографик калит - матнларни ҳеч қандай тўсиқларсиз шифрлаш ва дешифрлаш учун зарур бўлган маълумотдир. Калитнинг криптобардошлилигини билмасдан туриб, шифрланган матнни тушуниш мумкин эмас. Криптобардошлилик эса шифрланган матнни дешифратсия қилиш имконияти қандайлигини кўрсатадиган катталиkdir. Криптобардошлилик кўрсатгичлари эса барча мумкин бўлган калитлар сони ва криptoанализ учун зарур бўлган ўртacha вақтни англатади. Рақамли имзо – қандайдир маҳфий калит ёрдамида генератсия қилинган маълумотлар блоги. Очиқ калит ёрдамида

ҳақиқатан ҳам маълумотлар шу маҳфий калит ёрдамида генератсия қилингани текширилади. Элестрон валюта сотиб олишнинг энг оддий ва арzon усули — жорий даврдаги энг фойдали курс бўйича ҳарид учун йирик криптовалюта биржасига банк ўтказмасини амалга оширишdir. Аммо амалда бу жараён бир қанча объектив ва субъектив сабабларга кўра, анча мураккаб ҳисобланади. Кўпчилик банклар бу каби битимларга жуда ҳам салбий ва эҳтиёткорона муносабатда бўладлар. Жуда консерватив холатда бўлган банклар эса юқори технологиялар оламига қизиқишингизни билиб қолишса, сизнинг табиатингизни аниқлаш учун ва эҳтиоткорлик асносида ҳатто ҳисоб рақамингизни вақтинча ёпиб қўйишилари ҳам мумкин. Сизни ва ҳисоб рақамингиздаги маблағлар ҳаракатини маҳсус восиларни жалб қилган холда текширув жараёни ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ҳўш, элестрон пулларнинг, шу жумладан, биткоиннинг жорий курсига нималар таъсир қилиши мумкин? Биткоин бежизга рақамли олтин деб аталмайди — уни чиқариш ва тизимда Янги тангаларнинг пайдо бўлиши доимий қисқариб бормоқда ва математик формула билан чекланган (*мутахассислаенинг фикрларига кўра, 2034-йилга келиб биткоинларнинг 99 фоизи чиқарилади*). Талабнинг ошиши билан нархлар ҳам ўсиб бориши лозим. Бошқа томондан қараганда, ҳозирги пайтда бозорда тизимда фойдаланиш мумкин бўлган тангаларнинг 10 фоизи билангина фаол савдо қилинмоқда. Шунинг учун курснинг кескин ошиб кетишини биржага Янги биткоинлар оқимини жалб этиш билан қоплаш мумкин. Бу билан боғлиқ бир савол ҳосил бўлади: Биткоинлар курси деярли ҳар доим ўсиб бориши таъкидланмоқда. Бир нечта биткоин ҳарид қилиб, бир йилдан сўнг бойиб кетиш мумкинми? Бунинг эҳтимоли анча юқори, бироқ ҳар доим навбатдаги ўсиш олдидан курснинг икки-уч баробар тушиб кетиш ҳавфи мавжуд. Шунинг учун Янги йил совғаларида даромад қилишга умид қилаётган бўлсангиз, сиклга тушмай қолишингиз мумкинлигини инобатга олинг. 2017-йилнинг бошидан буён биткоин деярли йигирма мартадан кўпга, эфириум (*капитализатсия бўйича иккинчи ўринда туруувчи валюта*) эса 48 марта ошди. Бироқ кейинроқ

эфириум қиймати икки баробарга тушди. Сабрли инвестор учун даромад истиқболи анча юқори бўлиши мумкин. Мақола ёзилаётган пайтда барча криптовалюталарнинг жаҳон капитализатсияси 85 миллиард долларни ташкил этган. Шу сабабдан бозорнинг янада ўсиши учун барча имкониятлар мавжуд. Таққослаш учун: Россия аҳолиси банк депозитлари ҳажми — 405 миллиард доллар, АҚШда бу кўрсаткич — 9 триллион доллар. Қимматли қоғозлар дунё бозори капитализатсияси эса 86 триллион доллар (2016-йил якунида).

Енди блокчейнларнинг моҳияти ва амалий-иқтисодий аҳамияти ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтамиз. Кўпинча “Блокчейн — маълумотларни сақлаш учун тақсимланган реестр (руйҳат)...” деб тушунтирилади. Ушбу изоҳни бир неча марта эшитган, бироқ ҳеч нарсани тушунмаган бўлишингиз мумкин. Шунинг учун бу атаманинг классик маъносини келтириб ўтамиз: Блокчейн — бу бир-бири билан интернет орқали боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида сақланувчи тақсимланган маълумотлар базасидир. Унинг нега кераклигини мисол ёрдамида тушунтириш осонроқ. АҚШ даги акангизга банк жўнатмалари орқали 100 доллар юбордингиз деб тасаввур қилинг. Жўнатма шаклини тўлдирганингиздан сўнг, банк ходими шаҳсий ҳисобингиздан пулни ечиб олиб, уни ҳалқаро ўтказмалар учун банкнинг ягона ҳисобига ўтказади. Шундан сўнг, бошқа ходим бу пулларни агент банкнинг ҳисобига ўтказади, у эса, ўз навбатида, пулларни АҚШ га ўтказади. У ерда ўтказмангиз айнан шу таҳлит акангизнинг шахсий ҳисобига тушади. Жўнатма давомида ҳеч ким хатога йўл қўймаган бўлса, уч кун ўтиб акангиз 97 долларни олади (*барча банкларнинг комиссионлари олинганидан сўнг, албаттa*). Бироқ энг қўрқинчлиси, шу уч кун ичида на сиз, ва на сизнинг акангиз, қолаверса, банкирлардан ҳеч бири айни вақтда пулларингиз қаерда эканлигини ва уларнинг ҳисобини ким юритаётганлигини билмайди. Сервернинг кутилмаганда бузилиб қолиши, банк ходимининг инсофизлиги ёки хакерлик ҳужуми узоқ суриштирувларнинг бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Аҳир бу каби ҳодисалар ҳисобингиздаги пуллар билан ҳам содир

бўлиши мумкин-ку. Демак, сиз ҳар куни тизимга умид қиласиз ва банкингизга ишонасиз, бу эса катта муаммо. Ҳозирда блокчейнлар асосан криптовалюта жўнатмалари учун фойдаланилмоқда. Бироқ шу билан бир вақтда у турли ташкилотларнинг турли-туман мақсадларини амалга ошириш учун ҳам фаол жорий этилмоқда. Блокчейннинг афзалиги унинг шаффоф, тезкор, соддалиги ва қийматида. Сиз криптовалюта ёки бирор-бир маълумотни блокчейн орқали жўнатган бўлсангиз, бундай жўнатма ҳақида маълумотни ўзгартириш ёки қалбакилаштиришнинг умуман имкони йўқ. Чунки бу жараён бутун дунё бўйича юз минглаб компьютерлар томонидан тасдиқланади. Айнан ушбу компьютерларда ушбу маълумотнинг қўплаб нусхалари сақланади — улар билан исталган фойдаланувчи исталган вақтда танишиши мумкин. Жўнатма жараёни марказлашмаган ҳолда бор-йўғи бир неча дақиқа вақт олади ва банк жўнатмасидан бир неча ўн марта арzonдир. Агар сиз пулларни ёки қандайдир маълумотни блокчейнда сақласангиз, ушбу қайдлар ҳеч қачон йўқолиб кетмайди ёки сохталаштирилмайди. Бозорнинг исталган иштирокчиси исталган дақиқада молиявий ахволингизга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Блокченда ҳеч қандай учинчи томон ёки воситачи иштирокисиз, тўлик шаффофлик ва ҳисоблар аниқлигининг математик кафолати таъминлаб берилади.

Ўзбекистон Республикасида блокчейн билан ишлашга Тошкент шаҳрида жойлашган «Мирзо Улугбек Инноватион Сентер» инноватсия маркази қошидаги тақсимланган реестр технологиялари (блокчейн) бўйича ваколатлар маркази масъул ташкилот бўлиб ҳисобланади. Ушбу тақсимланган реестр технологиялари (блокчейн) бўйича ваколатлар маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлигини Фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган. Хусусан, 2018-2019 йилларда ахборот-коммуникатсия технологиялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"нинг 7-бўлимида

белгиланган "Мирзо Улугбек Инноватион Сентер" инноватсион маркази қошида блокчейн технологияси имкониятларидан фойдаланиш шарт-шароитларни яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий дастурчиларни томонидан ушбу технологияни ўзлаштиришни қўллаб-куватлаш мақсадида Тақсимланган реестр (блокчейн) технологиялари бўйича ваколатлар Маркази яратиш кўзда тутилган. Марказ фаолияти бўйича ҳужжатда (контсептсияда) ташкил этилаётган марказ фаолиятининг асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва фаолиятининг ташкилий-хуқуқий механизмлари батафсил баён этилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун масъул ижрочилар бўлиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирилиги, Мирзо Улуғбек инноватсион маркази ва бошқа манфаатдор идоралар ҳисобланади. Ҳужжатда (контсептсияда) қуидаги термин ва аниқланувлар қўлланилган:

- *тақсимланган реестр (блокчейн)* - ахборотни ўзида жамлаган, муайян қоидаларга мувофиқ тузилган узлуксиз блоклар занжиридир (боғланган рўйхат). Кўпинча бундай блоклар занжири нусхалари бир-биридан мустақил равишда турли хил компьютерларда (қурилмаларда) сақланади.
- *ваколатлар маркази* - тузилмасининг асосий вазифаси қилиб маълум бир соҳадаги Янги билимларни, тажриба ва ваколатларни излаш ва узатиш ҳамда консалтинг, сервис ҳизматлар ва профессионал ҳизматларни кўрсатишидир.

Марказ тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсадлар сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- тақсимланган реест (блокчейн) технологиясининг имкониятларидан фойдаланиш учун шарт-шароитларни шакллантириш;
- тақсимланган реестр (блокчейн) технологияси соҳасида миллий кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

- ушбу технологияни ўзлаштириш учун маҳаллий ишлаб чиқувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- давлат бошқаруви ҳизматларининг сифатини яхшилаш, идораларо иш олиб бориш самарадорлигини ошириш, бошқа давлат ваколатлари бўйича ҳизматларни амалга ошириш учун давлат бошқарув тизимида блокчейн технологияларини жорий этиш.

Тақсимланган реестр технологиялари (блокчейн) бўйича ваколатлар Марказнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ❖ Блокчейн технологияларидан фойдаланиш учун норматив-хуқукий ва меъёрий базани такомиллаштириш;
- ❖ Давлат бошқарув тизимида блокчейн технологияларидан фойдаланиш учун ташкилий-техник шарт-шароитларни ривожлантириш;
- ❖ Давлат бошқаруви тизимида тақсимланган реестр технологиясини жорий этишга ягона технологик ёндашувни таъминлаш;
- ❖ Блокчейн соҳасидаги билимларни бошқариш тизимини ҳаётга тадбиқ қилиш;
- ❖ Блокчейн технологияларига ихтисослашган маҳаллий эксперталар ва компаниялар реестрини юритиш;
- ❖ Тақсимланган реестр соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- ❖ Аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳизматчиларининг тақсимланган реестр технологияси ва унинг афзалликлари ҳақидаги хабардорлик даражасини ошириш;
- ❖ Давлат тизими, хусусий ва ижтимоий соҳаларда блокчейн технологиялардан фойдаланиш бўйича илк пилот-лойиҳаларни амалга ошириш;
- ❖ Блокчейн технологиясидан фойдаланиш бўйича илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва маҳаллий шароитларга мослаштириш учун халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Блокчейн ваколатлари Марказининг асосий вазифаси ва миссияси ушбу соҳадаги миллий тажриба даражаси ва ваколатларни ошириш ҳамда Ўзбекистонда юқори технологияли ва инноватсион иқтисодиётни шакллантиришни рағбатлантириш мақсадида тақсимланадиган реестр технологиялари соҳасидаги билимларни яратиш, янглаш, сақлаш ва тарқатишнинг самарали механизмини жорий этишдан иборат.

Ушбу миссияни амалга ошириш учун Марказ қўйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни амалга оширишни режалаштирган:

4. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида блокчейн-технологияларни муваффақиятли жорий қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан:
  - ✓ глобал тенденсияларни мониторинг қилиш, технологик ўзгаришларни, шунингдек блокчейнни қўллашнинг Янги соҳаларини, усулларини ва механизмларини аниқлаш учун тақсимланган реестр технологиялари бойича халқаро тажрибани органиш ва уни ҳалқ хўжалиги тармоқларида тезкорлик билан ўзлаштириш;
  - ✓ Ўзбекистонда блокчейн технологияларини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатдаги илмий-амалий ташкилотлар билан биргаликда амалий, илмий ва маркетинг тадқиқотларини ташкиллаштириш;
  - ✓ блокчейн ва унга алоқадор технологияларни, шу жумладан, булат технологиялари, криптография, криптоанализ, ақлли контрактлар ва бошқа бу билан боғлиқ инноватсион технологияларни потентсиал фойдаланишни тартибга солувчи ҳалқаро норматив-хуқуқий базаларни таҳлил қилиш ва уларни республика шароитларига мос равища тақомиллаштириш;
  - ✓ мамлакат миқёсидаги блокчейн лойиҳаларни самарали равища амалга ошириш учун тегишли ташкилий ва техник инфратузилмани ривожлантириш;

- ✓ блокчейн-технологияларни жорий этиш билан боғлиқ ташаббуслар, миллий тилдаги Янги адабиётлар, тадбирлар ҳамда лойиҳаларни ахборот-аналитик ва методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ✓ Блокчейн-технологиялар бўйича ойлй таълим муассасалар ва академик ташкилотлар, олимлар ва профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликни ривожлантириш;
- ✓ Блокчейн-технологияларни оммалаштириш бўйича илмий-амалий ва ўзбек тилдаги оммабоп адабиётлар яратиш ва уларни оммавий ахборот воситалари ёрдамида ҳалқ оммасига кенг тарғибот қилиш;
- ✓ Блокчейн-технологияларни амалиётга қўллаш бўйича молия-кредит ва банк ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан узвий алоқада бўлиб ишлаш.

5. Миллий блокчейн-компетентсия ва ваколатларни ривожлантириш, шу жумладан:

- тақсимланган реестр технологиясидан самарали фойдаланиш учун давлат тузилмаларининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- блокчейн соҳасида миллий экспертлар гурӯҳини шакллантириш, бу билан боғлиқ бўлган муаммоларни муҳокама қилиш учун зарур бўлган инноватсион майдончалар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда амалиётда блокчейн технологияларни қўллашнинг Янги йўналишлари ва усусларини яратиш;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларига, тадбиркорликда ва давлат бошқарувига йўналтирилган блокчейн-технологиялари соҳасидаги мутахassisларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тарқатилган реестр технологияларини жорий этиш билан шугулланувчи миллий компанияларни ва соҳа мутахassisларини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;
- блокчайн технологияси йўналишида илмий ва амалий изланиш олиб борувчи олий ўқув юртлари, технопарклар, аналитик марказларИ,

- илмий-тадқиқот марказлари ва бошқа миллий академик ва мутахассислар бирлашмаларининг аъзоларини рағбатлантириш мақсадида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;
- Тақсимланган рўйхат технологиясини қўллаш борасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган анжуманларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, бу борадаги ҳалқаро тажриба ва ўзаро тажриба алмашишларда фаол иштирок этиш;
6. Блокчайн инноватсион технологияларини давлат бошқарув тизими ва миллий иқтисодиётга тадбиқ этиш жараёнини мувофиқлаштириш, шу жумладан:
- ❖ блокчайн технологияларини қўллаш ва тадбиқ этиш бўйича маслаҳат ҳизматларини кўрсатиш, мутахассислар ҳулосасини тақдим қилиш ҳамда бу соҳа бўйича инноватсион фикр ва таклифларни бериш.
  - ❖ давлат бошқарувида блокчайн технологияни қўллаган ҳолда информацион-коммуникатсион соҳага оид оптимал ечимларни яратиш ва тадбиқ қилишда яхлит ва бир бутун технологик ёндашувни таъминлаш;
  - ❖ Давлат идоралари ва бошқа ташкилотларда тақсимланган реестр технологиясига асосланган умумдавлат рақамли платформаларининг ишлатилишининг ривожланишига кўмаклашиш.
  - ❖ блокчайн концепсиясини оммага намойиш қилиш ва унинг амалга оширилиши мумкинлгини текшириш мақсадида давлат, хусусий ёки ижтимоий соҳаларда блокчайн илк лойиҳаларини амалга ошириш.

## ***8.2. Реал иқтисодиётда ИСО ларнинг ишлатилиши***

Енди ИСО (*Инитиал Соин Офферинг - криптовалютани бирламчи жойлаштириши*) нималиги ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қиласиз. Буни тушуниш учун аттраксионлар паркини тасаввур қилинг. Унинг кириш қисмида парк эмблемаси туширилган жетонни ҳарид қиласиз ва турли кўнгилочар ўйинлар ва аттраксионлар учун у билан тўлов қиласиз.

Блокчейнлар билан ишловчи турли лойиҳалар (*масалан, маълумотларни сақлашига ихтисослашганлар*) ҳам ана шундай жетонлар чиқаради. Улар танга ёки токен деб аталади.

Ҳаридор ана шундай токен ҳарид қилиб, унинг ёрдамида лойиҳанинг бирор-бирхизмати, айтайлик, маълумотлар базасидаги ўз сақлаш жойи ҳажмини ошириш учун тўловни амалга оширади. Агар бундай лойиҳа оммалашса, токенларнинг ҳам қиймати ошади. Блокчейн-loyiҳалар токенлар чиқарганда, уларни одамлар ҳарид қила олиши учун бозорга жойлаштиради. Бу танга-токенларни бирламчи жойлаштириш — *ИСО - Инитиал Соин Офферингдир*.

ИСО лар ичида энг таниқли бўлганлардан бири ГНОСИС деб номланган ва у ишга тушурилгандан сўнг 15 дақиқа ичида 12 миллион долларга эквивалент бўлган маблағ йиғишга эришган. Аммо бу пайтда у ўзининг факатгина 5% ГНО токенларинигина чиқарган эди холос. Бу дегани, ГНОСИС 300 миллион потентсиял долларга тенг токенлар капитализатсиясига эга бўлган холда, бирор бир ҳаётchan тижорий маҳсулот ишлаб чиқармасдан туриб, яхшигина маблағга эга бўлишидир. ГНОСИС бўйича материалларни ўрганиш ИСО нинг тузилишини, унинг ишлашини, ГНО токенларининг қандай фаолият кўрсатишини ва ҳаридор учун фойдасини тушуниш имконини беради. *Гносис Лимитед* компаниясининг “Токенларни сотии шартлари” деб номланган хужжатда унинг хукуқий томонлари ҳар қандай молиявий инструмент каби жуда чуқур ёритилган, аммо ундаги иқтисодий томонлар ва мураккаликлар деярли кўриб чиқилмаган. Молиявий инжиниринг соҳасидаги мутаҳассислар учун ҳам бундай чалкаш масалаларни чуқур ўрганиб чиқиши учун ҳам қандай умумий томони йўқ. Криптовалютота – оммавий блокчейннинг ички ҳисоб бирлиги бўлса, токенлар – инвесторнинг компания томонидан пулга алиштириладиган рақамли активидир. Криптовалютани майнинг ёрдамида топадилар, токенлар

эмиссиясини эса уни чиқарган ташкилот амалга оширади. Криптовалюта билан токеннинг асосий фарқи шундаки, токенда блокчейн ҳам, ҳамён ҳам йўқ, лекин криптовалютада буларнинг иккаласи ҳам бор. ИСО бирор бир лойиҳага пул жалб қилиш учун чиқарилади ва сотилади, пул тўлаб контракт функциясини бажарувчи токенлар сотиб олган инсонларга эса токенлар ўрнига нимадир бериш таклиф этилади.

Демак, инвестор криптовалюта ёки токенлар учун келажакда ниманидир олиш ҳуқуқига эга бўлади. Унинг келажакда нима олиши, стартап лойиҳанинг қанчалик муваффақиятли чиқишига боғлиқ бўлади. Деярли барча ИСО лар бир хилда амалга оширилади: ташкилотчилар электрон ҳамённинг адресини билдирадилар ва маълум бир шартлар асосида унга пул жўнатишни таклиф қиласидилар. Маблағлар йиғилиб бўлинганидан сўнг, инвесторларнинг электрон ҳамёнларига рақамли актсияларни жўнатадилар. Токенлар ҳаридорларнинг ИСО га жўнатган пуллари миқдорига пропорционал равища тақсимланадилар. Масалан, агарда тизимда мавжуд бўлган токенларнинг умимий миқдорини 100% деб олсак, у холда уларнинг ҳаридорлар орасидаги тақсимланишини қўйидагича қилиб кўрсатишимиш мумкин. Яъни, токенларнинг 60% қисми уларни сотиб олишни истаган актив ҳаридорларга тақсимланади, токенларнинг тахминан 28% қисми эса бу тизимда фаол иш олиб бораётган ИСО командаси аъзолари орасида тарқатилади. Токенларни сотишда иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахслар, яъни бошқача қилиб айтганда дистрибуторларга эса токенларнинг 10% қисми ажратилади. Ва ниҳоят, токенларнинг қолган 2% қисми ИСО жараёнига у ёки бу кўринишда иштирок этган ҳамкорларга ҳамда маслаҳатчиларга берилиши мумкин.

Токенларни биржа орқали, ИСО жараёнида ёки бошқа инсонлардан сотиб олиш мумкин. Баъзи холларда ИСО сайтида регистрация қилиниш талаб этилиши мумкин – шартларга розилик берилади ва токенлар сотиб олинади. Шундан сўнг, токенлар биржаларда турли нархларда сотилиши мумкин, аммо ҳеч қачон унинг нархи ортади деб ишнош мумкин эмас.

Инвесторлар ўз токенларини биржаларга киритиши ва уни бошқа криптоактивларга ёки анъанавий валюталарга алмаштиришлари ҳам мумкин. Албатта токен сотиб олган инвестор уни кейинчалик сотиб фойда олишни ёки ИСО ташкил қилган компания ҳизматларидан фойдаланиб, нималаргадир эришишни режалаштиради. Токенларни сотиш уни сотиб олинган жойида амалга оширилиши ёки бунга қизиққан ҳаридорга сотилиши мумкин. Токенларни муомалага чиқариш учун мўлжалланган маҳсус платформалар ҳам мавжуд, масалан, уларнинг ичида энг оммавийлари - этҳереум, Wavес, НЕМ, эОС ва КискИСО лардир. Уларнинг ҳар бирининг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Масалан, этҳереум да энг катта аудитория (*фойдаланувчилар сони 5 миллион*) бўлса, Wавес да токенларни жуда тезкорлик билан чиқарилади, КискИСО да эса ИСО ташкил этиш ва уни амалга ошириш учун тайёр ускуналар мавжуд. Шунинг учун Янги токенлар пайдо бўлишини ИСО-чилар амалга оширадиган платформалар орқали кузатиб туриш ҳам мумкин. ИСО ларга қанча маблағ жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади деган саволга жавоб барча турдаги юқори таваккалчилик даражасига эга бўлган инвеститсиялар катталикларига бўлган кабидир – яъни, ИСО га ўзингиз йўқотиб қўйишдан қўрқмайдиган суммани инвеститсия қилган маъқулдир.


Юқоридагиларни дикқат билан ўқиб чиққанларда криптовалюталарнинг ёки токенларнинг ҳаммага маълум ва машхур бўлган молиявий пирамidalарга ўшаб кетишини англаш мумкин. Эслатиб ўтамиз, молиявий пирамidalарнинг асосий мақсади — унинг яратувчисини Янги иштирокчилар киритган маблағлар ҳисобидан бойитишидир. Бундай пирамidalарнинг активлари ташқи бозорда ҳеч кимга керак эмас, улар фойдаланишда ҳеч қандай афзалликларда эга эмас, ҳеч қандай муаммони ҳам ҳал қилмайдилар. Криптовалюталар билан боғлиқ ҳолатда эса ҳаммаси аксинча — улар молиявий бозорнинг катта муаммосини ҳал қиласди, уларнинг айланмаси қулай ва иштирокчилар учун манфаатли бўлиб, бу уларни ҳарид қилишга реал талабни юзага келтиради. Бироқ эртага бозор

технологик жиҳатдан янада мукаммал ва қулай ниманидир ихтиро қилса, йирик ўйинчилар ва инвесторлар биткоинга бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Бу эса курснинг тушиб кетиши ва капиталнинг бошқа қулайроқ воситага ўтиб кетишига олиб келиши мумкин. Аммо ҳозирда биткоинлар ва бошқа криптовалюталарни мукаммаллаштириш устида дунё бўйлаб шунчалик кўп иқтидорли програмристлар ва математиклар меҳнат қилмоқдаки, навбатдаги кескин технологик ўзгариш эҳтимол мавжуд технологиялар доирасида юз бериши мумкин.

Биткоин ва бошқа криптовалюталар қиймати ошишининг асосий сабаби бозорга йирик ўйинчиларнинг кириб келишидадир. Инвеститсия жамғармалари, халқаро корпоратсиялар, миллиардерлар ва ҳатто баъзи давлатлар ҳам бир қатор валюта ва технологик блокчейнларни қўллаб-куватлаши ва фойдаланиши бошлаши ҳақида маълум қилди. Бу эса инвесторлар ва криптовалюта соҳибларида ишонч уйғотади. Биткоинни мураккаб, аммо, реал молиявий актив деб аташ мумкин. ИСО эса криптовалюталардан фойдаланган холда компания томонидан молиявий маблағ йиғишининг замонавий усулидир. Бу усул кўпроқ биржада қимматли қоғозларнинг жойлаштирилишига ўхшаб кетади. Биткоин ва эфириумларнинг эгалари эса компаниядан токен деб аталмиш бошқа турдаги криптовалютани оладилар. Токенларни эса ИСО га кирган компания махсулотларига алмаштириш мумкин бўлади. Руна Сапитал венчур фондининг мутахассиси билдиришича 2016 йили жаҳонда жами 150 та ИСО ташкил қилиниб, улардаги рақамли валюта миқдори 500 миллион долларга етган. Унинг фикрича, давлат органлари ИСО ва рақамли валюталар билан боғлиқ контрактларни текшириш механизмини ҳақида қўйидаги сайтдан маълумот олиш мумкин:

<http://www.rbc.ru/финансес/19/07/2017/596есфс19a7947d191a18dc3?from=newsfeed>

Мисол сифатида ИСО га 2017 йилда жалб қилинган инвеститсияларни қўйидаги диаграмма орқали намойиш этишимизмумкин (*млн долларларда*):



Сўминг эмиссияси жараёнида блокчейн технологиясини қўллаш орқали миллий криптовалютани яратиш ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Чунки ушбу инструментарий орқали Ўзбекистон жаҳон криптовалюталар бозорига кириб олиб, иқтисодиёт ривожланиши учун керакли бўлган молиявий ресурсларга эга бўлиши мумкин. Шуни айтиш мумкинки. 2013 йил ноябридан бошлаб биткоиннинг қиймати \$1000 дан ошди, 2017 баҳорига келиб эса битта виртуал биткоин учун \$2500, кузига келиб эса \$20000бера бошлишди. Аммо бошқа криптовалюталар ҳам ўсишда давом этмоқда. Масалан, бир этхереум 2017 йил январидан 2017 йил июнигача 30 баробар ўсди ва нархи \$250 га етди. Бу ўсиш бир қанча факторларга боғлиқ. Масалан, 2017 йилда Япония давлати хукумати биткоинни тўлов воситаси сифатида тан олишди ва ҳозирда бу мамлакат фуқаролари ушбу криптовалютада банк ҳисоб ракамлари очишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин. Биткоиннинг бу етакчи ривожланган мамлакатда қонунийлаштирилиши инвесторлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда, албатта. Масалан, 2017 йил май ойида ишга тушган япон криптовалюта биржаси З.сом талабгорларнинг хаддан ташқари кўплигидан ишини вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлди. Криптовалюталар нархининг тезлик билан ошиб кетиши блокчейн-екотизимларининг ривожланиши билан ҳам боғлиқдир. Хусусан, ИСО механизми (блокчейндаги краудфундинг) тизимлари борган сари оммалашиб

бормоқда. Стартап компаниялар кейинчалик ривожланиш мақсадларида ўзларининг шахсий криптовалюталарини ҳам чиқаришлари мумкин. Инвесторлар эса бу криптовалюталарни сотиб олиб, стартап муваффақиятли бўлган тақдирда яхшигина фойда олишлари мумкин. Хозирги кунларда жуда кўп ИСО лар ташкил этилмоқда ва улар томонидан жалб этилган молиявий ресурслар микдори бўйича Янгидан-Янги рекордлар қўйилмоқда. Масалан, Мозилла браузерининг аввалги бош директори Брэндан томонидан ташкил этилган Браве стартапи ИСО воситасида 30 секунд давомида \$35 млн маблағ ийға олди. Нега бизнинг ватанимизда бундай технологияларга қизиқиши уччалик катта эмас? Чунки, биринчидан, биздаги банк-молия мутахассислари Янги технологияларга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар, иккинчидан, улар текшрилган ва узоқ муддат қўлланилган технологиялардан фойдаланиши афзал кўрадилар ва учинчдан, банк-молия соҳасидаги мутахассисларнинг амалий ва назарий тайёргарлиги рақамли технологиялар нуқтаи-назаридан етарли даражада эмас. Аммо Кипр, Япония, Россия, Хитой, Сингапур, Германия, Канада ва АҚШ давларлари аста-секин рақамли элестрон валуйталара ўтишни режалаштиришмоқда. Масалан, 2016 йилинг бошида Хитой Халқ банки криптовалютага ўтиш режасини эълон қилди ва хозирги кунларда нақд пулларни аста секин блокчейнларга ўтказиш учун керакли бўлган тадбирлар амалга оширилмоқда. Хитой мамлакати фуқаролари учун бу иш ҳеч қандай нокулайлик туғдирмайди, чунки бу тизимдан фойдаланиш хозирги пайтда фойдаланиладиган WeЧат ёки Алипай тизимларидан уччалик фарқ қилмайди. Аммо бу ўзгариш бизнес учун катта аҳамиятга эга бўлади, чунки бунда орадаги воситачилар йўқолади.

Узбек миллий валютаси – сўмни ҳам блокчейнга ўтказиш давлатга бир қанча муаммоларни ҳал қилиш имконини берар эди. Шу жумладан:

- Жорий банк оператсияларининг шаффофлигини ошириш;
- Давлат сектори самарадорлигини ошириш;
- Иккиламчи ва яширин банк секторини йўқ қилиш;
- Давлат аппаратидаги бюрократияни енгиш;

- Солиқлар тўлаш жараёнини мукаммалаштириш орқали, солик тўламаслик холатларига қарши самарадор курашиш;
- Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига Янгиимкониятлар бериш;
- Ҳалқаро валюта-кредит ресурсларини Ўзбекистон иқтисодиётига кенг жалб қилиш;
- Молия-кредит муассасаларининг ишини янада такомиллаштириш ва бошқалар.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг муваффақиятли равишда ривожланиши учун мамлакатимизда тўрт хилдаги йўналиш таклиф этиш мумкин:

- Биринчи стсценарийда бит сўм муомалага чиқарилиши мумкин. Ўзбек миллий валютасини блокчейнга ва рақамли форматга ўтказиш унга бир қанча афзалликлар бериши мумкин, аммо бу ҳолда бир қанча муаммоларни қонунчилик асосида тўғри ҳал қилишга тўғри келади. Масалан, ушбу блокчейнни ким бошқаради ва унга давлат мақоми бериладими ёки у корпоратив мақомга эга бўладими. Бит сўм ички ва ташки бозорда қандай ишлатилади ва ким томонидан назорат қилинади деган саволларга ҳам конкрет жавоб топиш лозим бўлади.
- Иккинчи йўналишда Ўзбекистонда давлат блокчейн тизими ташкил қилинади ва у ўзида турли молиявий институтларнинг функцияларини қамраб олади. Бундай институтлар жумласига банклар, депозитарийлар, пенсия фонdlари, солиқ идоралари ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу амал солиқ тўлаш ва маблағларни фонdlарга ўтказиш ишларини автоматлаштириш имконини беради.
- Учинчи имконият эса криптовалютани алоҳида ташкилотларда ёки худудларда ҳаётга тадбиқ қилинади ва бу соҳада етарлри тажрива тўпланганидан сўнг бу иш республика миқёсида амалга оширилади (масалан, *Ўзбекистон Республикасидаги очиқ иқтисодий худудларда ёки чет эллик мутахассислар ёрдамида инноватсион корхоналарда*).

➤ Охирги, тўртинчи имконият эса Российдагидек Марказий банк томонидан рақамли криптовалюталар билан ишлашни амалга оширадиган пилот лойиҳани ишга туширишдир (*мастерчейн лойиҳаси*). Ушбу пларформа бозор иштирокчиларининг электрон усулда ўзаро маълумот алмашиниши ва блокченларда идентификатсия қилиниш учун мўлжаллангандир. Бу тизим аста секин, критпотажриба ошиб борган сари бир қанча давлат интерактив ҳизматларининг ҳам блокчейнга ўтказилишини таъминлаши мумкин.

Республикамида криптовалюта бўйича малакали мутахассисларнинг жуда камлиги ва бу соҳадаги тажриба озлигини ҳисобга олган тарзда бу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлашни ҳам амалга ошириш замона талаби бўлиб қолмоқда. Лекин блокчен технологияларни ҳаётга тадбиқ қилиш ва ўзбек криптовалютасини чиқарич инноватсион ғоясини қадам ба қадам амалга ошириш ҳозирданоқ бошлаб йўлга қўйилиши керак бўлган ҳаёт тақозосидир. Чунки дунёдаги кўпчилик ривожланган мамлакатлар ўзларининг миллий ёки корпоратив криптовалюта лойиҳаларини амалга ошимоқдалар ва улар кейинчалик барча рақамли криптопулларга эгалик қилиб, бошқа мамлакатларни бу жараёндан сиқиб чиқаришга ҳаракат қиласидар. Давлатнинг монетар сиёсатидаги энг муҳим амаллардан бири пул эмиссиясини назорат қилиш бўлгани учун, криптовалютадан воз кечиш мамлакатдаги молия-кредит тизимини ва унинг жаҳон молия кредит тизими билан алоқаларини сезиларли равишдаиздан чиқишига олиб келиши мумкин.

### ***8.3. Инвеститсиялар ва криптовалюталар***

Енди криптовалюталарнинг инвесторлар учун қандай қийинчиликлар туғдириши масаласини кўриб чиқамиз. Ҳозирги даврда Янги рақамли технологиялар стартап компанияларга криптовалюталар ёки токенлар кўринишида жуда катта инвестицион маблағларни жалб қилиш имкониятини яратаяпти. Мисол учун, юқоридаги бўлимда қўрсатилганидек, рақамли пулларни бирламчи жойлаштириш – ИСО (*инициал соин офферинг*)

ўнлаб миллион пулларни инвеститсиялар учун тўплаш имконини яратаяпганини бир қанча давлатлардаги тажриба яққол намоиш қилаяпти. Аммо бу ишларнинг манфий оқибатлари ҳам вужудга келиши эҳтимоли бор албатта.

ИСО воситасида инвеститсиялар жалб қилинадигтан стартаплар бозорида Янги молиявий пуффак пайдо бўлиши мумкин. Бунда эмитентлар томонидан ҳеч қандай сарф-харажат қилинмаган холда инвесторлар учун юқори даражада фойда олишларига имкон яратилади. Анъанавий инвеститсион сапитал йифиш усулида эса компания керакли капитални йиға олиш учун узоқ йиллар давомида ахолининг ишончини қозонган бўлиши керак. Рақамли валюта воситасида инвеститсион сапитал тўплаш оператсиясининг қимматли қоғозларни бирламчи актсиялар жойлаштириш (*биржаларда сотии*) орқали амалга ошириладиган анъанавий усулидан асосий фарки шундаки, бунда компания сотув учун актсияларни эмас, балки токенларни (*рақамли жетонларни*) чиқаради. Бунинг учун инвесторлар криптовалюта орқали тўлов қиласидилар (*масалан, биткоин ёки лайткоин орқали*). Мутахассисларнинг фикрича, ИСО эмитентлари бу ишларни қилаётганларига катта таваккалчиликларга қўл урадилар. Бу айниқса, криптовалюталар бозори фаолияти давлат бошқарувига ўтган пайтда ўта кучаяди.

ИСО ташкил қилиш учун компания-емитент маҳсус веб-платформадан фойдаланади, масалан, Wavес ёки этхереум воситасига қимматли қоғозларнинг криптоверсиясини чиқаради. Бунинг учун блокчейнга транзактсиялар, уларнинг тавсифи, сони ва уникал ИД си билан қўшилади. Эмиссиядан сўнг токенларнинг исталган сондагисини блокчейндаги бирор бир ҳамёндаги криптовалютага алмашиш мумкин бўлади. Баъзи бир компаниялар ўз токенларини олтин билан ёки компаниянинг маҳсулоти билан таъминлаб берадилар. Масалан, этхереум базасидаги ДигихDAO стартапи 2016 йилда ўз токенларини олтин стандартига боғлаб чиқарди, американинг этхереум асосида деривативлар билан савдо қиласидиган

блокчейн-платформа ярататган СтабЛ стартапи эса ўз токенларини оддий валютада қиймати бўлган молиявий маҳсулотларга боғлаб қўйди. Токенларни чиқарадиган компания-емитент ва уларни сотиб олишни истаган инвесторлар смарт-контракт тузишади ва бунинг асосида автоматик блокчейн-занжирнинг иштирокчиларига айланадилар. Ушбу блокчейн-занжир доирасидаги келишувлар тескари кучга эга эмас. Токен-криптовалюта олди-сотти жараёни қуидагича тартибда амалга ошади: Компания дастур ёрдамида инвесторнинг ҳамёнини ва инвесторга токен жўнатиладиган ҳамённи сўрайди. Компания инвестордан керакли суммани олганидан сўнг, транзактсия амалга ошириган ҳисобланади ва смарт-контракт ишга тушиб, токенлар харидорга етказиб берилади. ИСО ташкил қилган компания кроптоактсияларни (*токенларни*) банкка ёки венчур инвесторга эмас, балки тўғридан-тўғри лойиха иштирокчилари сотади. Демак, бу холда лойиха иштирокчилари компания ишига кучлироқ жалб қилинадилар, компания маҳсулоти ва ҳизматларидан фойдаланишга стимул оладилар ҳамда бошқа инсонларга ҳам бу маҳсулотларни таклиф қилиш фойдалигини тушнадилар. Чунки, компаниянинг иши қанчалик яхши бўлса, инвесторлар ҳам шунчлик кўп фойда оладилар.

Кроптоактсияларни биринчи бўлиб жойлаштирган компания Мастерсоин бўлиб, у 2013 йилда ИСО ёрдамида \$500 минг доллар пул йига олган. Блокчейн технологиялар ривожланиши билан бу маблағ жалб қилиш технологияси янада кўпроқ қўлланила бошланди. ТечСрунч нинг маълум қилишича, 2016 йилда умумий суммаси \$103 млн бўлган 64 ИСО ишга туширилган. Кейинги даврларда эса бир неча ўнлаб компаниялар ИСО ташкил қилиниши ҳақида хабар бермоқдалар, Шу жумладан, Россиянинг СОНМ компанияси криптовалютада \$42 млн жалб қилишга эришди. ИСО лар тарихидаги бурилиш нуқтаси бўлиб Канадалик дастурчи Виталик Бутериннинг DAO деб номланган лойиҳасини кўрсатиш мумкин. Бу лойиха доирасида компания бирданига \$152 млн инвеститсия жалб қила олди (*буни кўпинча краудфундинг деб аташади*). DAO лойиҳаси марказлашмаган венчур

фонд бўлиб, унинг бошқаруви дастурий таъминот воситасида автоматик равишда амалга оширилади. Ушбу ходисадан сўнг, жаҳон миқёсида ИСО лар ташкил қилиш жараёни жуда ҳам тезлашиб кетди. 2017 йил 30 май куни ЖасаСкрипт тили ва Мозилла браузери ишлаб чиқкан Брэндан Айк Янги Браве браузири ишлаб чиқш учун ИСО механизми орқали \$35 млн йига олди. Бунинг учун Брэндан БАТ ёки Басис Аттентион Токен деб номланган токен яратди. Ушбу токенларнинг 1 миллиарддан ортиқроғи 156 000 этхереум криптовалютаси бирлигига сотилди (*кўпинча бу валютани эфир деб ҳам атасади*). Бу криптовалютанинг биттаси нархи 2017 йил 23 июн санасига \$327,42 деб баҳоланди.

ИСО га инвестор бўлиб анъанавий молиявий инструментлар билан ишлаш тажрибаси йўқ инсонлар ҳам қатнашиши мумкин. Шунинг учун ҳам токенларни кўпинча малакали ва профессионал инвесторлар эмас, балки криптовалютага ишонадиган ёки шу соҳада ишлайдиган инсонлар сотиб олишади. Бундай инсонлар биржада ёки Форех да ишлаш тажрибалари йўқ бўлгани билан, ишни дарҳол криптовалюта бизнесидан бошлайдилар. Криптокраудфундинг билан бир қанча Россия компаниялари ҳам шуғулланадилар ва блокчейнларни ўз лойиҳалари реал иқтисодиётига тадбиқ этадилар. Масалан, 2017 йил май ойида Москва вилоятидаги “Колионово” номли қишлоқ хўжалик фермаси ИСО ёрдамида \$500 минг жалб қилишга эришди. Бу ферма “колион” деб номланган маҳсулот купонлари чиқарди ва уни ферманинг маҳсулоти билан таъминлади. Июн ойида эса тсирконий ишлаб чиқарадиган ЗрСоин деб номланган Россия стартап компанияси Wавес платформасидаги ИСО воситасида 4000 инвестордан салкам \$7 млн инвеститсия жалб қилишга эриша олди. Бунда бир токеннинг баҳоси бир килограм тсирконий диоксиди нархига teng қилиб олинди. Компания жалб қилинган инвеститсия ёрдамида завод қуради ва кейнчалик ўз фойдасидан инвесторларга уларнинг токенларига мос равишида тўловларни амалга оширади. Бу компаниялар криптовалюта токенларини реал маҳсулот ишлаб чиқаришга боғладилар. Компаниялар блокчайнни ўз офф-лине бизнесларини

ривожлантириш учун қўшимча восита сифатида ишлатдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ИСО лар муваффақиятининг пойдеворларидан бири маркетинг жараёнини самарадор ва ақлга мувофиқ равишда амалга оширишdir.

ИСО билан нафақат стартап компаниялар, балки йирик компаниялар ҳам қизиқа бошлашаяптилар. 2017 йилда инвесторлар ва стартаплар учун мўлжалланган америка платформаси тақсимланган тармоқлар қуриш Протосол Лабс компанияси билан ҳамкорликда СоинЛист платформасини ишга туширдилар. Бу платформанинг миссияси турли компанияларга ИСО ташкил қилишни осонлаштиришdir. Блокчейнларни реал бизнесга тадбиқ қилиш имкониятларини қидиришга бағишлиланган ва 2017 йил феврал ойида ташкил қилинган этҳереум энтерприсе Аллиансе корхоналар алъянсига хозирги пайтда 100 дан ортиқ компаниялар кирган. Булар жумласига Мисрософт, ЖПМорган, Часе, Тоёта, Мерск ва бошқа катта компанияларни киритиш мумкин. Шунинг биланбир қаторда биткоинларни тўлов воситаси сифатида қабул қиласиган йирик компаниялар сони ҳам ортиб бормоқда. Мисол сифатида қуидагиларни келтиришимиз мумкин:

- ❖ Блог ва сайтлар яратиш платформаси WordPress
- ❖ Авиабилетлар қидириш сайти эхпедиа
- ❖ ПайПал тўлов тизими
- ❖ Ер йўлдошли телевидение провайдери Диш Нетворк
- ❖ Латия авиакомпанияси АирБалтис
- ❖ Хайдовчилар чақириш он-лине сервиси Wхеелй
- ❖ Легал Приме ГС Консалтинг юридик фирмаси
- ❖ Он-лине супермаркет Юлмарт

Давлатлар томонидан ҳам блокчейн технологияларга қизиқиш ортгани билан криптовалюталарнинг қонуний жиҳатдан бошқарилувини йўлга қўйиш жараёни анча паст даражада. Масалан, Узбекистон, Россия, Қозоғстон ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида криптовалютанинг статуси умуман аниқланган эмас. Уларнинг конститутсияларида криптовалюталарга ўхшаш

пул суррогатларининг пул айланишида ишлатилиши қатъяни маън этилган. Аммо криптовалюталардан фойдаланиш асосида ётган блокчейн технологиясидан фойдаланиш маън этилган эмас. Лекин баъзи мамлакатларда нолегал транзакцияларга қарши кураш олиб бориш учун криптовалюталардан фойдаланиш мумкинлиги ва уни қонунийлаштириш зарурлиги бир қанча мамлакатларда тан олинган. Агарда “*барча қонуний равишида маън этилмаган амаллардан фойдаланиши мумкин*” деган мантиқий қоидадан фойдалансак, у холда ИСО иштирокчилари қонунни бузмайди деб ўзимизни овунтиришимиз мумкин, албатта. Аммо томонлар орасида тушумовчилик келиб чиққанда, уларнинг ўз қонуний хукуқларини ҳимоя қилишлари катта муаммо бўлиб қолиши мумкин. Яъни токенларни криптовалюталарга сотиб олиш томонлар орасидаги ўзаро келишувдай бўлиб, ўзаро келишмовчилик келиб чиққан тақдирда шартномани бажармаслик учун етарлича хукукий асос топиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам бизда хозирча криптовалюталардан фаол фойдаланишга шошилмаган маъкул.

Кейинги пайтларда кўплаб компаниялар томонидан ИСО га қизиқишиб тобора ортиб бораётгани туфайли Статус деб номланган Сингапур блокчейн-стартапи токенларини жойлаштиришда этхереум платформаси ишида бузилишлар рўй берди. Криптовалюталарни ўрганишга бағишланган илмий-изланиш Смитх + Сроун он-лине ресурси хозирги вақтда ИСО ташкил қилаётган ёки 2017 йил ноябригача бу ишни амалга оширмоқчи бўлган 50 компания ҳақида маълумот берган. Бунинг маъноси шундаки, ИСО лар атрофида молиявий пуффак хосил бўлмоқда ва агарда бу пуффак ёрилса, ушбу сегментгаи инвесторларнинг криптовалюта ва токенларга бўлган қизиқиши сезиларли равишида қамайиши мумкин. ИСО ларга бўлган катта қизиқишиб унчалик хайратланарли эмас, чунки ИСО лар стартап бизнесга венчур инвеститсияларга нисбатан тезроқ ва қулайроқ холатда яхшигина капитал жалб қилиш ва тезда биржага чиқишга имкон беради. Ҳақиқатан ҳам классик усуlda инвеститсиянгизга сапитал жалб қилиш учун сиз

инвесторлар учун тақдимот қилишингиз керак, биржага келиб, маслаҳатчилар ёллашигиз лозим, аксиялар эмиссия қилишингиз зарур, эмиссия эса маҳсус органлар томонидан назорат қилинади ва хакозо. Бу қийинчиликларни айланиб ўтиб, инвеститсиянгиз учун керакли бўлган маблагларъни хозирда бошқарилмайдиган криптовалюталар бозоридан жалб қилиш жуда ҳам осон йўл албатта. Лекин бу ишларнинг ҳавфли томонлари ҳам бор. Бу худудни *terra insognito* деб билиб, қонун билан тўқнашиб қолмаслик учун эхтиёткорлик билан иш олиб бориш лозим бўлади. Исталган хуқуқий ёки жисмоний шахс, агар уларнинг ишончини қозона олмасангиз, сизни “компания мени бу иши билан боғлиқ таваккалчиликлар ва рисклар билан тўлиқ таништирмаган” деб, компанияни фирибгарликда айблаб, судга бериши мумкин. “Криптовалюталар юқори даражадаги рискка эга бўлгани учун, хозирча уларга пул тикмаган маъқул, чунки компаниянинг сизга қандайдир даромад берииши ичун ҳеч қандай хуқуқий асос мавжуд эмас” деб маслаҳат ҳам берадилар. Лекин кўпчилик эксперталарнинг фикрига кўра, узок муддатли перспективада криптовалюталар бозори ўсишда давом этади, блокчейн технологияси эса анъанавий молияда янада кенгроқ миқёсда қўлланилаверади. Хозирда эса криптовалюталар оламида инвесторлар ва компаниялар орасида ҳеч қандай қонунчиликда кўзда тутилган хуқуқий асос бўлмагани туфайли инвесторларнинг жуда катта миқдордаги даромад олишларига имкон яралади ҳамда фирибгарлик учун ҳам катта имконият пайдо бўлади. Хозиги даврда ИСО ларда майда инвесторларнионг пуллари айланаяпти, кейинчалик эса бу соҳага банклар, фонdlар ва давлат жалб қилиниши туфайли криптовалютага қизиқиш янада ортади. Хозирча криптовалюталар курсининг бир ошиб ва бир камайиб туриши табиий холдир.


#### **8.4. Криптовалюта алмашинув пунктлари ва биржсалари**

Ушбу бўлимда криптовалюталар бўйича реал оператсияларини мустақил равишда амалга ошириш мумкин бўлган бир қанча биржалар ва уларнинг алмашинув пунктлари билан танишиб чиқамиз ҳамда бўлим охирида криптовалюталар бозирида ишлашни бошлаш учун зарур бўлган энг муҳим масалани – уларни қандай қилиб сотиб олиш мумкинлигини батафсил кўриб чиқамиз. Митсубиши УФЖ Финансиал Гроуп банки ҳам ўз криптовалюта биржасини ҳамда миллий валютага боғлик бўлган токенларни ишга туширишни режалаштираяпти. Алоҳида биткоин аккаунтларни бошқарувчи сервиси ташкил қилиш ҳам кўзда тутилаяпти. Ушбу банк бу ишни 2018 йилда амалга оширмоқчи ва молиявий ҳизматлар бўйича агентлик ФСА бу ишни кўриб чиқмоқда. Бу криптовалютанинг номи банк аббревиатурасидан келиб чиқсан холда МУФГ Соин деб номланар экан. Ишончлиликни таъминлаш учун бу криптовалюта япон тангаси билан 1:1 нисбатда бўлади ва кейинчалик курси ўзгариши мумкин бўлади. Бундай қилишдан мақсад, нархлар тез-тез ўзгаришининг олдини олиш ва фойдаланувчиларнинг ишончини қозонишdir. Банкдан олинган маълумотларга кўра, у криптовалюта трейдерлари учун шаҳсий сервис ташкил қилиш устида ҳам ишляяпти. Шу сервис туфайли савдоларни ташки биржаларсиз амалга ошириш мумкин бўлади ва натижада барча валюта банк ихтиёрида қолади. Шундай қилиб, банк ҳар қандай холатда ҳам мижозларнинг маблаглари ҳавфсизлигини таъминлаб беради. Сервис ҳар бир аккаунтдаги кўзда тутилмаган фаолликларни таҳлил қилиб, уларнинг ҳимоясини қаттиқ назорат қиласи. Бундай криптовалюта ўзаро ишончга эмас, балки криптографик кодлаш тизимиға асосланган бўлиб, ўзаро ҳеч қандай воситачиларсиз (банк ёки бошқача молиявий усқуналарсиз) тўловларни бевосита иштирокчилар орасида амалга оширилишини таъминловчи тўлов тизими валютасининг бир туридир. Тавсиф этилаётган криптовалютанинг транзактсияси деганда унинг воситасида амалга ошириладиган анъанавий ёки ноанъанавий пул ўтказишлар амалиёти тушунилади. Ҳавфсизлик

тизимининг калитлари эса сақлашнинг аппарат модулларида ёки смарт карталарда сақланади (ХСМ – Хардваре Стораге Модуле).

Яна бир криптовалюта биржаси Битфлип (БитФлип) деб номланади ва унда биткоинларни вебманига сотиб олиш мумкин. Қуйида ушбу биржада қандай қилиб ишлаш амалиёти тавсиф этилади.

1. Битфлип биржасида регистрация қилиниш учун З та майдонни тўлдириш керак бўлади: фойдаланувчи номи, элестрон почтаси ва пароли. Шундан сўнг “Регистрация” тугмачаси босилади. Шундан сўнггина ўз аккаунтингизга кирасиз. Қуйида ўша майдонлар акс эттирилган:



6. Битфлипда ҳисоб рақамини тўлдириш учун асосий сахифанинг ўнг юқори бурчагидаги “*Moи кошелки*” деб номланган тугмачани туртиш керак. Шундан сўнг экранда бир қанча ҳамёнлардан иборат сахифа очилади. Булардан тўрттаси USD, EUR, RUB ва ЯН валюта ҳамёнлари бўлиб, 15 таси эса криптовалюталар ҳамёнлари (BTC (биткоин), TBC, LTC (лайткоин), ETH (ефириум), XRP (риппле), DASH (даш), DOGE, BCH (битсаш), FILIP, P, PMC, BTG, XRB (рейблокс), TRX (tron), FOOD).
7. Битфлип биржасида вебманига, долларга, эврога ва рублга криптовалюта сотиб олиш мумкин.

Бинансе биржаси ҳам замонавий криптовалюта савдо майдони ҳисобланади ва у орқали фойдаланувчилар қулай ва ҳавфсиз равишда рақамли валюталар сотиб олишлари ва уларни бошқаларига алмаштиришлари мумкин.

Шанхайдаги жойлашган биржа 2017 йилда ишга тушган бўлиб, жуда кўп микдордаги мижозларга эга ва анча оммабоп ҳисобланади. Савдо ҳажми бўйича бу биржа топ 14 та биржалардан бири ҳисобланади. Унинг яна бир асосий фаолият доираларидан бири блокчейн активларидир. Биржани илгари ОКСоин, Блокчайн.инфо ва Блоомберг компанияларида юқори мансабларда ишлаган инсон Чжоу бошқаради. Ҳозирги кунда Бинансе биржаси савдо обороти бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди (*суткасига 0,6 миллиард доллар*).

Биржада аккаунт ҳосил қилиш учун сайтга кириш ва регистрация формасини очиб, унга эмаилни, паролни ва каптчни (*тасвирли символларни*) икки босқичда киритиш керак бўлади. Кўрсатилган почта қутисини тасдиқлаш учун унга юборилган хатдаги иловага ўтилади. Шу харакатлардан сўнг, аккаунт ҳосил бўлади ва шундан кейин авторизатсияга ўтиш мумкин бўлади. Верификатсия қилиш жараёни уч қадамдан иборат бўлади. Биринчи қадамда эмаилни тасдиқлашда ўтасиз ва энди тизимдам кунига 2 биткоиндан ортигини чиқара олмайсиз. Иккинчи қадамда “*шахсни текширишини тугаллаш*” бўлимини туртиш керак бўлади. Бунинг учун эса телефон рақамини тасдиқлаш лозим бўлади. Буни амалга ошириш учун бир қанча хужжатлар талаб қилинади. Агарда бу қадамни тугаллассангиз, энди тизимдан кунига 100 тагача биткоин чиқара оласиз. Агарда учинчи қадамни ҳам амалга ошириш керак бўлиб қолса, у холда техник ёрдам ҳизматига мурожаат қилиш керак бўлади. Бинансе да фиат воситалар билан ҳисоб рақамини тўлдириш кўзда тутилмаган. Ҳисобни тўлдириш учун энг олдин Биткоин ёки эфир сотиб олиш лозим. Шудан сўнг сотиб олинган криптовалютангизни Бинанседаги ҳисоб рақамига киритасиз. Ҳисоб рақамини тўлдириш учун курсорни “актив”га келтириб, сўнгра “Баланс” тугмачаси босилади. Шундан

сўнг сиз ишлай олиш мумкин бўлган валюталарни кўрасиз ва “Депозит” тугмачасини туртиб, керакли воситани киритишингиз мумкин. Ҳозирги кунга 44 валюта билан ишлай олиш мумкин. Савдони амалга ошириш учун “Савдо маркази” га ўтилади ва ундаги савдо жуфтлари танланганида график ва ордер саватчаси пайдо бўлади. Агарда бу ердан керакли жуфтликни топа олмасангиз, у холда Море тугмачасини босиб, руйҳатдан кераклисини танлаб оласиз. Ҳозирги кунда ордерларнинг икки вариант Лимит ва Маркет дан фойдаланиш мумкин. Агарда биринчи вариантни танласангиз, бошланғич нархни ва криптовалюталар сонини аниқлаб, сотув ёки харид тугмачасини босасиз. Биржа комиссияси савдо ҳажмининг 0,1% ни ташкил қиласи.

ХитБТС биржаси олти миллион доллар бошланғич капитал билан 2013 йилда эстон дастурчилари томонидан ташкил этилган бўлиб, у Янги иш бошлаганлар учун ҳам, малакали трейдерлар учун ҳам жуда қулай. Унда 330 та валюта жуфтликлари билан савдо қилиш мумкин ва ҳозирги кунда савдо обороти салкам 500 миллион АҚШ долларини ташкил қиласи. Биржада аккаунт очиш учун фойдаланувчи ўз элестрон почтасини кўрсатиб, минимум олти символдан иборат бўлган парол ўйлаб топиши керак бўлади. Бу маълумотларни киритганингиздан сўнг, постангизга аккаунт активатсия қилингани ҳақидаги маълумот келади. Аккаунтни верификатсия қилиш учун куйидаги маълумотларни киритиш керак бўлади:

- *Исми-шарифи*
- *Қайси мамлакатда яшайди*
- *Тугилган санаси*
- *Манзили*
- *Банк реквизитлари*
- *Шахисни тасдиқловчи ҳужжатлар сканлари*

Биржадаги ҳисоб рақамидан пулларни чиқариш ва пул қўйиш учун куйидаги усуслардан фойдалсниш мумкин:

- *Асосий валюталардан (Биткоин, Етҳереум, Даши, Литекоин ва бошқалар)*

➤ *Долларлардаги СWIФТ-тўловлардан*

➤ *Евродаги СЕПА-тўловлардан*

Аммо эвро билан ишлаш биржа сайтида келтирилган руйҳатдаги мамлакатлар учунгина руҳсат этилади.

Шахсий хисоб рақамидаги пул воситаларини алмаштиришни бошлаш учун “Ехчангे” бўлимига ўтиш керак бўлади. ХитБТС кўпгина валюталар билан пул оператсиялари амалга оширишга имкон беради. Уларнинг ичида энг актуаллари Битсоин, Етхереум, Даш, Литесоинва бошқалардир. Савдо жуфтликлари ичида эса энг кўп амалга оширадиганлари БЧ/БТС ва БТС/УСДТ лардир. Бир суткада амалга ошириладиган пул оператсиялари ҳажми 150 миллион долларга етади. Агар оператсия дарҳол амалга оширилса, биржа комиссияси 0,1% бўлиб, бошқалари учун 0,01% дир.

ХитБТС биржасининг афзаликлари:

- *Валюта жуфтликларининг кўплиги*
- *Пулларни фиат валюталарда чиқариш мумкинлиги*
- *Савдони аккаунтни верификатсия қилмасдан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги*
- *Юқори даражадаги ҳавфсизлик таъминланганлиги*

ХитБТС биржасининг камчиликлари:

- *Рус тилида ишилайдиган фойдаланувчилар учун бироз ноқулайликлар.*
- *Русизабон мамлакатлар учун эврода ишилаш мумкин эмаслиги*
- *Бошқа биржаларга нисбатан савдо ҳажми бироз камчиллиги*

Кракен биржаси ўз фаолиятини Сан Франтисскода 2011 йилда бошлаган ва унда нафақат криптовалюталар билан, балки америка ва канада долларлари, британия фунтлари ҳамда япон иеналари билан ҳам савдо оператсияларини амалга ошириш мумкин. Ушбу биржа Блоомберг терминалида котировка қилинадиган биринчи криптовалюталар бижаси бўлган эди. Кракен криптовалюталар биржасининг бир кунлик обороти дунё миқёсида 5-7 чи ўринда туради. Аммо унда фақат энг таниқли криптовалюталар билан 68 та савдо жуфтлигига савдо қилинади ва суткали

оборот 200 миллион АҚШ доллрига етади. Комиссия миқдори эса савдо ҳажмига боғлиқ бўлиб, 1.6% дан 0.26% гача етади. Биржада регистратсия қилиниш учун ўз э-маилингизни, логин ва парол киритишингиз кифоя бўлади. Шундан сўнг капчани киритиб, қоидалар билан танишиб, уларга рози бўлиш керак бўлади. Кейин эса элестрон почтага кириб, қайд қилишни тасдиқлаш қолади ҳолос. Биржада верифилатся қилиниш учун “Гет Верифиед” вкладкасига ўтиш талаб этилади. Унда верификатсиянинг бешта даражаси мавжуд. Кредит воситаларга савдо қилиш худди Форехга ўхшаш холда амалга оширилади. *Биржанинг афзалликларига қуийидагиларни киритиш мумкин:*

- ✓ Бу ерда маржинал савдо имконияти бўлиб, у орқали фойдани анчагина миқдорга ошириш мумкин.
- ✓ Биржа кўп миқдордаги валюта жуфтликларинива оммабоп криптовалюталарни таклиф қиласди
- ✓ Кучли ҳимоя воситалари мавжуд
- ✓ Планшет ва мобил телефонлар орқали савдо қилиш мумкин

*Биржанинг камчиликларига эсақуийидагиларни киритиш мумкин:*

- ✓ Инглиз тилини билмайдиган фойдаланувчилар учун бу биржада ишлаш анча мураккаб кечади
- ✓ Верификатсия жараёнини ўтмасдан туриб савдога киришиш мумкин эмас
- ✓ Комиссия миқдори бошқа биржаларга қараганда бироз каттароқ
- ✓ Депозитни рубл билан тўлдириш мумкин эмас
- ✓ Яндех-мани ва Вебмани билан ишлаб бўлмайди

Енди биткоин ва алткоинлар билан ишлайдиган бир қанча валюта алмаштириш сервислари билан танишиб чиқишига ва уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари билан танишишга ҳаракат қиласми. Бизлар учун ишлаш осон бўлишини ҳисобга олиб, рубл зонасида ишлайдиган мультивалюта алмаштириш пунктларига кўпроқ аҳамият берамиз. Албатта, катта ҳалқаро сервислар ҳам назардан четда қолмайди.

ХЧАНГЕ.САШхалқаро валюталар алмашинув сервисида барча астуал курслар ва захиралар сайтда күрсатилиб турилади. Унда ёрдам ва маслаҳатлар бериш учун он-лине чат ҳам бор. Регистратсия эса оддий ва автоматик равищда амалга оширилиши мумкин. Иш вақти дам олиш кунларисиз йилига 364 кун, алмашинувнинг минимал миқдори 5\$, икки босқичли реферрал тўловлар амалга оширилган. Криптовалюталардан БТС, ЛТС, эТХ, ДаШ, ДОГЕ, ЗЕС билан иш олиб борилса, фиат валюталардан РУР, УСД, Паеер, Перфестмоней, Битсоин, Қиши, Яндекс деньги, АдвСаш, эхмо, Ливесоин ҳамда Россия банклари билан ишлаш мумкин. Интерфейснинг тили инглизча ва русча бўлиши кўзда тутилган. Форум эса Битс.медиа да бўлиб, [э-маилхчанге.сс@гмаил.ком](mailto:э-маилхчанге.сс@гмаил.ком). Компания бўйича маълумотлар:ХЧАНГЕ.ИНС, Почта манзили: Суите 401-66 Тхе Сентурй Towep Блдг,4тх флоор Рисардо Ж. Алфаро Аве, Панама Ситӣ, Реп. оф Панама, Телефон: +507 279-3266, Факс: +507 279-3250

Х-ПАЙ.ССхалқаро валюталар он-лине сервиси бўлиб, сутка давомида ва дам олиш кунларисиз ишлайди. Унда чегирмалар, бонуслар ва мукофотлар тизими мавжуд бўлиб, БТС криптовалюталири ва фиат валюталар билан ишлаш мумкин. Комиссияси алмаштирув курси таркибиغا қўшилади. Интерфейси русча ва контакт телефонлари [суппорт@x-пай.сс](mailto:суппорт@x-пай.сс).

БАНКСОМАТ.СОМ-валюталр алмашинуви бўйича ишончили сервис бўлиб, барча оммабоп йўналишлар бўйича сифатли ва тескор алмашинувни таъминлаб беради. Барча валюта алмашинув оператсиялари аноним равищда амалга ошади. Сутка давомидаги фойдали, лоял ва сомпетент техник ҳизмат кўрсатув амалга оширилган. ПМ, Окпай ва АДВсаш тўлов тизимларининг расмий ҳамкори бўлиб, БТС, ЛТС, эТХ криптовалюталар ва фиат валюталар билан ишлай олади. Комиссияси алмашинув курси таркибиغا қўшилган. Интерфейс тили эса рус тилида. Контактлар э-маил: [суппорт.клиент@банксомат.ком](mailto:суппорт.клиент@банксомат.ком)

24ПАЙБАНК.СОМ – элестрон ва криптовалюталарнинг алмашинув сервиси бўлиб, дам олиш кунларисиз ва сутка давомида ишлайди.

Интерфейси русча бўлиб, сайтнинг мобил версияси жуда қулай ташкил қилинган. Ҳисоб рақамлари ва ҳамёнлар тўлиқ идентификатсия қилинган. Валюта алмашинишининг минимал катталиги 3\$ бўлиб, БТС криптовалютаси ва фиат валюталар билан ишлай олади. Комиссияси алмашинув курсига қўшилган ва контакти: э-маил: *суппорт@24пайбанк.ком*

БАКСМАН–тўлов тизимлари ва криптовалюталар бўйича алмашинув сервиси бўлиб, унда банклар ва тўлов тизимларининг катта танлови мавжуд. Алмашинувнинг минимал миқдори 250 рубл ва доимий mijozlar учун бонуслар тизими мавжуд. Сервис БТС ва этхереум криптовалюталари ҳамда фиат валюталар билан ишлай олади. Интерфейс русча бўлиб, контактлар: *баксман.супп@гмаил.ком*

КАССА.СС – ягона валюта алмашинув пункти бўлиб, алмашинувнинг минимал миқдори 0,01БТС, 3\$ ва 150 рублдир. БТС криптовалютаси ва фиат валюталар билан ишлай олади. Интерфейси русча, инглизча, немисча, хитойча ва французчадир. Контактлари эса : э-маил:*суппорт@касса.сс*

ИНДАСОИН– Виса ва Мастерсард банк карталати ёрдамида криптовалюталарни сотиб олиш ва сотиш мумкин. 24/7 режимида тинимсиз ишлайди. Биткоинларни Қиши га автоматик равишда сотиб олиш мумкин. Доимий mijozlar учун чегирмалар мавжуд. Реферал дастур бўйича ҳар бир алмашинувдан 1% даромад олиш кўзда тутилган. Он-лине чат орқали техник ёрдам олиш мумкин. Сервис БТС ва ЛТС криптовалюталари ҳамда фиат валюталар билан ишлаш имконини яратади. Интерфейс русча, инглизча, хитойча ва испанча бўлиб, контактлар: *суппорт@индасоин.ком*

АЛФАСАШИЕР–елестрон валюталар ва криптовалюталарни алмашинув сервиси бўлиб, барча оператсиялар тўлиқ автоматлаштирилган. Реферал дастурида 5% дан 20% гача комиссия қўзда тутилган. БТС-е кодлари ҳам алмашинувга қабул қилинади. БТС ва ЛТС криптовалюлалари билан биргаликда фиат валюталар ҳам қабул қилинади. Интерфейс тили инглизча, русча, немисча ва испанча бўлиб, контактлар: *www.алфасашьер.ком/сонтасст*

МАТБЕА – Битсоин билан ишлаш учун жуда қулай сервис бўлиб, унда биткоинларни комиссиясиз сотиб олиш, уни банк ҳисобларига ва карталарга чиқариш мумкин. Унда БТС дан ташқари, фиат валюталар билан ҳам ишлаш мумкин. Интерфейси русча ва инглизча бўлиб, контактлари: *mail@матбеа.ком*

БИТПАЙ – бу сервиснинг штаб-квартираси Джоджия статининг Атланта шахрида бўлиб, у криптовалюта ҳизматларининг глобал ўйинчиси ҳисобланади. Сервис валюта алмашинувидан ташқари, тўловларни бошқара олади ва Биткоиннинг йирик операторларидан бири ҳисобланади. У Мисрософт, HewEgg, ТигерДирест, Варнер Брос. Ресордс, ПайПал, Глобал Пайментс ва АлтерНет Системс компаниялари билан ҳамкорлик қилади. Сервиснинг Hew-Ёрк, Сан-Франтиско, Санкт-Петербург, Амстердам ва Аргентинадаофислари мавжуд. 22 нафар электрон тижорат фирмалари билан интегратсия қилинган. БТС криптовалютаси ва фиат валюталар билан ишлай олади. Интерфейси бир қанча тилларни ўз ичига олади.

СОИНБАСЕ – ҳалқаро криптивалюта операторларидан бири бўлиб, унинг сервислари орасига биркоиннинг мультиплатформали ҳамёни ва криптовалюталар алмашинув сервиси киради. Унинг штаб-квартираси Калифорниядаги Сан-Фрамтискодадир. Соинбасенинг фойдаланувчилари биткоинни жорий бозор курсида, банк кўчирмаси ёрдамида АҚШ да ва 18 та эврова давлатларида сотишлари ва сотиб олишлари мумкин. Соинбасе биркоинни сақлаш, жўнатиш ва олиш учун электрон ҳамёнлар таклиф қилади. Валюта алмашинув ҳизматларидан фойдалниш учун мижозлар банк реквизитларини кўрсатишлари ва икки босқичли аутентификатсиядан ўтишлари керак бўлади. Ҳозирги пайтда Соинбасе да 2,1 миллион фойдалнувчи ва 2,5 миллион ҳамёнлар бор. Сервис БТС криптовалютаси ва фиат валюталар билан ишлай олади. Интерфейси эса мультитилли бўлиб, контактлари: Соинбасе, Инс., а Делашаре Сорпоратион

Енди қандай қилиб криптовалюталарни ҳавфсиз сотиб олиш технологиясини қадам-ба-қадам таҳлил қилиб чиқамиз ва бу борада ўз

фикрларимизни билдирамиз. Хосирги пайтда пул кредит ва молия соҳасида фаолият юритадиган инсонлар биткоин ва бошқа турдаги криптовалюталарни сотиб олиш жараёни билан қизиқадилар, аммо бу иш қандай амалга оширилихи технологиясини жуда яхши тушунмайдилар. Уларга ёрдам бериш ва уларни турли-туман ҳавф-хатар, янглишиш ва молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳам ушбу бўлимни ёшишга бел боғладик. Кўпчилик криптовалюталарни жаҳон миқёсидаги молиявий пирамида, капиталистик оламнинг тузоғи, пул ювишнинг замонавий усули, уччига чиқсан молиявий фирибгарлик деб ҳисоблашига қарамасдан, дунё миқёсида ва республикамиизда ҳам уни сотиб олмоқчи ва шу орқали бойимоқчи бўлганлар сафи борган сари кенгаймоқда. Аммо шунга қарамасдан, криптовалюталар курси ўгарлик билан ўсишда давом қилмоқда ва унга Янгидан-Янги инвесторлар, трансмиллий корпоратсиялар ва давлатлар ҳам тинимсиз равища тортилмоқда. Масалан, АҚШ, Япония, Хитой, Венесуела, Белорусия, эвропа ҳамжамияти давлатларида биржалар ишлаб турибди ва биткоинларга олди-соттилар йўлга қўйилган. Россия ва Қозоғстонда ҳам бу соҳага фаол киришиш йўллари ва усуллари актив муҳокама этилмоқда. Чунки, 2010 йилдан буён биткоин 50 тсентдан 20000 АҚШ долларидача бўлган қийматга ўсади. Эфириум эса 2015 йилдан бери 1,2 доллардан 465 долларгача катталикка қимматлашди. Кимлардир бунинг оқибатида миллионер ва баъзилар эса миллиардер ҳам бўлишди. Бу сизга ҳам пассив (*курснинг ўсишини кутиб турасиз*) ёки актив (*курсда спекулятсия қиласиз*) инвестор бўлиб яхшигина пул ишлаб олиш имконини беради. Криптовалюталарнинг бир салбий томони ҳам бор – уни ҳеч ким бошқармайди, шунинг учун унинг курси бир қанча сабабларга кўра тушуб кетиши ҳам мумкин (*ДДоС-хужум, катта олди-соттилар, баъзи давлатларни ундан тамоман воз кечиши, қонун бўйича тақиқлар ва бошқалар*). Агар сиз ҳам оммавий криптовалюталар (*ракамли валюталар*) оламига киришни ва унда ўз омадингизни синаб кўрмоқчи бўлсангиз, қуйида келтирилган кўрсатмаларга риоя қилишингиз мақсадга ва ақлга мувофиқ

бўлар эди. Демак, криптовалюталар оламида тезда бойиб кетишингиз ва худди шундай тарзда барча пулларингиздан жудо бўлишингиз ҳам мумкин. Сиз шунга тайёрмисиз? Агар бу саволга “Ҳа” деб жавоб берсангиз, қуйида келтирилган маслаҳатларни ўқинг, акс ҳолда ўқимасангиз ҳам бўлади. Энди қандай қилиб криптовалюталар олами билан ошно бўлиш мумкинлигини қадам-ба-қадам кўриб чиқамиз:

*Криптоҳамён очиш.* Бунда уч усулдан фойдаланиш мумкин:

- “Дастурий” криптоҳамён очиш – масалан, блокчейн.info ва “Криптонатор” лардан фойдаланган ҳолда.
- *Аппарат ҳамёnlар* – ПИН кодлар билан ҳимояланган бундай ҳамёnlар нархи 3-7 минг рубл туради.
- *Қозозли ҳамёnlар* – бунда калитлар маҳсус сайтларда генератсия қилинадилар ва қоғозга печат қилиб олинадилар.

## **8.5. Криптовалюталар бозорининг келажак истиқболлари**

Биткоин нархининг навбатдаги кўтарилиши ортидан Финляндия марказий банки биткоин тизимини револютсион ва ажойиб деб тавсифлаган ҳолда илмий изланишлар туркумини эълон қилди. Ушбу маълумотда жаҳондаги минглаб криптомайнерлар томонидан қўллаб-қувватланадиган биткоиннинг жуда стабил эканлиги таъкидланади. Шу муносабат билан 2017 йилни қўрқмасдан биткоин йили деб айтиш мумкин, чунки йил бошида унинг нархи 1000 доллар бўлган бўлса, йил давомида 20000 долларгача ўсиш кузатилди, келажакда эса унинг нархи 100 000 долларгача кўтарилиши мумкин экан. Бундай маълумотни ЖПМорган Часе америка молиявий холдинги бош директори *Деливеринг Алпҳа* деб номланган банк конферентсиясида айтиб ўтди (12/09/2017 йил). Аммо унинг фикрича, келажакда криптовалюталар бозори бир кўпик сифатида жуда катта миқдорга етганидан сўг ёрилиб кетади, чунки унга бўлган талаб кўпчилик холларда сунъий талабдир – у анъанавий пуллар бозори билан тўлиқ интегратсиялашмаган.

Криптовалюталар бозорининг ривожланишини қисқача равишда қуидагича тавсифлаш мумкин:

- Биткоин тушунчаси биринчи маротаба 2008 йилда Сатоси Накомото исмли инсон номидан киритилган.
- Биткоиннинг асосида элестрон занжир орқали маълумотлар узатиш технологияси – блокчейн ётади.
- Блокчейннинг турли элементлари ҳар хил компьютерларда сақланади ва уларнинг хақиқийлиги аниқ математик алгоритмлар орқали назоратчи органлар иштирокисиз тасдиқланиб туради .
- 2017 йил 1 августда биткоин ишлаб чиқарувчилар унинг тезроқ ишлайдиган аналоги Битсоин Саш ни яратдилар.
- Биткоиннинг криптовалюталар бозоридаги энг асосий рақобатчиси россия-канада дастурчиси томонидан 2013 йилда ишлаб чиқилган криптовалюта этхериум ёки эфир хисобланади.

Киптовалюталар бозорининг ривожланишини 2000 йиллар бошида рўй берган “дотсом” лар бўйича катта қизиқиш ва унинг нима билан тугагани билан ҳам солишишишимиз мумкин. Ўша даврда домен исмлари .com билан тугайдиган технологик компаниялар актсияларига жуда катта қизиқиш кузатилгани туфайли, биржаларда замонавий номлар билан аталган, .com домен номи билан тугайдиган, аммо амалда мавжуд бўлмаган компанияларнинг актсиялари фаол сотила бошланди. Бу фирибгарлик маълум бўлиб қолганидан сўнг, дотсом компанияларнинг актсиялари жуда ҳам тушиб кетди ва кўпгина компаниялар бунинг оқибатида хонавайрон бўлдилар. СоинМаркетСап сайтининг маълумотларига кўра, хозирги пайтда интернетда 900 га яқин рақамли криптовалюталар мавжуд. Бу бозорда Янги иштирокчилар деярли ҳар куни пайдо бўляяптилар ва уларнинг барчаси ҳам яхши ўйлаб тузилган бизнер-режага эга ёки улар фирибгар эмас деб аниқ айтиб бўлмайди. Уларнинг банкрот бўлиши бутун криптография бозорининг тушкунликка учрашига олиб келиши мумкин. Яъни, сунъий криптовалюталарнинг инқирози ўз ортидан биткоин, лайткоин ва

эфириумларнинг ҳам инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, криптовалюталар учун яна катта бир ҳавф давлат томонидан ҳам келиши мумкин ва муқаррар. Молиявий аналитик Джеймс Даймондинг айтишича, “*Валюта бу давлат томонидан биринчи навбатда яратиладиган нарсадир. Давлат эса валюта айланишини марказий банк ёрдамида назорат қиласди. Ундан ташқари, давлат ким валютага эгалик қиласяпти, у қаерда турибди ва нималарга сарф қилинишини билишини истайди*”. Худди шунинг учун ҳам Хитой криптовалюта биржаларини ёпаяпти. Криптовалюталар қанчалик кўп бўлса, давлат шунчалик фаолроқ уни назорат қилишини хохлайди. Хозирча криптовалюталар Янгилик бўлгани учун давлат ундан фойдаланишига чираб турибди, аммо ундан бирор кимса ёки ташкилот зарар кўргани аниқланса ёки кимдир ундан ноқонуний амаллар учун фойдаланса, давлат шу заҳоти уни ётиб қўяди”. Масалан, 2015 йилда Россия молия вазирлиги “*пул суррогати*” чиқарганлар ва уни сотишга уринганларни етти йилгача қамоқ жазоси билан жазолашни таклиф қилди. Пул суррогати термини криптовалюталарга ҳам тегишлидир.

Куйида мамлакатлар миқёсида биткоин тизимини элементлари (тармоқ иштирокчилари) сони келтирилган (2017 йил сентябр холати)

1. АҚШ	2567 (27,58%)
2. Германия	1688 (18,13%)
3. Франция	657 (7,06%)
4. Хитой	558 (5,99%)
5. Нидерландия	445 (4,78%)

6. Канада	378 (4,06%)
7. Номаълум мамлакатларда	332 (3,57%)
8. Англия	322 (3,46%)
9. Россия	305 (3,28%)
10. Сингапур	210 (2,26%)

Булар битнодеснинг 14 сентябр 2017 йилги маълумотлари  
эди.

2017 йил сентябр ойида Россия молия вазири Антон Силуанов криптовалюталарни бошқариш бўйича қонум лойиҳасини шу йилнинг охиригача тайёрлашини билдириди. Декабр ойида Москвада ўтказиладиган слётда бу масалага бирмунча ойдинлик киритилиши мумкин. Министрнинг айтишича, бу хужжатни тайёрлашдан асосий мақсад – мамлакатда алданиб қоладиган инвесторлар бўлмаслигига эришишдир. Молиявий бозорлар бўйича давлат думаси комитети раиси Анатолий Аксаков ҳам криптовалюталар бўйича қонун лойиҳасини йил охиригача қабул қилиш мумкинлигини билдириди. Россия давлат банки криптовалюталарни ракамли маҳсулот деб тан олган холда уни ҳам солиқقا тортиш кераклигини билдириди. Аммо криптовалюталар олтин заҳиралари билан таъминланмаганлиги туфайли, уларни кўплаб миқёсда чиқариш валюта бозорига парокандалик олиб келиши мумкин. Инсонлар пул ўрнига криптовалютяларни оммавий ишлата бошлашса, у аста-секин пулнини ўрнини эгаллаб олиши мумкин. Россиядаги ва дунёнинг бир қанча мамлакатларидағи ҳуқуқ-тартибот органлари кўпчилик криптовалюта биржаларига интернет орқали киришни ёпиб қўяяптилар – уларнинг

фикрларича рақамли валюталарнинг анонимлилик хусусияти туфайли “криптовалюталар наркотик моддалар, қурол-яроқ, қалбаки хужежатлар савдосида ва бошқа турдаги ноқонуний жиноят ишиларида қўлланилиши мумкин”. Яъни, назорат қилиб бўлмайдиган траҳсчегаравий криптооператсиялар терроризмни молиялаштириш учун ҳизмат қилади. Аммо, криптовалюталар тўлиқ аноним эмаслиги ғарб давлатларидағи политсия ҳизматлари ва маҳсус ҳизматлар амалиётидан аллақачон маълум бўлган, чуни улар биткоин-ҳамёнлар эгаларини маҳсус дастурий таъминот ёрдамида бемалол аниқлай оладилар. Масалан, 2017 йил бошида Дания политсияси интернет орқали наркотик моддалар заказ қилган ва унга биткоинлар ёрдамида пул тўлаган шахсни аниқлади. Унинг қанча пулга наркотик моддалар заказ қилганини аниқлаган холда бу шахсни саккиз йилга қамоқ жазосига хукм қилинди (*Берлинске нашириётидан*). Бу оператсияни амалга ошириш учун *Чайнанализис* деб номланган америка компаниясининг шу номдаги аналитик дастуридан фойдаланилди. Ушбу дастурни Даниялик Ян Моллер ишлаб чиққанлиги аниқланди. Лекин бу хуқуқ-тартибот органлари томонидан биткоин-ҳамённинг эгаси аниқланган (*деанонимизатсия*) биринчи ходиса эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, биткоин яратувчининг кимлиги халигача маълум эмас, бу эса бундан энг аввал ким фойда олган ва унинг (ёки уларнинг) мақсадлари нима бўлганини аниқлашга имкон бермайди. Худди шунинг учун ҳам Чронопай компаниясининг Р&Д-бўлими бошлиғи Дмитрий Артимович қуйидаги фикрни билдиради: “*Биткоин уни доллар ёки бошқа турдаги валютага алмаштириш мумкин бўлмагани қадар мавжуд бўлади. Ҳеч қандай мамлакат ўз молиявий тизимини қандайdir тушунарсиз валюта ихтиёрига бериб қўймайди. Чунки биткоиннинг ривожланиши бир қанча саволларни юзага келтиради: Ким бу ишини молияласжистирган? Ким биринчи марта криптовалюта алмаштириши пунктларини ташкил қилган? Криптовалюталар кўпроқ кимнинг қизиқиши ва интилишиларига мос келади? Криптовалюталар кимларнинг мақсадларини амалга ошириш учун ҳизмат*

қиласи? ва хаказолар. Бошқа томондан қараганда, жаҳондаги кўпчилик молиявий оқимларни маҳсус ҳизматлар назорат қилишига интиладилар. Шунинг учун ҳам криптовалюталар тизими ўз-ўзидан пайдо бўлган деган фикрга ишониши қийин. Балки уни гарб маҳсус ҳизматлари ташкил қилиб, уни қандайдир усулда назорат қилиши ва бошқарши механизмини ҳам ишлаб чиққан бўлсалар ажаб эмас”. Лекин СиберФунд блокчейн платформасини ишлаб чиққан дастурчи Валерий Литвин бу борада бошқача фикрни билдиради: “Бинкоинни маҳсус ҳизматлар ишлаб чиққан ва уни бекдоор (тизими издан чиқарши имконияти) билан таъминлаганлар деган фикр дунё миқёсидаги фитна назарияси каби асосга эга эмас, чунки блокчейн лойиҳаларнинг бача кодлари очиқ ва уларни исталган инсон (ёки ташкилот) исталган пайтда текшириб аудит қилиши мумкин. Ундан ташқари, худди биткоин сингари бошқа турдаги криптовалюталар ҳам пайдо бўлаяпти ва улар ҳам блокчейн технологияси асосида яратилган. Улар биткоинга ниватан анча катта бўлган анонимлилик даражасига эга бўлишилари мумкин”. Аммо дунёдаги йирик ва кўзга кўринган молиячиларнинг криптовалюталар бўйича турли-туман мунозараларига қарамай, рақамли криптовалюталар борган сари кўпроқ жаҳон иқтисодиётiga таъсир қиласишилар ва уларга бўлган инвеститсиялар миқдори кун сайин ортмоқда. Нима учун криптовалюталар курси жуда тез ўзгаради ва унга эгалик қилишда таваккалчилик миқдори жуда ҳам катта миқдорда деган саволга қўйидаги жавоб бериш мумкин. Молиявий экспертларнинг фикрича, криптовалюталарнинг ортида реал иқтисодиёт, товар ва ҳизматлар ҳаракати, капитал ҳаракати, тўлов қобилияти паритети кабилар турмайди, худди шу туфайли ҳам криптовалюталар уларни бошқариш бўйича Янгиликлар ва шу каби бошқача стресс факторларга жуда ҳам сезгирдирлар. Шу туфайли турли мамлакатларда криптовалюталарга турлича ёндошув мавжуд: Баъзи мамлакатларда улар умуман назорат қилинмайдилар, бошқаларида эса криптовалюталар аллақачон тўлов воситаси сифатида ишлатиладилар. Бу ўйналишда умумжаҳон қонунлари пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Криптовалюталар бозорининг келажақдаги холатига назар солсак, бу бозорда таваккалчилик хали-хануз анча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам узоқ ва қисқа муддатли перспективаларда кўтарилиш ва пасайишга тайёр бўлган инвесторларгагина бу бозорда ўйнаш тавсия этилади.

Кўйида нима сабабли криптовалюталар курси тез-тез ва шиддатли тарзда ўзгаришининг яна бошқа бир қанча сабаблари келтирилади: Буларнинг биринчисига худди оддий пуллар ва қимматли қоғозлар бозорида бўлгани каби “рухий” факторларни киритишимиз мумкин. Масалан, инвесторларни кутиш, талабнинг вақтинчалик кўпайиб кетиши, талаб ўсишининг секинлашуви, жуда тез ўсишдан сўнг чарчоқлик холати кабилар. Криптовалюталар бозорининг бошқа турдаги активлар бозоридан асосий фарқи унинг иқтисодиёт билан узвий боғлиқ эмаслигидир. Мамлакатлар иқтисодий ҳаётига биткоинлар курсининг ўсиши ёки камайиши хозирча таъсир қилмайди. Аксинча, доллар курси тебраниши ёки нефт нархи ўзгариши иқтисодиётга катта таъсир кўрсатади. Иккинчи сабаб, криптовалюталарнинг Янги рақамли валута турига мансублигидир. Кўпчилик унинг нималигини жуда яхши тушунмаганлиги учун информатсион ўйинлар воситасида криптовалюталар курсини кўтариш ёки тушириб юбориш мумкин. Бунда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар катта аҳамиятга эга. Интернетдаги қандайдир Янгилик унинг курсини туширса, бошқаси курсни кўтариб юборади. Бу борадаги кўпчилик маълумотларни текширишнинг ўзи ҳам катта муаммодир. Уичи сабаб сифатида криптовалюта дастур кодининг Янгиланишини (*хардфорк*) келтириш мумкин. Курс маълум максимал даражага етгандан сўнг олди-сотти вақтинча тўхтатилиши мумкин, аммо бу умумий холатга катта таъсир кўрсатади. Биткоиннинг курси жуда ҳам ўзгарувчан (*волатил*) бўлгани учун йирик инвесторларнинг савдога аралашуви курсни анчагина ўзгаришига олиб келади. Бу эса биткоин пуффаги хали бир неча бор катталashiши ва кичиклашиши мумкинлигини англатади. Биткоин курси қачон

стабиллашишини хозирча ҳеч ким башорат қила олмайди, шунинг учун биткоин эгаларига сабр қилиш тавсий этилади.

Қайси қриптовалютани сотиб олиш керак ва қайсисини сотиш керак деган саволга жавоб бериш ҳам жуда мураккаб масала. Аммо ҳозирги шароитларни ҳисобга олган холда биткоиндан воз кечиш ҳам унчалик тўғри бўлмас. Негаки ҳозирги пайтда инвесторлар унга жуда қаттиқ ишонадилар. Биткоинга бўлган ишонч *битсоин саш* ва *биткоин голд* га бўлган ишончга нисбатан анча катта миқдорда. Ундан ташқари, биткоиннинг бошқа коинларга нисбатан ишонч захираси анчагина катталигини пайқаш мумкин. Агарда энг оммабоп ракамли валюта – биткоинга алътернатува қидирилса, у холда бир қанча вариантларни таклиф этиш мумкин. Масалан, биткоин даромад даражаси бўйича бир қанча криптотокенлардан қўйироқда юради. Мисол учун, Стратис (СТРАТ) нинг нархи 2016 йил июлидан буён ИСО ташкил қилингандан кейин 600 баробарга ўсган бўлса, худди ўша даврда биткоин бор-йўғи 30 баробарга ўсган. СпестроСоин (*криптовалюталар биржаси*) нархи эса 2017 йил январидан буён 400 баробарга ўсган. Эхпертларнинг фикрича, 2018 йил ҳам криптовалюталар учун олдинги йилга ўхшаш бухронли бўлади. Россиядаги Wирех криптобанкининг асосчиларидан бири Павел Матвеевнинг фикрига кўра эса, 2017 йил охиридаги тенденциялар биткоин нархи 8000 долларгача тушишини англатади. Бошқа эхпертлар эса биткоиннинг нархи 2018 йил давомида 50 минг долларгача ўсишини башорат қилишади. 2018 йилда биткоин (БТС) нинг нархига Япония, Хитой, Белорусия, Венесуела, Россия ва дунёнинг бошқа етакчи криптоиктисодиётли давлатларида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши катта таъсир қўрсатиши мумкин. Сидечаин (*бирор-бир каналнинг ёки қурилманинг қандайдир қўрсатгичларини бошқа бир қурилма ёки сигнал воситасида бошқарии усули*) технологиясининг оммавий равища тадбик этилган холда институтсионал инвесторлар худди энтузиастлар каби биткоинга буткул ишониб қолишлари мумкин бўлади ва натижада улар биткоиннинг курси ошишига ишқибоз бўлиб қоладилар ва худди шу йўсинда

ўйнайдилар. Бу холда эса биткоиннинг эҳтимолий нархи 100 минг долларгача кўтарилиши мумкин бўлади. Биткоиннинг келажаги тўғрисида алътернатив пессимистис башоратлар ҳам мавжуд. Масалан, америкалик иқтисодчи Джефри Саккс нинг Бостон Глобе да ёзишича биткоин ўзига хос молиявий пуффак бўлиб, унинг курси инсонлар ишончига ва тезда бойиб кетишга бўлган иштиёқига боғлиқдир. Унинг фикрига кўра, давлат ҳеч қачон пул эмиссиясига бўлган назоратни қўлдан чиқаришга рози бўлмайди ва криптовалюталар бозорини бошқариш бўйича фаол тадбирларни амалга ошира бошлайди. Морган Станлей банки аналитиги Джеймс Фасетт Бусинесс Инсидер нашриётига берган интервюсида

*“... агар криптовалютадан тўлов воситаси сифатида фойдаланишининг имкони бўлмаса, унинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади ва нархи ҳам кескин тушиб кетади. Давлат органлари ҳам худди шуни амалга ошириши истагидалар”* деган фикр билдирган. Аммо, бизнинг фикримизча, криптовалюталарнинг келажаги қандай бўлишидфан қатъий назар, 2018 йилда криптовалюта ажиотажи давом этаверади.

Хозирги пайтда криптовалюталар ёрдамида маблағ ишлаб олишнинг бир қанча усуллари бўлиб, улар ичида оммавийроғи – биткоинларни нақд пулга сотишидир. Россияда бир гурӯҳ инсонлар ушбу оператсия орқали 500 миллион рублни нақдлаштирганлар. 2017 йилда баъзи бир Российлик фуқаролар биткоин сотиб олиш учун квартираларини ҳам сотганлар. Хатто лўлилар ҳам биткоинга ўхшаш тангаларни нақд пулга сатаётганлари кузатилган. Диндорларнинг фикрларича, криптовалюта иқтисодиётда фойиз механизмининг амал қилиши туфайли, пул массасининг реал материал ресурслардан ажралиб қолишининг яна бир туридир. Аммо яхудийлар ўзларининг криптовалюталарини чиқаришга улгурдилар. 2017 йил июн ойида Битсоен деб номланган яхудий қриптовалютаси амалга кирди. Яхудийлар жамоасининг фикриша, бу криптовалюта спекулятив оператсиялар учун эмас, балки бутун жаҳон яхудийларининг ҳисоб-китоб оператсияларини амалга ошириш учун яратилган. Ушбу Янги криптовалюта фақатгина яхудий

жамоаси томонидан бошқарилади, аммо уни исталган инсон сотиб олиши мумкин.

2017 йилда жаҳонда илк биткоин миллиардерлари ҳам пайдо бўлишди. Улар эгизак ака-укалар Тайлер ва Камерон Уинклвосслардир. Улар 2013 йилда ҳар бири 120 доллардан бўлган биткоинлардан 11 миллион долларлик сотиб олишди ва шундан сўнг криптовалютанинг нархи 100 баробарга ўсди. Натижада ака-укалар бир юмалаб миллиардерга айланишди. Аммо улар ўз биткоинларини сотмасликларини билдиридилар. Улар биткоинни “олтиннинг яхшироқ кўринини” деб ҳисоблашларини айтиб, биткоин нархи 2018 йилда 40 минг долларгача кўтарилишини башорат қилишмоқда. 2018 йил бошида биткоиннинг капитализатсияси 306,5 миллард долларга етди. Бундай катта миқдордаги ўсишга бир қанча сабаблар мавжуд. Масалан, СМЕ ва СБОЕ чикаго биржаларида криптовалюта бўйича фьючерслар ва оптсионлар ишга туширилмоқда, бошқа бир қанча мамлакатларда эса криптовалюталар тан олиниб, улар тўлов воситаси сифатида ишлатилмоқда. Яна бир сабаб, долларнинг рақамли аналогини чиқараётган тетҳер Лтд компанияси йирик криптовалюта биржаси битфинех билан келишган холда таъминланувсиз рақамли доллар чиқариб, улари биткоинларга инвеститсия қилмоқда. Ундан ташқари, йирик жаҳон банк секторлари ўйинчилари, автомобил ишлаб чиқарувчилар ва ритейл-гигант Амазон ҳам аста-секин криптобозорга кириб келмоқда. 2017 йилнинг ноябрида Швейтсариянинг Вонтобел банки ҳам биткоинлар учун мини-фьючерслар чиқара бошлади. Японияда эса биткоин расмий тўлов инструменти сифатида тан олинди. Хиндистонда ҳам криптовалюталар бошқаруви бўйича қонунлар ишлаб чиқиш жараёни амалга ошмоқда. АҚШ биткоинни биржа маҳсулоти деб тан олган ва европа мамлакатлари ҳам криптовалютани бошқариш бўйича тартиботларни амалга киритдилар. Канада ва Лотин Америкасида ҳам бу холатлар кузатиласяпти. Буларнинг барчаси биткоиннинг курси ўсишини таъминлаб, унинг жаҳон миқёсида тан олинаётганлигини англаради. Биткоинларни ишлатиш руҳсат этилмаган

давлатлар жунласига Бангладеш, Боливия, Эквадор, Вьетнам ва  
Қирғизистонни киритиш мумкин.

Кўпчилик молиявий аналитикларнинг фикрларича ва Сахо Банк башоратига кўра, 2018 йилда биткоиннинг нархи 60 минг долларга етади ва унинг бозор капитализатсияси 1 триллион доллардан ҳам ошиб кетади. Аммо Сахо Банк нинг валюта стратеги Джон Хардининг фикрича бу вақтга келиб, Россия ва Хитойнинг рухсат берилмаган криптовалюталарга таъкиқ қўйиши натижасида 2019 йилларда биткоиннинг нархи анча тушиб кетиши мумкин. Натижада унинг нархи 2019 йилларга келиб 1000 доллар атрофида стабиллашади. Хозирги даврда нафақат инвесторлар, балки бошқа соҳа мутахассислари ҳам криптовалюталар бозорига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Масалан, ТечСрунч нинг ҳабар беришича, хакерлар НисеҲаш криптобиржасини бузиб, ундан 60 миллиондан кўпроқ доллар маблағни ўтиглашга эришдилар. Натижада 5 мингдан ортиқ биткоин йўқолиши кузатилди. Белоруссия давлати “*Рақамли иқтисодиётни ривожлантириши*” деб номланган декрет кучга киргандан сўнг, миллий даражада смарт-контракткарни легаллаштирган дунёдаги биринчи мамлакат бўлди. Бу ҳақда белоруссия *Юқори технологиялар парки* сайтида ҳабар берилган. Ушбу технопарк токенлар бўйича оператсияларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун мўлжалланган тажриба майдони ҳисобланади. Мамлакат президентининг билдиришича, декрет республикада информацион технологиялари, криптовалюталарни ва блокчейн технологиясини ривожлантиришга ҳамда мамалакатга трансмиллий ИТ-компаниялар келишига қулай имкониятлар яратади. Унинг айтишича “Янги декрет ИСО ларни, криптовалюталарни ва смарт-контрактларни (блокчейн технологияси асосида контрактлар тузиш ва уни бардавом этишига мўлжсалланган компьютер дастури) қонунийлаштиради”. Декрет токенлар яратиш, уларни алмаштириш, саклаш, жойлаштириш, сотиб олиш ҳамда криптобиржалар ва криптовалюталар платформалари фаолиятига доир ҳеч қандай чегаралашлар ва маҳсус талабларни назарда тутмайди. Юқори

технологиялар паркининг билдиришича “Жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган майнинг фаолияти, токенларни сотиши, алмаштириши ҳамда жойлаштириши тадбиркорлик фаолияти деб ҳисобланмайди ва токенлар декларатсия қилинмайди. Майнинг фаолияти, токенларни яратиш, сотиши ва сотиб олиши эса 2023 йилгача солиқка тортимайди”. Аммо бу иш Белоруссияда электр энергияга бўлган эҳтиёжни анча оширади, чунки майнинг жуда ҳам катта электр энергиясини талаб қиласди. Шунинг учун ҳам мамлакатда нисбатан арzon электр энергия ишлаб чиқаришга имкон берадиган атом электр стантсијалири қурилмоқда ва яна Янгиларини қуриш режалаштирилмоқда (*Буни Россиянинг “Атомстроекспорт” ташкилоти амалга оширмоқда. Натижада 2019-2020 йилларга келиб атиги иккита энергоблок мамлакатга 2Гвт арzon атом электр энергияси ишлаб чиқариб беради*). Россия президенти ҳам 2018 йил 1 июлигача криптовалюталар айланмаси ва ИСО ҳақидаги қонунлани ишлаб чиқишига топшириқ берди. Чунки Россияда ҳам криптовалюталар бозорида ишловчилар сони борган сари ошиб бормоқда. 2017 йилнинг декабр ойи бошида Венесуела президенти Николас Мадуро ҳам мамлакатда 100 млн элПетро криптовалютасини чиқариш ҳақида топшириқ берган. Ушбу криптовалюта мамлакатда чиқарилаётган нефт билан таъминланади – яъни 1ЕлПетро 1 баррел нефт нархига тенг бўлади. Мамлакат раҳбарининг фикрича, элПетро Венесуеланинг “*пул суверенитети*” ни таъминлаб бериши ва пул оқими ҳамда инвеститсияларни кўпайтириши керак. Бошқа барча криптовалюталардан фарқли ўлароқ, бу криптовалюта Венесуеланинг Аякучо нефт конидаги 5 миллиард баррел нефт билан таъминланади. Агарда криптовалюта лойиҳаси муваффақиятсизликка учраса, ҳар бир криптовалюта эгаси бир баррел (*ёки бир бочқа*) нефт эгаси бўлади. Ҳозирги нархларда бу 60 доллар дегани. 2018 йил 20 февралда сотувга чиқарилган бу криптовалюта биринчи куннинг ўзидаёқ 735 млндолларлик сотилди, бир ҳафта ичida эса бу миқдор 1 миллиард долларга етди. Муваффақиятдан руҳланган лойиҳачилар энди Петроголд криптовалютасини чиқаришни режалаштирайтилар – бу

криптовалюта эса олтин билан таъминланади. Агарда лойиҳа муваффақиятли амалга ошса, Петро нинг капитализатсияси б миллиард эврода етиши мумкин. Франкфурт молия ва менежмент мактабининг профессори Пхилипп Санднернинг фикрича, виртуал бозордаги бу криптовалюта материал бойлик билан таъминланган бўлгани учун биткоинга нисбатан анча стабил бўлиши мумкин. Каракасдаги масъулларнинг фикрларича, уларнинг ўз мустақил криптовалюталари ҳалқаро валюта бозорлари билан яқиндан мулоқот қилишга имкон беради ва чет эллардан молиявий маблағларни жалб қила олади. Ҳар қандай холатда ҳам элПетро криптовалютаси чиқаришни виртуал дунйидаги бир тажриба сифатида қабул қилш мумкин. Агар бу ёндошув ўзининг самарадорлигини кўрсатса, бошқа мамлакатлар ҳам иқтисодиётни ривожлантириш учун бу тажрибадан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Европада ҳам бундай жараёнлар давом этмоқда, масалан, Буюк Британия ўз криптовалютасини чиқаришни режалаштираяпти. Бу криптовалюта Британия фунт-стерлинги билан боғлиқ бўлиб, марказий банкнинг фикрича, у банклар ўрнини босиши мумкин.



Бундаянглия миллий криптовалютаси

2018

йилнингохирларида чиқарышини *Тхетелегран* Марказий банк мулозимига иш орақилган холдамаълум қилган.

Хозирдабуни қандай қилиб амалга оширишмуаммоларийилмий изланиш жараёни даургани лаяпти. Ушбу криптовалютабиткоиннинг аналоги бўлиб, транзактсия технологияларидан фойдаланишни кўзdatутади.

Марказий банк нинг фикрича,

букриптовалютабританияликлар габанклар ҳизматидан возкечиб, ўзпулларини рақами активлар дасақлашим конини беради.

Криптовалюта ёрдамида каттранзактсияларни амалга оширишумкин бўлади (масалан, *кучмасулксоти болиши соналашади*). 2017

йилдекабройи хирида Изроил давлати ҳам “Електроншакел” дебномланадиган ўз криптовалютаси ничиқаришини билдириди.

Бу билан Изроилиқтисодчилик кимуаммони ҳалқилишмоқчи: иқтисодиётдагина қулми қориникамайтириш ва қорабозорга қарши санарадо рроқкурашиш. Бу криптовалюта биткоиннинг аналоги бўлмади, балки Изроил миллий валютасига эквивалент бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги пайтда жаҳондаги 500 та энг йирик интернет-магазинлардан атиги учтасигина биткоинни қабул қиласди. Агар жаҳон валюта бозоридаги бир кунлик валюта оператсиялари миқдори 5,4 триллион доллар бўлса, криптовалюта бўйича бир кунлик оператсиялар ҳажми бор-йўғи 3 миллиард долларга етади, холос.

Ўзбекистонда ҳам криптовалютани муомалага киритишдан аввал унинг қандай молиявий актив кўринишида қабул қилиш ва ундан қандай тартибда фойдаланиш масаласини ҳал қилиш лозим бўлади, яъни унга оддий рақами пул сифатида қараш керакми ёки уни Янги турдаги валюта сифатида кўриш керакми. Шундан сўнггина мамлакатда криптовалюта айланишининг хуқуқий асосларини ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

## ***Хуроса ва тақлифлар***

Енди юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, хулоса сифатида криптовалюталар билан боғлиқ бир қанча таклиф ва мулоҳазаларни ёритиб ўтамиз. Пулларни ҳар ким ва ҳар қуни ишлатишига қарамай, пул нима ўзи деган саволга кўпчилик инсонлар тўғри жавоб берадиганлар. Пулни абсолют кўпчилик қандайдир интуитив равишда тушунади ва бу уларнинг пуллар билан фойдаланишига унчалик халақит бермайди. Пул ўзи нима? Нимага унинг бунақа кўплаб турлари мавжуд ва уларнинг хусусиятлари қандай? Пулларнинг булардан кўра яхшироқ кўринишлари борми ва қайси бирлари яхшироқ? - деган саволларни мутахассислардан бошқа инсонлар тўлиқ тушунмайдилар ва уларга бу керак ҳам эмас. Уларни кўпроқ “Пулларни қандай қилиб кўпроқ топиш ва сақлаш мумкин?” деган савол қизиқтиради холос. Агарда тарихга назар солсак, дунёning барча давлатларида пулларни чиқариш ва уни бошқариш масалалари билан тегишли давлат органлари шуғулланадилар. Бундай ёндошувнинг ўз ижобий ва салбий томонлари мавжуд, албатта. Агарда бундай салбий томонлар кимларгадир ёқмаса, улар умумий холатни ўзгартириб ва яхшилаб ололмайдилар, чунки бу иш қонунга ҳилоф амал бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, энг аввало қандайдир холат юзага келади, шундан сўнггина уни тартибга соладиган қонунлар яратилади. Худди шундай ҳолат радио соҳаси билан ҳам, интернет тизими билан ҳам, автомобил технологияси билан ҳам ва шунга ўхшаш бошқача технологияларда ҳам кузатилган. Энди эса худди шундай ҳодиса криптовалюталар билан ҳам кузатилмоқда. Умуман айтганда, криптовалюталар иқтисод, криптография, компьютер технологияси ва сиёsat масалалари кесишуvida пайдо бўлган. Илк криптовалюта – биткоин эса пастдан (ҳалқдан) чиқсан инноватсия бўлиб, юқоридагиларнинг (давлат органларининг) бунга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Яъни, криптовалюталар давлатнинг эмас, балки ҳалқ томонидан уланинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда яратилган ечим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу инноватсион ғоянинг яратилиш тарихи ва унинг ривожланишини ўрганиб чиқиш диққатга сазовордир. Ушбу ғоя асосида пул муомаласининг марказлашмаган усули

таклиф қилинган ва у амалиётга тадбиқ этилган. Бундай пул айланиш моделида комиссиялар минимал бўлади ёки умуман бўлмайди. Унда икки келишувчи томон хоҳишисиз ҳеч қандай учинчи томон уларга ҳалақит ҳам берса олмайди, ўз пуллик ҳизматларини таклиф ҳам эта олмайди, келишуни тўхтата ҳам олмайди ҳамда бирорларнинг мулкини мусодара қила ҳам олмайди. Бу тизимда пул эмиссияси миқдори олдиндан дастурлаб қўйилган ва бу сиёсий манипуляцияларни ҳамда пул чиқарилиши билан боғлик бўлган қалбакичиликларнинг олдини олади. Тизим бирорта нозик томони бўлмаган трасмиллий тизим бўлиб, ҳеч ким уни фойдаланувчиларнинг розилигисиз бошқара олмайди. Тизим қандайдир даражадаги ишончни ҳам талаб қилмайди – унинг тўғри ишлаши аниқ математик формулалар ва криптография усуллари билан тўлиқ кафолатланади. Бу эса инсон томонидан бошқарилиши мумкин бўлган хуқуқий келишувларни четга суриб қўйиб, инсоний факторни йўққа чиқаради. Биткоин криптовалютаси блокчейнга асосланган тизимлар ишлатилишининг биринчи амалий исботи бўлди. Аммо, блокчейн технологияси криптовалюталарга нисбатан анча кенг миқёслидир, чунки унинг ёрдамида исталган турдаги тақсимланган ҳисоб тизимларини яратиш мумкин. Масалан, ер майдонлари реестрлари, нотариал сервислар, шаҳсни тасдиқлаш тизимлари, актсияларни ҳисобга олиш тизимлари, депозитарийлар ва бошалар. Ишончи тақсимланган маълумотлар базаларидан ташқари, блокчейн технологияси автоматик тарзда бажариладиган смарт-контрактларни яратиш имконини ҳам беради, контрактларга эса мултиимзолар қўйишга ёрдам беради. Албатта, Янги имкониятлар Янги турдаги таваккалчиликларга ҳам сабаб бўлади. Анонимлилик, исталган миқдордаги пул маблағларини дунёning исталган жойига ўтказиш имконияти, ҳисоб рақамларини блокировка қилиш мумкин эмаслиги ва криптовалюталарнинг бошқа хусусиятлари давлат органлари олдига жиноятчилик билан курашиш, терроризмга қарши туриш ва ноқонуний пул оборотига қарши курашиш бўйича Янгидан-Янги масала ва муаммоларни ҳал қилиш масаласини қўяди. Шунинг учун ҳам давлат

органлари олдида бу муаммоларни қандай ҳал қилиш йўлларини топиш, Янги криптовалюта ва блокчейн технологияларини қандай ишлатиш, унинг ижобий ва салбий томонларини билган холда таваккалчилик миқдорини минималлаштириш ва қандай қилиб бу Янги технологияларни жорий молиявий тизимга оптималь равишда жойлаштириш масалалари қўндаланг бўлиб турибди. Бу технологияларни бутунлай рад қилиш ёки уларга тўлиқ рухсат бериш жавобгарлиқдан қочиш каби тушунилиши мумкин. Бирор бир мамлакатда бу технологияларни тўлиқ бошқариш механизми ҳали-хамон кузатилмаган ва шунинг учун ҳам кимлардандир нуша олиш имконияти ҳам йўқ даражада. Барча ижобий ва салбий фикрларга қарамасдан, криптовалюталар ва блокчейнлар технологияси мавжуд ва у баҳоли-кудрат ишлаб турибди. Бошқача сўзлар билан айтганда, криптовалюта жини Аловиддининг сехрли чироқчасидан аллақачон чиқиб кетган ва узоқ вақт давомида бу жин ҳали ҳам кўза ичидаги деб ўзимизни овунтиришимиз мақсадга ҳам, ақлга ҳам мувофиқ эмас. Бизнес эса криптовалюталарни иш жараёнига тадбиқ қилиш учун тайёр бўлиб бўлган, дунё миқёсидаги каттакатта ҳалқаро банклар эса криптовалюталарни ва блокчейн технологияларни қандай қилиб ишлатишни фаол ўрганмоқдалар. Молиявий технология (*Finntech*) индустряси блокчейнни замонавий иқтисодиётнинг энг перспектив трендларидан бири деб ҳисоблашгача борди. Факат бу технологияларнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқламаганлиги уларга кенг миқёсда ривожланишга имкон бермаяпти. Ўз навбатида, блокчейн ҳамжамияти барча истовчиларга бу Янги тизимларни ўрганишга ёрдам беришга тайёрdir (*адабиётлар руйҳатидаги сайtlar руйҳатига қаранг*). Биз ҳам сизни бу жараёнларнинг пассив кузатувчиси эмас, балки актив иштирокчиси бўлишга чақириб, дунёни яхши томонга ўзгартириш тарафдоримиз.

Охирги хулоса сифатида шуни айтишимиз лозимки, ўзбек миллий валютаси – сўмни ҳам қисман ёки қандайдир чегараланган оптималь нисбатларда криптовалютали кўринишга ва уни бу билан боғлиқ бўлган

блокчейнга ўтказиши мамлакатимиздаги бир қанча молиявий муаммоларни муваффақиятли равишда ҳал қилиш имконини берар эди. Шу жумладан:

- ✓ Жорий банк оператсияларининг шаффоғлигини ва тезкорлигини ошириш;
- ✓ Давлат сектори самарадорлигини ва унинг ишлаш тезлигини ошириш;
- ✓ Иккиламчи ва яширин банк секторини йўқ қилиш ёки уни назорат остига олиш;
- ✓ Давлат аппаратидаги бюрократияни енгиш ва корруптсияга қарши самарадор курашиш;
- ✓ Солиқлар тўлаш жараёнини мукаммалаштириш орқали, солиқ тўламаслик холатларига қарши самарадор курашиш;
- ✓ Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига Янги инноватсион имкониятлар яратиш;
- ✓ Криптовалюталар ва ИСО механизмлари ёрдамида ҳалқаро валюта-кредит ресурсларини Ўзбекистон иқтисодиётiga кенг миқёсда жалб қилиш;
- ✓ Иқтисодиётга бўлган доллар ва бошқа валюталар босимини камайтириш ва шу асосда сўмнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ✓ ИСО воситасида корхона, ташкилот, хусусий тадбиркорлар ҳамда жисмоний шахслар учун Янги, қулай ва самарадор кредит механизмларини ишга тушириб юбориш;
- ✓ Молия-кредит муассасаларининг ишини янада такомиллаштириш;
- ✓ Криптовалюта, ИСО ва блокчейн инфратузилмаларини яратиш орқали Янги иш ўринларини ҳосил қилиш ва замонавий информацион технологияларни республикамизга жалб қилиш;
- ✓ Инноватсион жараёнларни жадаллаштириш;
- ✓ Ички молиявий ресурсларни ишлатишда мобиллиликни таъминлаш ва бошқалар.

Яна бир имконият сифатида Ворлд Wi-Fi платформаси ёрдамида аҳоли учун интернетдан текин фойдаланиш имконятини яратишни кўрсатишимиз

ҳам мумкин. Бу платформа “*Ефир*” (*Етхереум*) криптовалютаси блокчейнига асосланган. Ворлд Wi-Фи платформасида уч томон бўлади: интернет фойдаланувчиси, роутер эгаси ва реклама берувчи. Уларнинг ҳар қайсиси ҳам тизимдан ўз фойдаси улушини олади. Уйида роутер бор бўлган ва интернетга уланган оддий инсонларни текин Wi-Фи ўзига жалб қила олади, чунки улар интернетга қўшимча уланиш нуқтасини ҳосил қилиб, унга бошқаларни жалб қиласидар ва шу орқали пул ишлай оладилар. Уларга иш ҳаққи WeТoken криптотокенларида келади ва улар бу токенларни реал пулларга ёки криптовалюталарга алмаштириб оладилар.

Криптовалюталар оламидаги юқорида тавсиф этилган стратегик ва тактик хатти-ҳаракатларнинг муваффақиятли равишда амалга ошиши ва ривожланиши учун, бизнинг фикри ожизимизча, хозирги кунда мамлакатимизда тўрт хилдаги асосий йўналишлар таклиф этиш мумкин:

- Биринчи стсенарийда бит сўм криптовалютаси муомалага чиқарилиши мумкин. Ўзбек миллий валютасини блокчейнга ва рақамли форматга ўтказиш унга бир қанча афзалликлар бериши мумкин, аммо бу ҳолда бир қанча муаммоларни қонунчилик асосида тўғри ҳал қилиш керак бўлади. Масалан, ушбу блокчейнни ким бошқаради ва унга давлат мақоми бериладими ёки у корпоратив мақомга эга бўладими. Бит сўм ички ва ташки бозорда қандай ишлатилади ва ким томонидан назорат қилинади - деган саволларга ҳам банк-молия-кредит соҳалари мутахассисларини жалб қилган ҳолда конкрет, ишончга сазовор ҳамда аниқ жавоб топиш лозим бўлади.
- Иккинчи йўналишда Ўзбекистоннинг суверен давлат блокчейн тизими ташкил қилинади ва у ўзида турли молиявий институтларнинг функцияларини қамраб олади. Бундай институтлар жумласига банклар, депозитарийлар, пенсия фонdlари, солиқ идоралари ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу амал солиқ тўлаш ва маблағларни фондларга ўтказиш ишларини нисбатан осонлаштириш ва тўлиқ автоматлаштириш имконини беради.

➤ Учинчи имконият эса криптовалютани алоҳида ташкилотларда ёки худудларда ҳаётга тадбиқ қилинади ва бу соҳада етарлрича амалий тажриба тўпланганидан сўнг, бу иш республика миқёсида амалга оширилади (*масалан, Ўзбекистон Республикасидаги очик иқтисодий худудларда ёки чет эллик мутахассислар ишлайдиган инноватсион қўйима корхоналарда*).

➤ Охирги, тўртинчи имконият эса Россия Федератсиясидагидек Марказий банк томонидан рақамли криптовалюталар билан ишлашни амалга оширадиган пилот лойиҳани ишга туширишдир (*мастерчейн лойиҳаси*). Ушбу платформа бозор иштирокчларининг электрон усулда ўзаро маълумот алмашиниши ва блокченларда идентификатсия қилиниши учун мўлжаллангандир. Бу тизим аста секин, критповалюталар билан ишлаш тажрибаси ошиб борган сари бир қанча давлат интерактив ҳизматларининг ҳам навбатма-навбат блокчейнга ўтказилишини таъминлаши мумкин.

Республикамида криптовалюта бўйича малакали мутахассисларнинг жуда камлиги ва бу соҳадаги тажриба озлигини ҳисобга олган тарзда бу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлашни ҳам амалга ошириш замона талаби бўлиб қолмоқда (*бу таклиф ойлий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, иқтисодиёт университетига, молия институтига ҳамда банк-моиля академиясига тегишилидир*). Лекин блокчейн технологияларни ҳаётга тадбиқ қилиш ва ўзбек криптовалютасини чиқарич инноватсион ғоясини қадам ба қадам амалга ошириш ҳозирданоқ бошлаб йўлга қўйилиши керак бўлган ҳаёт тақозосидир. Чунки дунёдаги кўпчилик ривожланган мамлакатлар ўзларининг миллий ёки корпоратив криптовалюта лойиҳаларини амалга оширмоқдалар ва улар кейинчалик барча рақамли криптопулларга эгалик қилиб, бошқа мамлакатларни бу жараёндан сиқиб чиқаришга ҳаракат қиласидилар. Давлатнинг монетар сиёсатидаги энг муҳим амаллардан бири пул эмиссиясини назорат қилиш бўлгани учун, криптовалютадан воз кечиш мамлакатдаги молия-кредит тизимини ва унинг жаҳон молия кредит тизими

билин алоқаларини сезиларли равишда чегаралашга ва уни издан чиқишига олиб келиши мумкин. Республикага инноватсион иқтисодиётни тезкорлик билан ривожлантириш ҳамда турли хилдаги инноватсион лойиҳаларни молиялаштириш учун юқоридаги тегишли бўлимда (5-Бўлим. *Рақамли валюталар бозоридаги инноватсион технологиялар*) тавсиф этилган ИСО (*Инитиал Соин Офферинг*) механизмини ҳам қонунийлаштириш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва ҳизматлар билан таъминланган токенлар чиқариш ва уларни ички ҳамда ташқи бозорда реализатсия қилиб, йиғилган маблағлар тегишли лойиҳаларни молиялаштириш учун ишлатилар эди. Лойиҳа амалга оширилиб бўлинганидан сўнг, токенлар кўринишидаги криптовалюталар эгаларига уларнинг токенлари миқдорига teng бўлган тегиши маҳсулотлар етказилиб берилади ёки улар учун тегиши ҳизматлар амалга оширилади. Масалан, гипотетик УзСоттон криптовалютасининг (*қўйида келтирилган барча криптовалюта турлари ҳам гипотетик мавқеъга эга*) ҳар бири бир килограм пахтага эквивалент бўлиши мумкин. Демак, ИСО ташкил этувчилар бундай токенларни сотиб олган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга улар токенлари миқдорига teng бўлган пахта ёки тола етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. УзГолд криптовалютасининг биттаси бир грам олтинга эквивалаент бўлади, демак, лойиҳа амалга ошганидан сўнг, бундай токенлар эвазига токенлар эгаларига жаҳон биржасидаги нархлар бўйича Ўзбекистон Республакасида зарб қилинган олтин тангалар ёки валюта берилади. Агар инноватсион лойиҳа қуёш ёки шамол электростантсияси (*фермаси*) қуриш бўлса, битта УзЕнерго криптовалютаси бир киловатт энергияга teng бўлади ва демак электростантсия ишга туширилганидан сўнг, криптовалютани сотиб олган инсон ёки ташкилот олдинги пастроқ бўлган нархларда токенларига мос бўлган электроенергиядан фойдаланиши мумкин бўлади. Агар масалан, УзКвартира деб аталган токенларнинг ҳар бири бир квадрат метр уй-жой майдонига teng деб чиқарилан бўлса, у холда токенларнинг эгалари лойиҳа

амалга ошганидан сўнг, ушбу токенлар миқдорига тенг бўлган уй-жой майдонига эгалик қила оладилар. Яъни уларнинг жалб қилинган пулларига (*криптовалюталар сотишидан йигилган пулларга*) уй қурилади ва кейин уйдаги квартиralар криптовалюталар эгаларига токенларга мос равишда тақсимланадилар. Демак, кўпчилик инсонлар уй-жойли бўлиш учун банклардан юқори фойизли ипотека кредитини олиш ўрнига ҳеч қандай кредит маблағлари жалб қилмасдан туриб, уй қураётган компаниядан криптотангалар сотиб оладилар ва бироздан сўнг, уй-жойли бўладилар. Агар уларга уй керак бўлмаса, криптотангаларни иккиламчи бозорда сотиб, қўшимча даромад ишлаб олишлари ҳам мумкин. Буни криптовалюталардан фойдаланишнинг спекулятив усули деб аташ мумкин.

Ушбу рисола криптовалюталарга бағишлиланган ва ўзбек тилида ёзилган биринчи китоб бўлиб, камчиликлардан ҳоли эмас, албатта. Унда криптология, криптография, криптовалюта, унинг турлари, тарқалиши, ишжалтилиши, тарихи, ривожланиши, бозорлари, биржалари, алмашинув пунктлари, ИСО лар ва уларни ташкил қилиш механизми ҳамда криптовалюталардан фойдаланилиш ва уларнинг ривожланиш тенденсиялари бўйича баҳоли-кудрат бир қанча маълумотлар берилган. Шуни ҳам айтишимиз керакки, ҳар қандай Янги маълумот, у қанчалик фойдали бўлмасин, амалда ишлатилмаса, моддий фойда келтира олмайди. Буни унутманг, ва билимларингизни амалда ишлатишдан эринманг. Бунда албатта таваккалчилик қилишга тўғри келади, албатта. Аммо таваккал қилмасангиз, ҳаётда ҳеч нимага эриша олмайсиз. Таваккалчилик даражасини камайтиришни усули эса активларнинг диверсификатсияси, доимий ўқиш ва ўрганиш, Янги технологияларни билиш ва тушуниш, ишончли ҳамкорлар топишидир.

## ***Рақамли иқтисодиёт бўйича савол ва жавоблар***

*Куйида рақамли иқтисодиётнинг молия соҳасида ишлатилиши бўйича энг кўп бериладиган саволларга имконият даражасида жавоблар келтирилган:*

### **1. Қандай қилиб криптовалюта сотиб олинади?**

Интернеттизимидаирқанчапулалмашинишбиржаларимавжуд бўлиб, улар воситасида оддий валютага ўрнатилган курслар бўйича криптовалюта сотиб олиш мумкин. Аммо бу ишни қилишданаввал (яъни *реал пулни конвертатсия қилишидан олдин*) сизга элестрон ҳамён очиш талаб этилади. Электрон ҳамён очиш учун қуидаги сайтга мурожаат қилишингиз мумкин:

[хттпс://блоскчайн.инфо/рү/валлет/#/](https://блоскчайн.инфо/рү/валлет/#/)

**WХЙ БЛОСКЧАИН?**

**Любят пользователи. Хвалят гики. Признает пресса**

### **2. ИСО инвеститсияларининг таваккалчилик даражаси қандай?**

**ИСО**нинг асосий муаммоси унун ишларни бошқаришнинг ҳечқандай механизmlари мавжуд эмас. Пуллар ингизни бирор бирлоҳи ҳагабериб, у мувваффақиятсизликка учраган тақдирда маблағингизни таоманий ўқотишингиз ҳам мумкин.

Агарда **ИСО** хамдалойиҳанита шкилет ганлар фиригарлар бўлса ёки дивиденду лаш бўйича мажбуриятларини сизга фойдасиз тарзда ўзгартириб олсалар мувваффақиятсизликка учрашингиз аниқ бўлади.

Шунингучун лойиҳа қидақанчалик маълумоткўп бўлса вакъе касбий таомунни ҳам мухокама қилсалар, сиз учун шунчалик яхши бўлади. Ўйламасдан таваккалчилик қилишдан қутулиш ва эҳтиёт чораларини кўришга ёрдам бериш мақсадида **АнгелЛиства Протосол Лабс** компаниялари **Соинлист** ([хттпс://коинлист.со/](https://коинлист.со/)) деб номланган интернет майдончасини ишга туширилар. Ушбу майдончада шубҳали лойиҳа ва стартапларнинг **ИСО** лари текширувдан ўтказилади. Бу ҳақда фойдали маълумотлар олиш мумкин бўлган интернет ресурсларни жуда ҳам кўп микдорда **ГООГЛЕ** қидирив тизими орқали ҳам топиш мумкин. Булардан ташқари **АҚШ** нинг қимматли

қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси (**СЕС**) криптобозор иштирокчилари диққатига расмий билдириш билан чиқди. Унга қўра, штатлар худудларидағи **ИСО** лар қимматли қоғозлар оператсиялари бўйича қонумлар орқали назорат қилинадилар. Бу билан блокчейн-**ИСО** лар оддий актсиялар чиқаришга тенглаштирилди.

### ***3. Биткоинларни ҳеч кимса ўғирлай олмайдими?***

Биткоинларни ҳам турли хил усуллар билан ўғирлаш мумкин, аммо биржа эгалари ва майнерлар томонидан хали-ҳануз оммавий ўғирликлар бўлгани ва хакерлар хужуми натижасида криптовалюталар йўқотилгани ҳақида маълумотлар бўлмаган. Кичикмиқдордаги биткоинлар ўғирланганлиги ҳақидаги ҳолатлар эса кузатилган.

### ***4. Криптовалюталарни ҳеч ким олиб қўя олмаслиги ростми?***

Йўқ, аммо, биржанинг қарорига биноан жамлаб қўйилган криптомангалардан айрилган ҳолатлар бўлган.

### ***5. Криптовалюталар курси ҳар доим ҳам ўсиб борадими?***

Бу ҳолатларнинг барчаси амалиётдаги шарт-шароитларга боғлиқ. Биржадаги қаллобликлар, фойдаланувчилар ва мамлакатларнинг турли хатти-харакатлари курсни кўтариши ва худди шу тартибда тушириши мумкин.

### ***6. Расмий криптовалюталар пайдо бўлса қандай ҳолат юз беради?***

Бу ҳолда расмий криптовалюталар амалдаги криптовалюталарда айланаётган пулларни ўзига тортиб олиши мумкин. Чунки унинг ишончлилик ва ҳимояланганлик даражаси хозигиларникига қараганда анча юқори бўлади ҳамда фойдаланувчилари ҳам жуда кўп бўлади.

### ***7. Майнинг қилувчилар ҳар доим ҳам фойдага ишилайдими ёки ютқизувлар ҳам бўладими?***

Афсуски, бозордаги видеокарталарнинг сифати турлича бўлиб, уларнинг барчаси ҳам кўзланган даромадни бермаслиги мумкин. Айниқса, агар майнинг жараёни кеч бошланадиган бўлса, ҳаттоқи сарфланган маблағларни қоплай олмаслиги ҳам мумкин.

## **8. Видеокарталар нархи күтарилиши қачонгача давом этади?**

Видеокарталарнинг нархлари аввалги холига қайтиши учун яна камида ярим-бир йил керак бўлади. Майнинг қилиш бошланганидан бери видеокарталар нархи икки-уч баробар қимматлашди. Янги маҳсус майнинглар учун мўлжалланган видеокарталарнинг бозорга кириб келиши эса рақобат наижасида олдинги нархлардан фарқ қилиши мумкин.

## **9. Криптовалюталар соҳасидаги кескин ривожланиши ва ажиотаж жараёни қачонгача давом этиши мумкин?**

Бу жараён унга халқаро молия институтлари аралашмагунча давом этади ва агарда криптовалюталар халқаро миқёсда тан олинадиган бўлса, қонуний асосга эга бўлади вашу туфайли ҳозирги эркинликнинг бир қисмидам маҳрум бўлинади.

## **10.ИСО термини нимани англатади?**

**ИСО** — *Инициал Соин Офферинг* (токенларни бирламчи жойлаштириши) — қандайдир компания ёки лойиҳа томонидан кенг миқёсдаги инвеститсийлар жалб қилиш учун токенлар (криптовалюталар) коринишидаги ўз пулларини чиқариш. **ИСО** ташкил қилишнинг асосий шартларидан бири унинг дивидентлар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларидир. Масалан:

- 1) Сотилган токенларни олдиндан аниқланган ва улар **ИСО** ташкил қилинган вақтда сотилган нархларидан анча катта бўлган нархларда қайта сотиб олиши мажбурияти.
- 2) Ўз ҳизмат ёки маҳсулотларини токенларга пастроқ нархда сотиши мажбурияти.
- 3) Инвесторларга фойдали бўлган бошқа турдаги бонуслар уюштуриши мажбурияти.

Бошқачақилибайтганда,  
жалбетаётганкомпанияблокчейн-  
ҳамжамиятданкриптовалютакўринишидагипулкўринишидақарзолади.

ўзложиҳасига**ИСО**орқалимаблағ

Қайсибирмаňнодатокенларни бирламчи жойлаштириш **Кискстартер** краудфундинг сервиси даги лойиҳаларни шатуширишга ўхшабкетади.

## 11. Токен нима?

**Токен** (инглизча *token*) — бирор бир жамоа томонидан чиқарилган хусусийёки корпоратив пулбирлиги.

## 12. ИСО ни қандай қилиб ташкил қиласылар?

Исталған потенциал лойиҳаёки стартап **ИСО** гапулжалбқилиши мүмкін. Аммобунингучун блокчейн ҳамжамиятнинг ишончини қозониш керак бўлади. Яъни,

лоийханинг хаёт илигини вамизмани ономавиравишида ишбот қилиш керак бўлади, чунончи, унинг ғоясини кўрсатиш, бизнес лойиҳасини очиб бериш, лойиҳани амалга оширадиган команда билан танишириш ва лойиҳанинг амалга оширувчи энг асосий шахсларни тавсиф қилишни амалга ошириш. **ИСО** ташкил қилиш учун керакли бўлган бундай амаллар кетма-кетлиги жуда кўп вақтни олади. Шунинг учун бундай ишларни бажаришга обрули компанияларни жалб қилинган маъқул бўлади – улар барча керакли ҳужжатларни тайёрлаб берадилар, лойиҳага дикқатни жалб қила оладилар ва блокчейн ҳамжамияти ишончини қозониш учун кўмак берадилар. Бундай компанияларнинг ёрдами учун тўланадиган маблағ кўпчилик холларда **ИСО** воситасида йиғиладиган маблағнинг 10% атрофидаги бўлиши қузатилган. Бу масала бойича масалан қуйидаги сайтга мурожаат қилишингиз мүмкін: [хттп://www.walletbuilders.com/](https://www.walletbuilders.com/) (*Среате ёур ошн блоскчайн - Среате ёур ошн соин лике Битсоин шитҳ а феш симпле слискс*).

## 13. ИСО воситасида қанча пул маблағи жалб қилиш мүмкін?

Умуманайтганда, **ИСО** ёрдамида лойиҳа ёки стартапга исталганча пул маблағи жалб қилиш мүмкін. Амможиддийроқлойиҳани бошлиш учун кўпинча 8 миллион доллар атрофидаги маблағ талаб этилади. Лекин қанчапул кераклигини асосла бериш талаб этилади.

Худдиқраудфундинг сингари, лойиҳани шатушириш чунминимал сумма ва компаниянинг барча ҳаражатларини қоплайдиган маблағ ҳақида гап кетиши

мумкин. Масалан, **Мозилла ФиреФох** нинг Янги браузери яратувчилари учун ташкил этилган **Браве** номли **ИСО** 30 сония давомида этхереум криптовалютасида 35 миллион АҚШ доллариға эквивалент бўлган маблағ тўплаган. Бундай пулларни тизимдан чиқариш маҳсус юрисдиктсияда қуидаги худудларда амалга оширилади: Сингапур, Британия Виргин ороллари ва Люксембург. Худди шу давлатларда криптовалюталар билан ишлаш механизми амал қиласи.

#### **14.ИСО га инвеститсиялар қандай амалга ошириши мумкин?**

Агардаўзефириумларингизни бирор бирлойиҳагажалбқилишни истасаҳгиз, буишнимахсус интернет майдончаларида амалга оширишингиз мумкин, масалан, **Смитх & Сроун, ИСО Алертва** шунга ўзшашларда. Инвеститсиялар жалбқилиш мумкин бўлган лойиҳава стартаплар ҳаркуньеълонқ илинади ва уларнинг барчасига пул керак бўлади. Инвестор томонидан **ИСО** га пул ўтказиш худди банкдаги пул ўтказиш жараёнига ўхшаб кетади. Тўлақонли инвестор бўлиш учун энг аввало криптовалюта сотиб олишингиз лозим бўлади.

#### **15.Блокчейн деганда нимани тушунамиз ва унинг қандай хусусиятлари мавжуд?**

Қуидаги жумлани жуда кўп марта эшитгансиз, аммо асл маъносини тушунмаган бўлсангиз керак: «*Блокчейн – бу маълумотларни сақлаш учун мўлжалланган тақсимланган реестр . . .*». Аммо бу тушунтирув сизни қониқтирганлиги ва сиз учун ҳеч нимани англатмаслигини тушунгандирсиз. Биз қуида шуни бошқачароқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қиласиз. **Блокчейн** – бир вақтнинг ўзида интернет орқали уланган бир қанча компьютерларда сақланадиган маълумотлар базасидир. У нима учун кераклигини оддий мисол ёрдамида тушунтириб бериш мумкин. Фараз қилинг, сиз **АҚШ** даги дўстингизга банк ўзказмаси усули билан 500 доллар пулни жўнатмоқчисиз. Бунинг учун пул ўтказмаси бланкасидаги бир қанча жойларни тўлдиришингиз керак бўлади. Ундан сўнг банк ходими сизнинг шахсий ҳисоб рақамингиздан пул олиб, уни халқаро пул ўтказмалари бўйича

банкнинг ҳисоб рақамига ўтказади ва бу пулни АҚШ га пул ўтказиб берадиган банк-агентнинг ҳисоб рақамига ўтказади, у эса ўз навбатида пулни АҚШ га ўтказади ва у ерда ҳам юқорида айтилган оператсиялар тескари тартибда амалга оширилади ва охир-оқибат пуллар дўстингизнинг шахсий ҳисоб рақамига келиб тушади. Аммо орадаги барша воситачи банклар ўз комиссияларини олишлар туфайли, дўстингизга 2-3 кундан сўнг 500 доллар эмас, балки чамаси 470 доллар келиб тушади. Бундай пул ўтказмасининг яна бир ёмон томони шундаки, оператсиялар амалга ошаётган 2-3 кун оралиғида пулингиз қаерда эканини ва ким унинг ҳисобини юритаётганлигини сиз ҳам, дўстингиз ҳам била олмайсизлар. Агарда бу вақтда сервер қўққисдан ишдан чиқиб қолса, банкларда фирибгарлар бирор бир амалиётни ўтказишса ёки банклардан бирига хареклар ҳужум қилиб қолишиша, пулингиз қаердалигини билиш ва уларни қайтариш учун анча кўп вақтингиз кетади ва асаблашишингизга ҳам тоғри келади. Блокчейн орқали амалга ошириладиган пул ўзказмаларида эса бундай холатлар рўй беришининг олди олинган ва пуллар блокчейн тизими орқали катта тезлик билан бошқа ҳисоб рақамларига ўтказилиши мумкин. Шунинг учун ҳам хозирги пайтда блокчейн криптовалюталарни бир ҳизоб рақамидан бошқасига ўткасиб бериш учун қўлланилмоқда, лекин бир қанча ташкилотлар турли хилдаги мақсадларни амалга оширишда ҳам блокчейнлардан фойдаланмоқдалар.

## **16.Блокченнинг яна қандай афзалликлари мавжуд?**

Бундай кўрсатгичлар сифатида энг аввало блокчейн тизими пул ўзказмаларининг тезкорлигини, оддийлигини, шаффофлигини ва пул ўзказмаларининг нархи пастлигини кўрсатиш мумкин. Агар криптовалютани ёки қандайдир маълумотни блокчейн орқали жўнатсангиз, бундай маълумот жўнатиш ҳақидаги хабарни ўзгартириш ёки қалбакилаштириш умуман мумкин эмас, чунки бу хабар жаҳон бўйлаб юз минглаб компьютарлар орқали тасдиқланади. Бу комьютерларда худди шу маълумотнинг минглаб нусхалари сақланади ва исталган фойдаланувчи уларни исталган вақтда кўриб ва текшириб чиқиши мумкин бўлади. Пул ўтказиш амалиёти бир неча

дақиқани ташкил қилиб, унинг нархи банк пул ўтказмаси нархидан ўнлаб марта кичик бўлади. Агар сиз пулларингизни ёки қандайdir маълумотни блокчейнда сақласангиз, ёзувлар ҳеч қачон йўқолмайди ва уни ҳеч ким қалбакилаштира олмайди. Бозорнинг ҳар бир иштирокчиси исталган пайтда исталган ташкилотнинг молиявий холатини билиб олиши мумкинлиги имконияти хосил бўлади. Бунда ҳеч қандай воситачи ва учинчи томонга хожат қолмайди, маълумотларнинг тўлиқ шаффоғлигига ва ҳисоб-китоблар аниқлигининг математик кафолати таъминланади.

## **17. Нима учун криптовалюталар майнинги амалга оширилади ва у нима учун керак?**

Криптовалюталар майнинг тизимнинг ишлаши ва майнерлар пул ишлаб олишлари учун керак. Криптовалюталарни майнинг қилиш бу – блокчейндаги транзактсияларни тасдиқлаш ва бунинг учун тизимдан ҳамда иккала ўзаро битим тузажтган томонлардан мукофотланув олишдир. Бу иш билан шуғулланиш учун қувватли комьютерлар ва ташки қурилмалар керак бўлади. Биткоинлар учун маҳсус чиплар ишлатилса, бошқа криптовалюталар учун видеокарталардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам видеокарталарнинг нархлари анча кўтарилиб кетди (*тахминан 60-70% ларга*). Видеокарта ишлаб чиқарувчи **НВИДИА** компаниясининг актсиялари эса 2017 йилнинг бошидан буён 58% га ошли.

## **18. Мен майнинг қилишни бошлашим учун нима қилишим лозим?**

Майнинг қилишни исталган одам бошлаши мумкин, аммо бунинг учун шу соҳа бўйича пухта билим, истак, қийинчиликлардан қўрқмаслик ва Янгиликларга қизиқиш бўлиши керак. Аммо, уйда амалга ошириладиган майнинг даври ўтиб кетди десак ҳам бўлаверади, чунки бу бозорга кирганда сиз катта миқёсда фаолият юргизадиган майнерлар билан рақобат қилишингизга тўғри келади. Уларда энг Янги ҳамда оптимал равишда созланган техник ва дастурий қурилмалар, электр қувватига бўлган энг арzon тарифлар бўлгани учун сизни рақобатда енгиб чиқишилари муқаррар. Шунга ҳам қарамасдан, майнерликни бошламоқчи бўлсангиз, тизимдаги

криптовалюталар курси ва майнерлар сонининг мақсадга мувофиқ бўлган нисбатида бир неча ойлар ичида даромад қилиб, қурилма ва дастурий таъминотга кетган ҳаражатларни қоплаб олишингиз ва сўнгра фойдага киришингиз ҳам мумкин. Лекин криптовалюта курси вақтингчалик тушиб кетса, у холда бироз муддат чидаб туришингизга тўғри келади. Бу даврда бошқа турдаги, курси ўсаётган криптовалютага ўтиб, ишингизни давом эттиришингиз мумкин. Кисқаси, ушбу бозорда даромад топиш учун топқирлик, ақл-идрок, ҳаракат ва криптовалюталар бозори ҳолатини яхши билиш талаб этилади.

## **19. ИСО орқали даромад топпиш хақида батафсилроқ маълумот**

### **Беришингиз мумкинми?**

Кўз олдингизга аттракционлар паркини келтиринг, паркка киришда парк эмблемаси тушурилган жетон сотиб оласиз ва паркда бу жетонлар ёрдамида турли ҳил ўйинларда иштирок этишингиз мумкин бўлади – қўрқинчлар водийсида бўлишингиз, мерган бўлиб кўришингиз, томоша ғилдирагида айланишигиз ёки бошқа хилдаги қизиқарли аттракционларда иштирок этишингиз мумкин. Блокчейнлар билан ишлайдиган турли лойиҳалар (масалан, блокченда маълумот сақлашга мутахасислашган лойиҳалар) ҳам худди шундай жетонлар чиқарадилар. Уларни тангалар ёки токенлар деб аташади. Харидор бундай токенни сотиб олиб, уни лойиҳанинг қандайдир ҳизматини (*ёки маҳсулотини*) сотиб олиш учун ишлатиши мумкин. Масалан, у токенларини ўз маълумотларини ахборот базасида сақлаш учун керакли бўлган жойни кўпайтириш учун ишлатиши мумкин (бу худди *Dropbox* дан маълумотлар сақлаш учун қўшимча жой сотиб олиши ёки *Гоогле Диск* дан қўшимча виртуал диск сотиб олишга ўхшаб кетади). Агар лойиҳа оммабоп бўлиб кетса, у холда сотиб олинган токенларнинг нархи ҳам ўса бошлайди, токенларнинг эгалари эса бу хисобидан ҳам фойда қила оладилар. Блокчейн-ложиҳалар токен чиқарганларидан сўнг, уларни бозорга сотиш учун жойлаштирадилар ва исталган инсон уларни сотиб олиши мумкин бўлади.

Худди шу жараён **ИСО – Инициал Соин Офферинг** (*токенларни бирламчи жойлаштириши*) деб аталади.

**20. Кўпчиликнинг фикрига кўра, криптовалюталар бозорида ишлаш жараёни молиявий пирамидаларга жуда ўхшаб кетади. Бу қанчалик тўғри?**

Тўғри, жуда ўхшаб кетади, аммо молиявий пирамиданинг асосий мақсади, пирамида яратувчиларини Янги иштирокчилар маблағлари ҳисобига бойитишдир. Бундай пирамидаларнинг активлари ташқи бозорларда ҳеч кимга керак эмас, улар кўпинча фойдаланишга яроқсиз ва ҳеч қандай муаммоларни ечиб бера олмайдилар. Криптовалюталар бозори эса бутунлай бошқача – ақл билан иш кўрилса, криптовалюталар молиявий бозорларнинг катта муаммоларини ҳал қилиб бера оладилар, уларнинг айланмаси унинг иштирокчилари учун жуда қулай ва фойдали. Бу эса криптовалюталар сотиб олишга катта қизиқиш уйғотади. Аммо агарда келажакда криптовалюталардан ҳам самарадорроқ бирор бир нарса ихтиро қилинса, у холда йирик инвесторларнинг ва валюта бозори ўйинчиларининг криптовалютага бўлган ишончини сўндириб, курснинг тушиб кетишига ва капиталларнинг бошқа йўналишга оқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин, универсал валюта яратиш бўйича навбатдаги технологик сакраш бирор бир турдаги криптовалюталар орқали болиши эҳтимоли юқорироқ.

**21. Криптовалюталар қандайдир кичик гурухга мансуб бўлган инсонларнинг махсулоти деган фикр тўғрими?**

Йўқ, бундай эмас, чунки кўпчилик криптовалюталарнинг курси ошишига асосий сабаб, криптовалюталар бозорига катта ўйинчилар ва инвесторларнинг кириб келиши билан боғлиқ. Хозирги пайтда ҳалқаро корпоратсиялар, инвестицион фонdlар, миллиардерлар бу соҳага кириб келганликлари ва бир қанча давлатларнинг бир неча турдаги криптовалюталарни ва блокчейн технологияларни ишлатишга рухсат берганлиги ва уни қўллаб-қувватлашлари инвесторларга ва криптовалюта эгаларига бу соҳада ишлашни давом эттиришга умид уйғотди. Ҳалқаро бозор

эса криптовалюталарни вақтингчалик бир молиявий ускуна деб ҳисобламаяпти – криптовалюталар ҳозир реал, анча мураккаб ва волатив молиявий актив ҳисобланаяпти.

## **22.Криптовалюталарга қандай қилиб инвеститсия қилиш мүмкінвауларниң گәйси биринитанла болған маңыз?**

Бұсаволгажавобтопишу чунанча-мунчамеңнатқилишга түғри келади. Сунникриптовалюталар бозоритушуниш анча мураккаб бўлган жудақўпнозик томонлар ва хусусиятларга эга. Масалан, бубозорда ишлашни бошлиётганинсон бирқанчадилеммалар гадучкелади: қайси турдаги криптовалютани танлаш лозим, қандай электрон ҳамённи очиш мақсадга мувофиқ бўлади, криптовалюталар сотиболиши учун қандай биржани танлаш керак, қандай қилиб биржанинг ишончга сазоворлигини текшириш мүмкин, биржада қандай қилиб регистратсиядан ўтиш мүмкин, криптовалюталарни қандай ва қаерда саклаш керак ва шунга ўхшаш бир қанча танловни талаб қиласидиган саволлар пайдо бўлади. Агар сиз дабундай муаммоларни ҳалқилиш ва криптовалюталар бозорини чуқур ўрганиш учун вақт бўлмаса, аммо бу бозорнинг доимий равища ўсиб борувчи потенциалидан фойдаланиб, бироз миқдорда пул ишлаб олишни жуда истасангиз, ҳозирги даврдаги энг яхши криптовалюталарни ўз таркиби га олган тайёр инвеститсион портфелни сотиб олишингиз мүмкин. Бундай маҳсулотлардан бири – халқаро молия компанияси **Алпари** томонидан ишлаб чиқилган ва бозорга чиқарилган **Срайпта** **Сапиталинвеститсион портфели** дидир. Бумолиявий маҳсулот яхши фойда келтириши ва инвеститсия жараёнини бошқаришнинг осонлиги билан хусусий инвесторлар орасида катта қизиқиши билан кутиб олинди.

## **23. Срайпта**

### **Сапитал**

**инвеститсион портфели да қандай қилиб инвеститсиялардан даромад олинади?**

Илгарироққўрсатганимиздек, криптовалюталарга қизиқиши шортиб бориши билан уларнинг курслари хам оша боради.

Аммобундатурлихилвалюталарнингкурсларитурликатталиқда, нотекис, сакрашлар биланўзгаради. **СріптА Сапиталинвеститсион** портфели худди шундайхусусиятларниҳисобгаолганхолдаяратилган ва у хозирги пайтдаги энгликвид ва оммабоп валюталарни, яъни, биткоин, лайткоин ва эфириум ларни ўз таркибиға олган. Бувалюталаргақизиқишиштабўлишиуларга катта даромад келтириш хусусиятини беради.

## **24. СріптА Сапиталинвеститсион портфелининг фазалликларинималарда ниборат?**

Ушбуинвеститсионпортфелнингасосияфзалликтомониуингдиверсификатсиясидир,

яъниуингёрдамида бирданига учтавалютага инвеститсия қилинади. Буесаўзнав батида учтавалютанингкурслари бозорий тебранишини текислаттириш имконини беради ва натижада даромад ҳам стабил бўла бошлайди. Криптоортфелнинг яна бир афзаллик томони инвеститсия жараёнинг нисбатан оддийлигидир. Инвестор фақатгина портфелдаги ўз улушини – токенни сотиб олади ва шундан сўнг, **Алпари** сайтидаги “*Шахсий сабинет*” да даромадлар статистикасини кузатиб боради. Портфелга инвеститсия қилиш муддати бир йил бўлиб, токенларни сотиш орқали исталган муддатда ундан чиқиш ҳам мумкин.

## **25. Рақамли валютанинг реал имкониятлари хақида нималар дея оласиз?**

Криптоортфел бошқа турдаги анъанавий инвеститсия турларидан ўзининг даромади катталиги билан фарқланади. Масалан, токенларнатхининг 500 дан 1000 бирликкача ўзгариш токенегаларига 100% фойда келтиради. Бунинг учун инвеститсион портфелдаги токенларни керакли пайтдасоти болиб, керакли пайтдасоти штала б этилади, албатта.

Токенларнинг нархлари қанчага ўзгарганини **Алпари** сайтининг тегиши либо ли мумкин. Данбилиб олиш

Рақамли валюталар габўлган қизиқишишнинг боргансари ортиб бориши эртами-кечми бу активларнинг етишмовшилигига олиб келади.

Шунингучунҳамкриптовалютаинвеститсионпортфелариенг самарали инвеститсион портфеллардан биридир дейишимиз мумкин. Хозирги кунларда **СройпТА Сапитал** га кириш нархи 100 доллар туради. Лекин **Алпари** аналитиклари 1000 доллардан ортиқроқ суммага инвеститсия қилишни маслаҳат берадилар, чунки бу холдагина каттароқ даромад олиш имконияти яралади. **СройпТАСапиталинвеститсион** портфели ҳақида батафсил маълумот олишни истасангиз, **алпари.ком** сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

## **26.Криптовалюталар давлатнинг миллий валютага бўлган ҳуқуқига жиддий таҳдид қиласидими?**

Бу фикр анчагина эҳтимолга яқин дейиш мумкин, аммо биз иерархик тизимга солинган бизнинг ҳаётимиз жуда ажойиб эканлигини ҳам шубҳа остига оламиз, албатта.

## **27.Криптовалюта пул жамғаришнинг жуда ажойиб усули эканлиги ва унинг ёрдамида яхшигина пул ишлаб олиш мумкинлиги ростми?**

Жуда унчалик эмас, аммо хозирги даврда бу фикрни қисман тўғри дейиш мумкин – бу омадингизга ва криптовалюталарнинг жорий курсига боғлик. Аммо шуни аниқ айтиш мумкинки, эртами-кечми оддий пуллар (*кутинча уларни фиат пуллар деб ҳам аташади*) бизнинг ҳаётимизни тарқ этишади. Улар фақатгина тарихдаги чиройли қоғозлар сифатида музейларда экспонат сифатида бўлишади.

## **28.Хозирги даврда қандай пуллар кўпроқ тарқалган – қоғоз пулларми ёхуд электрон пулларми?**

Кўп йиллар аввал кўпчилик инсонлар оддий пулларни олмасдан, кўпроқ олтин ёки қумуш тангаларни олишга уринишган, ҳозир эса кўпчилик қоғоз пуллардан қўра электрон пулларни афзал кўрадилар.

## **29.Криптовалюталар учун Марказий банк ёки пул чиқарувчи ташкилотлар керакми?**

Криптовалюталар учун Марказий банк ҳам, пул печат қилувчи станок ҳам керак эмас. Улар майнерлар томонидан эмиссия қилинадилар ва блокчейнлар воситасида назорат қилинадилар.

### **30. Қандайдир давлат, масалан Хитой ёки АҚШ криптовалюталар курсига таъсир қила оладими?**

Умуман айтганда, криптовалюталар курслари, худди актсиялар курслари каби бозордаги талаб ва таклиф асосида ўзгариши мумкин. Назарий жиҳатдан, жаҳондаги ҳеч бир давлат криптовалюталарни курсига бевосита таъсир ўtkаза олмайди, чунки улар миллий даражадан юқорироқ турадилар.

### **31. Майнинг қилиш давлат томонидан тақиққа олинса нима бўлади?**

Бу худди нафас олишни ёки сўкинишни таъқиқлагандай гап, чунки ҳозирги пайтда жаҳон миқёсидаги анча миқдордаги товар пул алмашиниш оператсиялари криптовалюталар ёрдамида амалга ошмоқда.

### **32. Бизнинг мамлакатда давлат криптовалюталарни қўллаб-куввалтаяптими?**

Хозирча йўқ. Аммо бошқа давлатлар, масалан, Япония, эвропва Иттифоқи, Россия, Белорусия, Венесуела каби давлатларда криптовалюталар давлат миқёсида тан олинган ёки яқин орада тан олиниши мумкин.

### **33. Криптовалюталарга инвеститсия қилиш мақсадга мувофиқми?**

Криптовалюталар курслари ой сайин ва йил сайин хозирча катта тезлик билан ўсиб бормоқда. Илгарироқ унга инвеститсия қилганларнинг баъзилари миллионер, баъзилари эса миллиардер ҳам бўлдилар. Аммо биз сизга бу ишни тавсия қила олмаймиз, чунки бу амалда катта таваккалчилик мавжуд, Лекин “Таваккал қилмасанг, шампанский ичмайсан, деган гап ҳам бор”.

### **34. Нега ҳозирги даврда криптовалюталарнинг курси асосан ўсиш жараёнида?**

Чунки уларга қандайдир фойдали нарсаларини сотиб олиш ёки у билан боғлиқ ҳизмат турларидан фойдаланиш мумкин. Криптовалюталар Янги авлод пулларидир деб таъкидлашимиз ҳам мумкин.

### **35.Дунё бўйича криптовалюталар энг кўп ишлатиладиган давлатлар қаторида қайсиларини киритиш мумкин?**

Бу кўрсатгич бўйича 2017 йилга келиб АҚШ ва Германия биринчи ўринга чиқиб олдилилар.

### **36.Блокчейн ёрдамида қандай ишларни амалга ошириш мумкин?**

Блокчейн воситасида ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг олидини олиш, бухгалтерия ҳисобини юритишни соддалаштириш, тақсимланган маълумот базаларини яратиш ва юритиш, катта ҳажмли маълумотларни сақлашни осонлаштириш, электрон ҳужжатлар тайёрлашни енгиллаштириш, визалар, паспортлар ва банк карточкаларини яратиш каби ишларни автоматлаштириш мумкин. Келажакда блокчейн ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб келади ва давлат бунга тайёр бўлиши керак.

### **37.Реал ҳаётда криптовалюталарнинг ишлатилишига бир реал мисол келтира оласизми?**

Албатта, масалан, уй-жой қурувчилар криптометр деб номланган криптовалюта турини ишлаб чиқарадилар ва **ИСО** воситасида криптометр токенларини квартирага муҳтожларга сотадилар. Бунда аҳоли намоёндалари бутун бошли квартирани эмас, балки квартиранинг қандайдир квадрат метрларини сотиб оладилар. Агар уларнинг сотиб олган криптометрлари квартира метражига тўғри келса, квартира эгаси бўладилар, акс холда улар ёки шундай метражли уй қурилишини кутадилар, ёки биржадан ўзлари учун керакли бўлган криптометрларни сотиб олиб, квартирага эгалик қиласадилар. Яъни ҳеч қандай ипотека кридитини жалб қиласдан ва фоизлардан озод бўлган холда квартира олиш мумкин бўлади.

### **38.Блокчейн технологияси ҳақида оммабоп бир фикр айта оласизми?**

Албатта, технологиялар ривожланиши билан боғлиқ равишда олдин шахсий комьютерлар даври бўлган, кейин интернет даври бошланган, ҳозир эса блокчейн технологияси даври бошланди ва у ҳам анча инсонлар ҳаётини яхшилаш учун кўпгина имкониятлар яратади.

### **39.Майнинг бизнесидан катта фойда олиш мумкинми?**

Жуда мураккаб бизнес тури бўлган майнингдан катта фойда олиш учун ҳозирги даврда катта инвеститсия керак бўлади. Ишланган пулларни эса яна реинвеститсия қилиб, ҳисоблаш қувватини ошириш, Янги қурилмалар сотиб олиш, доимий равишда кенгайиш керак бўлади. 2030 йилга келиб, ҳар бир топилган блок учун мукофот миқдори 2 биткоин атрофида бўлади. Транзактсийлар сони эса 15 га teng бўлади. Натижада протессингдан олинган даромад блоклар топилганидан келадиган даромаддан камроқ бўлиб қолади.

#### **40. Қайсу давлатлардаги криптобиржалар энг ишончлилари ҳисобланади?**

Ҳар қандай давлат ўз фуқароларининг турли хилдаги фирибгарлардан азият чекмаслигини ва таваккалчиликлардан ҳимояланишини истайди. Худди шунинг учун ҳам 2017 йилга келиб, жаҳондаги еттига йирик криптовалюта биржаларидан иккитасигина қолди. Криптовалюта тизимини ilk бора тартибга солган мамлакат бўлган Япониядаги криптобиржалар энг ҳимояланган ҳисобланади.

#### **41. Криптовалюталар соҳасида давлат нимани истамайди?**

Давлат криптовалюталарнинг капитални легаллаштириш учун ишлатилмаслигини, қора бозорда ишлатилмаслигини, капиталнинг чет элларга оқиб кетмаслигини ва сриминал ишлар криптовалюталар орқали амалга ошмаслигини истайди.

#### **42. Блокчейнлардан фойдаланиш миқёси кўпайиб кетса, нима бўлади?**

Блокчейндан фойдаланиш миқёси қанчалик кўп бўлса, мамлакатимиз давлат аппарати шунчалик яхши ишлайди ва биз ҳам шунчалик кўп манфаат кўрамиз.

#### **43. ИСО ташкил қилиш бўйича 2017 йил охирига бўлган қандай маълумотлар бор?**

Сиз айтган вақтга келиб, 718 та ИСО ташкил қилинган ва уларнинг 138 таси криптовалюталарда 1 млн доллардан кўпроқ маблағ йиға олган.

#### **44. Криптовалюталарни магазинлардан сотиб олиш мумкинми?**


Менимча, хозирда бундай имконият бўлмаса керак. Криптовалюталарни биржалардан ёки валюта алмашинув пунктларидан сотиб олиш мумкин. Уларда криптопуллар фиат валютага маълум бир курс бўйича алмаштирилиб берилади.

#### **44.БузСоин (БУЗ) криптовалютаси ҳақида нималар маълум?**

Бу криптовалюта Россиялик артист ва телебошловчи Ольга Бузова томонидан таскил қилинган криптовалюта тури бўлиб, лойиха **Бузар** деб номланган платформани ҳам ўз ичига олади. **Бузар** платформасининг асоси ички криптовалюта бўлиб, унинг воситасида оператсиялар амалга оширилади. **БузСоин** ёрдамида фиат валюталар ва криптовалюталар орасидаги алмашинувларни амалга ошириш мумкин.

#### **45.БузСоин қандай ишлайди?**

**БузСоин** э**РС20** стандартига асосланган ва э**тхераум** платформасида яратилган. **Бузар** блокчейни кроссплатформали токенлар чиқаради.



**ЕРС20** стандартига кўра, токенларнинг тизимдаги тақсимлануви смарт-контрактлар орқали амалга оширилади. Бу эса токенлар эгаларига ўз маблағларини исталган лойиха ва тизимларда ишлатиш имконини яратади.

Товарлар сотиб олиш ва сотиш **B2C**, **C2C** ва **B2B** турларидаги смарт-контрактлар сиёсати орқали таъминланади.

#### **46.БузСоин нинг ҳозига вактдаги (май 2018) ҳолати қандай?**

Ҳозирги пайтда **БузСоин** криптовалютаси **ПреISCO** ҳолатида ва бу 2018 йил 18 майгача давом этади. Бу даврда 1 **БузСоинни** \$ 0,1 га сотиб олиш мимкин. Криптовалюта ва **Бузар** платформасининг тўлиқ ишга туширилиши 2020 йил бошига мўлжалланган. Инвеститсияларнинг минимал миқдори 100 **БУЗ** ёки \$ 10 га тенг ва криптовалюта фақат **БТС**, **эТХ**, **ДАШ**, **Монеро** ва **Риппле** га сотилади.

#### **47.БузСоин лойиҳасининг ривожланиши билан кимлар шуғулланади?**

**Бузсоин.ио** нинг асосчиси Ольга Бузованинг ўзи, директори эса Арам Арчер, Дмитрий Бородин архитектори, Андрей Сёмин эса **ISCO** координатори. Лойиҳа ғояси криптобозор эксперти Ян Койфман томонидан ишлаб чиқилган.

#### **48.БузСоин криптовалютасининг келажаги қандай?**

Ўз платформасига асосланган бундай криптовалютанинг келажаги ҳақида ҳозирча бирор бир аниқ фикр айтиш қийин, аммо **ISCO** бу лойиҳага яхшигина туртки бўлиши мумкин. Унинг бошқа тизимлар билан интегратсия қилиниши ҳам яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

#### **49.Сардано қандай криптовалюта платформаси ҳисобланади?**

**СарданоЙнгиХаскелл** дастурлаш тилида ёзилган бўлиб, у барча оператсияларнинг юқори даражадаги ишончлилигини таъминлаб беради. Ҳимоя усули сифатида **Прооф-оф-Стаке** ишлатилади. Платформани яратиш 2015 йилда бошланиб, **ISCO** 2017 йил январигача давом этган. Натижада \$62 миллион маблағ йигилган. Платформани яратишда Коннетикут, Афина ва эдинбург университетлари иштирок этишган. Ушбу смарт-контракт

платформани иқтисодни демократлаштириш учун ишлатилиши режалаштирилган.

## **50. Сарданонинг бошқа криптоплатформалардан фарқи нимада?**

**Сардано** деб номланган кўп даражали протосол бошқаларидан ўзининг лойиҳани бошқаришдаги мураккаб алоқалари тизими билан фарқланади. Бу эса унга тўлиқ детцентрализатсияни (марказлашмаганликни) таъминлаб беради, чунки тизимни ишлаб чиққанлар ҳам унга минимал таъсир қила оладилар. Улар платформанинг техник томонини созлаб туришлари мумкин, аммо **Сардано** криптовалютасининг курси ёки анонимлигига умуман таъсир қўрсата олмайдилар. Бошқарув даражаси платформа таянадиган смарт-контрактларнинг бажарилишига жавоб беради. Тизимни ишлаб чиққанлар назорат воситаси фойдаланувчиларнинг қора руйҳати бўлади ҳолос,, яъни, фирибгарлар, муттаҳамлар, товламачилар ва спамерлар.

## **51. Сардано қандай қилиб криптовалюталарнинг муаммосини - комплекс масштаблашишни ҳал қила олади?**

Платформа барча фойдаланувчиларга ва уларнинг пул оператсияларига максимал даражадаги конфидентсиалликни таъминлаб беради. **Сарданонинг** асосий хусусиятларидан бири – тармоқдаги келишув (сонсенсус) ни таъминлаб берувчи уникал алгоритм – **Оуробороснинг** ишлатилишидир. Бу алгоритм юқори даражадаги ҳавфсизликни таъминлаб беради.

## **52. Сардано криптовалютасининг ҳозирги ҳолати (май 2018) қандай?**

**Сардано (АДА)** криптовалютаси 2017 йил октябрида икки йиллик **ИСО** дан сўнг ишга туширилган. **АДА** криптовалютаси **Сардано** тармоғи ичидаги транзактсиялар учун ишлатилади. **АДА** учун **Даедалус** деб номланган ҳимояланган мультиплатформали ҳамён ишлатилади. Ҳозирги пайтда **Сардано** нинг капитализатсияси 4 миллиард долларга етади ва у **СоинМаркетСап.сомрейтингида** капитализатсия бўйича олтинчи ўринни эгаллайди. **АДА** криптовалютасининг курси \$0,155927 ёки 0,00002281 БТС.

Унинг 31 миллиард токени чиқарилган бўлиб, бундан 26 милларди бозорда ишлатилади.



### 53. Сардано нинг равожланиш истиқболлари қандай?

Сардано марказлашмаган ва ҳавфсиз блокчейн-платформа бўлиб, кўпчилик компаниялар ва фойдаланувчиларнинг ишончини қозонган. Японияда бир қамча банклар ва банкоматлар АДАкриптовалютасили дебет карталарини қабул қиласди. Унинг юқори даражада ҳимояланган универсал криптовалюта ҳамёни Даедалус ҳам токенлар ва фиат пуллар билан ишлай олади. Келажакда Сардано мураккаб ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган платформага айланиш ниятида. Сарданонинг тўлиқ версияси ишга тушгандан сўнггина унинг истиқболлари ҳақида бир нима дейиш мумкин бўлади. Қуйидаги жадвалда СоинМаркетСап бўйича 10 та топ криптовалюта ҳақидаги маълумотларни кўришингиз мумкин.

1	Bitcoin	\$158 549 209 756	\$9 327,46	\$11 417 700 000	16 998 112 BTC	0,90%	
2	Ethereum	\$63 871 662 052	\$644,94	\$3 984 930 000	99 035 506 ETH	-5,27%	
3	Ripple	\$33 379 732 760	\$0,852694	\$1 539 660 000	39 146 203 398 XRP *	-6,68%	
4	Bitcoin Cash	\$22 475 963 681	\$1 314,95	\$1 987 050 000	17 092 638 BCH	-14,17%	
5	EOS	\$11 822 274 154	\$14,51	\$3 065 610 000	814 845 964 EOS *	6,83%	
6	Litecoin	\$8 614 034 328	\$153,16	\$592 041 000	56 242 063 LTC	-4,67%	
7	Cardano	\$7 372 336 580	\$0,284349	\$409 162 000	25 927 070 538 ADA *	-4,51%	
8	Stellar	\$6 644 902 614	\$0,357821	\$135 826 000	18 570 465 718 XLM *	-7,05%	
9	IOTA	\$5 397 820 014	\$1,94	\$131 137 000	2 779 530 283 MIOTA *	-10,68%	
10	NEO	\$4 875 000 000	\$75,00	\$227 921 000	65 000 000 NEO *	-5,98%	

## 61.АДА криптовалютасини қаердан сотиб олиш ва сақлаш мумкин?

АДА ни биткоинлар воситасида **БестЧанге** ёрдамида сотиб олиш мумкин. Шундан сўнг биржани танлаш лозим бўлади. **Сардано** сотиб олиш учун кўпинча **Бинансе** ва **Биттрех** биржалари тавсия қилинади. Шундан сўнг ҳисобга биткоин киритилиб, унга керакли миқдордаги АДА токенларини сотиб олинади. Бу криптовалютани биржада ёки **Даедалус** ҳамёнида сақлашингиз мумкин. Агар криптовалюталар билан савдо қилишни истасангиз, уларни биржада қолдирганинг яхши, акс холда ҳамёнда тургани маъқул.

## 62.Верге криптовалютаси нима?

Верге (**XVG**) криптовалютасининг асосий хусусияти – тўловларнинг ва фойдаланувчиларнинг конфидентсияллигидир. У **TOP** ва **и2П** тармоқларини ва **РингСТ** протоколини ишлатади. Шу туфайли тўлиқ конфидентсиаллик ҳамда анонимлилик таъминланади. **Верге** биткоиннинг янада конфидентсиал версиясидир.

## 63.Верге қачон ишга туширилган?

Верге 2014 йилда **ДогеСоинДарк** номи билан ишга туширилган. 2016 йилда эса креатив менежерлар унинг номини **Верге** (маржимаси: “йўл чети, обочина”) деб ўзgartиришган. Лойиҳада никнеймлар деб аталадиган 11 та лойиҳачилар гуруху иштирок этган.



#### **64. Верге қандай ишлайди?**

Верге криптобозорда энг илгор бўлган **Прооф оф Ворк** алгоритмларида ишлайди. Тармоқ бешта алгоритмда ишлашни таъминлаб беради: **Ссерпіт**, **Гроестл**, **X17**, **Блаке2С** ва **Лйра2рев2**. Бундай мураккаб тизим фойдаланувчининг турли эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлатилади. Фойдаланувчи комп’ютерининг қуввати ва унинг созланишларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу алгоритм ишлатилади. **Верге** нинг уникал блокчейни ҳам ҳар бир кейинги блокда бошқа турдаги алгоритмни ишлатади. Масалан **N** блок **Ссерпіт** алгоритмини ишлатса, **N+1** блок эса **Лйра2рев2** алгоритмини ишлатади.

#### **65. Верге нинг ҳозирги аҳволи қандай?**

2018 йил апрелида бу криптовалюанинг қиймати \$0,08 бўлиб, капитализатсияси \$1,2 миллиард эди. Ҳозиргача 16,5 миллиард **Верге** криптовалютаси чиқарилган болиб, бу қиймат аста-секин ортиб бормоқда, чунки **Верге** ни майнинг қилиш имконияти ҳам мавжуд. Бу криптовалютани ҳалқ криптовалютаси деб ҳам аташади, чунки у ўз жамоаси билан фаол иш олиб боради. Унинг ҳолатини қуйидаги жадвалдан ҳам кўришингиз мумкин:

▲ #	Name	Market Cap	Price	Volume (24h)	Circulating Supply	Change (24h)	Price Graph (7d)
13	Dash	\$2 998 533 542	\$374,10	\$73 414 300	8 015 283 DASH	3,66%	
14	TRON	\$2 821 402 691	\$0,042912	\$354 295 000	65 748 111 645 TRX *	4,59%	
15	Tether	\$2 280 471 511	\$0,997084	\$1 916 980 000	2 287 140 814 USDT *	-0,24%	
16	VeChain	\$1 783 129 637	\$3,39	\$70 580 400	525 770 505 VEN *	1,97%	
17	Ethereum Classic	\$1 669 223 907	\$16,49	\$126 998 000	101 218 455 ETC	3,32%	
18	OmiseGO	\$1 512 995 119	\$14,83	\$191 884 000	102 042 552 OMG *	0,31%	
19	Qtum	\$1 490 933 595	\$16,84	\$190 738 000	88 529 992 QTUM *	5,49%	
20	Binance Coin	\$1 390 231 751	\$12,19	\$78 026 700	114 041 290 BNB *	0,11%	
21	Verge	\$1 219 173 767	\$0,081893	\$1 415 710 000	14 887 453 544 XVG	-1,90%	

## 66. Верге ни қандай сотиб олиш мумкин?

Бу криптовалютани сотиб олиш учун биткоинларга эга бўлмоқ лозим. Шундан сўнг бирор бир биржада қайд қилинилади ва биткоинларни **Верге** ларга алмаштирилади. Сотиб олинган **XVG** ларни биржада ёки ҳамёнда сақлаш мумкин.

## 67. Риппле қандай тизим?

**Риппле** халқаро трансчагаравий тўловлар учун мўлжалланган глобал тизим бўлиб, у 2012 йилда **Риппле Лабс** компанияси томонидан яратилган. Ушбу тармоқнинг асосий афзаллик томони шуки у орқали ер шарининг исталган нуқтасига бир неча сонияда пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Худди шунинг учун ҳам **Риппле** реал вакт режимида хисоб-китоблар олиб борадиган банклар учун жуда қулай ҳисобланади. 2017 йил охирида америка молиявий гиганти **Америсан эхпресс** ва испания британия **Сантандер** молиявий гуруҳи трансатлантич тўловларни амалга ошириш учун **Риппле** стандартига ўтиши эълон қилинган эди. Ҳозирги пайтда бу протосолдан жаҳондаги 75 та тўлов тизими ва 90 та банк фойдаланади. Мисол сифатида **УниСредит** ва **Стандарт Чартеред** ларни келтириш мумкин.

## 68. Риппле тизимида валюталар айрибошлиш қандай амалга ошади?

Тизимда валюта алмаштириш жараёни жуда ҳам оддий. Масалан, Сизга долларни еврого алмаштириш керак дейлик. Бунинг учун **Риппле** тизими

аввал долларни ўз ички валютаси **XRP** га ўтказади ва шундан сўнг тегишли маблағлар банкдаги тегишли эвроли ҳамёнга ўтказилади.



Ушбу оператсияларнигохира Сиз ўзингиз гакерак либўлган валютани оласиз. **ХРП** нинг асосия фазалликларидан бирини бир нечасония даамалга ошади.

Анахуддишу **ХРП** нинг асосия фазалликларидан бирини бир нечасония даамалга ошади.

Шуниҳамайтишкеракки барча оператсияларни радиқилиш ва қайтаришҳаммумкин. **Риппле** даги пул алмашиниш ва ўтказмаларнинг. Шунинг учун кўпчилик банклар **Риппле** га жуда қизиқадилар.

#### *69. Криптовалюталар соҳасидаги бундан кейинги ривожланиши тенденциялари ҳақида нималар дейиш мумкин?*

Юқорида таъкидланган кўрсатгичлар ва фикрларга қарамасдан, блокчейн ва криптовалюталар замонавий техноген жамияти ривожланишида ва ягона жаҳон ахборот ҳамжамияти тараққиётида муҳим аҳамият қасб этади. Аммо шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, криптовалюта алгоритмлари эгалари, видеокарталар ишлаб чиқарувчилар ва криптобиржалар эгалари олаётган ушбу криптотангалар орқасида эркин конвертатсия қилинадиган валюталар турибди. Бундан кейин нима бўлишидан қатъий назар, айнан улар молиявий ютуққа эга бўлишади. Чунки агар улар исташса, у ёки бу криптоалгоритмни ёпиб қўйишиади ёки маълум бир қисм криптотангаларни тизимдан чиқариб олишади ёхуд рағбатлантириш ҳисоб-китоби ва ўйин қоидаларини ўзgartаришади. Ва энг ёмони, улар истагига биноан фойдаланувчиларни

ийғилган бойликларининг бир қисмидан ўз фойдаларига ўзлаштириш орқали маҳрум қилишади.

### **70.Интернетда биткоинлар орқали оддий пул сингари тўловларни амалга ошириши мумкинми?**

Ўзбекистонда биткоинларга расмий равишда ҳеч нина сотиб ололмайсиз. Агарда кимдир биткоинга ниманидир сизга сотмоқчи бўлса, ўз элестрон ҳамёнига биткоин ўтказиб беришни сўраши мумкин. Чунки Ўзбекистон қонунлари бўйича тўловлар фақатгина сўмларда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мавжуд қонунлар доирасида иш олиб борадиган кўпчилик фуқаролар биткоинларни сотиб олиш ва ишлатишни қонунга зид деб тушунадилар. Албатта биткоинлар ва бошқа криптовалюталар яширин иқтисодиётда ишлатилади, чунки бундай усулдаги тўлов тез, аноним ва ҳавфсиз равишда амалга ошади.

### **71.Нима учун инсонлар биткоинларни сотиб оладилар?**

Биринчидан, бир қанча мамлакатларда (*шу жумладан, Япония, АҚШ ва эвропада*) биткоинларга нималарнидир сотиб олиш мумкин. Бу жуда қулай ва тез амалга оширилади. Тўловлар жуда тезкорлик билан ва минимал комиссияда етиб боради ҳамда тўловларни амалга ошириш учун сизга банклар ёки брокерлар сингари ўртакашлар керак бўлмайди. Бу эса тўловни осонлаштиради ва унга анонимлилик бағишлиди (*криптовалюта ҳамёнларида унинг эгалари исм-фамилиялари кўрсатилмайди*). Иккинчидан пулларни криптовалюталар кўринишида сақлашни кўпчилик маблағлар диверсификатсияси деб тушунади. Банрларда валюта бўйича депоситларда ставкалар хозирда 10% дан камроқ миқдорда, қимматли қоғозлар бозорларида эса ставкалар тушмоқда, криптовалюталар эса кўпчилик холларда ўсиб бормоқда. Кўпчилик эса табиий равишда курслар ўсишидан фойдаланишни истайди.

### **72.Одамлар биткоинларни қаерлардан сотиб оладилар?**

Кўпчилик инсонлар криптовалюталарни сотиб олиш учун интернет пул алмаштириш шаҳобчаларидан, мессенжерлардаги маҳсус ботлардан,

интернет ҳамёнлардан ва криптовалюта биржаларидан фойдаланадилар. Криптовалюталарни ишлатиш қулайлиги ва курси жуда тез ўзгараётганлиги туфайли, уларни сотиб олишга бўлган талаб жуда тез суръатлар билан кўпаяяпти. Кўпчилик криптовалюта биржаларининг комиссияси 4-5% га етади, баъзилари эса криптовалюта нархини анча ошириб сотишга уринадилар. Лекин криптовалюта харид қилишнинг энг осон ва оддий усули – бирор бир катта криптовалюта биржасига банк пул ўтказмаси қилган холда уларни энг яхши курсда сотиб олишдир. Лекин кўпчилик банклар криптобиржалар билан олди-соттини унчлик ёқтирмайдилар ва бунга ишонмайдилар ҳам, уларнинг таваккалчиликни бошқарувчи департаментлари бундай транзактсияларни блокировка қилиб қўйишга ҳаракат қиласидилар. Баъзида эса ўта консерватив банклар ҳизматчилари сиз ҳақингиздаги маълумотни маҳсус ҳизматларга жўнатиб, сизни анча ташвишга солиб қўйишлари ҳам мумкин.

### **73. Қандай факторлар криптовалюталар курсига таъсир қилиши мумкин?**

Криптовалюлар (*шу жумладан, биткоин, биткоин саши, лайткоин, этхериумлар*) ни кўпинча рақамли олтин деб аташади, чунки Янги тангаларнинг топилиши (*майнинг*) ва тизимда пайдо бўлиши доимий равиша камайиб бораяпти. Биткоин тангаларининг сони аниқ математик формула билан чегараланган – 2034 йилга келиб, 99% биткоинлар топилиб бўлинади (*майнинг қилиниб бўлинади*) деган фикрлар ҳам бор. Талаб ошиши билан биткоиннинг нархи янада ошиб бориши табиий. Бошқа томондан қараганда, хозир бозорда тизимдаги мавжуд тангаларнинг 10% гина савдо жараёнида иштирок этаяпти. Шунинг учун ҳам, курснинг тезкорлик билан ўзгариши биржаларга Янги биткоинлар оқиб келиши билан компенсатсия қилиниши мумкин. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, криптовалюталар биржаси жуда ҳам ёш бозор ва ундаги кўпчилик ўйинчилар биржаларда илк бор савдо қилаётганлардир. Табиийки, улар эйфория ва вахимага тушишга

мойилроқ бўладилар. Шу сабабли ҳам бозорда криптовалюталар курсининг юқори даражадаги волатиллилиги кузатилаяпти.

**74.Оммавий нашрлар ва элестрон ахборот воситаларидағи ҳабарларга кўра, криптовалюталар курси доимий ўсишда бўлар эмиш. Агар мен бир қанча миқдорда криптовалюта сотиб олсам, бир-икки йилда бойиб кетаманми?**

Шуни айтиш лозимки, криптовалюталар курсининг навбатдаги ўсишидан аввал курс икки-уч марта тушиб кетади. Шунинг учун криптовалютанинг ўсиш тўлқинига тушиб олишга ҳаракат қиласангиз ва бунинг уддасидан чиқсангиз, икки-уч йилда бойиг кетишингиз мумкин. 2017 йил бошидан буён биткоин нархи салкам икки ярим баробар ўсди, эфириумнинг курси эса 48 баробар ўсди ва сўнгра икки баробар камайди. Демак, ушбу бозорда таваккалчилик даражаси жуда ҳам юқори. Аммо, таваккал қилмасанг, бой бўлмайсан ва шампанский ичмайсан деган гап ҳам бор ҳалқда. Шуни ҳам айтиш керакки, хозирги кунда жаҳон миқёсида криптовалюталарнинг капитализатсияси 85 миллиард долларга етади, АҚШ аҳолиси депозитларининг миқдори 9 триллион доллар, Россиянинки 405 миллиард доллар, жаҳон қимматли қоғозлар бозори эса 2016 йил охирида 86 триллион доллар бўлган. Бу рақамлар криптовалюталар бозорининг ривожланиш миқёсини ва имкониятларини яққол кўрсатиб турибди.

**75.Риппле нинг ҳозирги даврдаги (2018 йил) аҳволи қандай?**

Ушбу даврда борган сари кўп сонли банклар Риппле га ўтмоқдалар. Шунинг учун ҳам у капитализатсия бўйича криптовалюталар орасида **Битсоин** (\$119,9 млрд) ва **этхереум** (\$39,06 млрд) дан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди (\$20,82 млрд). **ХРП** нинг ҳозирги нархи эса \$0,52 бўлиб, курс валюта эгаларига ҳамда ўтказмаларга боғлиқ бўлади.

#	Name	Market Cap	Price	Volume (24h)	Circulating Supply	Change (24h)	Price Graph (7d)
1	Bitcoin	\$119 953 385 784	\$7 077,82	\$7 368 060 000	16 947 787 BTC	-6,45%	
2	Ethereum	\$39 062 773 989	\$396,55	\$2 275 330 000	98 505 560 ETH	-4,47%	
3	Ripple	\$20 241 344 431	\$0,517754	\$604 381 000	39 094 520 623 XRP *	-5,09%	
4	Bitcoin Cash	\$12 363 783 693	\$725,33	\$512 750 000	17 045 713 BCH	-5,94%	
5	Litecoin	\$6 645 054 490	\$118,97	\$568 541 000	55 855 345 LTC	-1,34%	
6	EOS	\$4 641 801 041	\$6,11	\$720 629 000	760 169 636 EOS *	1,68%	
7	Cardano	\$3 826 498 559	\$0,147587	\$141 091 000	25 927 070 538 ADA *	-1,17%	
8	Stellar	\$3 575 441 493	\$0,192740	\$48 148 500	18 550 594 029 XLM *	-2,85%	
9	NEO	\$3 359 973 500	\$51,69	\$138 675 000	65 000 000 NEO *	-3,28%	
10	IOTA	\$3 077 996 245	\$1,11	\$40 332 200	2 779 530 283 MIOTA *	-1,19%	

Топ-10 криптовалют по рейтингу СoinMarketCap.com на 30 марта 2018.

Аммоқўпчиликкаттабанкларвакорпоратсиялар**ХРП**га ўтишгашошимаяптилар, чунки криптовалютаунгатегишлихалқаровамиллийқонунқоидаларсизҳали-ҳанузстабилвалютатуригаайланмайди.

Шунингучунҳамбанкларбуқриптовалютага ўтаехтиёткорлик билан муносабатд абўляяптилар.

## 76. ХРП ни майнинг қиласа бўладими?

Йўқ, бу криптовалютани майнинг қилиб бўлмайди, чунки унинг 100 млрд токени аллақачон чиқарилиб бўлинган. Токенларнинг 61 миллиарди **Риппле** нинг ўзига тегишли ва бундан 55 миллиард токенлар 55 та смарт-контрактлар билан блокировка қилинган. Бундан шундай ҳулоса келиб чиқади – **Риппле** тизими унинг муаллифлари таъкидлаганидек детцентрализатсиялашмаган.

## 77. Нима учун детцентрализатсия (марказлашмаганлик) муҳим хисобланади?

Чунки детцентрализатсия барча криптовалуталарнинг энг асосий тамоилларидан биридир. Худди шу детцентрализатсияни ҳусусиятини таъминлаш учунгина криптовалуталар яратиган эдилар. Пуллар ва

маблағларнинг давлатга ва конкрет инсонларга боғлиқ бўлмаслиги инсонларга бизнес юритишда ҳамда пулларни сақлашда катта имкониятлар яратиб беради. Детцентрализатсия иқтисодиёт ривожланиши учун ҳам жуда кучли ричаг ролини ўйнайди. Масалан, бозор иқтисодиёти давлат томонидан қаттиқ назорат қилинадиган давлатларда инсонларнинг ҳаёт даражаси жуда ҳам паст, иқтисодиётга давлат аралashiши минимал бўлган давлатларда эса аҳолининг ҳаёт сифати анчагина юқорилиги ҳеч кимга сир эмас. Бу холат тасодифий эмас, албатта, чунки марказлашмаганлик доимо иқтисодиётни олға интилтиришига ҳизмат қиласди. Бу қонун криптовалюталарга ҳам тегишли, чунки ҳар қандай тўлақонли криптовалюта мавжуд бўлиши учун ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган тизим бўлиши зарурый ҳолат ҳисобланади.

### **78. Риппле тармоғи ва унинг ички валютаси ХРП ҳақида ҳолосалар:**

**Риппле** тармоғи ва унинг ички валютаси **ХРП** нинг барча ижобий ҳислатларига қарамасдан, шуни айтиш мумкинки, криптовалюталар бозорида марказлашган тизимларга ишониб бўлмайди. Ҳозирги пайтдаги барча криптотанглар ва токенлар ташқи дунёга тўла боғлиқ бўлмасликка интилсалар, **Рипiple Лабс** нинг яратувчилари **ХРП** нинг курсига таъсир қилувчи факторларни қўпайтириб юборгандар. Банклар ва ушбу валютани яратувчилар бу валютада жуда катта ҳиссага эгалар ва бу **ХРП** нинг корпоратив марказлашган валюта эканлигига яққол ишора қиласди. Демак, бу ҳолатлар **ХРП** криптовалютаси бозорнинг энг асосий талабига жавоб бермаганлиги туфайли тўлақонли криптовалюта эмаслигини англатади.



График стоимости ХРП за срок за последние 3 месяца.

2018

йилдавомидабирқанчабанклар **Риппл**епротоколига ўтишни давометтириши туф айли **ХРП**нинг курси декабройигакели бирнек самарта ўсиши мумкин. Ҳозирги даврда крипто бозор пасайиш даврини бошдан кечираётгани гақарамай, **ХРП**нинг курси корпоратсияларниң габўлган катта ишончи сабабли барқарор ўсиш давометиши мумкин.

Лекин узоқмуддатли перспектива да **ХРП**нинг ўсиши гаишони шқийин.

Банклар учун курсниң тезкўти арилиши ёки тушибектиши керакемас, улар учун валюта курси барқарор бўлгани маъқул. Бундан келибчи қанхолда, **ХРП**нинг курси бирор бир катта ликкари шгани дансўнг, унинг атрофида бурабо шлайдивабуҳолат банкларга уларисталган барқа рорлик нитаъмин лабберади, дебхуло сақилиш мумкин.

## **79. ХРП криптовалютаси ни қандай қилиб соти болиша ва уни қаерда сақла шмумкин?**

**ХРП**нисоти болиши нинг бирқанча усулларимав жуд,

Масалан,

**БестЧанг**е ёрдамида **Битсоин** соти болиб,

ундансўнг бу **Битсоин**ларга ишталган биржажан


(**Полониех**,

**Бинанс**евабошқалардан) **ХРП** соти болиши мумкин. **ХРП** ни сақлаш учун эса маҳсус ҳамёнлар **Рипплех**, **ГатеХуб** ва **Ледгер** лардан фойдаланиш мумкин.

Бу ҳамёнларга токенларни ўтказиш учун аккаунт очилади ва ҳамён адресига улар ўтказилиб қўйилади.

## **80. Блокчейндан фойдаланиб телефон тармоғи ташкил қилиш мумкинми?**

Ҳа, мумкин. Масалан, Хитойнинг **Хуавеи Тачнологиес** компанияси блокчейн технологияси воситасида ишлайдиган смартфон ишлаб чиқиши режалаштирганлар. Бунинг учун **Хуавеи** Изроилнинг **Сирин Лабс** компанияси билан келишилган ҳолда **СИРИН** оператсион тизимини ишлатмоқчи. Бу тизим **Андроид** иловалари сингари блокчейн иловаларни ҳам ишга тушириш имконини бердаи. Изроил стартапи ҳам блокчейндаги смартфон яратиш устида иш олиб бормоқда.



54. Смартфон на блокчайне от СИРИН Лабс.

Буесаўзнавбатидаблокчейнтехнологияларнингоммавийистеъмолчигаянадаяк инлашишинианглатади.

## **81.Криптовалюталар ва токенларнинг Россияда ишлатилишига оид қонуний хужжатлар мавжудми?**

2018 йил март ойи охирида Россия давлат думасига “Рақамли молиявий активлар ҳақида” деб номланган қонун лойиҳаси киритилган. Унга қўра, рақамли молиявий активлар Россияда қонуний тўлов воситаси деб тан олимайди. Қонун лойиҳасининг мақсади - Россия хуқуқ майдонида рақамли молиявий технологиялар воситасида чиқарилган ёки яратилган молиявий активларнинг мақомини белгилашдир. Бундай молиявий активлар сифатида рақамли транзактсиялар реестри (блокчейнлар) тушунилади. Қонун лойиҳасида тадбиркорлар томонидан рақамли активларнинг бир тури ҳисобланган токенлар чиқариш воситасида мамлакат иқтисодиётига инвеститсиялар жалб қилишнинг қонун-қоидалари кўрсатиб қўйилган. Унда рақамли молиявий активларнинг аниқланувлари ҳам келтирилган. Асосий рақамли молиявий активлар криптовалюта ва токенлар ҳисобланаб, улар электрон смарт-контрактлар воситасида бошқариладилар. Қонун лойиҳасига мувофиқ, криптовалюта ва токенлар мулк ҳисобланади. Аммо шунинг билан бир қаторда, рақамли молиявий активлар Россия худудида қонуний тўлов воситаси сифатида тан олинмайдилар.

## **82.Блокчейн технологиясини қўллашни қандай соҳаларда амалга ошириш мумкин?**

Масалан, **ИБМ** компанияси блокчейн-технология асосида заргарлик буюмларининг ҳақиқийлигини текшириш тизими **ТrustЧайн** ни яратди. Бу тизим заргарлик буюмининг ҳомашё қазиб олинган жойидан бошлаб то бу буюм савдо тармоғига келгунига қадар бўлган йўлини назорат қилиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг логистикасини осонлаштиради ва уни барча учун очиқ-ойдин ҳолатга олиб келишга имкон беради. **ТrustЧайн** ёрдамида занжирнинг ҳар бир иштирокчиси қимматбаҳо товарнинг ҳар бир босқичдаги ҳаракатини кузатиб туриши мумкин. Маълумотларни яширишнинг эса умуман имкони йўқ, чунки блокчейндаги

барча иштирокчилар маҳсулот билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни тақсимланган реестр воситасида кўриб туриш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ювелир маҳсулотлар ишлаб чиқариш индустриясини янада очиқ ҳолатга олиб келиш учун ҳизмат қилади ва қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда контрабандани анча камайтиришга ёрдам беради. Оддий истеъмолчи эса ювелир магазинига келиб, маҳсулотнинг КР-кодини сканерлайди ва товар қаерданлигини, ишлаб чиқарилиш босқишларини ва сифатини яққол кўра олади. У заргарлик буюмининг сифатини **ТrustЧайн** га уланган мустақил компаниялар ёрдамида текшириб ҳам олиши мумкин бўлади. Ҳозирда **ТrustЧайн** тизимиға бир қанча компаниялар уланиб олган. Масалан, қимматбаҳо металлар етказиб берадиган **ЛеачГарнер** ва **Асаҳи Рефининг** компаниялари, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчи **Ричлине Гроуп** компанияси, **Хелзберг Диамондс** йирик ювелир магазини, саргарлик маҳсулотларини сифатини текшириб берадиган **УЛ Лабс** компанияси ва бошқалар **ТrustЧайн** тизимиға уланиб олганлар. Бу эса блокчейн-технологиянинг нафақат криптовалюта яратиш, балки бошқа соҳаларда ҳам ишлатилиши мумкинлигини кўрсатади.

### **83. Майнерлар ҳозигача (2018 йил) қанча биткоин ололганлар ва қачон охирги биткоин майнинг қилинади?**

2018 йил июн ойига қадар жаҳондаги барча майнерлар мумкин бўлган жами 21 миллионта биткоиндан 17 миллионига эга бўлганлар (кунига бир марта Янгиланиб турадиган **блокчайн.инфо** сайти маълумотларига кўра). Қолган 20% биткоинлар қачон ўз эгасини топади ва шундан сўнг нима бўлади? Биткоиннинг ҳар бир блоки 12,5 та Янги биткоин генератсия қилиши, ҳар бир Янги блок эса ҳар 10 дақиқада ҳосил бўлишини ҳисобга олсак, кунига 1800 та Янги биткоин ҳосил қилинишини билаб оламиз. Шундай қилиб, жами 21 миллион биткоиннинг 80% қисми ўз эгасини топган, 20% қисми эса эгаларини кутаяпти.

Биткоиннинг асосчиси Сатоши Накомото 2009 йил 1 январда тармоқнинг биринчи блокини ишга тушиганда у илк 50 та биткоин ҳосил қилган эди. Шупайтданберитармоқҳар 210 000 таблоқдан сўнг, блок учун мукофотни 50% га камайтиради. 2016 йил июлидаги энг охирги пасайишдан сўнг, блок учун мукофот 12,5 биткоинга тушди. Агар биткоиннинг протоколи ўзгармай қолса, охирги биткоин 2140 йил май ойида ўз эгасини топади.

#### **84.Ўзбекистонда криптовалюталар ва блокчейн технологиялар билан қайси ташкилот шуғулланади?**

2018 йилнинг феврал ойида пресидент Шавкат Мирзиёев Мирзо Улугбек Инновацион Маркази(**МУИС**)кошида тақсимланган реестр технологиялари бўйича ваколатли марказ ташкил этилишини маъқуллади. Республикаиздаги кўплаб оммавий ахборот воситалари буни блокчейн технологияси асосида ишловчи криптовалюталарни легаллаштиришга қаратилган сигнал сифатида қабул қилди. Лекин тақсимланган реестр (блокчейн) технологиялари бўйича ваколатли марказ криптовалюталар билан шуғулланмаслигитўғрисида Мирзо Улугбек Инновацион Сентер (**МУИС**) бош директори Фарход Ибрагимов маълум қилди. «Бундай эмас, бунга ишонманг», - дея маълум қилди жаноб Ибрагимов. Унинг фикрича, марказнинг асосий вазифалари – блокчейн технологиясини тарқатиш учун шарт-шароитларни яратиш ва бу соҳада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб қувватлашдир. У расмий равишда марказ криптовалюталарни ривожлантириш билан шуғулланмаслигини маълум қилди.

#### **85.Криптовалюталар бўйича Ўзбекистон Марказий банкининг позитсияси қандай?**

Ўзбекистон Марказий банки криптовалюталар бўйича бир неча маротаба изоҳ бериб, бундай молиявий инструментларни терроризмни молиялаштириш учун восита сифатида тавсифлади. Мазкур идора фирмига кўра, “криптовалюталардан аноним фойдаланиш имкониятлари бўлгани туфайли маблағларнинг ноқонуний айланиши ва фирибгарлик холатлари

ортади. Бу эса ўз навбатида, бир қатор мамлакатларда яширин иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиласи”. Мамлакат фуқаролариға эса криптовалюталардан умуман фойдаланмаслик тавсия этилади. Аммо, Марказий банк баёнотларида чеклов чоралари ҳақида бирорта сўз йўқ. Демак. Ўзбекистонда криптовалюта мақоми аниқланмаганлиги сабабли, уларни ишлатишга йўл қўйилмайди, аммо бу тақиқланган ҳам эмас. Демак, исталган шахс криптовалютани ўз хохишиуга кўра сотиб олиши, сотиши ва тасарруф қилиши мумкин. Аммо уни мамлакат ичидаги ишлатиш мумкин эмас, чунки у расмий мақомга эга эмас ва тўлов воситаси хисобланмайди.

## **86. Ворлд Wi-Fi платформаси ҳақида нима дея оласиз?**

Бу платформа “*Ефир*” (*Етхероум*) криптовалютаси блокчейнига асосланган. Ушбу платформани ташкил қилишдан мақсад, дунёning исталган нуқтасидаги инсонларга текин интернетдан фойдаланишга имкон беришdir. **Ворлд Wi-Fi** платформасида уч томон бўлади: интернет фойдаланувчи,роутер эгаси ва реклама берувчи. Уларнинг ҳар қайсиси ҳам тизимдан фойда олади. Уйида роутер бор бўлган ва интернетга уланган оддий инсонларни текин **Wi-Fi** ўзига жалб қила олади, чунки улар интернетга қўшимча уланиш нуқтасини ҳосил қилиб, унга бошқаларни жалб қиласидилар ва шу орқали пул ишлай оладилар. Уларга иш ҳақи **WeТoken** криптотокенларида келади ва улар бу токенларни реал пулларга ёки криптовалюталарга алмаштириб оладилар. **Ворлд Wi-Fi** лойиҳасини 2017 йил охирида Ян Сепиашвили ва Илья Яшин таклиф қилиб, унинг демоверсиясини ишга туширганлар. Тизим тўлиқ равишида 2018 йилнинг учинчи кварталида ишга тушурилиши режалаштирилган.

## **Амалий машқлар**

Криптовалюталар билан ишлаш амалиётини криптооламда жуда маълум ва машҳур бўлиб кетган биткоин криптовалютаси мисолида кўриб чиқиб, уни тавсиф этамиз. Чунки қандайдир турдаги демонстратсион амалиёт бўлмаса, бу кўпчиликка унчалик таниш бўмаган оламда ишлашни тушуниш анча

мунча мураккаброқ бўлади. Биткоин тармоғига уланган ҳар қандай фойдаланувчи унда ўзининг 34 та рақам ва символдан иборат бўлган биткоин манзилини ва унга мос бўлган 64 та рақам ва символдан иборат бўлган ёпиқ калитини генератсия қила олади. Бундай биткоин манзиллардан бири қуидада келтирилган:

**12A3rdfgDfxgJkgPe4FbzrXXTer45XXdfCf**

Ушбу манзилга мос бўган ёпиқ калит эса қуидагича бўлади:

**Kwfdg354JkJfshridg2F12A3rdfgDfxgJkgPe4FbzrXXTer45XXdfC  
Fg4KskCfgrERT176Ge4Gc**

Худди шу ёпиқ калит эгасигина юқорида кўрсатилган манзилдан биркоинларни жўната олади. Ҳар бир биткоин манзилга фақат биттагина ёпиқ калит мос келади ва улар ўта мураккаб математик формулалар орқали ўзаро боғланган. Манзилни билган холда унга мос бўлган ёпиқ калитни топиш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мумкин эмас. Биткоин тармоғининг ҳар қандай фойдаланувчиси мустақил равишида ва текинга исталган сондаги биткоин манзиллар ва ёпиқ калитларни яратиши мумкин. Мумкин бўлган манзилларни жуда ҳам кўплаб вариантлари бўлгани учун икки марта бир ҳил манзилни генератсия қилиш эҳтимоллиги деярли нолга tengdir.

Мисол учун, Равшан исмли тармоқ иштирокчиси ўз ёпиқ калити ёрдамида бу ёпиқ калитини ҳеч кимсага билдирамасдан туриб, ўзининг биткоин манзилидан исталган биткоин манзилга пуллар жўнатиши мумкин. Бунинг учун у ўз комъютерида керакли транзактсияни ҳосил қиласи ва уни ёпиқ калит билан имзолайди. Бу транзактсияни тармоқка жўнатишдан аввал Равшаннинг компьютеридаги биткоин-дастур ушбу маълумотни бир қанча математик формулалар ёрдамида қайта ишлайди ва натижада рақамли имзо деб аталадиган маҳсус кодни генератсия қиласи. Бу жараён Равшаннинг компьютери тармоқка уланмаган бўлса ҳам автоматик тарзда бажарилаверади. Рақамли имзо транзактсия ва ёпиқ калитларнинг конкрет жуфтлиги учун уникал бўлади ва у банк чекидаги

имзога ўхшаб кетади. Шундан сўнг Равshan рақамли имзони транзактсия билан биргаликда биткоин тармоқقا жўнатади. Равшаннинг рақамли имзосини олган компьютерлар унга мос бўлган ёпиқ калитни топа олмайдилар, чунки рақамли имзо яратилаётганда жуда ҳам мураккаб математик формулалар ёрдамида ҳисоб китоблар бажарилган. Аммо Равшаннинг рақамли имзоси ва унинг биткоин манзилидан фойдаланган холда рақамли имзо Равшаннинг адресига мос бўлган ёпиқ калит ёрдамида яратилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шундай қилиб, транзактсиянинг иккала томонида ҳам криптографик оператсиялар бажарилади: бир томонда рақамли имзо ҳосил қилинса, иккинчи томонда рақамли имзо текширилади. Биткоин-тармоқнинг барча тугунлари барча транзактсияларни текширишлари лозим, чунки бу ишни бажариш учун ҳеч қандай бошқа марказий органнинг ўзи мавжуд эмас. Равшаннинг ҳақиқий ёпиқ биркоин манзили борлигига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг, компьютер тизими ушбу манзилда жўнатилиш учун мўлжалланилган пуллар борми ёки йўқлигини текширади. Бунинг учун тугунлар Равшан кўрсатган манзилдаги олдинги барча биткоин-транзактсияларнинг ёзувларини сканировка қиласидилар. Биткоин тармоқнинг яратувчиси Сатоши Накамото ҳам агар тугунлар транзактсияларни улар олинган заҳоти ёзиб қўсалар, жиддий муаммолар пайдо бўлишини яхши тушунган. Чунки ҳар бир транзактсия ҳақидади маълумот бир тугунларга олдинроқ ва бошқаларига кейинроқ келгандан сўнг, ҳар бир манзилда сақланаётган биткоинлар сони бўйича тушунмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Тармоқ синхронизатсияси муаммосини ҳал қилиш учун Сатоши тармоқнинг ҳар бир тугуни иштирок этиши мумкин бўлган муғомбirona конкурс ўтказилиши ташкил этишини таклиф қилди. Конкурсда иштирок этаётган тугунлар энг сўнгги транзактсияларни блоклар деб аталадиган руйҳатларга йигадилар. Блок ҳосил қилинганидан сўнг, унга маҳсус криптографик хеш-функция **ША 256** ни қўлладилар. Бу хеш-функция исталган қийматга эга бўла олади ва

уларнинг асосида уникал 64-разрядли қийматни генератсия қилади. Конкурс иштирокчилари эса бошида бир қанча ноллар бўлган хеш-функцияли блок тузишга ҳаракат қиласидилар. Масалан, агарда конкурс шартлари бўйича бошида бешта нолли хеш-функция топиш талааб қилинса, у холда қуида келтирилган иккита хеш конкурсада ғалаба келтира олар эди:

**00000дг4ЖЖфшидг2Ф12А3рдфгДфхгЖкгРе4Ф6зрХХТер45ХХДфСФг4КскСФгЕРТ176Ге4Гс**

ва

**00000РТ4Ге4ГсҚвфдг354ЖЖфшидг2Ф12А3рдфгДфхгЖкгРе4Ф6зрХХТер45ХХДфСФг4КскС**

Хеш-функция қўлланилганидан сўнг, қайси блок керакли бўлган нолларли натижа беришини олдиндан билиш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мумкин эмас. **ША 256** ва бошқа шунга ўхшаш хеш-функциялар бир хил кириш қийматлари учун доимо бир хилдаги натижалар берадилар. Шунинг учун конкурснинг ҳар бир иштирокчиси блок охирига тасодивий сонни қўшиб қўядилар. Криптографик хеш-функциялар шундай тузилганларки, кириш маълумотларининг исталган (*исталган миқдордаги кичкина*) ўзгариши барча чиқиш маълумотларининг – натижанинг тасодифий равишда ўзгариб кетишига олиб келади. Агарда тугуннинг биринчи ҳаракати хешда керакли ноллар бўлган муваффақиятга олиб келмаса, у холда тугун блок охирига қўшилган тасодифий сонни бошқасига ўзгартиради ва блокни яна бир марта хешлаштиради. Бундай урунишлар бирор бир тугун хешлаштирилганда керакли сондаги ноллар бўлган блок топилмагунча қадар қайтарилаверади. Бундай блокни топиш тасодифиётга боғлиқ албатта, аммо блокларни бошқаларга нисбатан тезроқ хешлаштира оладиган тугунгина конкурсада ютиб чиқиш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади (*яъни кимнинг компьютери замонавийроқ бўлса ва тезроқ ишиласа, ўша конкурсада ютиб чиқади*). Бу худди лоторея ўйинига ўхшади – ким кўпроқ лоторея сотиб олса, унинг лоторея ўйинида

ютиб чиқиши эҳтимоллиги шунча юқори бўлади. Хеш бошида бўлган ва конкурсда ютиб чиқиши имконини берадиган ноллар сони блоклар орасидаги интервалга мос равишда ўзгариб туради. Агарда бу интервал қисқариб кетса, у холда биткоиннинг дастурий таъминоти конкурс шартларини автоматик равишда ўзгартиради. Яъни, керакли натижани олиш қийинлаштирилади – блокларда кўпроқ ноллар болиши талаб этилади. Агар блоклар орасидаги интервал 10 минутдан катта бўлиб кетса, у холда масаланинг мураккаблик даражаси камайтирилади.

Керакли натижани олган ва конкурсда ғолиб чиқсан тугун масала ҳал қилинганини ва масала ечилганини билдириш учун олинган блокни бошқа тугунларга жўнатади. Шундан сўнг, тугунлар ғалаба қилган блокни ундаги транзактсиялар билан биргаликда ўзларидаги блокчейн нушасига қўшиб қўядилар. Бу блок олдинги блок қўшилган вақтдан бошлаб бажарилган барча транзактсияларнинг расмий ёзуви бўлиб қолади. Агар ғалаба қилган блокда конкурснинг олдинги раундида тармоқка жўнатилган баъзи бир транзактсиялар йўқ бўлса, у холда улар кейинги раундга ўтадилар. Транзактсиялар ва тасодифий сонлар билан биргаликда блокчейнга қўшиладиган ҳар бир блок олдинги блокка иловага ва биткоин-тармоқнинг ҳолатини кўрсатадиган иловага ҳам эга бўлади. Тармоқ ҳолатини ҳал қилиш бўйича келишувга эришишнинг бу усули, ечимини топиш учун жуда кўп олимлар бош қотирган “византия генераллари масаласи” ни ҳал қишиб беради. Моҳиятан айтганда, бу амал тармоқнинг бир қанча иштирокчиларига ишониш мумкин бўмаган ҳолатда тармоқнинг ишончлилигини таъминлаш масаласини ечишdir. Тармоқнинг бир қанча иштирокчиларидан қабул қилинган блоклардан блокчейн хосил қилиш ва келишмовчиликларни қўпчилик принтсиби асосида ҳал қилиш бу муаммони ечиб беради.

Енди “Юқорида тавсиф этилган конкурсда иштирок этишидан мақсад нима?” -деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиласиз. Гап шундаки, конкурс шартларига мос бўлган керакли блокни топган тугун эгаси

(*конкрет инсон ёки инсонлар гурухы*) қандайдир миқдордаги мукофотга эга бўладилар. Бу мукофот биткоиннинг биринчи тўрт йилида 50 та биткоин тангага тенг бўлган эди. Ушбу мукофотни олиш учун конкурснинг ҳар бир иштирокчиси қайта ишланаётган транзактсиялар руйҳатига қўшимча транзактсияни қўшиб қўйиши керак бўлади. Бу билан у ўз манзилига Янги биткоинларни қўшиб қўяди. Конкрет блок конкурсада ғалаба қилганида ва у блокчейнга қўшилганида, Янги биткоин тангалари блокда кўрсатилган манзилга жўнатилади. Агарда тугун ўзига жорий вактдаги мукофотланувдан кўра кўпроқ бўлган биткоин тангаларини қўшишга ҳаракат қиласа, у холда блок бошқа тугунлар томонидан тан олинмайди. Бу иш (*ёлғонни рад қилиши*) агарда тугуннинг хеши керакли сондаги нолларга эга бўлган тақдирда ҳам амалда бўлаверади.

## *Атамалар ва уларнинг маъноси*

**Анонимлик1** - пул маблағларига аноним жиҳатдан (*егаси кўрсатилмаган холда*) эгалик қилиш ва улардан фойдаланишнинг анонимлилиги (*бунга транзактсиялар ҳам киради*)

**Анонимлилик2** – блокчейн иштирокчисининг электрон ҳамёни телефон рақамига ҳам, номга ҳам, манзилга ҳам боғлиқ бўлмайди. Унда фақатгина блокчейнда қайд қилинган ҳамён номери ва унга боғлиқ бўлган ҳамда эгаси биладиган парол бўлади ҳолос. Блокчейннинг шаффоғлигидан фойдаланган

холда трансактсиялар ҳақидаги маълумотларни кўрганда ҳамёнлар қанча биткоин олганини билиш мумкин, унинг эгасини аниқлаб бўлмайди (албатта унинг ўзи буни айтмаса). Агарда криптовалюта эгаси ҳамён номери ёки паролни йўқотиб қўйса, у холда унинг ўзи ҳам тизимга кира олмайди.

**алпари.com** – Халқаро миқёсдаги молиявий компания сайти

**Асиметрияли ахборот** – бозордаги вазиятни билдириш учун фойдаланиладиган атама. Сотувчи ва харидорнинг маҳсулот сифати ҳақидаги хабардорлиги турлича бўлади. Масалан, меҳнат бозорида ишчи ўзи ҳақида иш берувчига нисбатан кўпроқ хабардордир. Ишчи кучини ишга ёллаётган иш берувчи эса у ҳақида даставвал тўлиқ маълумотга эга бўла олмайди. Агар ахборот симметрик тарзда тарқалиши мумкин бўлганда, алоҳида бозорлар, яъни турли маҳсулотларга нисбатан сифатли ва сифатсиз товар ёки ҳизматлар бозорини ташкил этиш мумкин бўлар эди. Бозорларда эса товар ва ҳизматлар бўйича ассиметрияли ахборот мавжуд. Ассиметрияли ахборот бозорлари “лимон” бозори деб аталади. Бундай бозорларни 1970-йилда Нобел мукофоти лауреати (2001-йил) Жорж Акерлоф “Лимонлар” бозори: сифат ноаниқлиги ва бозор механизми” деб номланган ўз асарида ёритиб берган.

**Ахборот** – инсоннинг юқори фаолияти маҳсулидир. Ахборот шахсга оид, у туғилиш вақтида яратувчисининг номини ажралмас элемент сифатида саклайди. Ахборот сўзли, рақамли, визуал ва ҳарфли шаклга эга бўлади.

**Ахборот алмашуви** – маҳсулот алмашинуви ўрнига келувчи ижтимоий ўзаро ҳаракат шакли. Ахборот маҳсулотлари билан алмашув маҳсулотларнинг икки хусусияти туфайли нобозор хусусиятига эгадир. Биринчидан, харидорнинг харид қилиш вақтида ахборот мазмuni билан танишуви уни бепул сотиб олишни билдиради. Иккинчидан, сотувчи кўп марта кўп каррали ахборот маҳсулотини ўз ихтиёрига қараб фойдаланиши мумкин.

**Ахборотнинг деперсонификатсияси** – ахборотлашган маҳсулотни яратувчининг номи ва маҳсулот мазмуни бу маҳсулотнинг сабаб ва ундан келиб чиқадиган алоқани йўқотиш. Деперсонификатсия кутилмаган ва аниқ мақсадга қаратилган бўлиши мумкин, охиргисига плағиат киради.

**Ахборотлашган истеъмол** – инсоннинг юқори фаолиятига бевосита ёрдам берадиган маҳсулот ва ҳизматларнинг истеъмолидир.

**Ахборотлашган иқтисодиёт** – бужамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон (ахборот-коммуникатсия) технологияларини кенг жорий этишни қўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир. Ахборотлашган иқтисодиёт атамаси икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, ахборотлашган иқтисодиёт – буривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, ахборотлашган иқтисодиёт – буназария бўлиб, унинг ўрганиш обекти биринчи маънодаги ахборотлашган иқтисодиёт ҳисобланади. Бу ҳолда ахборотлашган иқтисодиёт ахборотлашган жамиятнинг иқтисодиёт назариясини ёки ахборотлашган иқтисодиёт назариясини ташкил қиласди.

**Ахборотлаштириши** – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

**Ҳавфсизлик** – блокчейнга мустақил равишда ҳеч ким ўзгартириш кирита олмаслиги туфайли, криптовалютани ҳам қалбакилаштириш мумкин эмас.

**Таъминланманганлик** – биткоин ва бошқа ҳар қандай криптовалюта ҳеч нима билан таъминланмаган. Унинг ортида ҳеч қандай мамлакат миллий валютаси, олтин заҳиралари ёки бошқача моддий заҳиралар турмайди. Худди шунинг учун ҳам криптовалюталар нархи ва улар курсининг тебраниши фойдаланувчилар томонидан унда бўлган қизиқиши даражасига боғлиқ ҳолос.

*Ахборотлашган маълумотлар* – абстракт рамзлар тартибга солинган тўпламдир бўлиб, у ҳарфли, сонли, визуал ва товушли бўлади, инсоннинг фаолияти ёки машина иши ёрдамида яратилади. Улар ахборот яратилишида ресурс бўлиб ҳизмат қиласиди.

*Ахборот ресурси* – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базасидир.

*Ахборотлашган ресурслар* – ўз ичига ахборотлашган маҳсулотлар ва ахборотлашган маълумотларни, яъни инсон олий фаолиятининг ресурсларини олади. Фирманинг ахборотлашган ресурсларига тегишли бўлади. Ахборотлашган маҳсулотлар бизнес-ахборот ва ишбилармон билимга бўлинади.

*Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори* – ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

*Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси* – қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳукуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

*Ахборот соҳаси* – ахборот маҳсулотлари яратиладиган иқтисод соҳалари йиғиндиси. У таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни, илм ва бошқаларни ўз ичига олади. Ахборот соҳаси ичига кирмаган соҳалар моддий соҳага қарашлидир.

*Ахборот технологияси* – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар.

*Ахборот тизими* – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жихатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

**Бизнес-модел** – бу даромадни яратиш услубини акс эттирувчи корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар тамойили ва моҳиятининг мавҳум қўринишидир. Товарларни анъанавий дўконлар орқали эмас, балки харидорларга бевосита интерфаол сотиш Янги бизнес-моделини ифода этади. Китоб дўконлари электрон китобларни воситачилар ёрдамисиз бевосита харидорларга сотиб, ушбу бизнес-моделни амалиётда қўллади. Сармоядорлар ўз битимларини юқори комиссион фоизларни ундирадиган универсал чакана брокерларга мурожаат қиласдан, бевосита Интернет орқали арzon молиявий ахборотдан фойдаланишлари мумкин. Агар бизнес-модел фақатгина Интернетга асосланган бўлса, у ҳолда уни *соф ўйинчи* дейдилар.

**Билим** – маълум қийматга эга ахборотлашган маҳсулотлар йиғиндиси. Таянч билимларга таълим муассасаларида ўргатиладиган ахборотлашган маҳсулотлар таъаллуқлидир.

**Билимларни бошқариш** – бу билимни идентификатсия қилиш, билимни бошқариш, билимни ривожлантириш ва ундан фойдаланишдир. У билимларни қандай олиш, уни тарқатиш, ўзгартериш, ундан фойдаланиш ҳамда фирма учун зарур амалий устунликларни узлуксиз топиш билан шуғулланади.

**Билимлар капитали** – бу компаниянинг билимларни эгаллаш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун сарфлаган сармоялариdir. Билимлар капиталининг муҳим таркибий қисми компаниянинг интеллектуал мулки ҳисобланади.

**Билимлар корпоратсияси** – бу билимларни рақобатбардош устунликлар учун асос бўлиб ҳизмат қилишини, унинг энг қадрли активлар сифатида муҳимлигини тан оловчи фирма.

**Блогер** – интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни

жойлаштирувчи, шу жумладан, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс.

**Бозор йўналиши**, ёки эга бўлишга йўналиш,—мақсади шахсий ривожланишда эмас, балки ташқи муҳитнингҳаёт фаолиятига бўйсундиришда бўлган “иктисодий” инсоннинг қадриятли йўналиши. Инсон “бўлиш” эмас, “ега бўлмоқ” қоидасига амал қиласи. Индустрiali жамиятда бозор йўналиши устуворлик қиласи.

**Б2Б-биржалари** – бувеб-сайт бўлиб, у ерда компаниялар умумий технологик платформадан фойдаланган ҳолда, бир-бирларининг маҳсулотларини харид қилишлари ва сотишлари мумкин. Бу биржалар яна бошқа ҳизматларни ҳам кўрсатишлари, масалан, тўлов тизими, сайтда Янгиликлар, бутловчи қисмлар ва материаллар нархларининг башорати, онлайн мунозаралар, талаб ва таклифнинг таҳлиллари ўтказилиши мумкин. Б2Б-биржалари очик (публик) ва ёпиқ (привате) бўлади.

**Виртуал жамоа** – бу ахборотлашган иқтисодиётнинг имкониятларидан фойдаланиш учун глобал даражада ишчи кучини ташкил қилишининг Янги усули бўлиб, у яширин инсоний ресурсларни коммуникатсия технологиялари ёрдамида сафарбар қиласи ҳамда вақт ва масофа яратган тўсиқларни енгади. Виртуал жамоа – бу анъанавий жамоалар чекловларини енгизнинг Янги имкониятидир.

**Виртуал корпоратсия** — бу виртуал маҳсулот, яъни ишлаб чиқарувчилар онгида, ишлаб чиқариш тизимларининг имкониятларида мавжуд бўлган ва яқин келажакда истеъмолчилар муҳтож бўладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодир фирма.

**Глобал менежмент парадигмаси** – бу жаҳон даражасидаги миллий, маданий ёки сиёсий анъаналар ва одатлардан қатъий назар, компаниялар томонидан тўлиқ ёки қисман амал қилинадиган бошқариш тизимиdir. Бу ташкил қилиш, қарорлар қабул қилиш ва асослаш каби соҳаларда ўзаро боғланган, мантиқий изчил ҳаракатлар мажмуидир. Глобал менежмент парадигмаси халқаро гиперрақобатга–замонавий иқтисодиётнинг тез ўзгариб

бораётган шароитида трансмиллий корпоратсияларнинг жадал рақобатига нисбатан акс таъсир сифатида пайдо бўлган ташкилий, оператсион ва стратегик фаолият тизими ҳисобланади.

**Глобал тармоқ** – буочиқ тизим бўлиб, унга хоҳлаган киши уланиши мумкин, фақат бунда барча учун умумий бўлган қонунларга амал қилишлозим бўлади. Глобал тармоқ шундай тузилганки, бунда мавжуд тармоқ тўрини ўзгартирмай туриб, уни кенгайтириш, ошириш мумкин. Глобал тармоқ очиқ тармоқ тизимлари ўзаро таъсириининг модели ҳисобланади.

**Давлат домен номи** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маъмурий бирликлари (вилоят, ҳокимият, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ва бошқалар) номларини ёхуд уларнинг белгиларини ёки номларини бошқача тарзда ифодалайдиган, шу жумладан, қисқартмалари ва/ёки аббревиатураларини ўз ичига оладиган домен номи.

**Домен** – номли мезон бўйича ажратилган ва уни қўллаб-қувватлаш учун жавоб берадиган, ташкилотга эгалик қилиш учун тақдим этилган Интернет тармоғининг қисми.

**Жараённи интегратсиялашган бошқарии** – бошқаришнинг тизимли усули бўлиб, унинг асосий хусусияти истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларни ягона жараёнга бирлаштиришдан иборат. Харидор қўлидаги маҳсулот ишлаб чиқариш сиклининг бир қисми деб ҳисобланади, бу эса харидорни ишлаб чиқариш жараёнига интегратсиялашувини (қўшилишини) назарда тутади.

**Захираланган домен номи** – ижтимоий фойдали ёки давлат мақсадларида фойдаланиш учун, шунингдек, юқори даража доменининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида масалан, «УЗ» домени маъмури томонидан заҳираланган домен номи.

**Инноватсия** — бу корхона ёки ташкилотнинг ижтимоий ёки иқтисодий имкониятини янги ғояларни яратиш ва қўллаш орқали мазмунан ва мақсадли ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган уринишидир.

Инноватсия мавжуд бўлган номутаносибликлар, маҳсулотлар ва жараёнларга бўлган эҳтиёжлар, бирор бир соҳада ва умуман бозордаги ўзгаришлар, демографик ўзгаришлар ва Янги билимлар натижаси бўлиши мумкин. Инноватсиялар малака, ижодий(креатив) фикрлаш ва мотиватсияни талаб этади. Инноватсияжараёнида тоялар ташкилотга қўшимча даромад келтирадиган товарларга айланади.

**Инноватсион фикрлаш** – бу муаммоларни ҳал қилишга мантиқий ва ижодий ёндашувларнинг оқилона келишувидир.

**Индивидуаллаштириш** – индивиднинг шахсий, яъни уни бошқа инсонлардан фарқ қиласиган жиҳатлари. Индивидуаллаштириш инсоннинг ижодий ривожланишини синфлар, миллий, диний ва бошқа олий таълим муассасалари ларнинг таъсиридан секин-аста озод бўлишни таҳмин қиласиди.

